Биз

ЕВГЕНИЙ ЗАМЯТИН

2021

1920-йиллар, бундан бир аср илгари тоталитар тизимларни ошкор қилган ва инсон камолоти мажбурий бахт ва шахсиятни яксон этишга йўналтирилган сунъий шаҳарчаларда эмас, балки унинг эркинлигида эканлигини олдиндан башорат қилган илк антиутопик роман.

Биз ушбу таржимани ҳурлик ва илмни эъзозлаган барча қалбларга бағишлаймиз.

Мундарижа

Кириш сўзи 7

Биз 1

Эълон. Чизиқларнинг энг доноси. Достон. 2

Балет. Квадрат уйғунлик. Икс. 5

Пиджак. Девор. Лавҳ. 14

Барометрли ёввойи. Тутқаноқ. Қани энди. 20

Квадрат. Дунё ҳукмронлари.
Ёқимли ва фойдали вазифа. 27

Ҳодиса. Лаънати тушунарли равшанлик. 24 Соат. 32

Киприк. Тейлор. Мингдевона ва Марваридгул. 42

Иррационал илдиз. R-13. Учбурчак. 49

Литургия. Ямблар ва хорей. Чўян қўл. 57

Хат. Мембрана. Пахмоқ мен. 62

...Йўқ, эплай олмайман, шундай қола қолсин, конспектсиз. 73

Чексизликнинг чегараси. Фаришта.
Шеърият тўғрисида мулоҳазалар. 80

Туман. Сен. Мутлақо бемаъни ҳодиса. 85

"Меники". Мумкин эмас. Совуқ пол. 92

Қўнғироқ. Кўзгу денгиз. Абадий ёнаман. 96

Сариқ. Икки ўлчовли шарпа. Бедаво қалб. 102

Ойна орасидан. Мен ўлдим. Даҳлизлар. 111

Мантиқий чангалзорлар. Яра ва малҳам. Қайтиб ҳеч қачон. 121

Учинчи тартибли чексиз кичик миқдор. Зимдан. Панжара бўйлаб. 128

Разряд. Ғоялар моддаси. Нолга тенг қоя. 136

Муаллифлик қарзи. Муз бўртиб чиқяпти. Энг қийин севги. 140

Карахт тўлқинлар. Ҳаммаёқ мукаммаллашяпти. Мен – микроб. 149

Гуллар. Кристаллнинг эриши. Агарда. 154

Функция чегараси. Пасха.
Ҳаммаёқни ўчириб ташлаш. 160

Осмондан тушиш. Тарихдаги энг аянчли фожиа. Маълумликнинг ниҳояси. 162

Дунё мавжуд. Тошма. 41°. 171

Ҳеч қандай конспект йўқ. Мумкин эмас. 177

Иккаласи ҳам. Энтропия ва энергия. 186

Юздаги толалар. Куртаклар.
Ғайритабиий компрессия. 197

Сўнгги сон. Галилейнинг хатоси. Яхшиси. 202

Буюк Операция. Мен ҳаммасини кечирдим. Поездлар тўқнашуви. 207

Ишонмайман. Тракторлар. Одам пайраҳаси. 218

(Конспектсиз, шоша-пиша, охирги) 227

Озод қилинганлар. Қуёшли тун. Радио-валкирия. 229

Чамбаракда. Сабзи. Қотиллик. 241

Бўм-бўш саҳифалар. Христианлар Худоси. Онам ҳақида. 251

Инфузория. Қиёмат. Унинг хонаси. 256

(Билмайман қандай конспект.
Балки, ҳаммаси бир конспект: ташланган папирос) 261

Тамом. 265

Далиллар. Қўнғироқ. Аминман. 272

Кириш сўзи

Дунёнинг биринчи антиутопик асарларидан бўлмиш Евгений Замятиннинг "*Биз*" романи ўзининг 100 йиллигини нишонлаётган бир вақтда, ўзбек тилида ҳам илк бора дунё юзини кўрмоқда.

Олдос Хаксли ўзининг *"Ажиб янги дунё"* номли асарини айнан Е.Замятиннинг *"Биз"* асаридан илҳомланиб ёзган, "*Биз*"сиз Жорж Оруэллнинг машҳур "*1984*" асари ҳам мавжуд бўлмас эди. Рэй Брэдберининг *"Фаренгейт бўйича 451 градус"* романида ҳам *"Биз"*нинг акс-садоларини пайқаш мушкул эмас.

Асар илк бор ўзбек тилида дунё юзини кўриши устида кичик жамоамиз иш олиб борди: ушбу лойиҳа турли мамлакатларда яшаб таҳсил олувчи ўзбекистонликлар томонидан амалга оширилди. Романни рус тилидан ўзбек тилига *Муштарий Мамадалиева* (https://t.me/readnroll) таржима қилди ва лойиҳа раҳбари, ҳамда суҳандон *Мадина Мусаева* (https://t.me/Madnifique) уни электрон ва аудиокитоб ҳолига келтирди. Иқтидорли ёш иллюстраторлар *Фотима ва Зуҳра Исмоиловаларнинг* иллюстрациялари асарга қўшимча руҳ бағишлайди.

Гарчи биз тилшунослик, таржима назарияси ва адабиёт йўналишлари бўйича таҳсил олган бўлсакда, профессионал китоб нашри билан шуғулланувчи мутахассислар ва муҳаррирлар эмасмиз. Таржиманинг ҳар бир сўзини, гапини ва бўлимини иккимиз биргаликда бир неча маротабалаб ўқиб чиқиб, таҳрирладик. Шундай бўлса ҳам, унда хатолар бўлиши тайин ва бунинг учун олдиндан узр сўраймиз.

Таржима танловида айнан ушбу асарга тўхталганимизнинг асосий сабаби "*Биз*" асаридек юксак

маҳорат билан ёзилган асар ҳануз ўзбек тилига таржима қилинмаганлиги эди. Таржиманинг нафақат электрон, балки аудио ҳолатда ҳам тайёрланганлигининг сабаби эса кўзи ожиз инсонлар ҳам бу дурдона асардан баҳраманд бўла олиш имкониятига эга бўлишларидир.

Бизнинг *"Биз"* бепул нотижорий мақсадда электрон тарқатилмоқда ва ундан тижорий мақсадларда фойдаланиш маън этилади. Умид қиламизки, асардан кўплаб инсонлар баҳра олишади. Асарнинг аудио версиясини https://www.youtube.com/c/Madnifique каналида ҳам тинглаш мумкин.

Евгений Замятин

Биз

Биринчи қайд
Конспект:

Эълон. Чизиқларнинг энг доноси. Достон.



Мен бугун Давлат Газетасида нима чоп этилган бўлса, сўзма-сўз ёзиб чиқяпман, холос:

"120 кундан сўнг ИНТЕГРАЛ қурилиши ўз якунига етади. Биринчи ИНТЕГРАЛ олам фазосига парвоз этиши каби тарихий ҳодиса кундан кунга яқинлашмоқда. Бундан минг йиллар олдин сизнинг мардонавор аждодларингиз бутун дунёни Ягона Давлат ҳокимияти остида бўйсундиргандилар. Сизнинг олдингизда бунданда шарафли қаҳрамонлик турибди: шишадан бўлган, электрик, оташнафас ИНТЕГРАЛ ёрдамида чексиз Борлиқни бутун қилиб бирлаштириш. Ўзга сайёраларда – балки эркинликнинг ваҳший ва ёввойи шаклида – яшовчи номаълум жониворларни файзли онг ҳукмронлиги остида бўйсундиришингиз керак. Агар улар биз математик нуқсонсиз бахт таклиф этаётганимизни англай олмасалар, уларни бахтли

бўлишга зўрлаш бизнинг бурчимиздир. Аммо биз қурол-яроғдан олдин сўзни синаб кўрамиз.

Валинеъматнинг номидан Ягона Давлатнинг барча рақамларига эълон қилинади:

Ўзини бунга лаёқатли деб ҳис қилган ҳар рақам учун Ягона Давлат гўзаллиги ва буюклиги ҳакида илмий ишлар, достонлар, мурожаатномалар ва қасидалар ёзиш мажбурийдир.

ИНТЕГРАЛга ортиладиган биринчи юк айнан юқорида айтиб ўтилган нарсалардан иборат бўлади.

Яшасин Ягона Давлат, яшасин сонлар, яшасин Валинеъмат!"

Буларни ёзар эканман, ёноқларим ёнаётганини ҳис қиляпман. Ҳа: азим Борлиқни бирлаштириш. Ҳа: ёввойи эгриликни ҳайдаб, уни уринма — яъни асимптота — текислигида тўғирлаш. Чунки Ягона Давлатнинг чизиғи тўғридир. Буюк, беназир, аниқ, доно текислик — чизиқларнинг энг доноси.

Мен, Д-503, Интегралнинг қурувчиси, — Ягона Давлатнинг оддий математикларидан бириман, холос. Менинг рақамларга ўрганган қаламим қофия ва оҳангдошликларга тўла мусиқа ёзишга ожиз. Мен фақатгина кўраётган, ўйлаётган — аниқроғи биз ўйлаётган (худди шундай: биз, ва бу "БИЗ" ёзаётган қайдларимнинг сарлавҳаси бўлсин) — нарсаларни қаламга туширишга ҳаракат қиламан. Лекин ёзаётганларим бизнинг, математик жиҳатдан нуқсонсиз бўлган Ягона Давлат ҳаётидан бир ҳосила бўлади-ку, шундай экан, улар автоматик равишда, менинг раъйимдан катъий назар, достон бўлмайдими? Бўлади – мен бунга ишонаман ва буни аниқ биламан.

Буларни ёзар эканман, ёноқларим ёнаётганини ҳис қиляпман. Эҳтимол, бу ўзида ожиз муштдай инсончанинг юрак уришларини биринчи марта ҳис қилган онанинг туйғуларига ўхшар. Бу менман ва бир вақтнинг ўзида мен эмасман. Узоқ ойлар давомида уни ўз жоним, ўз қоним билан озуқлантиришим керак, сўнгра эса оғриқ билан уни ўзимдан узиб ташлаб, Ягона Давлат оёқлари остига қўйишим керак.

Лекин мен тайёрман, худди ҳар биримиз каби, ёки деярли ҳар биримиз каби. Мен тайёрман.

Иккинчи қайд
Конспект:

Балет. Квадрат уйғунлик. Икс.



“ Баҳор. Зумрад Девор сабабли, ёввойи кўринмас даштлардан, шамол гулларнинг сариқ асал чангларини олиб келмоқда.

Бу асал чангидан лаблар қуриб кетяпти – ҳар дақиқа уларни тилинг билан намлаб туришинг зарур. Сен учратаётган барча аёлларнинг лаблари бол бўлса керак (ва, албатта, эркакларнинг ҳам). Бу мантиқий ўйлашга бироз ҳалақит беряпти.

Бироқ осмон! Кўм-кўк, ҳеч қандай булут билан булғанмаган (бемаъни, тартибсиз, жинни-кетди туртишаётган буғ уюмидан илҳомланган қадим шоирларининг дидлари нақадар бачкана бўлган экан). Мен севаман — ишончим комилки, Биз фақатгина шу каби топ-тоза, бенуқсон осмонни севамиз десам, янглишмаган бўламан. Бундай кунларда бутун дунё, Зумрадранг Девор ва қолган барча иморатларимиз қурилишида фойдаланилган, мустаҳкам ва абадий шишадан барпо этилганга ўхшайди. Бундай кунларда барча нарсаларнинг энг мовий чуқурлигини ҳис қиласан, ўша вақтгача уларнинг аллақандай номаълум, ақлбовар қилмас тенгламаларини энг одатий, кундалик нарсаларда кўрасан.

Хўш, мана масалан бу. Бугун эрталаб ИНТЕГРАЛ қурилаётган эллингда[1] эдим ва тўсатдан дастгоҳларни кўриб қолдим: кўзлари ёпиқ ва ўзини унутган ҳолда регулятор шарлари айланар; кривошиплар чарақлаб чапга ва ўнга букилар; балансир елкаларини ғурур ва ифтихор билан тебратар; искана зарб урувчи дастгоҳнинг эшитилмас мусиқасига ҳамоҳанг ўтириб турар эди. Мен, қуёшнинг нурлари бироз тушиб турган, бу ҳайбатли машина рақсининг гўзаллигини энди англаб етгандим.

Ўзимга ўзим савол берар эдим: нега кўз олдимдаги жараён бу қадар гўзал? Нега рақс бу қадар жозибадор? Жавоб: рақснинг гўзаллиги унинг эркин эмаслигида;

---

[1] Кема қуриш ёки ремонт қилиш учун мосланган иншоот

негаки унинг асл моҳияти айнан унинг эстетик жиҳатдан мутлақо тобелиги ва нуқсонсиз эрксизлигида. Агар аждодларимиз одатда улар учун муҳим бўлган онларда (диний маросимлар, ҳарбий юришларда) гина рақсга тушганликлари рост бўлса, демак эрксизлик ҳисси азалдан инсон зотига хосдир ва ҳозирги ҳаётимизда биз – фақат онгли равишда...

Жумламни кейинроқ якунлашга мажбурман: нумератор ишлаб кетди. Нигоҳимни кўтарар эканман: албатта, О-90 ни кўрдим. Ярим дақиқадан сўнг унинг ўзи бу ерда бўлади: менинг орқамдан сайрга чиқади.

Азизам О! Мен доим унинг исми жисмига мос деб ўйлардим: Оналик Меъёридан ўн сантиметр пастакроқ, шу сабабли юмалоқ йўниб шакл берилган ва пушти О – оғзи – менинг ҳар бир сўзимни “лаббай” деб кутиб олар эди. Бундан ташқари: унинг, одатда ёш болаларда учрайдиган, билакдаги думалоқ ва дўмбоқ бурмачаси ҳам бор эди.

У эллингга кирар экан, менинг қулоқларимда ҳали ҳамон маховикнинг[2] шовқини ғувилларди ва инерция туфайли мен ҳозиргина ўрнатган ва барчамизни – бизни, машиналарни, рақсни – ўз ичига қамраб олган формулам ҳақида гапни беихтиёр бошлаб кетдим.

- Қойилмақом! Шундай эмасми? - сўрадим мен.

- Ҳа, ажойиб. Баҳор, - деб, пушти лаблари билан кулиб қўйди О-90.

Ҳа, албатта, нима ҳам дейман: баҳор... У баҳор ҳақида гапиряпти. Аёллар... Мен индамадим.

[2] Салмоқли ғилдирак

Пастда. Ҳиёбонда одам тўла: бундай ҳаво бўлганда тушликдан кейинги шахсий соатимизни қўшимча сайр қилишга сарфлаймиз. Ҳар доимгидек Мусиқа Заводи ўзининг барча қувур ва мўрилари билан Ягона Давлат Маршини чаларди. Махсус ҳаворанг кийимларда, кўкракларидаги нишонларда ҳар бирининг тартиб рақами қайд этилган юзликлар, мингликлар мусиқани ҳамоҳанг тарзда чалиб, тўртталик қаторларда шаҳдам қадам ташлардилар. Мен – биз, тўрттамиз, – бу азамат оқимдаги сон саноқсиз тўлқинларнинг бириман. Чап тарафимда О-90 (агар бу сўзларни менинг сермўй аждодларимдан бири минг йиллар олдин ёзганида, эҳтимол, у О-90 ни кулгили “менинг севгилим” ибораси билан атаган бўларди); ўнг тарафимда – қандайдир менга нотаниш бўлган аёл ва эркак рақамлар.

Роҳат бахш этувчи мусаффо осмон, ҳар бир кўкрак нишонидаги кичик қуёшча, фикрлар телбаликларидан ташвишланмаган чеҳралар... Нурлар - биласизми: уларнинг барчаси қандайдир умумий, нурли, жилмаяётган матодан ташкил топган. Мис мезонлар эса: "Тра-та-та-там. Тра-та-та-там", улар қуёш нурларида жиловланаётган мис зинапоялардир ва улар ёрдамида янада тепага, бошни гангитадиган кўм-кўкликка кўтариласиз.

Худди бугун эрталаб эллингда биринчи марта юз бергани сингари, мен яна, гўё илк бор, барисини ўз кўзларим билан кўрдим: ўзгармас тўғри кўчаларни, нур таратаётган кўприк ойналарини, шаффоф уйларнинг илоҳий параллелепипед шаклини, кулранг аралаш кўк рангли сафларнинг квадрат монандлигини. Демак: гўёки бутун авлодлар эмас, фақатгина мен — айнан мен — эски Худо ва эски ҳаётни енгдим, мен ўзим буларнинг барчасини яратдим ва мен худди бир иморат кабиман,

деворлар, гумбазлар, машиналар... бўлаклари тўкилиб кетмасин деб қимирлашга ҳам қўрқаман.

Сўнгра биргина он — асрлар давонидан сакраб, мусбатдан манфийга ўтказиб қўяди. Тўсатдан бир музейдаги тасвир ёдимга келди (кескин фарқ билан ассоциация бўлса керак): уларнинг, ўша пайтдаги, йигирманчи асрдаги, жуда ҳам чипор бўлган одамлар, ғилдираклар, ҳайвонлар, дарахтлар, ранглар, қушларнинг чалкаш тўпалони. Айтадилар-ку, бу аслини олганда содир бўлган – бўлиши мумкин бўлган. Бу ҳолат менга шу қадар ҳақиқатдан йироқ, бемаъни туюлди-ки, чидамасдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордим.

Ўша заҳоти ўнг тарафдан акс садо – кулгу – эшитилди. Ўгирилиб қарадим: менга нотаниш, ажойиб оппоқ ва ўткир тишли бир аёл юзи кўзимга ташланди.

- Кечирасиз, - деди у, - худди афсоналардаги худо еттинчи кун оламни яратиб бўлгани сингари, сиз ҳам атрофни илҳом билан аланглаб кузатаётган эдингиз. Ўйлайманки, мени ҳам ўзингиз яратганингизга ишончингиз комил ва бундай ўйлашингиз менга ёқяпти...

Буларни ҳаммасини у бир марта ҳам жилмаймай, ҳаттоки, қандайдир иззат-икром билан гапирарди (балки у мен ИНТЕГРАЛнинг қурувчиси эканлигимни биларди). Аниқ билмайман – унинг кўзларида ёки қошларида – қандайдир ғалати ғашни келтирадиган икс бор эди ва мен, қанча уринмай, уни таърифлаб бера олмаяпман, унга бирор бир сонли таъриф беришга ожизман.

Мен бироз уялиб кетдим ва, эсанкираб, кулгимни тўхтатмасликка уриндим. Ўтмиш ва бугунги кун ўртасидаги ўтиб бўлмайдиган жарлик, равшан кўриниб турган фарқ эканлиги аён эди...

- Нега ўтиб бўлмайдиган экан? (Унинг тишлари бамисоли қор каби!) Жарлик ўртасида кўприк қурса бўлади-ку. Бир ўйлаб кўринг: дўмбиралар, батальонлар, ҳарбий сафлар... олдин ҳам бўлган-ку. Демак...

- Ҳа, албатта: тушунарли! - деб бақирди у (фикрларимиз ақлбовар қилмас даражада бир хил эди: у сайр давомида ёзган қайдларимни деярли сўзма-сўз қайтарди).

- Биласизми: ҳаттоки, бизнинг фикр ва ўйларимиз ҳам олдин кимларнингдур ҳаёлига келган. Негаки ҳеч биримиз "якка" эмас, балки "бутуннинг бир бўлагимиз". Барчамиз баравармиз, турдошмиз...

У:

- Ишончингиз комилми?

Икснинг ўткир қирралари мисоли чимирилган қошлар кўз олдимда эди. Фикрим нимагадир яна чалкашиб кетди. Ўнгга, чапга қарадим... ва...

Ўнг тарафимда, хипчин каби кескин, эгилувчан ва хипча бўлган I-330 (унинг рақамини зўрға кўра олдим) турар, чап тарафимда эса – унинг мутлақ тескариси, айлана ва доиралардан иборат бўлган, ёш болалар каби билагида дўмбоқ бурмачаси билан, О-90 турарди. Чеккароқда менга нотаниш бўлган S ҳарфи сингари икки ёқлама букилган бир эркак рақамни кўрдим. Тўрталамиз ҳам бир биримиздан фарқ қилардик.

Паришон нигоҳимни ўнг тарафимда турган I-330 пайқаб қолди шекилли, ҳўрсиниб:

- Ҳа... Афсуски! - деб қўйди.

Аслини олганда, бу “афсуски” жуда ҳам ўринли айтилганди. Лекин унинг овозида ёки юзида менга сал ёқмаган аллақандай ифода мавжуд эди...

Мен, менга хос бўлмаган, кескинлик билан:

- Ҳеч ҳам афсус эмас. Илм фан тинимсиз ривожланмоқда. Аминман-ки, бугун бўлмаса эллик, юз йилдан кейин...

- Ҳаттоки бурунларимиз ҳам...

- Ҳа, бурунлар, - деярли бақираётгандим мен. - Бор бўлса бўлди – ҳасад учун қандай асос бўлишининг фарқи йўқ. Менинг бурним “тугмача” каби бўлса, бошқа бировнинг бурни...

- Сизнинг бурнингиз, илгарилари “классик” дейилган, бурунлардан. Лекин қўлларингиз... Йўқ, қўлларингизни, қўлларингизни кўрсатинг-да!

Қўлларимга қарашларини жиним суймайди: тук босиб кетган, пахмоқ – қандайдир бемаъни атавизм каби. Қўлимни унга узатиб, имкон қадар сокин овозда:

- Маймунларнинг қўлидай, - дедим

У аввал қўлларимга, сўнгра эса юзимга қараб:

- Ҳа, бу жуда ҳам ажойиб ҳолат - дея, худди тарозида маҳсулот ўлчагандай, мени кўзлари билан баҳолади.

- У аллақачон мен учун ёзилган, - хурсанд пушти лаблари билан гапирди О-90.

Яхшиси у индамай турса бўларди. Бу гаплар умуман ноўрин айтилганди. Аслида, бу дилбар О-90... нима десам экан... унинг гапириш тезлиги тўғри ўлчанмаган.

Гапириш тезлиги фикрлаш тезлигидан бироз секинроқ бўлиши керак, бунинг тескариси ҳеч ҳам яхшимас.

Ҳиёбон охирида, аккумуляторли минорада, қўнғироқ жаранглаб 17 ни чаларди. Шахсий вақтимиз тамом бўлганди. I-330 S-симон эркак рақам билар кетарди. У иззат-эҳтиром бағишловчи ва бироз таниш бўлган юз соҳиби эди. Қаердадур уни учратганман – лекин ҳозир қаердалигини эслай олмаяпман.

Хайрлашар эканмиз, I-330 ҳали ҳам чимирилган қошлари билан менга жилмайиб қўйди.

- Индингга 12-аудиториумга кириб ўтинг.

Мен ҳайрон бўлиб:

- Агарда сиз айтган аудиториумга бориш учун маълум бир буйруқ олсам...

У ғалати ишонч билан:

- Оласиз, - деди.

Худди тенгламанинг номаълум қийматини топа олмаганингизда жонингиз чиққани каби, бу аёл ҳам менга ёқимсиз таъсир қиларди. Оз муддатга бўлсада, дилбар О-90 билан иккимиз ёлғиз қолганимизга жуда ҳам хурсанд эдим.

Қўл ушлашиб, у билан хиёбоннинг тўрт чизиғини биргаликда кесиб ўтдик. Хиёбон бурчагига етганимизда у – ўнгга, мен эса чапга кетишим лозим эди.

- Бугун сизнинг олдингизга келишни, пардаларни туширишни жуда ҳам хоҳлардим. Айнан бугун, ҳозир... - мовий-биллур кўзлари билан менга тикилиб, деди у.

Жиннивой. Унга нима ҳам дея олардим? У менинг олдимга кечагина келганди ва навбатдаги жинсий алоқа кунимиз фақатгина индингга бўлиши мумкин эканлигини менданда яхшироқ биларди. Бу худди фикрлашдан олдин сўзлаш сингари. Моторга учқун етказиб беришдан олдинги ҳаракат баъзида зарарли бўлгани каби.

Хайрлашиш пайтида унинг кўм-кўк, булутлар билан булғанмаган, мўъжизавор кўзларини икки марта... йўқ, аниқроғи, уч марта ўпдим.

Учинчи қайд
Конспект:

Пиджак. Девор. Лавҳ.

“ Кеча ёзганларимни кўздан кечириб, етарли даражада аниқ ва равшан ёзмаганлигимни тушундим. Яъни, албатта, ёзганларимни Биз барчамиз англай оламиз. Лекин Сизлар... Ким билсин, балки сизлар, бизнинг 900 йил аввал яшаб ўтган аждодларимиз сингари, тараққиётнинг буюк китобини фақатгина улар

ўқиган саҳифагача ўқиган ва келажакда, ИНТЕГРАЛ сизнинг олдингизга учиб борганида, менинг қайдларимни ўқиш бахтига сазовор бўладиган, илмсиз мавжудотларсиз. Балки сизлар, ҳаттоки, Соат Лавҳи, Шахсий Вақт, Оналик Меъёри, Зумрад Девор, Валинеъмат каби тушунчалар хақида бошланғич билимга ҳам эга эмассиз. Бундай эҳтимоллар ҳақида ёзар эканман, бир вақтнинг ўзида ҳам кулгим, ҳам йиғлагим келяпти. Бу худди қандайдир XX аср ёзувчиси ўз ўқувчисига "пиджак", "уй", "турмуш ўртоқ" каби нарсаларни тушунтиришига ўхшайди. Бироқ, унинг асари ёввойи инсонлар ёки мавжудотлар учун мўлжалланган бўлса, "пиджак" сўзини изоҳламай ўтиб кетишнинг имкони борми?!

Ёввойилар "пиджак"ни кўрганларида: "Бундан нима фойда бор? Ортиқча юк холос-ку" - деб ўйлаганликларига аминман. Ишончим комилки, сизга Иккиюз Йиллик Урушдан сўнг ҳеч биримиз Зумрад Девор ортига қадам босмаганлигимизни айтсам, сиз ҳам Ёввойилардек мулоҳаза қилишни бошлайсиз.

Лекин, азизларим, оз бўлсада фикр юритиш керак-ку. Бунинг фойдаси жуда ҳам катта. Барчамиз учун кундай равшан: бутун биз билган инсоният тарихи кўчманчи ҳаёт тарзидан ўтроқ ҳолатига ўтишдан иборатдир. Демак, ўтроқ ҳаёт тарзи (бизнинг ҳаётимиз) ривожланганроқ, мукаммалроқ ҳаёт тарзи (бизнинг ҳаётимиз) эканда. Инсонлар у ёқдан бу ёққа алаҳсираб юрган бўлсалар, бу фақатгина миллатлар, урушлар, савдо-сотиқ ва турли ҳил америкалар кашф этилишлари мавжуд бўлган вақтда юз берган, холос. Бунга энди эҳтиёж йўқ!

Менимча: ўтроқ ҳаёт тарзига ўрганиш осонгина ва бирданига ривожлангани йўқ. Иккиюз Йиллик Уруш натижасида барча йўллар хонавайрон бўлиб, ўт ўлан

билан ўсиб кетган пайтларда, бир бирларидан қалин чакалакзорлар билан ажратилган шаҳарларда яшаш анчагина қийин бўлган. Хўш, нима бўлибди? Инсоннинг думи узилиб тушгандан сўнг, эҳтимол, у учун атрофида ғувиллаётган пашшаларни думисиз ҳайдашни осонлик (или бирданига) билан ўрганиб олмаган бўлса керак. Дастлабки онларда, шак шубҳасиз, унга думи етишмаган. Лекин ҳозирда думингиз бўлишини тасаввур қила оласизми? Ёки: кўчада қип-яланғоч, "пиджак"сиз (балки сиз ҳали ҳам пиджакда юрибсиз) юришингизничи? Менинг ҳолатим ҳам айни шундай: Зумрад Девор билан ўралмаган шаҳарни, рақамли Лавҳларда акс эттирилмаган ҳаётни тасаввур қила олмайман.

Лавҳ... Ҳозир ҳам унинг олтин сатҳдаги қирмизи рақамлари хонам деворларидан менга ғазаб ва мулойимлик билан нигоҳ солмоқда. Беихтиёр, аждодларимиз уни Икона деб атаганликлари ёдимга тушди ва, натижада, шеър битгим келди. Эҳ, нега мен сени муносиб равишда мадҳ эта оладиган шоир эмасман, о, Ягона Давлатнинг юраги бўлган, Лавҳ?!

Биз барчамиз (балки сиз ҳам) қадимги адабиёт ёдгорликларидан бўлган буюк "Темир йўллари жадвали"ни мактабда мутолаа қилганмиз. Аммо бундай дурдона асар ҳам Лавҳга тенг кела олмайди - худди графит ва олмосни бир бири билан таққослаётгандай: иккисида ҳам С – углерод мавжуд, бироқ олмоснинг чидамлилиги, гўзаллиги ва шаффофлиги олдида графит оддий кўмирдир. "Темир йўллар жадвали"ни ўқир экансиз, юрагингиз ҳовлиқиб, асар саҳифаларини "югуриб-елиб" ўқиётганингизни пайқамай қоласиз. Бироқ, Соат Лавҳи бизларни тушимизда эмас, балки ўнгимизда буюк достоннинг олти-ғилдиракли қаҳрамонига айлантиради. Ҳар тонгда, олти-ғилдирак каби аниқлик билан, айни соатнинг айни дақиқаларида

миллионлаб сонлар, бир тану бир жон сингари, уйқудан уйғонади. Бир хил вақтда барчамиз – миллионлаб сонлар – ишни бошлаймиз, бир хил вақтда уни тугатамиз. Миллионлаб қўлларга эга бўлган ягона бир тана сингари, Лавҳ томонидан ўрнатилган сонияларда барчамиз баравар овқатланамиз, сайр қиламиз, аудиториумга ёки Тейлор машқлари бажариладиган залга борамиз ва уйқуга кетамиз.

Сизлар билан имкон қадар ростгўй бўлмоқчиман: биз ҳам ҳали ҳануз бахт жумбоғи учун аниқ жавобга эга эмасмиз: кунига икки марта - 16:00 дан 17:00 гача ва 21:00 дан 22:00 гача қудратли яхлит организм алоҳида ҳужайраларга бўлиниб кетади: ушбу жараён Соат Лавҳи томонидан ўрнатилган шахсий вақтимизда ўз аксини топади. Юқорида таъкидлаб ўтилган вақт давомида сиз турли хил ишлар гувоҳи бўла оласиз: кимнингдир хонасида пардалар туширилган, кимдир Марш ўтказиладиган жойдаги мисли зинапоялар бўйлаб хиёбон томон сайрга чиққан, кимдир эса мен каби ёзув столи устида бир нималарни қайд этиш билан машғул. Хоҳласангиз, мени ҳаёлпараст идеалист деб атанг, лекин кун келиб ушбу соатлар ҳам умумий формулада ўз ўрнига эга бўлади; кечми эртами 86 400 сония ҳам Соат Лавҳи таркибига киритилади.

Уюшмаган, ёввойи ҳолатда, худди ибтидоий тўда сингари, ҳаёт кечирган инсонлар жамияти, замони ҳақида кўплаб ажойиб ва ғайриоддий маълумотлар қулоғимга чалинган. Лекин ўша пайтдаги Давлат ҳукумати (муртак ҳолатда бўлса ҳам) аҳолиси Лавҳсиз, шахсий вақтсиз, мажбурий сайрларсиз, аниқ ўрнатилган овқат вақтларисиз яшаганликлари ва ўзлари хоҳлаган пайтларида уйқудан туриб, уйқуга кетганликлари мен учун энг ақлбовар қилмас нарса эди. Айрим тарихшунос олимларнинг таъкидлашича, ўша замонларда кўчаларда

чироқлар туни билан ёқиқ қолар ва, ҳаттоки, машиналар уёқдан-буёққа тўхтовсиз қатнарди экан.

Мана шуларни фаҳмлай, англай олмайман. Қанчалар калтафаҳм бўлмасинлар, улар кечираётган ҳаёт тарзи кундан кунга аста-секин ҳаётларидан маҳрум қилувчи ўлимнинг ўзи эканлигини англашлари керак эди-ку! Ҳукумат (инсонпарварлик) бир инсонни ўлдиришни тақиқлар, лекин миллионлаб инсонларнинг ярмини қириб ташлашга йўл очиб берарди. Бир инсонни ўлдириб, айтайлик, бутун инсоният ҳаётининг йиғиндисидаги йилларни 50 йилга қисқартириш бу жиноят, лекин 50 миллион йилга қисқартириш – жиноят эмас. Кулгили эмасми?! Бизнинг жамиятимизда бу математик-ахлоқий масалани ҳар қандай 10 ёшли сондан сўрасангиз сонияларда ечиб беради. Уларнинг, аждодларимизнинг, барча Кантлари[3] биргаликда ҳам бу масаланинг ечимини топа олмайди. Кантларнинг ҳеч бири айириш, қўшиш, бўлиш, кўпайтиришга асосланган илмий аҳлоқ-одоб тизимини туза олмаган.

Ҳукумат (яна улар ўзларини ҳукумат деб аташга журъат қилишган) инсонларнинг жинсий ҳаётини мутлақ эркин ҳолатда қўйиши бемаъни, тутуруқсиз ҳаракат эмасми?! Ким, қаерда ва исталган миқдорда... Мутлақо онгсиз, худди ҳайвонлар каби ва, ҳайвонлар сингари, кўр-кўрона, болаларни дунёга келтирардилар. Боғбончилик, паррандачилик, балиқчилик касбларини эгаллаб (бу тўғрисида бизда аниқ маълумотлар мавжуд), ушбу мантиқий зинапоянинг сўнгги пиллапояси бўлган “болачилик”ни ўзлаштирмаслик кулгили эмасми?! Бизда мавжуд бўлган Оналик ва Оталик меъёрлари қандай уларнинг ақлларига келмаслиги мумкин?!

[3] Машҳур немис файласуфи Иммануил Кантнинг номи яшаб ўтган барча буюк файласуфларга “ҳавола” сифатида кўрсатилган

Ёзганларим жуда ҳам кулгили, жуда ҳам ҳақиқатга зид: башарти сиз, нотаниш ўқувчим, мени бир баджаҳл ва қаҳрли масхарабоз сифатида тасаввур қиласиз деган қўрқувдаман. Ким билсин, балки мен сизни шунчаки мазах қилмоқчи бўлганимни ва юзимда жиддий ифода билан сизга сафсата айтиб бераётганлигимни тушунарсиз.

Биринчидан: мен ҳазиллашишга қодир эмасман, чунки ҳар бир ҳазилга сезилмас тарзда ёлғон аралашган бўлади; иккинчидан: Ягона Давлат Илми тасдиқлашича, азал одамларининг ҳаётлари айни шундай бўлган, ваҳоланки, Ягона Давлат Илми ҳеч замон адашмайди. Инсонлар эркин, яъни ҳайвонлар, маймунлар, тўдалар сингари ҳаёт кечирган бир вақтда, ҳукуматда мантиқ қаердан ҳам пайдо бўлсин?! Ҳатто бизнинг давримизда ҳам гоҳида узоқлардан ёввойи, маймунларга хос бўлган акс-садо эшитилса, улардан ҳукуматдаги мантиқни талаб қилиш, менинг фикримча, ноўрин.

Бахтимизга, бу фақатгина онда-сонда рўй беради. Бахтимизга, улар бутун улкан Машинанинг ҳаракатига тўсқинлик қила олмайдиган, кичик қисмларнинг носозликларидан иборат. Бахтимизга, ишдан чиққан болтни ирғитиб юбориш учун Валинеъматнинг моҳир қўллари ва Қўриқловчиларнинг тажрибали кўзлари мавжуд.

Ҳа, айтганча, эсладим: кеча учратган, икки марта букилган, S-шаклидаги эркак рақамни Қўриқловчилар Бюросидан чиққанини кўргандайман. Нима сабабдан унга нисбатан менда ўз-ўзидан иззат-эҳтиром ҳисси пайдо бўлганлигини энди англаб етмоқдаман ва ўша куни унинг олдида бу ғалати I-330...

Тан олишим керак, бу I-330…

Қўнғироқлар чаляпти: соат 22:30. Ухлаш керак. Эртагача.

ТЎРТИНЧИ ҚАЙД
КОНСПЕКТ:

Барометрли[4] ёввойи. Тутқаноқ. Қани энди.

“Бу онга қадар ҳаётдаги барча нарсалар мен учун кун каби равшан эди (демак, “равшан” сўзини бекордан бунча кўп ишлатмайман экан). Бугун эса... Англай олмаяпман.

[4] Атмосфера босимини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб

Биринчидан: худди I-330 айтгани каби, 112 аудиториумга боришим ҳақида буйруқ олдим. Бундай буйруқ олиш эҳтимоли:

$$1500 \div 10\,000\,000 = 3 \div 2000$$

га тенг эди. (1500 – аудиторуимларнинг умумий сони, 10 000 000 – барча сонлар миқдори).

Иккинчидан эса... Яхшиси, барчасини сизларга тартиб билан айтиб бераман.

Аудиториум. Шиша идишлардан ташкил топган, ич-ичига қуёш нурлари сингиб кетган, баҳайбат яримпалла. Силлиқ қилиб қиртишланган (дум)-думалоқ бошларнинг доирасимон сафи. Юрагимни бироз ҳовучлаб атрофга кўз югуртирдим. Менимча, мовий униформалар тўлқинида пушти ўроқ – дилбар О-90 нинг лаблари – ялт этиб кўриниб қолишини излагандим. Ана кимнингдур ақлбовар қилмас даражадаги оқ ва ўткир тишлари... Худди... Йўқ, адашдим. Бугун кечки пайт соат 21:00 да О-90 менинг олдимга келади. Уни кўришга бўлган хоҳишим тамомила табиий ҳол эди.

Ана қўнғироқ чаляпти. Барчамиз туриб, Ягона Давлатнинг мадҳиясини баралла куйладик.

- Ҳурматли рақамлар! Тунов кун археологларимиз йигирманчи асрга оид бир китобни ердан қазиб олдилар. У китоб муаллифи истеҳзо билан бир ёввойи инсон ва барометр ҳақида ёзган. Ёввойи бирдан пайқаб қолди: ҳар сафар барометр кўрсаткичи “ёмғир”да тўхтаб қолса, ҳақиқатдан ҳам ёмғир ёғарди. Ёввойи ҳар сафар ёмғир ёғишини хоҳлаганида барометрда “ёмғир” кўрсатгичи учунгина етарли миқдорда симобни қолдирарди.

(Экранда барометрда кавланаётган ёввойининг расми кўрсатилди: барча сонлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар).

Барчангиз Ёввойининг устидан куляпсизлар: бироқ мазах қилишга ўша даврнинг европаликлари лойиқроқ эмасми?! Худди ёввойи сингари, европалик ҳам ёмғир ёғишини хоҳларди. Лекин у иродасиз руҳи тушган ҳолда барометр олдида қотиб тураверарди. Ёввойида эса, ҳеч бўлмаса, етарли даражада ирода ва жасурлик бор бўлган, ва, ёввойиларнинг мантиғига кўра бўлса ҳам, у оқибат ва сабаб ўртасида боғлиқлик ўрната олганди. У симобни кавлаб олиб ташлар экан, буюк йўлга биринчи қадам қўйиш бахтига сазовор бўлди…

Шу он (қайтариб ўтаман: ҳеч нимани беркитмай, борича ёзяпман), шу он радиокарнайнинг ҳаёт баҳш этувчи овозлари менга гўёки умуман таъсир қилмай қўйди. Бирдан бу ерга келганим мен учун беҳуда ишдай туюла бошлади (Нега беҳуда? Ахир, буйруқ берилгандан кейин келмай бўлармиди?!). Фонолектор асосий мавзуга, яъни яқинда ихтиро қилинган мусиқаметр ва математик мусиқий асар (математика – сабаб, мусиқа – натижа), ўтгандагина эътиборимни базўр унинг сўзларига қарата олдим.

- ... Ушбу дастани, ким бўлишидан қатъий назар, айлантирсангиз, соатига учта сонатагача яратишингиз мумкин. Сизнинг аждодларингиз бундай натижаларга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилганлар. Улар фақатгина, тутқаноқнинг ноаниқ кўринишларидан бири бўлмиш “илҳом” ҳолатига тушганларидагина санъат асари яратишга қодир бўлган. Қаршингизда

аждодларингиз орасида машҳур бўлган Скрябиннинг[5] мусиқаси. Бу қора қутини...

(саҳна пардалари очилди ва у ерда қадимий мусиқий асбоб турарди)

... бу қутини улар “рояль”, яъни “шоҳона” деб аташган. Шунинг ўзи ҳам уларнинг мусиқаси қай даражада...

Уёғи яна эсимда йўқ. Бунинг сабаби... Майли, гапни кўп айлантирмасдан айта қолай: ўша пайт рояль олдига I-330 келганди. Балки унинг саҳнада беҳосдан пайдо бўлиши мени ҳайратга солгандир.

У қадим замонга оид қандайдир ажойиб либосда эди: қоматга ёпишиб турган қора кўйлак, очиқ елкалари ва кўкракларининг оқлиги... ва кўзни қамаштирувчи баджаҳл тишлар...

Кулгуси гўё тишлаб оладигандай. I-330 ўтириб мусиқа чала бошлади. Ўзларининг ҳаётига ўхшаб ёввойи, ола-чипор ва мувозанатсиз – онгли ғайриихтиёрликдан асар ҳам йўқ. Албатта, атрофимдагиларнинг барчаси қаҳ-қаҳ отиб кулишяпти. Фақат баъзиларгина... лекин нега мен ҳам – мен ҳам?

Ҳа, тутқаноқ бу – руҳий касаллик, бу оғриқ. Аста-секин таъсир қилувчи ёқимли оғриқ – гўё санчилади – ва қанчалик чуқурлашса, шунчалик дардли. Ваниҳоят, аста-секин офтоб кўринди. Бизнинг кўкимтир биллур, ойналар аро сизиб чиқувчи текис офтоб эмас. Асло. Ёввойи, шиддат билан отилиб кириб, борлиқни жизғаноқ қилувчи ёввойи қуёш. Олдимда ўтирган бир кимса чап тарафга – менга қараб ҳиринглади. Негадир ўша он

[5] 1871-1915-йилларда яшаб ўтган машҳур рус созанда ва бастакори А.Н.Скрябин

хотирамга муҳрланиб қолди: оғзининг чеккасида сўлакдан бўлган жуда ҳам кичик пуфак, унинг кулгусидан сўнг, ёрилди. Айнан шу пуфакча мени қайта ҳушимга келтирди. Мен — яна менман.

Барча рақамлар сингари мен ҳам яна торларнинг бесўнақай, беҳаловат тарақ-туруқинигина эшита бошладим. Жилмаярдим. Ўзимни енгил ҳис қила бошладим. Иқтидорли фонолектор бизга ўша ёввойи даврни ошиқча даражада жонли тасвирлаб берганди холос. Бор гап шу.

Ундан сўнг ўзимизнинг замонавий мусиқамизни қандай роҳат билан тинглаганимни тасаввур ҳам қила олмайсиз. (Лекция охирида икки замон мусиқаларини ўзаро таққослаш учун бизнинг мусиқани ҳам чалишганди). Сон саноқсиз сафларнинг биллур хроматик зинапояларининг тинимсиз ҳаракати; Тейлор[6], Маклорен формулаларининг аккордларда жамланиши; Пифагор иштонларининг[7] тонна-тонна квадратсимон юришлари; сўнаётган тебранувчи ҳаракатларнинг ғамгин мусиқаси; фраунгоферов чизиқларининг тўхтамларида алмашаётган мусиқанинг ёрқин вазн бирликлари... Қандай маҳобат! Қандай қўзғалмас қонуният! Аждодларимизнинг ёввойи ҳаёлдан ташқари бошқа ҳеч нарса билан чекланмаган мусиқаси унинг олдида нақадар ожиз, нақадар рўдапо!

Ҳар доимгидек, тўртта-тўрттадан сафларда барча рақамлар аудиториумни кенг эшиклардан тарк этардилар. Олдимда икки ёқлама букилган таниш қомат ялт этди. Мен ҳурмат билан таъзим қилиб қўйдим.

[6] Дифференциал ҳисоблашнинг бир қатор теоремаларини исботлашда фойдаланиладиган формулалар
[7] Геометрик термин – Pythagorean Theorem ёки Пифагоровы Штаны

Бир соатдан сўнг дилбар О-90 келиши керак. Шу сабабли бироз ҳаяжондаман. Лекин бу ёқимли ва самарали ҳаяжон. Уйда, тўғрироғи, ишхонада навбатчига пушти чиптамни кўрсатиб, пардага эга бўлиш ҳаққига руҳсат олдим. Бу ҳуқуқимиз фақат жинсий алоқа кунлари учун кучга эга. Одатда эса, доимо қуёш нурлари ва бошқаларнинг нигоҳлари остида ўзимизнинг шаффоф пардалар билан яшаймиз. Улар гўё ялтираётган ҳаводан тўқилгандек. Зеро, бир-биримиздан яширадиган нарсамиз йўқ. Бундан ташқари, бундай пардалар Қўриқловчиларнинг буюк ва оғир ишини оз бўлсада енгиллаштиради. Йўқса нималар содир бўлмайди дейсиз! Эҳтимол, аждодларимизнинг айнан ўша ғалати ва ёпиқ кулбалари уларнинг аянчли ҳужайравий психологияси пайдо бўлишига сабаб бўлган. "Менинг (sic!) уйим - менинг қалъам" - тавба, шундай бемаъни гап ҳам бўладими!

21:00 да пардаларни ёпдим ва ўша пайт, бироз ҳансираб, О-90 келиб қолди. У менга пушти лаблари ва пушти чиптасини "узатарди". Чиптани йиртиб ташладим ва сўнгги сониялар, яъни 22:15 гача, ўзимни унинг пушти лабларидан уза олмасдим.

Сўнгра, унга ўзимнинг "қайдларимни" кўрсатдим ва яна квадрат, куб ва текис чизиқ гўзаллиги ҳақида гапирган бўлсам керак. У, кўзларини мендан уза олмай, пушти ранг каби мафтункор бўлиб, сўзларимни диққат билан тингларди. Тўсатдан мовий кўзлари намланиб, нақ очиқ турган қайдларим устига (7-бет) бирин-кетин томчи-томчи кўз ёшлари тома бошлади. Сиёҳ ёйилиб кетди. Ана холос, қайтадан ёзиб чиқишга тўғри келади энди.

- Азизим D-503, қани энди сиз, қани энди...

Яна шу эски гапми "қани энди"? Нима "қани энди"? Яна ўша эски гап: фарзанд. Ёки ҳалиги... ҳалиги тўғрисида бирор бир янгиликмикин? Лекин... бу тўғрисида... Йўқ, бўлиши мумкин эмас.



Бешинчи қайд
Конспект:

Квадрат. Дунё ҳукмронлари. Ёқимли ва фойдали вазифа.

“Яна кўнглимдагидек эмас. Сиз билан, менинг нотаниш ўқувчим, яна гўё сиз... айтайлик, лаблари қора танлиларники сингари катта бўлган эски шоир дўстим R-13 билан гаплашгандек гаплашяпман. Балки сиз Ойда, Венерада, Меркурийдадирсиз. Ким билсин.

Биласизми нима: бир квадратни, жонли гўзал квадратни, тасаввур қилинг. У сизга ўзи ва ҳаёти ҳақида айтиб бериши керак. Квадрат сизга ҳеч қачон унинг тўрт бурчаги тенглиги ҳақида айтиб бермаган бўларди, чунки бу у учун шу қадар одатий, кундалик ҳолатга айланган-ки, у бунга эътибор ҳам бермай қўйган. Энди мени тушуняпсизми? Мен ҳам худди шу квадрат ҳолатидаман. Масалан, пушти чипта ва улар билан боғлиқ барча нарсалар: мен учун улар – квадратнинг барча бурчаклари тенглигидек. Эҳтимол, сиз учун бу Ньютон биномидан ҳам тушунарсизроқдир.

Хуллас. Қадим донишмандларидан бири тасодифан бир ақлли гапни айтган экан: “Севги ва очлик дунёни бошқаради”. Ergo[8]: демак, дунёни қўлга олиш учун, инсон дунё ҳукмдорларини ўзига бўйсундириши керак. Бизнинг аждодларимиз ўзларининг оғир машаққатлари ёрдамида, ниҳоят, Очликни эговлаган эдилар: машаққатлар дер эканман, мен Буюк Иккиюз Йиллик Уруш ҳақида гапиряпман. Балки, ёввойи христианлар диний хурофотлари сабабли ўзларининг "нон"ларига қаттиқ ўжарлик билан ёпишиб олгандирлар. Ягона

[8] Лотин тилидан олинган сўз бўлиб, “бинобарин” маъносига эга

Давлатга асос солинишидан 35 йил олдин биз ҳозир истеъмол қилаётган, нефтдан бўлган овқатимиз ихтиро қилинган. Ер аҳолисининг фақатгина 0,2%и тирик қолган бўлса ҳам. Аммо, минг йиллик аҳлатдан қутилган Ерюзи қай даражада нур таратаётганлигига қаранг. Бироқ, ўша тирик қолган ўндан икки қисм Ягона Давлатнинг қасрларида роҳат ва фароғатда яшаяпти.

Ахир, ҳаммамизга аён-ку, бахт деб аталмиш касрнинг сурат ва махражи бу роҳат ва ҳасаддир. Ҳаётингизда ҳасад учун ҳануз бирор сабаб қолган бўлса, Буюк Иккиюз Йиллик Уруш қурбонликларидан қандай маъно?! Тугмача ва классик шаклдаги бурунлар бор экан, ҳасад учун баҳонага ҳам ўрин бор (сайрга чиққанимиздаги тортишувимиз сабаби). Кимнингдур севгиси учун минглаб инсонлар ўзларини қурбон қилар экан, кимдур эса ҳеч кимга керак эмас экан, ҳасад учун ҳамиша сабаб топилади. Очликни (алгебраик = ташқи эзгулик йиғиндиси) қўлга олгандан кейин, Ягона Давлат дунёнинг иккинчи ҳукмрони бўлган Севгини забт этиш учун ҳаракатлар бошлаганлиги турган гап. Ваниҳоят, бу офат ҳам енгилди, аниқроғи ташкиллаштирилди, математик формулага айлантирилди ва 300 йилча олдин Ягона Давлатнинг тарихий “Lex sexualis”, яъни “Жинсий алоқа қонунлари”, эълон қилинди. Унга кўра ҳар бир рақам – худди жинсий молга ўхшаб – хоҳлаган рақамига “эга бўлиш” ҳуқуқига эга.

Қолгани эса оддий техника. Сизни Жинсий Бюро лабораторияларида синчиклаб ўрганиб чиқадилар, қонингиздаги жинсий гормонлар миқдорини аниқлайдилар. Шу маълумотларга таяниб, Бюро ишчилари сизга мос келадиган “Жинсий алоқа кунлар рўйҳати”ни тузадилар. Сўнгра сиз бу кунлар давомида қайси рақамдан фойдаланишни истаётганингиз ҳақида уларга маълумот берасиз ва тегишли билетлар

китобчасини (пушти) қўлга киритасиз. Шу холос. Қийин жойи йўқ.

Тушунарли: ҳасад учун ҳеч қандай сабаб қолмади, бахт касрининг махражи нолга тенглаштирилди – каср серҳашам чексизликка айлантирилди. Қадимги инсонлар учун сон-саноқсиз аҳмоқона фожиаларнинг сабабчиси бўлган нарса, бизнинг жамиятимизда, худди уйқу, жисмоний меҳнат, овқатланиш, бавл қилиш ва шу кабилар сингари, ёқимли ва фойдали вазифага айлантирилган. Ана кўриб қўйинг мантиқнинг кучи нималарга қодир эканлигини! У дуч келган барча нарсаларни поклайди. Эҳ, қани энди сизлар ҳам, нотаниш кимсалар, бу илоҳий кучни танисангиз. Қани энди сиз ҳам унинг ортидан охиригача эргашсангиз.

...Ғалати, бугун инсоният тарихининг юксак чўққилари ҳақида ёзиб, гўё тоғ ҳавосидан нафас олган бўлишимга қарамай, кўнглим негадир “булутли”, ўргимчак ислари остида қолган тўрт-панжали иксдай. Ёки бу менинг панжаларим-ми? Ҳа, албатта, менинг пахмоқ панжаларим. Мен қўлларим ҳақида гапиришни ёқтирмайман – мен уларни умуман ёқтирмайман: улар мен учун мисоли ёввойи даврдан қолган излар. Наҳотки, менда ҳамон…

Юқорида ёзганларимни ўчириб ташлагим келди, чунки мен конспект чегараларидан чиқиб кетаётган эдим. Лекин сўнгра қандай бўлса шундайлигича қолдиришга қарор қилдим. Майли менинг қайдларим, худди ингичка сейсмограф[9] каби, ақлингиздаги энг сезилмас қимирлашларни ҳам қоғозга тушуриб кетсин, чунки баъзида айнан шу қимирлашлар аломат бўлиб хизмат қилади…

---

[9] Ер қимирлашини автоматик равишда қайд қилувчи асбоб

Мана бу энди соф бемаънилик бўлди. Бу гапларни ўчириб ташласам яхши бўлар эди. Бизнинг жамиятда барча табиий офатлар ўз изига туширилган, бирон бир ҳалокат юз бериши имконсиз.

Қалбим тубидаги ғалати ҳиснинг қўзғатувчисини топгандайман: барчасига сабабчи, мен сизга бошида айтиб берган, квадрат ҳолатимдир. Йўқ, менда ҳеч қандай икс қолгани йўқ. Аксинча, сизда, менинг қадрли ўқувчим, икс қолиб кетиши мумкин деб ҳавотирдаман. Лекин умид қиламан-ки, мени қаттиқ мазаммат қилмайсизлар. Қайдларимни ёзишда қай даражада қийналаётганимни тушунасиз деган умиддаман. Ахир, инсоният тарихидаги ҳеч қайси ёзувчи ўтмишдаги ёввойи аждодлари учун асар ёзмаган. Барча ёзувчилар ё ўз замондошлари, ё келажакдаги янги авлод учун ижод қилади..

Олтинчи қайд
Конспект:

Ҳодиса. Лаънати тушунарли равшанлик. 24 Соат.

“Қайтараман: мен ҳеч нимани беркитмай ёзишни ўз зиммамга олганман. Шунинг учун, ачинарли бўлса ҳам, ҳаётнинг қотиши, кристаллашиши, ҳаттоки биздек ривожланган жамиятда ҳам, ўз ниҳоясига етмаганлигини шу ерда айтиб ўтишим керак. Мукаммалик сари яна бир неча босқич қолган. Мукаммаллик (аниқ-ки) ҳеч нарса содир бўлмайдиган макондир, бизда эса… Масалан эътиборингизни бунга қаратинг: бугун Давлат Газетасида Куба майдонида Адолат байрами бўлиб ўтиши ҳақида бир мақола ўқидим. Менимча, қайсидир рақам яна буюк Давлат машинасини ишдан чиқарган бўлса керак. Яна кутилмаган ҳодиса, яна ҳисоблаб бўлмайдиган ҳолат.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, менга ҳам нимадур бўляпти. Асли, бу кутилмаган ҳолат Шахсий вақт давомида, яъни бу каби ҳодисалар учун махсус ажратилган вақт давомида, юз берди, лекин...

Соат 16:00 атрофида (аникроғи 15:50 да) уйда эдим. Тўсатдан телефон жиринглади.

- D-503? - деди аёл овози.

- Ҳа, - жавоб бердим мен.

- Бўшмисиз?

- Ҳа.

- Бу мен I-330. Мен ҳозир сизни олгани учиб ўтаман ва иккимиз Қадимий Уйга борамиз. Бўладими?

I-330... Шу I-330 мени роса асабийлаштиради, ғашимга тегади - сал кам қўрқитади десам ҳам бўлади. Лекин айнан шу сабабли мен “Ҳа” дедим.

5 дақиқадан сўнг биз аэрода эдик. Майолика[10] каби доғсиз мусаффо осмон ва олтин Қуёш бизнинг ортимиздан қувиб борар эди. Лекин олдинроқда бемаъни, дўмбоқ булут, қадимий “Купидоннинг[11]” ёноқлари сингари, оқариб турибди. Олд ойна бироз очиқ, кираётган шамолдан лаблар яна қуриқшаб кетяпти. Беихтиёр уларни намлаб туришинг керак ва, натижада, тинмай лаблар ҳақида ўйлашга мажбурсан.

Мана узоқдан, Буюк Девор ортидан, яшил доғлар ҳира-ҳира кўрина бошлади. Сўнгра юрагим енгил ҳавотирлангандай бўлди: баланд тоғдан югуриб тушгандай – тезлик билан пастга, пастга, пастга – ва биз Қадимий Уйга ҳам етиб келдик. Бу ғалати, нимжон иншоот бамисоли шиша пўст билан ўралган: акс ҳолда, у аллақачон қулаб тушган бўларди. Шиша эшик олдида, юзи ажинларга тўлган, лаблари бурмайган, оғзи деярли кўринмай кетган бир кампир турарди. Унинг гапириш эҳтимоли деярли йўқ эди, аммо бироздан сўнг у:

- Ҳа, азизларим, менинг уйимни зиёрат қилгани келдингларми? - деди у ва унинг юзидаги ажинлар нур таратишни бошлади (яъни унинг ажинлари нурсимон йиғилиб қолди ва шу сабабли нур таратаётганга ўхшади шекилли).

- Ҳа, бувижон, яна уйингизни кўргимиз келиб кетди, - деб жавоб берди I-330.

---

[10] Сирланган сопол идиш
[11] Юнон мифологиясида ёш болакай сифатида тасвирланган севги худоси

Бу гаплардан сўнг бувининг ажинлари ўзидан нур таратишни бошлади:

- Қуёшни қаранг! У биздан нима хоҳлайди экан, а? Аҳ, зумраша! Биламан, биламан. Ўзингиз бораверинглар, мен яхшиси қуёшда тобланиб ўтириб тураман…

Ҳм… Афтидан, менинг ҳамроҳим буерда доимий меҳмонга ўхшайди. Бир нарса менга худди ҳалал бераётгандек ва у нарсани устимдан қоқиб ташлагим келяпти, аммо у нима эканлигини била олмаяпман. Балки у ҳаворанг текис майолика тимсолидаги булутдир.

Қоронғуликда кенг зинапоядан чиқар эканмиз, I-330:

- Бувижонни жуда ҳам яхши кўраманда, - деди.

- Нега?

- Билмайман. Балки… Оғзи учундир. Балки… Ҳеч қандай сабабсиз. Шунчаки.

Мен унга ҳайрон қараб қўйдим. У мийиғида кулиб (балки кулмаётганди), гапиришда давом этди:

- Мен ўзимни жуда ҳам айбдор ҳис қиламан. “Шунчаки-севги” эмас, балки “сабабли-севги” бўлиши кераклиги аниқ. Барча унсурлар мавжуд бўлиши керак.

- Тушунарли, - деб юбордим беҳосдан ва, I-330 валдирашимни эшитиб қолмадимикин деб, унга нигоҳ ташладим.

У узоқларга тикилиб турарди, кўзлари эса, худди пардалар сингари, тушурилган эди.

Ўша пайт ҳаёлимга кечки пайт, тахминан соат 22:00 ларда хиёбон бўйича сайр қилиб, ёритилган кўчаларнинг

орасида пардалар билан тўсилган қоронғи уйчаларни учратганим эсимга тушди. Ўша қоронғуликларнинг орқа тарафида нима бор экан? Унинг ёпиқ кўзларининг орқасида нималар яширинган экан? Нега у бугун менга қўнғироқ қилди? Буларнинг ҳаммаси нега содир бўляпти?

Оғир темирдан бўлган эшикни ғичирлатиб очдим ва биз тартибсиз зим-зиё бир жойга кирдик (улар бу ерни “квартира” деб атайди экан). Рўпарамда ўша ғалати, “шоҳона” мусиқий асбоб турарди. Хоналарда ўша пайтдаги ёввойи, чипори ва тартибсиз мусиқа каби ранглардаги буюмларни топсангиз бўларди. Шип оппоқ рангда; деворлар кўм-кўк рангга бўялган; қизил, яшил, сариқ рангдаги китоб муқовалари; Будда ҳайкали; сариқ бронзадан ясалган шамдонлар; бесўнақай шаклдаги уй жиҳозлари.

Бу “квартира”даги тартибсизликка базўр чидаб турардим. Аммо менинг ҳамроҳимнинг иродаси, чамаси, меникидан анча кучлироқ эди.

- Бу менинг энг ёқтирган… - у бирдан, жилмайиб, қор каби оппоқ тишларини кўрсатиб, хатосини пайқагандай бўлди ва, - …аникроғи, “квартира”ларнинг энг хунукларидан бири, - деб ўзини тўғирлаб олди.

- Янада аниқроқ қилиб айтсак, ўзаро доимий урушда бўлган минглаб “ҳукумат”ларнинг бири, - дедим мен.

- Ҳа, шундай, - жуда ҳам жиддий овозда жавоб қайтарди у. Болалар учун мўлжалланган кичик каравотлар турган хоналардан ўтдик (у замонларда фарзандлар ҳам шахсий мулкнинг бир кўриниши эди экан) ва яна хўмрайган жавонлар, милтираган ойналар, чипори диванлар ва тартибсиз хоналар ичига тушиб қолдик. Биз ҳозирда улуғлайдиган гўзал, шаффоф, абадий ойна абгор,

нимжон, тўртбурчак дераза кўринишида бўлган экан, холос.

- Бир тасаввур қилиб кўринг-а, шу ерда одамлар “шунчаки бир-бирларини севишган”, бир-бирлари учун куйиб-ёниб яшашган, - унинг кўзлари яна пардалар сингари ёпилди. – Тавба, инсон қувватини сарфлашнинг энг бемаъни ва бефойда кўриниши, шундай эмасми?!

У, худди менинг сўзларим билан менинг фикрларимни, айтаётганди. Лекин унинг кулгусида ҳали ҳамон ўша ғашга тегувчи икс бор эди. Унинг юмилган кўзлари ортида менинг жаҳлимни чиқарадиган нимадир содир бўлаётганди. Бор овозим билан унга қарши кетиб баҳслашгим, унга бақиргим (ҳа, худди шундай) келарди, лекин унинг гапларига рози бўлишдан бошқа иложим йўқ эди. Бунга мажбур эдим.

Ойна олдида тўхтадик. Ўша он мен унинг кўзларидан кўзимни уза олмай қолдим. Ҳаёлимга бирдан инсон айни шу “квартира”лар каби бесўнақай қилиб яратилгани, унинг ақлидаги нарсаларни кўриш имконияти йўқлиги ва у қоронғуликка ягона дарча бу инсоннинг кўзлари эканлиги ҳақида ғалати фикр келиб қолди. У, буни пайқаб қолгандай, мен томон ўгирилди. У гўё: “Хўш, мана кўзларим. Эндичи?” дер эди (албатта, сассиз).

Қаршимда икки тим-қора ойна ва аллақандай нотаниш, бегона ҳаёт турарди. Мен фақатгина ёнаётган оловни – эҳтимол, бу уларнинг камини[12] эди – ва тушунарсиз шаклларни – кўра олдим…

Табиий-ки, у ерда ўз аксимни ҳам кўрдим. Бироқ ўзим ўзимга ўхшамасдим (шубҳасиз, бу вазиятнинг малул таъсири эди) – мен ўзимни, худди, қўлга тушурилиб,

[12] Ўчоқсимон уй печкаси

ушбу ёввойи катакка солиниб қўйилгандек; қадимги ҳаётнинг ёввойи қуюнининг қопқонига тушгандек, ҳис қилдим.

- Биласизми, - деди I-330, - бир дақиқага қўшни хонага чиқиб туринг.

Унинг овози тубдан, камин ловуллаётган қоронғу кўз-ойналарнинг ортидан эшитиларди.

Мен чиқиб, ўтирдим. Девордаги токчадан пучуқ бурунли, ассиметрик юз тузилишига эга, қадим шоирларидан бири (чамаси, Пушкин[13]) менга ним жилмайиб турарди. Нега мен бундай ҳолда – бу жилмайишга чидаб – ўтирибман ва буларнинг бари нега содир бўляпти: нега мен бу ердаман, нима сабабдан бундай бемаъни ҳолга тушдим?

Бу асабни қўзғайдиган, баднамо аёл, ғалати ўйин…

Ичкаридан шкаф эшигининг тақиллаган овози, шойининг шитирлаган товуши келди ва мен, уерга кирмаслик учун, ўзимни базўр тутиб турардим. Аниқ эсимда йўқ: унга аччиқ сўзлар айтмоқчи бўлган бўлсам керак.

Бироқ у ўзи чиқди. У калта, эски замонларга хос оч сариқ кўйлак, қора шляпа ва қора чулки кийиб олганди. Майин шойидан тикилган кўйлак. Аниқ ва равшан кўриниб турганди: чулки жуда ҳам узун эди, тиззасидан анча тепага тортилганди. Унинг очиқ бўйни, ўртадаги кўланка…

- Менга қаранг, сиз, кўриниб турибди-ки, бошқалардан ўзгача қилиқлар қилмоқчисиз, аммо наҳотки…

[13] Машҳур рус шоири А.С.Пушкин

- Тушунарли, - гапимни бӯлди у, - бошқалардан фарқли бӯлиш – улар орасида ажралиб туришни англатади. Демак, бошқалардан фарқли бӯлиш тенгликка зид... ва қадимгиларнинг бемаъни тилида “зерикарли, бир хил бӯлиш”, бизнинг тилимизда: ӯз вазифасини бажармоқ демакдир. Негаки…

- Ҳа, ҳа, ҳа! Худди шундай, - ӯзимни тута олмай қолдим мен. – ...ва сиз, сиз... беҳуда…

У, пучуқ бурунли шоир ҳайкали олдига келиб, олов каби ёнаётган кӯзларини юмиб, жиддийлик билан (балки мени юмшатиш учундир) жуда ҳам бамаъни гап айтди:

- Одамлар мана булар кабиларга чидаганликлари сизга ажойиб туйилмайдими? Бундан ташқари улар чидаш билан кифояланиб ҳам қолмаган, одамлар уларга ихлос қӯйган. Нақадар қулларга хос руҳ! Шундай эмасми?

- Тушунарли... аникроғи, мен...
(Жин урсин бу “тушунарли” сӯзини!)

- Ҳа, тушуниб турибман. Бироқ, аслини олганда, улар тож кийган ҳукмронлардан кучлироқ эдилар. Нега одамлар уларни яккалаб қӯймаган? Нега қириб ташламаган?

- Бизда…

У бирдан кулиб юборди. Мен унинг кулгусини кузатардим: жарангдор, кучли, хивчин каби эгилувчан ва диркиллама кулгуни.

Бутун вужудим титрагани эсимда. Уни маҳкам ушлаб – ва қолгани эсимда йӯқ... Нимадир қилиш керак эди – нималигининг фарқи йӯқ. Мен беихтиёр кӯкрак нишонимни очдим ва соатга қарадим. Ӯнта кам 17.

- Кетиш вақти бӯлиб қолмадимикин? – имкон қадар мулойимлик билан дедим мен.

- Буерда мен билан қолишингизни илтимос қилсамчи?

- Менга қаранг: сиз... сиз нималар деяётганингизни тушуняпсизми? Ӯн дақиқадан сӯнгра аудиториумда бӯлишим керак…

- ...ва барча рақамлар маданият ва илм бӯйича муқаррар дарсларни тинглашлари керак... – деди I-330 менинг овозим билан.

Сӯнгра кӯз-пардаларни кӯтариб, менга қаради: қоронғу ойналар ортида олов гуриллаётганди.

- Тиббиёт Бӯлимида бир таниш шифокор бор – у менга ёзилган. Ундан илтимос қилсам, сиз касал бӯлганлигингиз тӯғрисида гувоҳнома ёзиб беради. Нима дейсиз?

Тушундим. Ваниҳоят, бу ӯйин қаерга олиб боришини тушуниб етдим.

- Шундай денг! Ҳаёлингизга ҳеч келмадими – мен, ҳар қандай тӯғрисӯз рақам каби, дарҳол Қӯриқчилар Бюросига бориб, …

- Келмади (ӯткир кулгу). Жуда ҳам қизиқ: Бюрога борасизмикин ёки йӯқ?

- Қоляпсизми? – эшикнинг дастасини ушладим мен. Эшик дастаси мисдан ва менинг овозим ҳам шу мис каби эди.

- Бир дақиқа... Майлими?

У телефон олдига борди. Қандайдир рақамни айтди – мен шу даражада ҳаяжонда эдим-ки, эслаб қола олмадим – ва бақирди:

- Мен сизни Қадимий Уйда кутиб тураман. Ҳа, ҳа, якка ўзим…

Мен эшикнинг мис дастагини асталик билан бурадим.

- Аэрони олиб турсам майлими?

- Ҳа, албатта! Бемалол…

Ташқарида, қуёш нурлари остида, ўсимлик каби, қари кампир мудраб ўтирарди. Қизиқ: унинг оғзи яна ажойиб тарзда очилди ва у гапиришни бошлади.

- Ҳамроҳингиз – нима, ичкарида ўзи қолдими?
- Ҳа, ўзи.

Кампирнинг оғзи яна юмилди. У бошини қимирлатиб қўйди. Чамаси, ҳаттоки унинг кучсизланаётган ақли ҳам у аёлнинг ҳаракатлари қай даражада маъносиз ва ҳавфли эканлигини тушуниб турганди.

Роппа-роса 17 да маърузада ўтиргандим. Шу он кампирга ёлғон гапирганимни бирдан англаб етдим: I-330 уерда ёлғиз эмасди. Эҳтимол, айнан шу нарса – кампирга ўзим истамай ёлғон гапирганим – мени тинч қўймай, маърузани тинглашимга ҳалал бераётганди. Ҳа, ёлғиз эмас: ҳамма муаммо шунда.

21:30 дан сўнг бўш соатим бор эди. Қўриқчилар Бюросига бориб, ариза топшириб келсам бўларди.

Аммо бу аҳмоқона ҳодисадан сўнг мадорим қолмаганди. Бундан ташқари, ариза топширишга қонунан икки куним бор эди. Эртага ёзаман: ҳали бутун бошли 24 соатим бор.

Еттинчи қайд
Конспект:

Киприк. Тейлор. Мингдевона ва Марваридгул.

“Тун. Яшил, тўқ-сариқ, кўк; қизил шоҳона чолғу; апельсин каби сариқ, кўйлак. Мис Будда бирдан мис қовоқларини кўтарди – ва шарбат оқишни бошлади: Буддадан. Сариқ кўйлакдан – шарбат, ойнадан ҳам – шарбат, баҳайбат каравот ҳам шарбатга тўла, болалар каравоти ҳам ва ҳозир мен ҳам – аллақандай ширин ўлим даҳшати...

Уйғондим: кўкимтир нур; деворлар шишаси ялтирамоқда; шиша ўриндиқ, шиша стол. Ушбу манзара мени сокинлаштирди, юрагим дук-дук уришдан тўхтади. Шарбат, Будда... бу қандай бемаънилик? Тушунарли: касалман. Аввалари мен ҳеч қачон туш кўрмасдим. Айтишларича, қадимгиларда бу – туш кўриш – одатий ҳол эди экан. Тўғрида: ахир, уларнинг бутун ҳаёти мана шундай чархпалакка ўхшарди-ку: зангори – тўқ-сариқ – Будда – шарбат. Бироқ биз тушлар жиддий руҳий касаллик эканлигини биламиз-ку. Мен биламан: бугунга қадар менинг ақлим хронометрик тарзда текисланган, чарақлаётган, бир дона ҳам ортиқча чўпдан иборат бўлмаган механизм эди, энди бўлса... Ҳа, энди худди шундай: мен ақлимда, миямда қандайдир бегона жисмни ҳис қиляпман – гўё кўзга кириб қолган ингичка киприк сингари – ва уни бир сонияга ҳам унута олмаяпман…

Бош томонимда биллур қўнғироқча: 7, туриш керак. Ўнг ва чап тарафларда шиша деворларда ўзимнинг, хонамнинг, кўйлагимнинг, ҳаракатларимнинг минглаб аксини кўряпман. Бу мени бироз тетиклаштиради: ўзингни улкан, кучли бирликнинг бир қисмидек ҳис

қиласан. Гўзаллик ҳам бенуқсондир: бир дона ҳам ошиқча ҳаракат, қайрилиш, бурилиш йўқ.

Ҳа, бу Тейлор деганлари, шубҳасиз, қадимгиларнинг энг ақллиларидан бўлса керак. Бироқ у ўз усулини бутун ҳаётига, ҳар бир қадамига, ҳар бир куни татбиқ қилишга ақли етмабди – у ўз тизимини соат 1 дан 24 гача бўлган вақт билан яхлит ҳолга келтира олмади. Нима бўлган тақдирда ҳам, улар қандай қилиб аллақандай Кант тўғрисида бутун бошли кутубхонага етарли китоблар ёзиб, Тейлорни – ўн аср кейин содир бўладиганларни башорат қила олган инсонни – деярли эътиборсиз қолдира олганлар.

Нонушта тугади. Ягона Давлатнинг Мадҳияси сафма-саф куйланди. Сафма-саф, тўрттадан – лифтларга. Моторларни қулоққа илинар-илинмас ғувиллаши – ва тезлик билан пастга, пастга, пастга – юракнинг енгил безовталаниши.

Бирдан нимагадир яна ўша бемаъни туш – ёки у тушнинг ноаниқ таъсири. Ҳа, айтганча, кеча аэрода ҳам худди шундай – пастга тушиш бўлганди. Нима бўлганда ҳам, барчаси тугади: нуқта. У билан қатъий ва кескин тарзда мулоқот қилганим яхши бўлди.

Мен ерости йўлининг вагонида, қуёш нурлари остида стапелда ИНТЕГРАЛнинг ҳануз қимирламаётган, олов билан жонланган бежирим жисми турган томонга йўл олгандим. Кўзимни юмиб, формулаларда орзу қилдим: мен ИНТЕГРАЛни ердан кўтариш учун етарли бўлган бошланғич тезлик қанча бўлишини қайтадан ҳисоблаётгандим. Сониянинг ҳар бир атоми – ИНТЕГРАЛнинг вазни ўзгаради (портловчи ёқилғи сарфланади). Тенглама жуда қийин ҳолга келаётганди, ақл идрок қила олмайдиган ўлчовларда.

Худди тушдаги каби: барқарор сонли дунёда кимдир менинг олдимга келиб ўтирди, кимдир бироз туртиб юбориб, “кечирасиз” деди.

Мен кўзларимни очдим – ва дастлаб (ИНТЕГРАЛ билан боғлиқ тасаввур) шиддат билан бўшлиқ томон елаётган нарса кўрдим: бош – ва у елаётганди, чунки икки ёнбошдан дўппайиб чиқиб турган пушти қанот-қулоқлар. Сўнгра осилган гарданнинг эгрилиги – букчайган бел – икки ёқлама букилган – S ҳарфи каби…

Менинг алгебраик дунёимнинг деворлари орқали – яна киприк кириб қолди – қандайдир ёқимсиз нарса, бугун қилишим керак бўлган…

- Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, - қўшнимга кулиб қўйдим ва таъзим қилдим мен.

Унинг кўкрак нишонида: S-4711 ёзилганди (нега илк онданоқ у менинг тасаввуримда S ҳарфидек жонлангани энди тушунарли бўлди: бу онг томонидан қайд қилинмаган таассурот эди). Унинг кўзлари чақнарди – икки ўткир пармача, тезлик билан айланиб, янада чуқурроқ буралиб кириб кетаётганди ва улар ҳадемай, энг тубгача тушиб, мен ўзимга ҳам айта олмаётган…

Бирдан киприкнинг табиатини мутлақ англаб етдим: улардан – Қўриқчилардан – бири; энг осони, ишни ортга сурмасдан, ҳозироқ уларнинг бирига борини айтиб бериш.

- Биласизми, мен кеча Қадимги Уйга боргандим... – овозим ғалати, ясси, япалоқ ҳолатда эди ва мен йўталишга уриндим.

- Жуда ҳам яхши. Ибратли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

- Лекин, биласизми, мен ёлғиз эмас эдим, мен билан ҳамроҳим – I-330 – бор эди ва сўнгра…

- I-330? Сиз учун жуда ҳам хурсандман. Қизиқ ва қобилиятли аёл. Унинг ихлосмандлари талайгина.

...Бироқ у ҳам – ўшанда, сайрда – ва, балки, у ҳам унга ёзилгандир? Йўқ, унга бу ҳақида айтиш – мумкин эмас, маъносиз: тушунарли.

- Ҳа, ҳа! Бўлмасамчи, бўлмасамчи! Жуда ҳам, - мен янада кенгроқ, бесўнақайроқ жилмайдим ва бу жилмайишдан мен ўзимни қип-яланғоч тентакдек ҳис қилардим…

Пармачалар менинг туб-тубимга етиб борганди, сўнгра, тезлик билан айланиб, кўзларимга буралиб кириб кетди; S – тушунарсиз кулиб қўйди, менга бошини қимирлатиб, чиқиш томон лип этиб ўтиб кетди.

Мен газета ортига беркиниб олдим (худди ҳамма менга қараётганди) ва кўп ўтмай киприк, пармачалар, барчаси тўғрисида унутдим: ўқиётганларим мени шу даражада ҳаяжонга келтирганди. Қисқа бир сатр:

“Ишончли маълумотларга кўра, ҳануз қўлга тушмаган ва ўз олдига Ягона Давлатнинг файзли истибдодидан қутилишни мақсад қилиб қўйган уюшманинг излари яна топилди.”

Қутилиш? Ажойиб: инсон зотидаги жинояткор ҳислар нақадар жон сабил. Мен қасддан айтяпман: “жинояткор”. Эркинлик ва жиноят бир-бирига чамбарчас боғлиқ, худди... худди аэро ҳаракати ва унинг тезлиги сингари: аэро тезлиги = о, ва у ҳаракатланмайди; инсоннинг эркинлиги = о, ва у жиноят содир қилмайди. Кундай равшан. Инсонни жиноятлардан халос қилишнинг ягона

йўли – уни эркинликдан маҳрум қилиш. Энди ундан қутилдик деб турсак (асрнинг космик миқёсида бу, албатта, “энди”), бирдан қандайдир калтафаҳмлар…

Йўқ, тушуна олмаяпман: нега мен дарҳол, кеча, Қўриқчилар Бюросига йўл олмадим. Бугун 16 дан сўнг албатта уерга бораман…

16:10 да чиқдим – ўша заҳоти бурчакда О-90 ни кўрдим, кутилмаган учрашувдан ҳайратга тушган пушти О-90 ни. “Мана унинг ақли – оддийгина, думалоқ ақл. Айтганча: у мени тушуниб, қўллаб-қувватлайди...” Яхшиси, йўқ, мададга мухтож эмасдим: қатъий қарор қабул қилдим.

У менинг қўлимдан ушлаб олди.

- Айланайлик, - думалоқ катта-катта кўк кўзлар мен томон қараб турарди – ичкарида кўк ойналар, - ва мен уларнинг ортига назар соляпман, ҳеч нимага илашиб қолмай: ичкарида – бўм-бўшлик, яъни ҳеч қандай бегона, кераксиз нарса йўқ.

- Йўқ, айланмаймиз. Мен... – мен унга қаерга боришим кераклигини айтиб бердим.

Не ажибки, унинг думалоқ пушти оғзи пушти яримой шаклини олди, муғузчалари пастга тушиб қолди – худди нордон нарса егандек. Мен чидай олмай портладим.

- Сиз, аёл рақамлар, афтидан, хурофотга бедаво ем бўлганга ўхшайсизлар. Сизлар умуман мавҳум муҳокама қилишга қодир эмассизлар. Кечирасиз-у, бироқ бу шунчаки аҳмоқлик.

- Сиз жосуслар олдига бормоқчисиз... фу! Мен бўлса сизга Ботаника Музейидан марваридгул новдасини олиб келибман…

- Нега “мен бўлса” – нега бу “бўлса”? Жуда ҳам аёлларга хос. - Мен (тан оламан) жаҳл билан унинг марваридгул новдасини қўлидан суғуриб олдим. – Мана марваридгулингиз, сизнинг марваридгулингиз, Хўш? Ҳидланг: хушбўй, шундай эмасми? Ҳеч бўлмаса шу қадар мантиғингизни ишлатинг. Марваридгул хушбўй ҳид таратади: шундай. Бироқ сиз ҳид ҳақида, умумий “ҳид” тушунчаси ҳақида, у хушбўй ёки бадбўй дея олмайсиз-ку. Де-я-ол-май-сиз, шундайми? Марваридгулнинг ҳиди бор ва мингдевонанинг ёқимсиз ҳиди бор: иккиси ҳам ҳид. Қадимги давлатда жосуслар бўлган – ва бизда ҳам жосуслар бор... ҳа, жосуслар. Мен сўзлардан қўрқмайман. Бироқ кундек равшан-ку: уердаги жосус – мингдевона, буердаги жосус – марваридгул. Ҳа, марваридгул, ҳа!

Пушти яримой титрарди. Ҳозир тушуниб етдим: у пайт О-90 кулиб юборишига ишончим комил эди, бироқ бу шунчаки менга туйилган экан. Мен янада баландроқ бақирдим:

- Ҳа, марваридгул ва бунинг ҳеч қаери кулгили эмас, кулгили эмас.

Думалоқ силлиқ бошлар атрофимизда сузиб, ортга қайрилиб, назар ташлаб қўярди. О-90 меҳрибонлик билан қўлимдан ушлади:

- Сиз бугун қандайдир... Касал бўлиб қолмадингизми?

Туш – сариқ – Будда... Уон англаб етдим: Тиббиёт Бюросига боришим керак.

- Ҳа, мен ҳақиқатдан ҳам касалман, - дедим хурсандчилик билан (бу ҳолат тушунарсиз қарама-қаршилик: хурсанд бўлишга ҳеч қандай сабаб йўқ эди).

- Дарҳол шифокорга боришингиз керак. Ахир, ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз-ку: соғлом бўлишга мажбурсиз – сизга буни исбот қилишнинг ўзи кулгили.

- Аммо, О, азизам, албатта, сиз ҳақсиз. Мутлақо ҳақсиз!

Мен Қўриқчилар Бюросига бормадим: бошқа чорам йўқ эди, Тиббиёт Бюросига боришим керак эди, уерда мени 17 гача ушлаб қолишди.

Кечки пайт эса (айтгандай, Қўриқчилар Бюроси кечки пайт барибир ёпиқ бўларди) – кечки пайт менинг олдимга О келди. Пардалар тушурилмади. Биз қадимий машқлар тўпламидан машқлар ечдик: бу жуда ҳам сокинлаштиради ва фикрларни тозалайди. О-90 дафтар устида, бошини чап елкасига эгиб, чап юзига тилини ичкаридан тираб, ўтирарди. Худди болалар каби, нақадар фусункор. Хўш, мен тинчландим, ҳаммаси яхши…

Кетди. Мен ёлғиз қолдим. Икки марта чуқур нафас олдим (уйқуга кетишдан олдин жуда ҳам фойдали машғулот) ва бирдан аллақандай тадбирсиз ҳид – ёқимсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳид... Кўп ўтмай топдим: ётоғимда марваридгул новдаси беркитилган экан. Ҳаммаси бирдан уюрмаланиб, тубдан қайтадан кўтарилиб кетди. Йўқ, бу унинг томонидан жуда ҳам бетакаллуфлик эди – ётоғимга марваридгулларни яшириб қўйиш. Тўғри: мен бормадим, ҳа. Аммо касал бўлиб қолганим менинг айбим эмас-ку.

Саккизинчи қайд
Конспект:

Иррационал илдиз. R-13. Учбурчак.

“Мен билан √-1 содир бўлганига анча йиллар бўлиб қолди, мактаб йиллари эди шекилли. Аниқ эслай оламан: ёрқин шарсимон зал, юзлаб болалар ва математика ўқитувчимиз, Пляпа, юрибди. Биз уни Пляпа деб атаганмиз: у анчагина эскириб, тартибсиз бўлиб қолганди ва ҳар сафар навбатчи унга электр асбобни тиққанда, радиокарнайдан доимо дастлаб: “Пля-пля-пля-тшшш” деган овоз чиқарди, сўнгра эса дарс бошланарди. Бир марта Пляпа иррационал сонлар ҳақида айтиб берганди – ва мен, эсимда бор, йиғлаб, столга мушт билан уриб, бақирардим: “√-1 ни хоҳламайман! Мендан √-1 ни чиқариб юборинглар!” Бу иррационал илдиз ичимда бутунлай ўсиб кетганди, гўё аллақандай бегона, ёт, қўрқинчли нарса каби, у мени ямламай ютаётганди – уни тушуниш, зарарсизлантириш имконсиз эди, негаки у ratio[14] нинг сиртида эди.

Мана яна ўша √-1. Мен қайдларимни қайта кўриб чиқдим ва тушундим: мен - √-1 ни кўрмаслик учун – ўзимга ўзим ҳийла-найранг қилаётган, ўзимга ўзим ёлғон гапираётган эканман. Буларнинг барчаси аҳамиятсиз – оғриганим ва бошқалар: уерга борсам бўларди; бир ҳафта олдин – аниқ биламан, ўйланмай борган бўлардим. Нега энди ҳозир... Нега?

Мана бугун ҳам. Роппа-роса 16:10 да – ялтираётган шиша девор рўпарасида турардим. Юқорида – Бюро ёзуви олтин, қуёш каби ялтирарди. Ойналар ортидан кўкимтир

[14] Инглиз тилидан олинган бўлиб, “нисбат” маъносига эга. Ушбу сўз асарнинг аслида ҳам инглиз тилида берилган.

униформаларнинг[15] узун навбати кўринарди. Уларнинг юзлари, худди қадимги черковдаги чироқлар каби, илиқлик таратарди: улар қаҳрамонлик кўрсатиш учун келдилар, улар Ягона Давлат саждагоҳига севганларини, дўстларини – ўзларини топширишга келдилар. Мен эса – улар томон, улар билан бирга интилар эдим. Бироқ эплай олмасдим: оёқларим ойна тоштахталарга қалайлаб ёпишиб қолган эди – мен маъносиз тикилиб, жойимдан қимирлай олмай, турардим.

- Эй, математик, ҳаёл сурма!

Сесканиб кетдим. Менга кулгудан ялтираган кўзлар, семиз, қора танлиларники каби лаблар қараб турарди. Шоир R-13, менинг эски танишим, ва у билан пушти O.

Мен жахл билан ўгирилдим (менимча, агарда улар халал бермаганларида, мен оҳир-оқибат √-1 ни ўзимдан таг-туги билан юлиб ташлардим, мен Бюрога борган бўлардим).

- Ҳаёл сурмаётгандим, аникроқ қилиб айтсак – суқланиб қараб қолгандим, - дедим мен хийлагина кескинлик билан.

- Ҳа, ҳа! Сиз, азизим, математик эмас, шоир, шоир бўлсангиз бўларди, ҳа! Эҳ-ҳе, биз томонга ўтинг – шоирликка, нима дейсиз? Истасангиз – бир зумда ҳал қилиб қўяман, хўш?

R-13 ютиниб-ютиниб гапиради, сўзлар унинг оғзидан отилиб чиқади, семиз лабларидан сўлаклар сачрайди; ҳар бир “ш” – фаввора, “шоирлар” – фаввора.

- Мен олдин ҳам илмга ҳизмат қилганман, ҳозир ҳам – қиламан, - қовоқларимни солиб олдим: ҳазилларни

[15] Махсус, расмий кийим

ёқтирмайман ва тушунмайман, R-13 нинг эса ҳазил қилишдек бемаъни одати бор.

- Илммиш! Қўрқоқлик – мана Сизнинг илмингиз нима. Ҳақиқатан: тўғри. Сиз, шунчаки, чексизликни девор билан ўраб қўймоқчисиз, деворнинг ортига қарашга эса қўрқасиз. Ҳа! Ташқарига назар ташлаганингизда – кўзингизни юмиб оласиз. Ҳа!

- Деворлар – ҳар қандай инсонийликнинг асоси... – бошладим мен.

R – фаввораси сачратди, O – пушти, думалоқ кулиб турарди. Қўлимни силтадим: кулсангиз кулаверинг, менга барибир. Ўзимнинг муаммоларим бошимдан ошиб ётибди. Мен нима билан́дир, қандайдир қилиб лаънати √-1 нинг шовқинини бостиришим керак эди.

- Биласизми, - таклиф қилдим мен, - юринглар меникига кетдик, масалалар ечиб ўтирамиз.

Кечаги осуда соат ёдимга келди – эҳтимол, бугун ҳам шундай бўлар.

O-90 R-13 га қаради; менга ҳам равшан, думалоқ қараб қўйди ва ёноқлари чипталаримизнинг нафис, ҳаяжонли рангига ним бўялди.

- Бироқ бугун мен... Менда бугун – унга чипта бор, - деди O-90 , R томон бошини қимирлатиб, - кечки пайт эса у банд... Шунинг учун…

Ҳўл, ялтираган лаблар мулойимлик билан тарсаки туширди:

- Қўйсангизчи: бизга O билан ярим соат ҳам етади. Шундай эмасми, O? Масалаларингга келсак – ҳушим йўқ, меникига бориб, жимгина ўтирамиз.

Ўзим билан ёлғиз қолишдан даҳшатга тушаётгандим – ёки, тўғрироғи, янги, менга нотаниш бўлган, худди ғалати тасодифга кўра менинг сонимни – Д-503 ни – тақиб олган, рақам билан. Мен уникига, R никига, кетдим. Албатта, у аниқликка, ритмикликка интилмайди; тескари, кулгили мантиққа эга, бироқ биз – дўстмиз. Иккимиз биргаликда дилбар, пушти О ни уч йил олдин танлаганимиз ҳам бежиз эмас. Бу бизни бир-биримизга мактаб йилларидан-да кучлироқ боғлаб турарди.

Сўнгра – R нинг хонасида. Гўё – барчаси менинг хонамдаги сингари: Лавҳ, курсилар ойнаси, столлар, шкафлар, каравотлар. Аммо у кириши биланоқ – бир курсини силжитди, сўнгра кейингисини – шунда яссиликлар сурилиб, барчаси белгиланган ўлчамлардан чиқиб кетди ва эвклидсизлашди. R – ҳануз ўша-ўша, ҳануз ўзгармаган. Тейлордан ва математикадан – у доим ортда қолиб кетарди.

Қари Пляпани эслашдик: кичкиналигимизда унинг бутун шиша оёқларига ташаккурнома хатларини ёпиштириб ташлардик (биз Пляпани роса яхши кўрардик). Дин муаллимини эсладик. Дин муаллимимиз жуда ҳам ўткир овоз соҳиби эди – ҳаво радиокарнайдан гуриллаб чиқарди, - биз, болалар, матнларни унинг ортидан бақириб қайтарардик. Шумтака R-13 унинг карнайига чайналган қоғозчалар тиқиб қўйганини ҳам эсладик: матн ўқилганда – чайналган қоғоз отилиб чиқарди. R, албатта, жазоланганди ва унинг қилган иши, шубҳасиз, ярамаслик эди, бироқ ҳозир биз – бизнинг учбурчагимиз – қаҳ-қаҳ отиб куларди, - ва, тан олишим керак, мен ҳам хахолардим.

- Агарда у – қадимгилардек – тирик бўлса, нима бўларди? Масалан – “б” – семиз, шалоплаётган лаблардан чиққан фаввора…

Қуёш – шипнинг, деворларнинг орасидан; юқоридан, ёнбошдан, пастда акс этган қуёш. О – R-13 нинг тиззасида ва қуёш нурларининг митти томчилари унинг мовий кўзларида. Мен нечундир исиб кетдим, чеккага ўтдим; жимиб қолдим, қимирламаётгандим…

- Хўш, ИНТЕГРАЛингизчи? Бошқа сайёрада яшовчиларига маърифат тарқатгани қачон учамиз энди? Ҳайданг, босинг! Акс ҳолда биз, шоирлар, сизларга шу даражада кўп шеърлар тўқиб ташлаймиз-ки, ИНТЕГРАЛингиз кўтара олмай қолади. Ҳар куни 8 дан 11 гача… – бошини ирғатиб, энсасини қашиб қўйди R: унинг энсаси – орқасига бойланган тўртбурчаксимон чемоданга ўхшайди (“каретада” номли эски тасвир ёдимга тушиб кетди).

Мен жонландим:

- Ие, сиз ҳам ИНТЕГРАЛ учун ёзяпсизми? Нима ҳақида эканлигини айтингчи? Мана масалан, бугун.

- Бугун – ҳеч нима ҳақида. Бошқа иш билан банд эдим… – “б” тўғридан-тўғри менга сачради.

- Қандай иш билан?

R юзини буриштирди.

- Қандай-қандай! Жуда билгингиз келаётган бўлса – ҳукмнома билан. Ҳукмномани шоирона тасвирлаётгандим. Бир аҳмоқ, ўзимизнинг шоирлардан биттаси… Икки йил олдимда ўтирганди, ҳеч фойдаси бўлмабди. Бирдан: “Мен, - дейди у, - даҳоман, қонундан устун бўлган – даҳо”. Шу қадар сафсаталарни ёзибди-ки… Қўяверинглар… Эҳ!

Семиз лаблар осилиб қолган, кўзларидаги учқун сўнган эди. R-13, ўрнидан сапчиб туриб, ўгирилди ва деворга

тикилиб қолди. Мен, унинг маҳкам ёпилган чемоданчасига қараб, ўйлардим: чемоданчасида у ҳозир нималарни титкилаяпти экан?

Бир дақиқалик ноқулай ассиметрик сукут. Гап нимада эканлиги менга қоронғу эди, бироқ нимадир бор эди.

- Ҳайтовур, турли хил шекспирлар ва достоевскийларнинг – ёки уларни қандай атарди – алмисоқдан қолган даврлари ўтиб кетди, - атайлаб баланд овозда айтдим мен.

R мен томон ўгирилди. Сўзлар ҳануз ундан сочилиб - отилиб чиқарди, бироқ кўзларидаги қувноқ учқун сўнгандек туйилди менга.

- Ҳа, азиз математик, ҳайтовур, ҳайтовур, ҳайтовур! Биз – энг бахтли ўртача арифметик қиймат... Нима дердинглар: нолдан чексизликкача бир бутун қилиб бирлаштириш керак – тентакдан Шекспиргача... Шундай!

Билмадим нега – гўё бу мутлақ ноўрин эди – анави, унинг овози ёдимга тушди, у ва R ўртасида аллақандай ингичка ришта бор эди. (Қандай?) У яна бурилди. Мен кўкрак нишонимни очдим: 35 та кам 17 бўлганди. Уларнинг пушти чиптасининг 45 дақиқа вақти қолганди.

- Майли, мен борай... – дедим мен, ва, О ни ўпиб, R нинг қўлини силтаб, лифт томон йўл олдим.

Хиёбонда, бошқа тарафга ўтиб бўлганимда, ўгирилдим: қуёш нурларига тўйинган, ёрқин уй палахсасида – уерда-буерда туширилган пардаларнинг кулранг аралаш ҳаворанг, хира катаклари – тейлорлаштирилган ритмик бахт катаклари - кўринарди. Еттинчи қаватда R-13 нинг

катагини кўзим билан излаб топдим: у пардаларни тушириб бўлганди.

Азизам О.... Азизим R... Унда ҳам (нега “ҳам” деб ёзилишини билмайман – бироқ, майли, қандай ёзилса, шундай ёзилаверсин) – унда ҳам менга унчалик тушунарли бўлмаган нимадир бор. Нима бўлган тақдирда ҳам, мен, у ва О – биз учбурчакмиз, тенгёнли бўлмаса ҳам, барибир учбурчакмиз. Биз, агарда аждодларимизнинг тили билан айтадиган бўлсак (эҳтимол, менинг ўзга сайёрадаги ўқувчиларим, сизларга бу тил тушунарлироқдир), биз – оиламиз. Онда-сонда ҳеч бўлмаса қисқа муддатга дам олиш нақадар ажойиб, шу содда, мустаҳкам учбурчакка ўзимни беркитган ҳолда барча...



Тўққизинчи қайд
Конспект:

Литургия[16]. Ямблар[17] ва хорей[18]. Чўян қўл.

“ Тантанавор, ёрқин кун. Бундай кунда одам ўзининг заиф тарафларини, ноаниқликларини, касалликларини унутиб қўяди – барчаси биллур-тебранмас, чексиздек – худди бизнинг янги ойнамиз сингари.

Куб майдони. Умумий марказга эга бўлган олтмиш олти бақувват айлана: минбарлар. Олтмиш олти қатор: осмон ёғдусини – ёки, балки, Ягона Давлатнинг ёғдусини – ўзида акс эттирган юзлар ва кўзларнинг сокин зиёси. Қон каби алвон гуллар – аёлларнинг лаблари. Болалар юзларининг майин тизмаси – ҳаракат жойига яқин бўлган биринчи қаторларда. Чуқур, жиддий, готик сокинлик.

Бизгача етиб келган таърифларга кўра, ўтмишдагилар “ибодатлари” давомида шундай ҳисга эга бўларди экан. Бироқ улар ўзларининг маъносиз, номаълум Худоларига ибодат қиларди – биз эса маъноли ва аниқ тарзда маълум бўлганга ибодат қиламиз; уларнинг Худоси уларга абадий, уқубатли изланишлардан зиёд ҳеч нима бермаган; уларнинг Худоси ўзни унга сабабсиз қурбон қилищдан ташқари ақллироқ нарса ўйлаб топа олмаган – биз эса Худоимизга, Ягона Давлатимизга онгли равишда мулоҳазали, бамайлихотир қурбонлик келтирамиз. Ҳа, бу Ягона Давлатга бўлган дабдабали литургия, Икки Юз Йиллик Урушнинг мардонавор кунлари, йилларининг хотираси, барчанинг бирнинг устидан ғалаба қозонганининг улуғвор байрами, умумийликнинг бирлик устидан…

---

[16] Христианларда черковлардаги энг катта ибодат
[17] Адабиётда шеър вазни
[18] Адабиётда шеър вазни

Ана биттаси – қуёш нурлари ёғдуси остида қолган Куб зинасида турарди. Оқ... йўқ, ундай эмас – оқ эмас, рангсиз – шиша юз, шиша лаблар. Биргина кўзлари, қора, сўрувчи, ютиб юборувчи тешиклар ва, ундан дақиқалар узоқлигида бўлган, ўша дахшатли дунё. Рақамли олтин кўкрак нишон аллақачон ечилганди. Қўллари қирмизи тасма билан боғланган (қадимий анъана: чамаси, ўтмишда, буларнинг барчаси Ягона Давлат йўлида бажарилмаганида, ҳукм қилинганлар, албатта, ўзларини бунга қарши чиқишга ҳақли деб ҳисоблардилар ва уларнинг қўллари занжирлар билан боғлаб қўйиларди.

Тепада бўлса, Кубда, Машина олдида – биз Валинеъмат деб атовчининг металлдан ясалган, тебранмас ҳайкали турибди. Унинг юзини буердан, пастдан аниқ кўриб бўлмайди: биргина унинг қаттиқ, ҳайбатли чизиқлар билан чеклаб қўйилганлигини кўриш мумкин, холос. Бироқ қўллари... Баъзида фотосуратларда шундай бўлади: ўта яқин, олди фонда қўйилган қўллар – улкан чиқади, нигоҳни ўзига тортади – барча нарсани ўзи билан тўсиб қўяди. Бу оғир, ҳануз тиззаларда сокин турган қўллар – тушунарли: улар – тошдан, ва тиззалар – уларнинг вазнини базўр кўтармоқда…

Бирдан ушбу баҳайбат қўлларнинг бири кўтарилди – секин, чўянли ҳаракат – ва минбарлардан, кўтарилган қўлга итоат қилиб, Кубнинг олдига бир сон келди. У – байрамга ўз шеърларидан гулчамбар осиш бахтига муяссар бўлган – Давлат Шоирларидан бири эди. Минбарлар устидан илоҳий мис ямблар гумбирлашни бошлади – зинада турган, шиша кўзли телба ҳақида ва у тентакликларининг мантиқий хотимасини кутаётганди.

...Ёнғин. Уйлар ямбларда тебраняпти, тепага суюқ олтин пуркаяпти, қулаб тушди. Яшил дарахтлар тиришиб буришяпти, шарбат оқяпти – ер остидаги сағаналарнинг

биргина қора хочи. Бироқ Прометей пайдо бўлди (бу, албатта, биз) –

“Ва машина-ю пўлатга оловни ортди,
Қонун билан тартибсизликни қоқди.”

Барчаси янги, пўлатдан: пўлат қуёш, пўлат дарахтлар, пўлат одамлар. Бирдан қандайдир ақлдан озган одам – “оловни занжирдан озод қилди” – ва қайтадан ҳамма нарса нобуд бўляпти.

Афсус-ки, шеърларни эслаб қолишга хотирам яхши эмас, аммо бир нарса ёдимда: бунданда ибратлироқ ва сўлимроқ сиймоларни танлаш имконсиз эди.

Яна секин, оғир ҳаракат – ва Кубнинг зиналарида иккинчи шоир турибди. Мен ҳаттоки ўрнимдан сал турдим: бўлиши мумкин эмас! Йўқ, унинг семиз, қора танлиларники каби лаблари, бу у эди... Нега у олдиндан бу каби шарафли... Унинг кулранг лаблари титраяпти. Тушуниб турибман: Валинеъматнинг қаршисида, бир гуруҳ Қўриқчилар рўпарасида – лекин барибир ҳам: бунчалик ҳаяжонланиш…

Кескин, тез – ўткир болта каби – хорейлар. Мисли йўқ жиноят ҳақида: Валинеъматнинг номи таҳқирланган шеърлар... йўқ, уни қайтаришга ботина олмайман.

R-13 оқариб кетган, ҳеч кимга қарамай (ундан бу каби уятчангликни кутмагандим) – пастга тушиб, ўтирди. Бир дифференциал[19] сонияга унинг олдида кимнингдир юзи кўзга ташланди – ўткир, қора тўртбурчак – ва ўша заҳоти ғойиб бўлди: менинг кўзларим – минглаб кўзлар – ўша тарафга, тепага, Машина томон тикилди. Уерда – ғайриинсоний қўлнинг учинчи чўянли ҳаракати.

[19] Математикада ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик орттирмаси

Кўринмас шаббодада тебраниб – жиноятчи келяпти, асталик билан, бир зинапоя – яна бир – ва яна бир қадам, унинг ҳаётидаги сўнгги қадам – ва унинг юзи фалакка қаратилган, боши ортга ағдарилган – ўзининг охирги ёстиғида.

Тақдир каби оғир, тош Валинеъмат Машинани айланиб чиқди, дастакка улкан қўлини қўйди... На бир шитирлаш, на бир нафас олиш эшитиларди: барча нигоҳлар – ўша қўлда эди. Қурол бўлиш, юз минглаб волтларга тенг ишлаш – нақадар оловли гирдибод бўлса керак. Нақадар буюк қисмат!

Ўлчаб бўлмас сония. Қўл, токни ёқиб, пастга тушди. Нурнинг чидаб бўлмас ўткир тиғи ялтиради – Машина қувурларида, титроқ каби, эшитилар-эшитилмас чирсиллаш. Катта очилган бадан – атроф енгил, нур таратаётган туман пардасига ўралганди – ва кўзларда эриб, эриб, эриб, дахшатли тезликда тарқалиб кетяпти. Сўнгра ҳеч нима қолмади: фақатгина, бир дақиқа аввал жўшқинлик билан юракда қизариб оқаётган, эндиликда эса суюқлик – кимёвий тоза сувнинг кўлмаги…

Буларнинг бари одатий эди, булар ҳаммамизга аён эди: ҳа, модданинг таркибий қисмларга ажралиши, ҳа, инсон тана атомларининг парчаланиши. Бундай бўлса ҳам, бу ҳолат ҳар сафар Валинеъмат қувватининг ишораси сифатида - мўъжизадек - қабул қилинарди.

Тепада, Унинг қаршисида – ўнлаб аёл рақамларнинг ловуллаб ёнаётган чеҳралари, ҳаяжондан ним очилиб қолган лаблари, шамолдан ҳилпираётган гуллар.[20]

[20] Муаллиф изоҳи: албатта, Ботаника Музейи гуллари. Мен гулларда ҳеч қандай гўзаллик кўрмайман – худди ёввойи оламга оид бўлган, Зумраддранг Девор ортига қувғин қилинган, барча нарсаларда

Анъанага кўра – Валинеъматнинг томчилардан ҳали қуримаган униформасига ўн нафар аёл гулчамбар тақяпти. Олий нуронийнинг маҳобатли қадамлари билан У пастга тушяпти, секинлик билан минбарлар орасидан ўтяпти – Унинг ортидан тепага кўтарилган аёллар қўлларининг нафис оқ новдалари ва миллионлаб нидоларнинг тўфони. Сўнгра шу атрофларда, бизнинг қаторларимизда юрган Қўриқчилар гуруҳини улуғловчи нидолар. Ким билсин: эҳтимол, ўтмишдагиларнинг ҳаёли, инсонга, унинг дунёга келишининг илк онларидан, ҳамроҳ бўлган “архангелларни[21]” яратаётиб айнан уларни, Қўриқчиларни, башорат қилган бўлса керак.

Ҳа, ҳар бир тантанада – қадимги динлардан, бўрон ва тўфон каби тозаловчи нимадир бор эди. Сизга, ёзганларимни ўқийдиганларга, - бундай онлар танишми? Таниш бўлмаса, сизга раҳмим келди…

кўрмаганим сингари. Идрокли ва фойдали бўлган нарсаларгина гўзал: машиналар, этиклар, формулалар, овқатлар ва ҳкз.

[21] Христиан таълимотида юқори даражали фариштлар

Ўнинчи қайд
Конспект:

Хат. Мембрана. Пахмоқ мен.

“Кечаги кун мен учун кимёгарлар ўз эритмаларини филтрлаш мақсадида ишлатадиган қоғоз каби бўлди: у қоғозда барча ўлчанган зарралар, барча ошиқча моддалар қолади. Эрталаб мен тамомила дистилланган, соф ҳолатда пастга тушдим.

Пастда, вестибюлда, стол ортида, назоратчи аёл соатга қараб, кираётганларнинг сонларини қайд этаётганди. Унинг исми – Ю... яхшиси унинг сонини ёзмайман, негаки у ҳақида ёмон гаплар ёзиб қўйишим мумкинлигидан қўрқяпман. Бироқ, аслини олганда, у – жуда ҳам муҳтарама кекса аёл. Ундаги менга ёқмаган ягона нарса – унинг юзлари бироз осилиб қолганлиги – худди балиқнинг ойқулоқлари каби (шу ҳам сабаб бўлибдими дейсиз?).

Унинг қалами ғижирлади ва мен қоғоз устида “Д-503” ёзилганини – ва унинг олдида сиёҳ доғни – кўрдим.

Энди унинг эътиборини доғга қаратмоқчи бўлиб тургандим, у бирдан бошини кўтариб – менга ўзининг сиёҳли табассумчасини томизди:

- Сизга хат бор. Ҳа. Олинг, азизим, - ҳа, ҳа, олинг.

Билар эдим: у ўқиган хат – яна Қўриқчилар Бюросидан ҳам ўтган бўлиши керак (менимча, бу табиий тартибни тушунтиришимга хожат йўқ) ва кечи билан 12 да менинг қўлимга тушади. Бироқ мен унинг табассумчасидан уялиб кетдим, сиёҳ томчиси менинг соф эритмамни лойқалаб юборди. Шу даражада лойқаладики, кечроқ ИНТЕГРАЛ қурилишида мен диққатимни ҳеч жамлай

олмадим – ва ҳаттоки ҳисоб-китобда адашиб кетдим. Авваллари ҳеч бундай бўлмаганди.

Соат 12 да – яна балиқнинг пушти аралашган жигарранг рангли ойқулоқлари, табассумча – ваниҳоят, хат менинг қўлимда. Уни, ўша ернинг ўзида ўқимай, нега чўнтагимга солиб қўйганимни ва нега шошилиб хонамга югуриб кетганимни билмайман. Хатни очиб, кўз югуртирдим – ва ўтирдим... Бу сон I-330 менга ёзилганлиги тўғрисида расмий хабарнома эди ва мен бугун соат 21 да унинг олдига боришим керак эди – пастда унинг манзили ҳам кўрсатилганди...

Йўқ: барча бўлиб ўтганлардан сўнг, мен унга ўз муносабатимни очиқдан-очиқ кўрсатганимдан кейин. Устига-устак, ахир у, ҳаттоки, Қўриқчилар Бюросига бордимми йўқми, билмасди ҳам – ахир у мен касал бўлганимни бирор жойдан билиб олиши имконсиз эди-ку, – ахир, мен умуман... ва бунга қарамай…

Бошимда динамо[22] айланаётган, ғувуллаётган эди. Будда – сариқранг – марваридгуллар – пушти яримой... Ҳа, яна бу – яна бу ҳам: бугун О олдимга кирмоқчи эди. Унга бу хабарномани – I-330 тўғрисидаги хабарномани – кўрсатсаммикин? Билмадим: у бунга алоқам йўқлигига ишонмаса керак (аслини олганда, бунга қандай ишониб бўлади?), менинг бундан... Биламан: оғир, маъносиз, мутлақо мантиқсиз суҳбат бўлиб ўтади... Йўқ, фақат бу эмас. Ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлсин: мен унга, шунчаки, хабарномадан нусха юбораман.

Мен хабарномани шоша-пиша чўнтагимга солаётган замон – қўрқинчли, маймунларникига ўхшаган қўлимга кўзим тушди. Ўшанда, сайрда у, I, қўлимни олиб, уни

[22] Электр токи ишлаб чиқариш учун мўлжалланган машинанинг эскирган номи

кўздан кечирганини эслаб кетдим. Наҳотки у ростдан ҳам…

Мана соат ўн бешта кам 21 бўлди. Ойдин тун. Атроф зумрад ойнадан. Бироқ бу фарқли, нозик ойна – бизники эмас, ҳақиқий эмас, бу – ингичка ойнали пўстлоқ, пўстлоқнинг остида эса айланиб, елиб, ғувуллаб... Ҳозир аудиториумларнинг гумбазлари секин-аста думалоқ тутунларда тепага кўтарилса, ҳайрон бўлмайман ва кекса ой сиёҳли кулиб қўяди – худди бугун эрталаб стол ортида ўтирган назоратчи каби, ва барча уйларда пардалар дарҳол туширилади, ва пардалар ортида –

Ғалати туйғу: мен қовурғаларимни ҳис қиляпман – қандайдир темир новдалар ҳалал беряпти – юрагимга сезиларли даражада ҳалал беряпти, зич, жой етмаяпти. Мен олтин сонли – I-330 – шиша эшик олдида турардим. I, менга орқаси билан, стол устида нимадир ёзарди. Ичкарига кирдим…

- Мана... – дедим мен ва унга пушти чиптани узатдим. – Бугун хабарномани олдим ва келдим.

- Нақадар батартибсиз! Бир дақиқа – майлими? Ўтиринг, мен тугатай деб қолдим.

У нигоҳини яна хатга туширди – ёпиқ пардалар ортида, унинг ичида, нималар бор экан? У нима дер экан – бир сониядан сўнг нима қилар экан? Қандай қилиб у қачон – уердан, қадимги ёввойи тушлар оламидан – қайтишини билиб, ҳисоблаб олиш мумкин?

Мен индамай уни кузатардим. Қовурғалар – темир новдалар, зичлик... У гапирганда – унинг юзи тезкор, ялтироқ ғилдиракка ўхшайди: кегайларни алоҳида кўриб бўлмайди. Бироқ шу он ғилдирак қимирламай турибди. Мен ғайриоддий бирикмани кўрдим: баланд чимирилган

тим-қора қошлар – учи тепага қараган, истеҳзоли ўткир учбурчак – бурундан оғиз бурчакларига тушган икки чуқур ажин. Бу икки учбурчак бир-бирига гўё зид эди: унинг юзига ёқимсиз, ғашга тегувчи Х шаклини берарди. Хоч каби: устига хоч тортилган юз.

Ғилдирак ғилдирашни бошлади, кегайлар бир-бирига қўшилиб кетди.

- Сиз Қўриқчилар Бюросига бормадингиз-ку, шундайми?

- Мен... Мен бора олмадим: мен касал эдим.

- Ҳа. Ўзим ҳам шундай ўйлагандим: сизга нимадир тўсқинлик қилган бўлиши керак эди – нима бўлишининг аҳамияти йўқ (ўткир тишлар, табассум). Аммо энди сиз – менинг қўлимдасиз. Эсингиздами: “48 соат давомида Бюрога келмаган ҳар қандай рақам...”

Юрагим шу даражада тез уришни бошлади-ки, темир новдалар букилиб кетди. Ёш бола каби аҳмоқона тарзда, ёш бола каби қўлга тушдим, аҳмоқона тарзда индамай турардим. Ҳис қилардим: чалкашиб кетдим – на қўлим, на оёғим билан…

У ўрнидан турди, ялқовларча узанди. Тугмани босди, енгил шовқин билан ҳар томондаги пардалар тушишни бошлади. У билан бирга, мен дунёдан узилиб қолгандим.
I, қаердадир менинг орқамда, шкаф олдида эди. Униформа шипилларди, тушарди – мен тинглардим – бутун борлиғим билан тинглардим. Бирдан эсимга келди... йўқ: бир сонияга ялт этди…

Яқинда янги турдаги кўча мембранасининг эгрилигини ўлчашимга тўғри келди (ҳозир бежирим безатилган бу мембраналар ҳар бир хиёбонда кўчадаги суҳбатларни

Қўриқчилар Бюроси учун ёзиб оладиган бўлган). Ёдимда: букилган, пирпираётган пушти юпқа парда – фақатгина биргина органдан – қулоқдан – ташкил топган аломат мавжудот. Мен ҳозир шу мембранага айлангандим.

Мана энди дарвоза тугмаси босилди – кўкракда – яна ҳам пастроқда. Шиша шойи елкалардан, тиззалардан – ердан – шилдираб тушяпти. Эшитяпман – бу кўришдан ҳам аниқроқ – ҳаворанг аралаш кулранг шойи уюмидан аввал биринчи, сўнгра иккинчи оёқ қадам ташлаб чиқди…

Таранг тортилган мембрана дириллаб, жимжитликни ёзиб оляпти. Йўқ: кескин, чексиз танаффусли – новдаларга болғанинг уруши. Эшитяпман – кўряпман: у, ортимда, бир сонияга ўйланиб қолди.

Мана – шкаф эшиклари, мана – аллақандай қопқоқ урилди – ва яна шойи, шойи…

- Қани, марҳамат.

Мен ўгирилдим. У енгил, сап-сариқ, қадимгилар бичимида бўлган кўйлакда эди. Бу, у ҳеч қандай кийимсиз бўлган ҳолатдан ҳам, қопарон эди. Икки ўткир нуқта – ингичка мато остида пушти бўлиб ёняпти – кул ичидаги икки кўмир. Икки нафис думалоқ тизза…

У пастаккина курсида ўтирарди. Унинг рўпарасидаги тўртбурчак столда – ичида ям-яшил нимадир бор шиша, оёқчали икки митти стакан. Унинг оғзининг бурчагидан тутун чиқаётганди – ингичка қоғозли найчада тутатқи (номи ҳозир эсимдан чиқиб қолди).

Мембрана ҳануз титраётганди. Болға – ичимда – қип-қизил бўлгунча қиздирилган новдаларга ураётганди. Мен ҳар бир зарбани аниқ-равшан эшитаётгандим ва... ва балки у ҳам буни эшитаётгандир?

Бироқ у баҳузур тутатаётганди, менга бамайлихотир қараб, кулни пала-партиш қоқиб туширди – менинг пушти чиптамга.

Қўлдан келганча совуққонлик билан – сўрадим:

- Менга қаранг, ундай бўлса – нега менга ёзилиб олдингиз? Нега мени буерга келишга мажбур қилдингиз?

У гўё эшитмаяпти. Шишадан стаканга қуйди, бир қултум ичди.

- Ажойиб ликёр[23]. Истайсизми?

Энди тушундим: спиртли ичимлик. Кеча бўлиб ўтганларнинг барчаси кўз олдимдан бирма-бир ўтди: Валинеъматнинг оғир қўли, нурнинг чидаб бўлмас тиғи, аммо уерда: Кубда – орқага ағдарилган бошли кенг очилган тана. Сесканиб кетдим.

- Менга қаранг, - дедим мен, - биласиз-ку: ўзини никотин[24] билан ва, айниқса, спиртли ичимлик билан заҳарловчиларни – Ягона Давлат аёвсиз.

Тим-қора қошлар – чаккаларгача баланд кўтарилган, истеҳзоли ўткир учбурчак:

- Айримларни тезда йўқ қилиш – кўпчиликка ўзини нобуд қилишга руҳсат беришдан – тубанлашишдан – ва ҳоказодан – маънолироқдир. Бу уятлик қадар тўғри.

- Ҳа... уятлик қадар.

- Манабулардек кал, яланғоч ҳақиқатлар гуруҳини – кўчага қўйиб юбориш... Йўқ, тасаввур қилиб кўринг-а... мисол, менинг ўзгармас шайдоимни – уни сиз ҳам

[23] Ўткир ширин спиртли ичимлик
[24] Тамаки таркибида бўладиган заҳарли модда

танийсиз-ку, - тасаввур қилинг, у ўзининг бутун ёлғон кийимларини ечиб ташлади – ва асл ҳолатида халқ орасида... Оҳ!

У куларди. Аммо мен унинг пастки маъюс учбурчагини аниқ кўраётгандим: оғзининг бурчагидан бурнигача чўзилган икки чуқур бурма. Негадир ушбу бурмалардан мен тушундим: анави, икки букилган, букчайган ва кар – уни қучоқлаган – уни... У…

Нима бўлса ҳам, мен ҳозир ўша пайтдаги – ғайритабиий – туйғуларимни етказиб бермоқчиман. Ҳозир, буларни ёзаётиб, яхши тушуниб турибман: ҳаммаси шундай бўлиши керак эди, у ҳам, ҳар қандай виждонли рақам каби, хурсандчиликка ҳақли – ва агарда... Ҳа, бу аниқ.

І жуда ҳам ғалати ва узоқ куларди. Сўнгра менга тикилиб қараб қолди – ич-ичимга назар солди:

- Асосийси – мен сизнинг олдингизда бутунлай сокинман. Сиз жуда ҳам ёқимтойсиз – ҳа, ишончим комил, - сиз Бюрога бориб, менинг ликёр ичаётганимни, чекаётганимни айтиб беришни ҳаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Сиз ё касал бўласиз, ё банд бўласиз – ёки яна нимадир бўлади. Бундан ташқари: аниқ биламан – сиз ҳозир ушбу фусункор заҳарни мен билан бирга ичасиз…

Нақадар беҳаё, истеҳзоли оҳанг. Аниқ ҳис қилаётгандим: ҳозир мен ундан қайтадан нафратланяпман. Бироқ, нега "ҳозир"? Мен ундан доимо нафратланиб келардим.

Бир стакан яшил заҳарни бир кўтаришда ичди, ўрнидан турди ва сариқ ортидан пушти бўлиб кўриниб – бир неча қадам ташлади – менинг курсим ортида тўхтади…

Бирдан – бўйним атрофида унинг қўллари – лабларимда лаблари... йўқ, яна ҳам чуқурроққа, яна ҳам қўрқинчлироққа... Онт ичаман, бу мен учун бутунлай беҳосдан бўлди ва, эҳтимол, айнан шу сабабли... Ахир мен – ҳозир буни мутлақо аниқ тушуниб турибман – бўлиб ўтганларни ўзим хоҳлаган бўлишим мумкин эмас-ку.

Ошиқча даражада ширали лаблар (тахминимча – "ликёрнинг" таъми бўлса керак) – ва менга ҳам ёндирувчи заҳардан бир қултум қуйилди – ва яна – яна... Мен курраи заминдан узилдим ва телбаларча айланувчи мустақил сайёра бўлиб, пастга, пастга – қандайдир ҳисобланмаган орбита[25] бўйлаб – тезлик билан тушишни бошладим…

Кейинги воқеаларни фақатгина тахминан, ўхшатишлар ёрдамида тасвирлаб бера оламан.

Олдинлари ҳаёлимга келмаган экан – аммо бу айнан шундай-ку: биз, ерда, ҳаммавақт оловнинг яширин – ернинг ичидаги – шовуллаган арғувон дарёси устида юрамиз. Лекин бу тўғрисида ҳеч ўйламаймиз. Мана оёғимиз остидаги ингичка пўстлоқ ойнага айланди, бирдан биз…

Мен шишадан бўлиб қолдим. Мен – ўзимда, ичкарида – кўрдим.

Икки хил мен бор эди. Бири – олдинги мен, Д-503, Д-503 сон, ва бошқа... Авваллари у ўзининг пахмоқ қўлларини пўстлоғидан бироз чиқарарди, энди бўлса, бутунлай чиқариб олди, пўстлоқ тарс кетаётганди, пўстлоқ ҳадемай ёрилади ва... ва ундан кейинчи?

[25] Самовий жисмларнинг ҳаракат йўли

Бор кучим билан хасга ёпишиб олиб – курси тутқичларига – овозимни – олдинги “мен”ни – эшитиш учун сўрадим:

- Қаердан... қаердан олдингиз бу... бу заҳарни?

- О, бу! Бир шифокор, меникилардан бири…

- “Меникилардан бири”? “Меникилардан” – қайсилардан?

Бу “меникилардан бири” – тўсатдан ташқарига отилиб чиқди ва бақиришни бошлади:

- Йўл қўймайман! Мендан бошқа ҳеч кимса... Ҳар кимни ўлдираман... Чунки мен сизни – мен сизни –

Мен кўрдим: у пахмоқ қўллари билан уни қўпол тарзда тутди, эгнидаги юпқа шойини йиртиб ташлади ва тишлари билан зулук каби ёпишиб олди – аниқ эсимда: тишлари билан.

Билмайман қандай – I сирғаниб чиқиб кетди. Мана – кўзларига яна лаънати қалин парда тортилди – у, шкафга суяниб, турарди ва мени тингларди.

Ёдимда: мен ерда унинг оёқларини кучоқлаётган ва тиззаларини ўпаётган эдим. Мен ёлворардим: “Шу он – шу он – ҳозироқ...”

Ўткир тишлар – қошларнинг ўткир истеҳзоли учбурчаги. У эгилиб, индамай кўкрак нишонимни ечиб ташлади.

- Ҳа! Ҳа, азизам – азизам, - мен шоша-пиша униформамни ечишни бошладим.

Лекин I – айни тарзда индамай – кўкрак нишонимдаги соатни кўзларимга тутди. 22:30 бўлишига беш дақиқа қолганди.

Қўрқиб кетдим. Мен кўчада 22:30 дан сўнг юриш қандай маънога эга эканлигини билардим. Бутун телбалигим бир зумда ғойиб бўлди. Мен – мен ҳолатимга қайтдим. Бир нарсани аниқ билардим: мен ундан нафратланаман, нафратланаман, нафратланаман!

Хайрлашмай, ортимга ўгирилмай – хонадан отилиб чиқиб кетдим. Югурар эканман, кўкрак нишонимни пала-партиш тақдим, зиналардан – эҳтиёт зиналаридан (лифтда кимнидир учратиб қолишдан қўрққандим) – бўм-бўш хиёбонга чиқдим.

Ҳаммаёқ ўз жойида эди – оддий, одатий, қонуний: ойнали, уйлардаги гулханлардан ялтираётган, ранги ўчган шиша осмон, тебранмас зумрадранг тун. Бироқ ушбу сокин салқин шиша остида – баттол, арғувон, пахмоқ мавжудот кетарди. Кеч қолмаслик учун, нафасим қайтиб елдек учардим.

Бирдан ҳис қилдим: апил-тапил тақилган кўкрак нишони ечилиб кетяпти, ечилиб кетди, шиша йўлакка шақирлаб тушди. Ердан кўтаргани қўрқдим – ва бир онлик жимжитликда: кимнингдир қадамлари ортимдан эшитилди. Орқага қарадим: бурчакдан букчайган кичкина нимадир бурилаётганди. Ақалли, менга шундай туйилди.

Кучим борича югурардим – фақат қулоқларимда шовқинли эди. Киришда тўхтадим: соат миллари бир дақиқа кам 22:30 кўрсатаётганди. Қулоқ солиб турдим: ортимда ҳеч кимса йўқ. Буларнинг бари – бемаъни ҳаёл, заҳарнинг таъсири бўлса керак.

Тун уқубатли эди. Остимдаги каравот то кўтарилар, то тушар, то яна кўтарилар – синусоидада[26] сузар эди. Ўзимга ўзим уқтирардим: “Тунда – рақамлар ухлашлари керак; бу, худди кундузи ишлаш каби, бурчимиз. Бу кундузи ишлаш учун лозим. Тунда ухламаслик – жиноий ҳаракат...” Барибир қўлимдан келмаётганди, қўлимдан келмаётганди.

Мен нобуд бўляпман. Мен ўзимнинг Ягона Давлат олдидаги бурчларимни бажара олмаяпман... Мен...

[26] Бурчак ўзгариши билан унинг синуслари ўзгаришини кўрсатувчи эгри чизиқ

Ўн биринчи қайд
Конспект:

...Йўқ, эплай олмайман, шундай қола қолсин, конспектсиз.

“ Оқшом. Енгил туман. Фалакка тилла-қаймоқранг мато тортилган ва – нарида, тепароқда нима борлиги кўринмаяпти. Қадимгилар уерда уларнинг энг буюк, зериккан, шаккок Худолари борлигини билгандилар. Биз уерда кўм-кўк, соф, ярамас ҳеч нима эканлигини биламиз. Мен энди уерда керагидан ортиқча нарса ўрганганимни билмаяпман. Ўзининг бехатолигига мутлақ амин бўлган билим – бу ишончдир. Мен ўзимга қаттиқ ишонардим, мен ўзим ҳақимда барча нарсани биламан деб ўйлардим. Мана –

Мен – кўзгу қаршисида. Умримда илк бор – худди шундай, умримда илк бор – ўзимни аниқ ва равшан, онгли тарзда кўряпман – ҳайратда ўзимни худди қандайдир “у”дек кўряпман. Мана мен – у: текис чизилган қора қошлар; ва улар орасида – чандиқ каби – вертикал ажин (у аввал ҳам бормиди, билмадим). Уйқусиз туннинг шарпаси билан ўралган кулранг пўлат кўзлар; ва бу пўлат ортида... Мен ҳеч қачон унинг ортида нима борлигини билмаган эмишман. “Ортида”дан (бу “ортида” бир вақтнинг ўзида ҳам буерда, ҳам чексиз узоқликда) – “ортида”дан мен ўзимга боқяпман – унга ва аниқ биламан: у – текис чизилган қошли – ўзга, менга бегона, мен у билан умримда биринчи бор учрашдим. Ҳақиқий мен бўлса, мен – у – эмас…

Йўқ: нуқта. Буларнинг барчаси – аҳамиятсиз нарсалар ва бари маъносиз ҳислар – кечаги заҳарланишнинг оқибати... Нимадан экан: зангори заҳарнинг қултумиданми – ёки ундан? Буларни ёзишимдан мақсад –

инсоннинг – юқори даражада аниқ ва ўткир – ақли қай даражада ғалати чалкашиб, адашиб қолиши мумкинлигини кўрсатиш. Қадимгиларни даҳшатга келтирган чексизликни ҳазм қилишга[27] имконият ярата олган ақлни ҳам…

Нумераторнинг шақиллаши – ва сонлар: R-13. Шундай бўла қолсин, мен, ҳаттоки, хурсандман: ҳозир ёлғиз қолганимда…

20 дақиқадан сўнг:

Қоғознинг яссилигида, иккиўлчовли дунёда – бу мисралар ёнма-ён, аммо бошқа дунёда... Мен рақамларни ҳис қилиш қобилиятимни йўқотиб боряпман: 20 дақиқа – бу 200 ёки 200 000 бўлиши мумкин. Жуда ҳам ғалати: R билан ўртамизда бўлганларини бундай сокинлик ва ланжлик билан, ҳар бир сўз устида бош қотириб ёзиш. Худди сиз каравотингиз олдидаги курсига оёғингизни чалиштириб ўтириб – ўзингизни, айни ўзингизни – ўша каравот устида тиришиб-буришишингизни синчковлик билан кузатганингиздек.

R-13 кирганида мен тамомийла тинч ва сокин ҳолатда эдим. Мен, унинг ҳукмни қандай ажойиб тарзда хорейлаштирганини ва айни шу хорейлардан ўша кунги тентак тилка-пора бўлиб кетганини, самимий таҳсин ҳисси билан гапирардим.

- ...ва, ҳаттоки, шундай: агарда менга Валинеъмат Машинасининг схематик чизмасини тайёрлашни таклиф қилганларида, мен албатта – имкон бўлса, бу чизмага, албатта, сизнинг хорейларингизни жойлаган бўлар эдим, - гапимни тугатдим мен.

[27] Англашга

Бирдан кўрдим: R нинг – кўзлари хиралашяпти, лаблари кулранг тус оляпти.

- Сизга нима бўляпти?

- Нима-нима? Эмм... эмм, жонга тегди: атрофда ҳамма – ҳукм, ҳукм. Бу ҳақида эшитишни ортиқ истамайман – шу холос. Истамайман!

У тумшайиб, энсасини – менга ёт, тушунарсиз юкли чемоданини – ишқалади. Танаффус. Мана чемоданида нимадир топди, чиқарди, очяпти, очди – табассумдан кўзлари яшнаб кетди, ирғиб турди.

- Сизнинг ИНТЕГРАЛингиз учун мана буни тўқияпман... мана буни – ҳа! Мана буни – ҳа!

Аввалги: лаблари шалоплаяпти, тупуклари сачраяпти, сўзлар фаввора бўлиб отилиб чиқяпти.

- Биласизми (“б” – фаввора) – жаннат тўғрисидаги қадимий афсона... Ахир у биз ҳақимизда, ҳозир ҳақида эди. Ҳа! Ўйлаб кўринг-а. Жаннатдаги иккисининг олдига – танлов қўйилганди: ё эркинликсиз бахт – ё бахтсиз эркинлик; учинчи танлов йўқ. Улар, тентаклар, эркинликни танлашган – ва нима бўлди дейсиз: кундек равшан – сўнгра асрлар давомида кишанларни соғиниб ўтдилар. Кишанларни – тушуняпсизми, – бутун дунё ҳасрати улар ҳақида. Асрлар давомида! Фақатгина биз бахтга эришиш йўлини қайтадан топдик... Йўқ, сиз давомини эшитинг – эшитинг! Қадимий Худо ва биз – ёнма-ён, бир стол атрофида. Ҳа! Биз Худога иблисни узил-кесил енгишида ёрдам бердик – ахир, одамларни тақиқни бузишга ва иллатли эркинликни тотиб кўришга айнан у ундаганди-ку, у – писмиқ илон. Биз бўлса, оёғимиз билан унинг бошини – тарсиллатиб босдик! Ҳаммаси ҳал бўлди: қайтадан жаннатдамиз. Биз яна, Одам

Ато ва Момо Ҳаво сингари, соддадил ва бегуноҳмиз. Валинеъмат, Машина, Куб, Газ Қўнғироқ, Қўриқчилар – буларнинг бари эзгулик, улар – улуғвор, ажойиб, олижаноб, буюк, пок. Негаки улар бизнинг эрксизлигимизни – яъни бизнинг бахтимизни – қўриқлайди. Қадимгилар бўлганда, буни муҳокама қилишни, идора қилишни, бунинг устида бош қотиришни – одоб-аҳлоқ нормаларига мосми, мосмасми – бошларди... Ҳа, майли; бир сўз билан айтганда, шу каби жаннат достонини, нима дейсиз? Албатта, жиддий тарзда... тушуняпсизми? Зўрми, а?

Тушунмай бўладими. Шу ўйлар ҳаёлимга келгани эсимда: “нақадар ассиметрик, нақадар бесўнақай ташқи кўриниш ва нақадар тўғри фикрловчи ақл”. Айнан шу сабабли у менга – ҳақиқий менга яқин эди (нима бўлса ҳам, мен аввалги “мен”ни – ҳақиқий деб ўйлайман, ҳозиргиси эса – у, албатта, касаллик).

R, чамаси, буларни пешонамдан ўқиб олди шекилли, мени кучоқлаб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

- Аҳ, сиз... Одам Ато! Ҳа, айтганча, Момо Ҳаво ҳақида…

У чўнтагини титкилаб, қайд дафтарчасини чиқарди ва уни варақлашни бошлади.

- Индинга... йўқ, икки кундан кейин – О нинг пушти чиптаси сизга ёзилган. Нима дейсиз? Ҳали ҳам? Истайсизми, у…

- Ҳа, тушунарли.

- Ундай бўлса, шундай деб етказиб қўяман. Чунки у ўзи уяляптимиш... Шундай гаплар! У мени шунчаки, пушти-чиптали, сизни бўлса... ва бу учбурчагимизга

тўртинчиси кириб олди ҳам демайди. Ким – пушаймон бўлинг, ўша гуноҳкор, қани?

Менда пардалар ҳилпираб кўтарилди, ва – шойини шитирлаши, яшил шиша идиш, лаблар... ва ҳеч кераги йўқ, ўринсиз тарзда – оғзимдан чиқиб кетди (қани энди ўзимни тия олсайдим!):

- Айтингчи: сиз бирор марта никотин ёки спиртли ичимлик тотиб кўрганмисиз?

R, лабларини бирлаштириб, зимдан менга қараб қўйди. Мен унинг ўйларини аниқ ва равшан эшитаёгандим: “Дўст бўлишга дўстсан – дўстсан... Бироқ...”

Жавоб:

- Нима десам экан? Асли – йўқ. Аммо мен бир аёлни танирдим…

- I, - бақириб юбордим мен.

- Қандай қилиб... сиз – сиз ҳам у билан бирга? – кулгуга тўлишни бошлади, тиқилиб қолди ва ҳозир пуркаб юборади.

Ойнам шундай осилганди-ки, унга стол устидан қараш керак эди: буердан, курсидан, мен фақатгина пешонам ва қошларимни кўряпман.

Мана мен – ҳақиқий – кўзгуда қошларимнинг тўғри чизиғининг сакраётган, бузилган аксини кўряпман ва ҳақиқий мен – ёввойи, ирганч овозни эшитди.

- Нима “ҳам”? Йўқ: “ҳам” нима дегани? Йўқ – талаб қиламан.

Қотиб қолган кора танлиларники каби лаблар. Олайган кўзлар... Мен – ҳақиқий бошқа – ёввойи, пахмоқ, оғир нафас оладиган – менни ёқасидан маҳкам бўғиб олдим.

Мен – ҳақиқий – R га дедим:

- Валинеъмат ҳаққи, мени кечиринг. Мен қаттиқ касалман, ухлай олмаяпман. Менга нима бўлаётганини тушунмаяпман.Семиз лаблар бироз кулимсираб қўйди.

- Ҳа-ҳа-ҳа! Тушунаман – тушунаман! Буларнинг бари менга таниш... албатта, назарий жиҳатдан. Яхши қолинг!

Эшик олдида думалоқ қора коптоқ каби ўгирилди – стол олдига қайтди, столга китобни улоқтирди:

- Менинг сўнгги... Атайлаб олиб келгандим – ёдимдан кўтарилай дебди. Яхши қолинг... – “я” менга сачраб тушди, думалаб кетди…

Мен – ёлғизман. Ёки тўғрироғи: бошқа “мен” билан холи. Мен – курсида, оёғимни чалиштириб ўтириб, ўзимни – ўзимни – каравотда тиришиб-буришаётганимни аллақандай “уердан”дан синчковлик билан кузатяпман. Нега – ахир нега бутун бошли уч йил мен ва О – бу қадар дўстона муносабатларда яшаб – энди у – I – ҳақида биргина сўз эшитишим биланоқ... Наҳотки барча телбаликлар – севги, рашқ – фақат аҳмоқона китоблардагина бор эмас? Асосийси – мен! Тенгламалар, формулалар, рақамлар – ва... бу – ҳеч нимани тушунмаяпман! Ҳеч нимани... Эртагаёқ R нинг олдига бориб, унга…

Ёлғон: бормайман. На эртага, на индингга – қайтиб ҳеч қачон бормайман. Уни кўришни истамайман, бунга

бардош бера олмайман. Тамом! Бизнинг учбурчагимиз – қулаб тушди.

Мен – ёлғизман. Тун. Енгил туман. Фалакка тилла-қаймоқранг мато тортилган ва – нарида, тепароқда нима борлигини – била олсам эди. Мен – кимман, мен – қандайман? – англай олсам эди.

Ўн иккинчи қайд
Конспект:

Чексизликнинг чегараси. Фаришта. Шеърият тўғрисида мулоҳазалар.

" Ҳадеб яхши бўлиб қоламан, соғайиб кетишим мумкин деб ўйлаяпман. Осуда ухладим. Ҳеч қандай туш ёки бошқа оғриқли ҳодисаларсиз. Эртага менинг олдимга азизам О келади, барчаси – худди доира каби – жўн, тўғри ва чегараланган бўлади. Мен бу сўздан қўрқмайман – "чегараланганлик": инсоннинг энг олий қисми, яъни онгининг фаолияти чексикликни узлуксиз чегаралаб, қулай, енгил ҳазм бўладиган қисмларга – "дифференциалларга" бўлишга қаратилган. Менинг табиий қисмимнинг – математиканинг илоҳий гўзаллиги ҳам шундан иборат. Айнан ушбу гўзалликни англаш унга – I-330 га – етишмаяпти. Қолаверса, бу – тасодифий ўхшатиш.

Буларнинг барчаси – еросити йўлининг бир маромдаги, метрик тарзда тақилловчи товушлари остида. Мен ғилдиракларни – ва шеърларни (унинг кечаги китоби) – ҳижжалаб ўқияпман. Ҳис қиляпман: орқамда, елкам ортида, кимдир, эҳтиёткорлик билан эгилиб, очиқ саҳифага кўз ташлаяпти. Ўгирилмасдан, кўзимнинг қирраси билан: пушти, кенг қанот каби қулоқларни, икки букилган... уни кўряпман! У қандай қилиб буерга келиб қолди – билмадим: вагонга кираётганимда – у гўё йўқ эди. Бу арзимас воқеа менга жуда ҳам ижобий таъсир қилди, тетиклантирди деган бўлардим. Сени заррача хатодан ҳам, энг кичик нотўғри қадамдан ҳам меҳрибонлик ила қўриқловчи хушёр нигоҳни ҳис қилиш нақадар ёқимли. Гапларим бироз ҳиссиётларга тўладек туйилар, аммо ҳаёлимга яна ўша ўхшатиш келяпти: қадимгилар орзу

қилган қўриқчи-фаришталар. Улар орзу қилган нақадар кўп нарсалар бизнинг ҳаётимизда рўёга айланди.

У он, орқамда қўриқчи-фариштани ҳис қилганимда, мен "Бахт" деб номланмиш сонетдан[28] роҳатланаётгандим. Менимча – у гўзаллиги ва маъноси бўйича нодир сонетлардан десам – янглишмаган бўламан. Мана биринчи тўрт мисра:

*Абадий ошиқлар икки карра икки,
Абадий жўшқин тўртда мутассил,
Дунёда энг эҳтиросли ошиқлар -
Айрилмас икки карра икки...

Қолган мисралар ҳам: кўпайтириш жадвалининг доно, абадий бахти тўғрисида.

Ҳар қандай асл шоир – шубҳасиз Колумбдир. Америка Колумбдан олдин ҳам асрлар давомида мавжуд бўлган, аммо уни биргина Колумб топа олган. Кўпайтириш жадвали R-13 дан олдин ҳам асрлар давомида бор эди, бироқ биргина R-13 рақамларнинг маъсум чангалзорида янги Элдорадо[29] топа олди. Ростдан ҳам: бу ажойиб дунёдагидан кўра донороқ, софроқ бахт яна қаерда бор. Пўлат – занглайди; қадимги Худо – қадимги инсонни, яъни хато қилишга мойиллиги бўлган мавжудотни яратди – ва, бинобарин, ўзим ҳам хатога йўл қўйдим. Кўпайтириш жадвали қадимги Худодан донороқ, бутунроқ: у – кўпайтириш жадвали – ҳеч қачон, тушуняпсизми, ҳеч қачон – адашмайди ва кўпайтириш жадвалининг изчил абадий қонунлари бўйича яшовчи рақамлардан бахтлироғи йўқ. Ҳеч қандай иккиланишлар,

---

[28] Адабиётда иккита 4 сатрли ва иккита 3 сатрли 14 мисрали шеър. Шекспир сонети – учта 4 сатрли ва битта 2 сатрли шеър
[29] Жанубий Америкадаги олтин ва қимматбаҳо тошларга бой афсонавий мамлакат

гумроҳликлар йўқ. Ҳақ – бирдир ва ҳақ йўл ҳам – бирдир; ҳақ – икки карра икки ва ҳақ йўл – тўрт. Бу бахтиёр, беками-кўст кўпайтирилган иккилар – аллақандай эркинлик ҳақида, яъни аниқ-ки – хато ҳақида – ўйласалар, бемаънилик бўлмайдими? Мен учун – R-13 энг асосийсини чангаллай олгани – аксиома…

У он – энсамнинг ўнг тарафида, сўнгра чап қулоғимда – қўриқчи-фариштанинг енгил, майин нафасини ҳис қилдим. У, китоб аллақачон тизамга қўйилганини, – ёпилганини ва ҳаёлларим олисда эканлигини – пайқаб қолди шекилли. Хўш, мен унинг қаршисида ақлимнинг саҳифаларини ҳозироқ очишга тайёрман: бу жуда ҳам сокин, севинчли туйғу. Эсимда: у ҳаттоки ўгирилди, мен унинг кўзларига сабот билан тикилдим, аммо у тушунмади – балки тушунгиси келмагандир – у мендан ҳеч нимани сўрамади... Менинг биргина йўлим бор: сизга, менинг нотаниш ўқувчим, айтиб бериш (ҳозир сизлар мен учун, худди у ўша онда бўлгани каби, ҳам яқин, ҳам олисдасиз).

Менинг йўлим: қисмдан бутунга; қисм – R-13, улуғвор бутун – бизнинг Шоирлар ва Ёзувчилар Давлат Институти. Қизиқ: қандай қилиб қадимгилар ўзларининг адабиёти ва шеъриятининг бемаънилигини сезмаган эканлар. Санъатнинг улкан кучи – мутлақо беҳуда ишлатилаётганди. Шунчаки кулгили: ҳар ким – истагани ҳақида ёзган. Яна бир кулгили ва маъносиз ҳолат: денгиз қадимгиларда, шунчаки, соҳилга келиб урилар ва тўлқинларда яширинган миллионлаб киллограммометрлар севишганларнинг туйғуларини жўшқинлантиргани хизмат қилар эди. Биз мавжнинг ошиқ шивирлашидан – электр токи олдик, пуркаётган кутурган ҳайвон кўпигидан – уй ҳайвони яратдик: ва худди шу каби шеъриятнинг ёввойи офати қўлга ўргатилган ва эгарланган. Эндиликда шеърият – ортиқ

ориятсиз булбул хониши эмас: шеърият – давлат хизмати, шеърият – фойдалилик.

Бизнинг машҳур: “Математик Нонналар”: биз уларсиз – арифметиканинг тўрт қонунини мактабда бу қадар самимий сева олармидик? “Тиканлар” бўлса – классик сиймо: Қўриқчилар – нафис Давлат Гулини қўпол қўллардан қўриқловчи, атиргулнинг тиканлари... Кимларнингдир тош қалби – “Баттол болакай қўли билан атиргулни ушлаб олди. Аммо пўлат каби тиканлар игнасини санчиди, шумтака – оҳ, оҳ – уйига чопди” ва ҳоказони дуо қилиб, ғувранаётган маъсум болакайни кўрганда, бефарқ қолади. “Валинеъматга Кундалик Қасидалар”ничи? Уни ўқиган ким Рақамларнинг Рақамининг фидокор меҳнати олдида чин ихлос билан бош эгмайди? Дахшатли қизил “Суд ҳукмларининг гуллари”ничи? Боқий фожеа “Ишга кеч қолган”ничи? Энг керакли бўлган “Жинсий гигиена станслари” китобиничи?

Бутун ҳаёт ўзининг бутун мураккаблиги ва гўзаллиги билан сўзларнинг олтинида абадий муҳирланган.

Бизнинг шоирларимиз ортиқ эмпиреяларда[30] учмай қўйган: улар ерга тушган; улар Мусиқий Заводнинг жиддий механик маршида биз билан биргаликда қадам ташлайди; уларнинг илҳом париси – электрик тиш чўткаларининг тонгдаги шивирлаши, Валинеъмат Машинаси учқунларининг дахшатли тарақлаши, Ягона Давлат Мадҳиясининг ҳайбатли акси, биллур каби ялтировчи тунги кўранинг интим жарангги, тушаётган пардаларнинг ҳаяжонлантирувчи шитирлаши, янги ошпазлик китобининг хушнуд овози ва кўчадаги мембраналарнинг эшитилар-эшитилмас пичирлаши.

[30] Юнонлар тасаввурида: осмоннинг худолар турадиган энг юқори қисми

Бизнинг худоларимиз – буерда, биз билан – Бюрода, ошхонада, устахонада, ҳожатхонада; худолар биз каби бўлди: эрго – биз худолар каби бўлдик. Сизларнинг олдингизга, менинг нотаниш бошқа оламдаги ўқувчиларим, сизларнинг олдингизга ҳаётингизни, бизники каби, илоҳий даражада онгли ва аниқ қилиш учун борамиз…

Ўн учинчи қайд
Конспект:

Туман. Сен. Мутлақо бемаъни ҳодиса.

“Тонгда уйғондим – кўзимга барқарор шафақ осмон нурлари тушиб турарди. Ҳаммаси яхши, думалоқ. Кечки пайт О келади. Мен шаксиз тузалиб кетдим. Жилмайдим, ухлаб қолдим.

Тонгги қўнғироқ – турдим – ва мутлақ фарқли манзара: шипнинг ойнаси ва деворлар орасидан ҳамма-ҳаммаёқни туман босиб кетган. Телба булутлар, борган сари оғирлашиб боряпти – енгилроқ, яқинроқ, ер ва осмон ўртасида ортиқ фарқ қолмади, ҳаммаёқ учяпти, эрияпти, тушяпти, илашиб олгани ҳеч қандай нарса йўқ. Уйлардан асар ҳам қолмади: ойна деворлар туманда ёйилиб кетди, худди туз кристаллари сувда эригани каби. Йўлакдан қаралса, ўнинчи қаватдаги уйларда одамларнинг қора қадлари, бемаза сутли эритмадаги муаллақ зарралар сингари, паст, баландроқ ва яна ҳам баландроқ осилиб қолганди. Ҳар ердан тутун чиқяпти – балки оҳиста авж олаётган ёнғиндандир.

Роппа-роса 11:45 да: мен у пайт атайлаб соатга қарагандим – сонларга илашиб олиш учун – ҳеч бўлмаса, сонлар мени қутқариб қолишлари учун.

11:45 да, Соат Лавҳига кўра белгиланган одатий жисмоний тарбия машғулотларига кетишдан аввал, хонамга кириб ўтдим. Бирдан қўнғироқ бўлди, овоз – юрагимга асталик билан санчилаётган узун игна:

- Аҳа, уйдамисиз? Хурсандман. Мени бурчакда кутинг. Биз сиз билан... ҳа, майли, борганимизда кўрасиз қаергалигини.

- Ўзингиз ҳам яхши биласиз: мен ҳозир ишга кетяпман.

- Ўзингиз ҳам яхши биласиз, айтганимдек қиласиз. Кўришгунча. Икки дақиқадан кейин…

Икки дақиқадан сўнг мен бурчакда турар эдим. Унга мени у эмас, балки Ягона Давлат бошқаришини кўрсатиб қўйишим керак эди-ку. “Айтганимдек қиласиз...” Ишончи комил: овозидан сезилиб турибди. Қани, ҳозир у билан жиддий гаплашиб оламан…

Захкаш тумандан тўқилган кулранг униформалар атрофимда шошилиб бир сония мавжуд бўлар ва тўсатдан туманда ғойиб бўлар эди. Мен соатдан кўзимни уза олмасдим, мен – ўткир, титраётган сония кўрсаткичи эдим. Саккиз, ўн дақиқа... Учта кам, иккита кам ўн икки…

Албатта. Ишга – аллақачон кеч қолдим. Ундан жуда ҳам нафратланаман. Бироқ унга кўрсатиб қўйишим керак эди-ку…

Бурчакда оқ туман узра – қон – ўткир пичоқ билан кесим – лаблар.

- Мен сизни тутиб қолганга ўхшайман. Нима бўлганда ҳам, майли. Қолаверса, кеч қолиб бўлдингиз.
Ундан шу қадар – тўғриси, ҳа: кеч қолдим.

Мен индамай лабларни кузатардим. Барча аёллар – лаблар, фақатгина лаблар. Кимникидир пушти, таранг-думалоқ: ҳалқа, бутун дунёдан ажратувчи нафис панжара. Булар: бир сония олдин улар йўқ эди, ва мана энди – пичоқ билан, - ва ҳануз ширали қон томчиб турибди.

Яқинроқ – менга елкаси билан суяниб – биз ёлғизмиз, ундан менга ўтяпти – ва мен биламан, шундай бўлиши

керак. Ҳар бир асаб толам, ҳар бир сочим, юрагимнинг ҳар бир тотли уриши билан биламан. Бу “керак”ка бўйсуниш қандай бахт. Эҳтимол, бир бўлак темир ҳам муқаррар, аниқ қонунга бўйсуниб – магнитга маҳкам ёпишиб олишдан шу каби бахтли бўлар. Тепага отилган тош бир сония қимирлаб – сўнгра зинғиллаб пастга, ерга тушади. Инсон ҳам, жон талвасасидан сўнг, ниҳоят сўнгги бор нафас олиб – ўлади.

Ёдимда: мен саросимада кулиб, алжирадим:

- Туман... Жуда.

- Сен ҳам туманни ёқтирасанми?
Қадимги, унутилган “сен”, ҳукмроннинг қулига айтадиган “сен” – менга қаттиқ санчилди, аста-секин: ҳа, мен қулман, ва бу ҳам – керак, яхши.

- Ҳа, яхши... – овозимни чиқариб ўзимга дедим мен. Сўнгра унга: - Мен тумандан нафратланаман. Мен тумандан қўрқаман.

- Демак – севасан. Қўрқасан – чунки у сендан кучлироқ, нафратланасан – чунки қўрқасан, севасан – чунки ўзингга бўйсундира олмайсан. Ахир, фақатгина итоатсизни севиш мумкин-ку.

Ҳа, шундай. Айнан шу сабабли – айнан шу сабабли мен…

Биз иккимиз – бир бўлиб – кетаётгандик. Олисларда туман орасидан қуёшнинг куйи эшитиларди, атроф таранг, марвариддранг, тилларанг, пушти, қизил тус оларди. Бутун олам – ягона бепоён аёлдир, ва биз – унинг қорнидамиз, биз ҳануз дунёга келмадик, биз хушнуд етиляпмиз. Тушунарли, кундек равшан: ҳаммаёқ – мен учун, қуёш, туман, пушти, тилларанг – мен учун…

Қаерга кетаётганимизни сўрамадим. Аҳамияти йўқ: юраверсак, юраверсак, етилсак, зичроқ бирлашсак –

- Мана... – I эшик олдида тўхтади. – Қоқ бугун буерда бир... Мен у тўғрисида ўтган сафар, Қадимги уйда айтиб бергандим.

Мен узоқдан, биргина кўзларим билан, эҳтиётлаб – ёзувни ўқидим: “Тиббиёт Бюроси”. Ҳаммасини тушундим.

Олтин туманга тўла, шишадан бўлган хона. Ранг-баранг идишлар, банкаларга тўла шиша шиплар. Симлар. Трубкалардаги кўкимтир учқунлар.

Одамча – жуда ҳам ингичка. У гўё бутунлай қоғоздан ясалганга ўхшарди ва, қай тарафдан ўгирилмасин – унинг ён томонидек эди, ўткир чархланган: ялтираётган тиғ – бурун, қайчилар – лаблар.

I-330 унга нима деяётганини эшитмадим: у гапираётганини кузатар эканман – ҳис қилардим: ўзимни боса олмай хушбахт жилмаярдим. Қайчи-лаблар тиғи ялтиради ва шифокор:

- Хўш, Хўш, - деди. – Тушунарли. Энг ҳавфли касаллик – бундан ҳавфли касалликни билмайман... – кулиб юборди ва ингичка қоғоз қўли билан бир нималарни ёзиб варақни I-330 га берди; яна ёзиб – менга берди.

Бу касаллигимиз, ишга кела олмаслигимиз тўғрисида гувоҳнома эди. Мен Ягона Давлатдан ишимни ўғирлаётгандим, мен – ўғриман, мен – Валинеъматнинг Машинаси остидаман. Бироқ буларнинг бари – менга қизиқ эмас, худди китобдагидек... Мен, бир сония ҳам иккиланмай, қоғозни олдим; мен – менинг кўзларим,

лабларим, қўлларим – мен шундай бўлиши кераклигини билардим.

Бурчакда, ярим бўш гараждаги аэрога ўтирдик, I яна, ўтган сафардаги каби, рулга ўтирди ва стартерни “олдинга”га ўтказди; биз, ердан кўтарилиб, учиб кетдик. Орқамизда: пушти-тилларанг туман; қуёш, шифокорнинг ўткир қиррали ён томони бирдан севимли ва яқин туйиларди. Аввал – ҳаммаёқ қуёш атрофида эди; энди мен биламан, ҳаммаёқ менинг атрофимда – асталик билан, бахтиёрона, юмилган кўзлар билан…

Қадимги Уй дарвозаси олдида қари кампир. Нурли-ажинлар тўлиб кетган азиз, юмилган оғиз. Чамаси, охирги кунлари юмилган қолган эди – ва энди очилиб, жилмайди:

- А-а, зумраша! Ҳамма каби ишласа бўлмайдими-я... ҳа, майли! Бир нима бўлса – югуриб келиб, айтаман…

Оғир, ғичирайдиган, хир эшик ёпилди ва ўша ондаёқ юрагим кенг – янада кенгроқ – очилди: ланг очилди. Унинг лаблари – менинг, мен симирардим, симирардим, тўхтаб, менга тикилиб турган кўзларга қарардим – ва яна…

Хоналарнинг нимқоронғилиги, кўк, сап-сариқ, тўқ-яшил сахтиён, Будданинг олтин табассуми, ойналарнинг ялтираши... ва – менинг эски тушим, энди тушунарли бўлиб қолган тушим: ҳаммаёқ тилла-пушти ранг шарбатга тўлиб кетган ва ҳадемай четга оқиб кетади, сачраб –

Етилди. Муқаррар равишда, гўё темир ва магнит сингари, аниқ ўзгармас қонунга бўлган ширали итоат билан – мен у билан бир бўлдим. Ҳеч қандай пушти чипта, ҳисоб, Ягона Давлат, мен йўқ эди. Биргина майин-ўткир,

қисилган тишлар, мен томон тикилиб, катта-катта очилган олтин кўзлар бор эди – мен улар орасидан аста-секин ичкарига, тобора чуқурроқ, кириб борардим. Жимжитлик – фақат бурчакда – бир неча минг километр узоқликда – бет-қўл ювгичда томчилар томяпти, ва мен – борлиқ, ва томчидан томчигача – эралар, даврлар…

Униформамни эгнимга ташлаб, мен I томон эгилдим – мен уни кўзларим билан сўнгги бор сингдириб олаётган эдим.

- Буни билгандим... Мен сени билгандим... – деди I паст овозда. Тезлик билан ўрнидан туриб, униформасини кийди ва ўзининг одатий ўткир табассумини юзига тақиб олди. – Ҳў-ўш, гуноҳкор фаришта. Ахир сиз энди ҳалок бўлдингиз. Йўқ, қўрқмаяпсизми? Қани, кўришгунча! Ўзингиз қайтасиз. Бўлсангизчи?

У, шкаф деворининг ичига жойланган, ойна эшикни очди; елкадан – менга, кутаётганди. Мен бўйсуниб чиқдим. Остонадан ўтишим билан – унинг менга елкаси билан бир бор суркалиб олишига мухтожлик сездим – фақат бир сонияга елкаси билан, ортиғи керак эмас.

Мен ортга отилдим – хонага; у уерда (эҳтимол) ҳануз ойна қаршисида униформасини боғлаб турган бўлса керак, югуриб кириб – тўхтадим. Мана – аниқ кўриб турибман – шкаф эшиги калитидаги қадимий ҳалқа ҳамон тебраняпти, I бўлса – йўқ. Ҳеч қаерга кета олмасди – хонадан чиқиш фақат битта – шундай бўлса ҳам, у йўқ. Мен ҳаммаёқни тинтиб чиқдим, ҳаттоки, шкафни ҳам очдим ва уердаги ранг-баранг, қадимги кўйлакларни ушлаб чиқдим: ҳеч ким йўқ.

Менинг сайёрадаги ўқувчиларим, сизларга бу ғоят ноодатий ҳодиса тўғрисида айтиб бериш бироз нокулай. Ҳаммаси шундай бўлган бўлса, мен нима қилай. Ахир, эрталабдан бошлаб кунбўйи турли хил ғайриоддийликлар юз бермадими? Ахир, буларнинг бари қадимги тушлар касаллигига ўхшамайдими? Агар шундай бўлса – қандай ҳам фарқи бор: бир бемаънилик кўпроқ, бир бемаънилик камроқ? Бундан ташқари, ишончим комил: эртами кечми ҳар қандай бемаъниликни бирор силлогизмга[31] боғлай оламан. Бу мени бироз тинчлантиряпти, умид қиламан-ки, сизни ҳам.

…Тўлиб кетдим! Билсангиз эди: нақадар тўлиб кетдим!

[31] Икки фикрдан учинчи мантиқий хулоса чиқариш

Ўн тўртинчи қайд
Конспект:

“Меники”. Мумкин эмас. Совуқ пол.

“ Ҳануз кечаги бўлиб ўтганлар ҳақида. Уйқудан олдинги шахсий соатимда банд эдим ва шу сабабли кеча ёза олмадим. Буларнинг ҳаммаси менда муҳирланган, ва шу сабабли айниқса – абадий, бўлиши керак – чидаб бўлмас даражада совуқ пол…

Кечки пайт менинг олдимга О келиши керак эди – унинг куни эди. Мен навбатчининг олдига парда учун руҳсат олгани тушдим.

- Яхшимисиз, - сўради навбатчи. – Бугун қандайдир бошқачасиз…

- Мен... мен касалман…

Аслида гапларим тўғри эди: мен, албатта, касалман. Буларнинг бари касаллик. Ўша заҳоти ёдимга тушди: ҳа, ахир гувоҳнома... Чўнтакларимни титкиладим: мана – шиқирлаяпти. Демак – ҳаммаси, ҳаммаси ростдан ҳам чин эди экан.

Мен қоғозни навбатчига узатдим. Ёноқларим ловуллаётганини сездим; кўрмасдан билдим: навбатчи менга ҳайрон қараб турибди.

Мана – 21:30. Чап тарафдаги хонада – пардалар туширилган. Ўнг тарафдаги хонада қўшнимни кўряпман: китоб устида – унинг сербўқоқ, дўнг сийқаси ва пешонаси – улкан сариқ парабола. Мен азобларда тинмай юрибман: қандай қилиб – бўлиб ўтганлардан сўнг – у билан, О билан? Ўнг тарафдан – устимда унинг нигоҳини сезяпман, пешонасидаги ажинларини аниқ ва равшан

кўряпман – бир қатор сариқ, чаплашиб кетган сатрлар; ва негадир бу сатрлар мен ҳақимдага ўхшайди – бу сатрлар мен ҳақимда.

Ўн бешта кам 22 да хонамда – бахтиёр пушти қуюн, пушти қўлларнинг мустаҳкам ҳалқаси бўйиним атрофини ўраб олди. Мана ҳис қиляпман: ҳалқа заифлашяпти, янада заифлашяпти – ечилиб кетди – қўллар тушди…

- Сиз ўзгаргансиз, сиз олдингидаги каби эмассиз, сиз меники эмассиз!

- Нақадар ёввойи атама: “меники”. Мен ҳеч қачон... – ва тилимга гап келмай қолди: бирдан миямга келди – аввал балки ундай эмасди, тўғри, аммо ҳозир…

Ахир мен энди бизнинг онгли дунёимизда эмас, балки қадимги, маъносиз, манфий бирнинг илдизлари бор дунёда яшаяпман.

Пардалар тушяпти. Ўнг тарафдаги девор ортидаги қўшним китобини столдан ерга тушириб юборди ва, охирги, парда ва пол орасидаги ингичка тирқиш орасидан – сариқ қўл китобни ушлаганини – кўрдим ва менда: бор кучим билан шу қўлдан маҳкам тутиб олсам эди…

- Мен ўйладим – бугун мен сизни сайрда учратмоқчи бўлдим. Кўп нарсани – жуда ҳам кўп нарсани сизга…

Азизам, бечора О! Пушти оғиз – пушти яримой шохлари пастга қараган. Ахир унга бўлиб ўтганларнинг барчасини айтиб бера олмайман-ку – лоақал уни жиноятимга шерик қилмаслик учун: ахир биламан-ку, у Қўриқчилар Бюросига боришга журъат қила олмайди, бинобарин –
О ётганди. Мен асталик билан уни ўпардим. Мен унинг

билагидаги дўмбоқ бурмачани ўпаётгандим, унинг кўк кўзлари юмилганди, пушти яримой секинлик билан гуллаб, очилаётганди – ва мен унинг бутун баданини ўпардим.

Бирдан аниқ ҳис қилдим: менинг бор-йўғим харобага, ташландиққа айланган. Қўлимдан келмайди, мумкин эмас. Керак – ва мумкин эмас. Лабларим дарров совиб қолди.

Пушти яримой қалтираб, нурсизлашиб, ғужмайди. О устига ёпинчиқни ташлаб ўраниб олди – ёстиққа бурканиб…

Мен полда каравот олдида ўтирардим – нақадар совуқ пол – индамай ўтирардим. Пастдаги уқубатли совуқ тепага, янада тепага. Эҳтимол, ўша кўк, сассиз, сайёралараро маконларда ана шундай индамас совуқлик ҳукм сурар.

- Тушунсангизчи: истамагандим... – ғулдурладим мен. – Бор кучим билан…

Рости шу: мен, ҳақиқий мен истамаётганди. Ундай бўлса ҳам: қай сўзлар билан унга айтсам экан. Унга темир хоҳламаганини, аммо қонун – муқаррар, аниқ эканлигини қандай тушунтирсам экан…

О юзини болишлардан кўтариб, кўзларини очмай:

- Кетинг, - деди, аммо кўз ёшларидан “кединг” деб эшитилди – негадир ушбу аҳамиятсиз нарса ҳам ақлимга ўрнашиб қолибди.

Совуқдан тарракдек қотиб даҳлизга чиқдим. Уердаги ойна ортида – туманнинг сезилар-сезилмас, сийрак тутуни. Аммо тунга яқин ҳаммаерни туман босса керак. Тун бўйи нима бўлар экан?

О менинг олдимдан индамай лифт томон ўтиб кетди – эшик тарақлади.

- Бир дақиқа, - бақирдим мен: қўрқиб кетдим.

Аммо лифт аллақачон пастга, пастга, пастга ҳаракатланарди.

У мендан R ни олиб қўйди.

У мендан О ни олиб қўйди.

Шундай бўлса ҳам, шундай бўлса ҳам.

Ўн бешинчи қайд
Конспект:

Қўнғироқ. Кўзгу денгиз. Абадий ёнаман.

“ИНТЕГРАЛ қурилаётган эллингга киришим билан – қаршимдан Иккинчи Қурувчи чиқди. Унинг юзи доимгидек: думалоқ, оқ, фаянс каби – ликоп ва – ликопда аллақандай чидаб бўлмас даражада бемаза нарса тортиқ қилаётгандек – гапирди:

- Касал бўлиб қолибсиз, буерда сизсиз, бошлиқларсиз, кеча можаро юз берди, десак бўлади.

- Можаро?

- Ҳа! Қўнғироқ, тугатдик, ҳаммани эллингдан чиқариш бошланди – ва тасаввур қилинг: чиқарувчи рақамсиз одамни ушлаб олди. Қандай қилиб кириб олди экан – тушуна олмаяпман. Операцион Залга олиб кириб кетишди. Уерда у эпчилдан ҳаммасини суғуриб олишади, қандай қилиб ва нимага... (жилмайиш – тотли...)

Операцион залда – Валинеъматнинг бевосита бошчилигида бизнинг энг зўр ва малакали шифокорларимиз ишлайди. Уерда – турли хил асбоб-ускуналар ва, асосийси, машҳур Газ Қўнғироғи бор. У, аслида, қадимий мактаб тажрибаси: сичқон шиша кулоҳ остига ўтказилган; ҳаво насоси ёрдамида ҳаво янада сийраклаштириляпти... ва ҳоказо. Аммо фақат, албатта, Газ Қўнғироғи анчагина мукаммал қурилма – турли-туман газлардан фойдалананиб, сўнгра – бу, албатта, ортиқ ожиз ҳайвонларни таҳқирлаш эмас, бунда буюк мақсад бор – Ягона Давлат тинчлиги тўғрисида қайғуриш, бошқа сўз билан айтсак, миллионлар бахти тўғрисида. Чамаси беш аср аввал, Операцион Зал

энди-энди ишга туширилаётганда, уни қадимий инквизиция билан таққослаган аҳмоқлар бўлган эди, аммо бу, худди трахеотомия[32] қилувчи жарроҳ ва кўчадаги безорини тенглаштириш кабидир: иккисининг қўлида ҳам айни пичоқ бўлиши, иккиси ҳам айни иш қилиши мумкин – тирик инсоннинг томоғини кесишади. Аммо уларнинг бири – яхшилик қилувчи, иккинчиси – жиноятчи, бири “мусбат” белгиси билан, иккинчиси “манфий” белгиси билан…

Буларнинг бари тушунарли, буларнинг бари бир сонияда, мантиқ машинасининг бир айланишида, сўнгра эса тишлар ўша заҳоти “мусбат” белгисини илинтириб олди – ва мана тепада бошқа: ҳалқа шкафда ҳануз тебраняпти. Эшик энди ёпилган кўринади – у, I, бўлса, йўқ: ғойиб бўлди. Буни машина амалга оширган бўлиши мумкин эмас. Туш? Бироқ мен ҳозир ҳам ҳис қиляпман: ўнг елкамда тушунарсиз ширали оғриқ – ўнг елкамга суяниб, I – менинг олдимда туманда. “Туманни яхши кўрасанми?” Ҳа, туманни ҳам... ҳаммаёқни яхши кўраман, ҳамма – диркиллама, янги, ажойиб нарсаларни, ҳаммаси – яхши...

- Ҳаммаси – яхши, - дедим мен, овозимни чиқариб.

- Яхши? – фаянс кўзлар дум-думалоқ бўлиб бақрайиб қаради. – Нима деганингиз бу, бунинг нимаси яхши? Агар бу рақамсиз кира олган бўлса... демак, улар – ҳар ерда, атрофимизда, ҳаммавақт, улар буерда, улар – ИНТЕГРАЛ атрофида, улар…

- Ким у улар?

- Мен қаердан билай кимлигини. Аммо мен уларни ҳис қиляпман – тушуняпсизми? Ҳаммавақт.

[32] Нафас олиш йўлларини операция қилиш

- Эшитдингизми: қандайдир операция ўйлаб топишибди – ҳаёлпарастликни кесиб ташлашар экан.

(Шу кунларда ҳақиқатдан ҳам шунга ўхшаш гап эшитгандим.)

- Ҳа, эшитдим. Бунинг қандай дахли бор?

- Шундай, ўрнингизда бўлганимда – бориб, сизга шу операцияни қилишларини илтимос қилардим.

Ликопда аниқ ва равшан лимонсифат нордон нимадир кўринарди. Ажойиб* - унинг ҳаёлпараст бўлиши мумкинлигига шама қилиш уни ранжитган кўринади... Аммо: бир ҳафта олдин, эҳтимол, мен ҳам ҳафа бўлардим. Энди бўлса – энди йўқ: чунки менда у борлигини – касаллигимни – биламан. Бундан ташқари – тузалгим келмаганини ҳам – биламан. Истамайман ва гап тамом. Шиша зинапоялардан тепага чиқдик. Остимиздаги – ҳаммаёқ – гўё кафтимизда…

Сизлар, ушбу қайдларни ўқиётганлар, - ким бўлсангиз ҳам, сизнинг тепангизда қуёш бор. Агарда сиз ҳам қачонлардир шундай, худди мен каби, касал бўлган бўлсангиз, эрталабда қуёш – қандай бўлишини – қандай бўлиши мумкинлигини – биласиз, сиз бу пушти, шаффоф, иссиқ қуёшни биласиз. Ҳавонинг ўзи ҳам – бироз пушти, атроф майин қуёш қонига тўйинган, ҳаммаёқ – жонли: тирик ва барчаси жилмайяпти – одамлар. Содир бўлиб, бир соатдан сўнг ғойиб бўлар, бир соатдан сўнг пушти қон томчилаб оқар, бироқ ҳануз – тирик. Кўряпман: ИНТЕГРАЛнинг шиша томирларида нимадир уриб, қуйилиб турибди; ИНТЕГРАЛ ўзининг буюк ва қўрқинчли келажаги, тепага, сизларга, доимо излаб, топа олмайдиган нотаниш сизларга олиб чиқадиган муқаррар бахтнинг оғир юки тўғрисида ўйлаётганини кўряпман. Сизлар топасизлар, сизлар

бахтли бўласизлар – сизлар бахтли бўлишга мажбурсизлар ва кутишингиз оз қолди.

ИНТЕГРАЛнинг корпуси деярли тайёр: бизнинг – олтин каби абадий, пўлат каби эгилувчан – ойнамиздан бўлган бежирим узунчоқ эллипсоид. Кўрдим: ойнадан бўлган танага ичкаридан кўндаланг қирралар – шпангоутлар, бўйлама – стрингерлар маҳкамлаётгандилар; қуйруқда улкан ракета моторига пойдевор ўрнатаётгандилар. ИНТЕГРАЛнинг бақувват думи ҳар 3 сонияда фазога олов ва газлар пуркашни бошлайди – ва елиб, чопиб учади – бахтнинг оловли Темури…

Кўрдим: Тейлор бўйича, пастдаги одамлар, баҳайбат машинанинг дастаги сингари, бир маромда ва тезликда, эгилар, букилар, айланар эдилар. Уларнинг қўлларида найчалар ялтирарди: оташ каби кесар, оташ каби шишадан бўлган деворларни, гўнияларни, қирраларни эритиб юборар эди. Кўрдим: ойна релслардан асталик билан шаффоф-шишадан бўлган махлуқ-кранлар ғилдираб кетарди ва, худди одамлар каби, итоат билан бурилар, эгилар, ичкарига, “Ин т е г р а л”нинг ичига, ўзларининг юкларини суқар эдилар. Булар юксак, ҳайратда қолдирадиган гўзаллик, уйғунлик, мусиқа... Тезроқ – пастга, уларнинг олдига, улар билан!

Мана – елка-елкага, улар билан бир тан-у жон бўлиб, пўлат ритм томонидан ишғол қилиндим... Бир маромдаги ҳаракатлар: диркиллама-думалоқ, қирмизи юзлар; ақлсиз билимлардан хиралашмаган, шаффоф пешоналар. Мен ойна дарё узра сузардим. Мен дам олардим.

Бирдан кимдир мен томон беташвиш ўгирилди:

- Хўш, қалай: бугун яхшими?

- Нима яхшими?

- Ҳа – кеча кўринмадингиз. Биз ўйлабмиз-ки – сизда ҳавфли... – пешонангиз ярақлаяпти, табассумингиз – ёш болаларники каби маъсум.

Қизариб кетдим. Мен бу кўзларга қараб ёлғон гапира олмасдим, гапира олмасдим. Мен индамай, чўкар эдим…

Тепада, думалоқ оқлик билан чарақлаб, фаянс юз люкдан мўралади.

- Эй, Д-503! Илтимос, буерга келинг! Буерда, қандай тушунтирсам экан, консоллик қаттиқ ром бўлиб қолди ва муҳим онлар квадратда кучланиш беряпти.

Охиргача эшитмай, ўзимни ҳовлиқиб тепага, унинг олдига отдим – мен шармандаларча қочиш билан нажот излардим. Кўзимни кўтаришга куч йўқ эди – оёғим остидаги ойна зиналардан кўзим қамашиб кетаётганди ва ҳар қадамимни ҳолатни қийинлаштирарди: менга, жиноятчига, захарланганга – буерда жой йўқ. Мен ортиқ ҳеч қачон аниқ механик ритм билан уйғун бўла олмайман, осойишта ойна-денгиз узра суза олмайман. Мен – абадий ёнишга, алаҳсирашга, нигоҳимни беркитиш учун жой излашга – ҳукм қилинганман, бутун умр, ўтишга куч топмагунимга қадар ва –

Муз учқун – ич-ичимгача: мен – майли; мен – барибир; аммо у ҳақида ҳам, уни ҳам…

Мен люкдан палубага чиқиб, тўхтадим: энди қаерга боришни, буерга нега келганимни билмайман. Тепага қарадим. Уерда қиёмдан сўлғин қуёш хира чиқарди. Пастда – кулранг-шишали, жонсиз ИНТЕГРАЛ бор эди. Пушти қон оқиб чиқди, тушундим – буларнинг бари менинг, ҳаммаси олдингидек қолди деган, ҳаёлларим ва бир вақтнинг ўзида…

- Эй, 503, нима кар бўлиб қолдингизми? Чақиряпман, чақиряпман... Сизга нима бўлди? – Бу Иккинчи Қурувчи эди – қулоғимнинг тагида: анчадан бери бақираётган кўринади.

Менга нима бўлди? Рулимни йўқотиб қўйдим. Мотор бор овози билан ғувиллаяпти, аэро титраб, еляпти, бироқ рул йўқ – ва мен қаерга елаётганимни билмайман: пастга – ва ҳозир ерга ёки тепага – ва қуёшга, оловга...

Ўн олтинчи қайд
Конспект:

Сариқ. Икки ўлчовли шарпа. Бедаво қалб.

“Бир неча кун ҳеч нима ёзмадим. Қанча билмайман: ҳамма кунлар – бир. Ҳамма кунлар – бир хил рангда – сариқ, худди қуриб, қизиб кетган қум сингари, бир дона ҳам соя, бир томчи ҳам сув йўқ, бепоён сариқ қум бўйлаб. Усиз яшай олмаяпман – у бўлса, ўшанда Қадимги Уйдан тушунарсиз ғойиб бўлганидан сўнг...

Ундан сўнг мен уни бир марта сайрда кўрдим, холос. Икки, уч, тўрт кун аввал – билмадим: ҳамма кунлар – бир. У кўзимга ташланди, сариқ, бўш дунёимни бир сонияга тўлдирди. У билан қўл ушлашиб – елкасидан келадиган – икки ёқлама букилган S, ингичка қоғозга ўхшаган шифокор ва тўртинчиси – яна кимдир – унинг фақат бармоқларини эслаб қолдим: униформасининг эгнидан чиқиб турарди, худди нур боғламлари каби – ақлбовар қилмас даражада ингичка, оқ, узун. I қўлини кўтариб, менга силкиди; I нур-бармоқли кимса томон боши билан эгилди. Мен ИНТЕГРАЛ деган сўзни эшитдим: тўрталаси ҳам мен томон ўгирилди; ва ўша заҳоти кулранг аралаш ҳаворанг осмонда ғойиб бўлдилар ва яна – сариқ, қуриб кетган йўл.

Ўша куни кечки пайт унда менинг олдимга келишга пушти чиптаси бор эди. Мен сон берувчи машина олдида – мулойимлик ва нафрат билан ундан оқ кесикда I-330 рақами тезроқ пайдо бўлишини сўраб, ёлвориб турардим. Эшиклар очилди, лифтдан рангсизлар, баландлар, пуштилар, қорачадан келганлар чиқиб келарди; пардалар тушириларди. У йўқ эди. Келмади.

Балки, айнан шу он, роппа-роса 22 да, мен ушбу қайдни ёзар эканман – у, кўзларини юмиб, кимгадир елкаси билан суяниб, унга: “Яхши кўрасанми?” деяётгандир. Кимга? Ким у? Нур-бармоқлигами ёки катта лабли, тупургисини сачратадиган R гами? Ёки S гами?

S... нега охирги кунлари орқамда унинг ясси, худди кўлмакларда тапиллаётган, қадамларини эшитяпман? Нега у ҳар куни орқамдан – шарпа каби? Олдимдан, ён тарафимдан, орқамдан, кулранг-мовий, икки ўлчовли шарпа: унинг орасидан ўтиб кетадилар, уни эзиб кетадилар, лекин у буерда, олдимда, кўринмас киндик ичаги билан боғлангандек, ўзгармай тураверади. Эҳтимол, бу киндик ичаги – удир, I-330 дир? Билмадим. Ёки, балки, улар, Қўриқчилар, менинг…

Агарда сизларга – сизнинг шарпангиз сизни кўради, ҳаммавақт кўради – деганларида. Тушуняпсизми? Ёки тўсатдан – сизда ғалати ҳиссиётлар пайдо бўлди: қўлларингиз – бегона, ҳалал беряпти ва мен баъзида қўлларим қадамларимга монанд бўлмаган равишда ҳаракатланаётганини сезаман. Ёки бирдан – албатта ўгирилиш керак, аммо ўгирила олмайсиз, умуман, негаки бўйнингиз – кишанланган. Мен югуряпман, югуряпман, тезроқ, янада тезроқ ва вужудим билан ҳис қиляпман: орқамдан шарпа тезлашиб келяпти ва ундан – ҳеч қаерга, ҳеч қаерга…

Ўзимнинг хонамдаман – ваниҳоят, ёлғизман. Бирдан: телефон. Яна гўшакни олдим: “Ҳа, I-330, илтимос”. Яна гўшакда – енгил шовқин, даҳлизда кимнингдир қадам товушлари – унинг хонаси эшиги олдидан ва жимжитлик... Гўшакни қўйдим – ортиқ чидай олмайман, чидай олмайман. Уерга – унинг олдига.

Булар кеча бўлди. Уерга югуриб бордим ва бир соат, 16 дан 17 гача, унинг уйи атрофида сандироқлаб юрдим. Тўхтамай, қаторма-қатор, сонлар. Бир маромда минглаб оёқлар тўкилар, миллион-оёқли левиафан ҳилпиллаб, ёнимдан сузиб ўтиб кетарди. Тўфондан кимсасиз оролга тушиб қолган, мен кулранг-мовий мавжда ёлғиз излайман.

Мана ҳозир қаердандир – ўткир чаккагача чимирилган қошларнинг истеҳзоли учбурчаги ва кўзларнинг қоронғу ойналари – уларнинг ортида, ичкарида, олов ёняпти, кимларнингдир шарпалари ҳаракатланяпти. Мен ўша ерга, ичкарига кириб, унга "сен" дейман – албатта "сен" дейман: "Биласан-ку – сенсиз яшай олмайман. Шундай экан – нега?"

Бироқ у индамаяпти. Мен бирдан жимжитликни эшитяпман, бирдан – Мусиқий Заводни эшитяпман ва билиб турибман: соат 17 дан ўтиб кетди, ҳамма аллақачон кетиб бўлган, мен ёлғизман, мен кеч қолдим. Атрофим – ойнадан бўлган, сариқ қуёш остида қолган чўл. Кўряпман: сувда – ойнанинг текис сатҳида ялтираётган, тўнтарилган деворлар паст томони билан осиб қўйилган ва кулгили тарзда чирпирак ағдарилган, мен ҳам осиб қўйилганман.

Мен тезроқ, ҳозироқ – Тиббиёт Бюросига бориб, касаллигим тўғрисида гувоҳнома олишим керак, акс ҳолда мени қўлга туширишади – Балки, энг яхшиси шудир. Демак, буерда жимгина ўтириб, мени Операцион залга олиб боришларини кутишим керак – ҳаммасини дарҳол тугатиб, барча гуноҳларимни бирваракай юваман. Енгил шитирлаган овоз ва қаршимда – икки ёқлама букилган шарпа. Мен қарамасдан, кулранг-пўлат пармалар менга нақадар тезликда буралиб кирганини,

сезардим, бор кучим билан жилмайиб, гапирдим – нимадир дейиш керак эди:

- Мен.... мен Тиббиёт Бюросига боришим керак.

- Қандай иш билан? Нега унда буерда турибсиз? Кулгили тарзда чирпирак ағдарилиб, осиб қўйилган, мен, уятдан ловуллаб ёниб, лом-мим дея олмасдим.

- Орқамдан юринг, - деди S қатъият билан.

Мен, кераксиз, бегона қўлларимни гоҳ у томон, гоҳ бу томон силкиб, унга бўйсуниб унинг орқасидан юрдим. Нигоҳимни кўтара олмасдим, ҳаммавақт ёввойи, тўнтарилган дунёда юрардим: ана қанақадир машиналар – пойдевори тепага қаратилган ва, шипга оёқлари билан ёпиштирилган, одамлар; яна ҳам пастроқда – кўприкнинг семиз ойнасидан сиқиқ осмон. Ёдимда: буларнинг барини умримда охирги марта шу тарзда кўрганим энг ачинарлиси эди. Бироқ нигоҳимни кўтариш мумкин эмасди.

Тўхтадик. Қаршимда – зиналар. Бир қадам – ва кўрдим: тиббиёт ходимларининг халатларидаги қадлар, улкан сассиз Қўнғироқ…

Куч билан, қандайдир бурама михли узатма ёрдамида, оёғим остидаги ойнадан кўзимни уза олдим – бирдан юзимга тилларанг ҳарфлар ташланди "Тиббиёт" ... Нега у мени Операцион Залга эмас, буерга олиб келди, нега у менга раҳм қилди – бу тўғрисида мен у он ўйламагандим ҳам: бир сакрашда – зиналар устидан ўтиб, орқасидан эшикни маҳкам ёпиб қўйдим – ва нафасимни ростладим. Худди: эрталабдан бери нафас олмагандек, юрагим урмагандек – худди энди илк бор нафас олгандек, худди кўкрагимдаги дарв энди очилгандек.

Иккаласи: бири – пастроқ, оёқлари яшиксимон – беморларни кўзлари билан, шохларга илгандек, юқорига отарди, иккинчиси – ингичка, ялтираётган қайчи-лаблари, тиғ-бурни... Ўша.

Мен у томон, худди яқин инсоним каби, отилдим, тўғри тиғларга – уйқусизлик, тушлар, шарпалар ва сариқ дунё ҳақида бир нималар. Қайчи-лаблар ялтираб жилмаярди.

- Ҳолингиз вой-ку! Чамаси, сизда қалб пайдо бўлганга ўхшайди.

Қалб? Бу ғалати, қадимий, анча илгари унутилган сўз. Биз баъзида “қалб тўрида”, “қалбдош”, “қалбсиз” сўзларини ишлатардик, аммо қалб –

- Бу... жуда ҳам хавфли, - ғулдирадим мен.

- Давоси йўқ, - қайчилар сўзимни кесди.

- Аммо... очиғи, асл моҳияти нимада? Мен қандайдир... тасаввур қила олмаяпман.

- Биласизми... нима десам экан... Ахир сиз математиксиз, тўғрими?

- Ҳа.

- Хўш – яссилик, сатҳ, мана бу ойна. Сатҳда биз иккаламиз, ана – кўряпсизми, қуёшдан кўзларимизни қисамиз ва трубкадаги кўк электрик учқун, ана – аэронинг шарпаси кўзга ташланди. Фақатгина сатҳда, фақатгина сонияга. Бироқ тасаввур қилинг – қандайдир оловдан ушбу зим-зиё сатҳ бирдан юмшаб кетди ва ҳеч нима ортиқ унинг устида тойғанмаяпти – ҳамма нарса унинг ичига кириб кетяпти; болалигимизда биз синчковлик билан мўралаган, ўша ойнали дунёга – болалар унчалик ҳам ақлсиз эмас, ишонинг. Яссилик

ҳажмга, жисмга, дунёга айланди ва бу ойна ичида – сизнинг ичингизда – қуёш, аэронинг бурама михининг қуюни, сизнинг ва яна бошқа бир одамнинг титраётган лаблари. Англаяпсиз: совуқ ойна акс эттиради, улоқтиради, бу эса – шимиб оляпти, унда ҳар нарсанинг – изи абадий қоляпти. Бир кун кимнингдир юзидаги сезилар-сезилмас ажинни кўрасиз – ва у бутун умрга сизда муҳирланиб қолади; бир кун: сиз жимжитликда томчи томганини эшитдингиз – ва у товуш ҳануз қулоғингизда янграйди…

- Ҳа, ҳа, худди шундай... – мен унинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим.

Мен ҳозир эшитаётгандим: бет-қўл ювгич кранидан – томчилар асталик билан жимжитликка томяпти. Мен билардим: бу – бутун умрга. Аммо нега энди бирдан қалб? Йўқ бўлиб, йўқ бўлиб – ва тўсатдан... Нега ҳеч кимда йўқ, менда бўлса…

Мен нозик қўлларни янада маҳкамроқ ушлаб олдим: қутқарув ҳалқасини йўқотиб қўйишдан қўрқар эдим.

- Нега? Нега бизнинг патларимиз, қанотларимиз йўқ – биргина курак суякларимиз бор – нима улар қанотлар учун асосми? Чунки қанотларга ортиқ эхтиёж йўқ – аэро бор, қанотлар фақатгина ҳалал берарди. Қанотлар – учиш учун, бизни эса учадиган жойимиз йўқ: биз – учиб келдик, биз – топиб бўлдик. Шундай эмасми?

Мен саросимада бошимни ликиллатдим. У, менга қараб, ўткир, ништарли кулиб юборди. Анави, бошқа, яшиксимон оёқлини эшитди, хонасидан тап-тап овоз чиқариб чиқди ва кўзлари билан мени нозик шифокоримнинг шохларига улоқтирди – мени улоқтирди.

- Гап нимада? Қандай қилиб: қалб? Қалб, дейсизми? Ё, тавба! Бундай бўлса, яқинда вабогача борамиз. Мен сизга айтгандим, (нозикни шохларга) мен сизга айтгандим: ҳамманинг – ҳамманинг ҳаёлпарастлигини... Ҳаёлпарастликни экстрипация[33] қилиш. Буерда биргина жарроҳлик, биргина жарроҳлик…

У улкан рентген кўзойнакларини тақиб олиб, узоқ айланиб юрди ва, бош суяги ичига – менинг миямга – тикилиб қараб, бир нималарни дафтарчасига ёзди.

- Жуда ҳам, жуда ҳам қизиқ! Менга қаранг: спиртланишга... рози бўлармидингиз? Бу Ягона Давлат учун бениҳоя... бу эпидемиянинг олдини олишимизда ёрдам берар эди... Агарда, албатта, сизнинг айрим асосларингиз бўлмаса…

- Нима десам экан, - деди у, - рақам Д-503 – ИНТЕГРАЛнинг Қурувчиси ва, аминман-ки, бу издан чиқариши…

- А-а, - тўнғиллади у ва хонасига яшиксимон қадамлар ташлаб кириб кетди.

Иккимиз қолдик. Қоғоз қўл енгил, мулойимлик билан қўлимнинг устига қўйилди, қиррали юз мен томон эгилди, пичирлади:

- Ҳеч кимга айтиб қўйманг – у фақатгина сизда бор эмас. Ҳамкасбим бекордан эпидемия ҳақида гапирмаяпти. Эслаб кўринг-а, ўзингиз бошқаларда ўхшаш ҳолатни кузатмаганмисиз – жуда ҳам ўхшаш, жуда ҳам яқин... – у менга диққат билан қаради.

У нимага ишора қиляпти – кимга? Наҳотки –

[33] Бирор органни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш

- Менга қаранг... – стулдан ирғиб турдим мен. Аммо у баланд овозда бошқа нарса ҳақида гапиришни бошлади.

- ...уйқусизликдан бўлса, тушларингиздан – сизга бир нарсани маслаҳат бера оламан: кўпроқ пиёда юринг. Эртага эрталабданоқ сайрга чиқинг... масалан, Қадимги Уйга.

У мени кўзлари билан яна санчиди, янада кенгроқ жилмайди. Менга туйилди: мен, унинг табассумининг ингичка матосига ўралган сўзни – харфни – исмни, биргина исмни аниқ ва равшан кўрдим... Ёки бу яна менинг ҳаёлпарастлигиммикин?

У менга бугун ва эртагалик учун касаллигим тўғрисида гувоҳнома ёзиб берар экан, мен базўр сабр қилдим ва, унинг қўлини яна бир бор маҳкам сиқиб, ташқарига югуриб чиқиб кетдим.

Юрак – аэро каби енгил, тез ва мени тепага элтмоқда, элтмоқда. Мен билардим: эртага – қандайдир хурсандчилик бўлади. Қандай?

Ўн еттинчи қайд
Конспект:

Ойна орасидан. Мен ўлдим. Даҳлизлар.

“ Мен нима қилишимни умуман билмай қолдим. Кеча, айни шу онда, ҳамма ечимлар топилди, барча икслар аниқланди деб ўйлаган онимда – менинг тенгламамда янги ноаниқ сонлар пайдо бўлди.

Бу ҳикоядаги координатлар боши – албатта, Қадимги Уй. Бу нуқтадан – яқиндан бери мен учун бутун дунё асоси бўлиб ҳизмат қилган X-лар, Y-лар, Z-лар ўқи. X-лар ўқидан (59-чи Хиёбон бўйлаб) мен координат боши томон яёв кетардим. Туни кеча бўлиб ўтганлар – менда довул каби: уйлар ва одамлар қулаб тушган, ғқубатли даражада бегона қўллар, ялтираётган қайчилар, бет-қўл ювгичдан кескин томиб турган томчилар – шундай эди, қачонлардир шундай эди. Буларнинг бари, гўштимни тирнаб, оловдан эриб кетган сатҳда, “қалб” деб номланмиш жойда – ўша ерда шиддат билан айланмоқда.

Шифокорнинг кўрсатмаларини бажариш учун атайлаб гипотенуза бўйлаб эмас, балки икки катетлар бўйлаб тушган йўлни танладим. Мана иккинчи катет: Зумрад Девор этагидаги доиравий йўлак. Девор ортидаги кўз илғамас зангори океандан менинг устимга илдизлар, гуллар, шох-шаббалар, барглардан бўлган ёввойи мавж мен томон ёпирилиб келарди – орқа оёқларида тик туриб – ҳозир мени ювиб кетади; ва мен – механизмларнинг нимжонларининг энг нимжони – одамдан…

Аммо, бахтимга, мен ва ёввойи зангори океан ўртамизда – Девор ойнаси бор эди. О, деворлар ва тўсиқларнинг илоҳий чегараловчи, буюк донолиги! Бу барча ихтироларнинг энг буюги бўлиши мумкин. Инсон илк

деворни қурганидан кейингина ёввойи ҳайвон бўлмай қолди. Инсон, биз Зумрад Деворни қурганимиздан ва бу Девор билан ўзимизнинг машиналаштирилган, қусурсиз дунёимизни – дарахтларнинг, қушларнинг, ҳайвонларнинг бемаъни, беўхшов дунёсидан – айирганимиздан кейингина, ёввойи инсон бўлмай қолди.

Ойна орасидан менга – мужмал, хира – аллақандай ҳайвоннинг афти бақрайиб турибди; унинг сариқ кўзлари ўжарлик билан менга тушунарсиз бўлган бир фикрни қайтараверар эди. Биз бир биримизга узоқ тикилиб турдик – юзаки дунёдан бошқа, юзакининг ортидаги дунё конларига. Менда нимадир ғимирлаяпти: “Сариқ кўзли – ўзининг бемаъни бўлган, кир барглар уюмида, ўзининг ҳисобланмаган умрида – биздан кўра бахтли бўлсачи?”

Мен қўлимни силтадим, сариқ кўзлар пирпираб, тисарилиб, барглар орасида йўқ бўлди. Абгор жонзот! Нақадар бемаънилик: у – биздан бахтлироқ! Эҳтимол, у мендан бахтлироқдир – ҳа; аммо мен – фақатгина бир истисноман, мен касалман.

Ҳа ва мен... Мен Қадимги Уйнинг тўқ қизил деворларини – ва кампирнинг очилмай қолган мулойим лабларини – кўряпман: мен кампир томон бор кучим билан чопдим:

- У буердами?

Юмилиб қолган оғиз асталик билан очилди:

- У, ким – у?

- Эҳ, ким бўларди? I-330 да, албатта... Ахир, биз у билан ўшанда – аэрода…

- А-а, хўш, хўш… Хўш-хўш-хўш…

Нурсимон ажинлар лаблари атрофида, менинг ич-ичимга симирилаётган, сариқ кўзларидан тушган ҳийлакор нурлар – янада чуқуррок... Ваниҳоят:

- Ҳа, майли... у буерда, яқинда келганди.

Буерда. Мен кўрдим: кампирнинг оёқлари остида – кумушранг, аччиқ қақранинг бутаси (Қадимги Уйнинг ховлиси – музей кўринишида, у тотарихий ҳолатида пухта сақланиб қолинган), қақра бутасини кампирнинг қўлига узатди, кампир бутоқни силаяпти, унинг тиззаларида – қуёш нурларининг сариқ тасмаси. Бир онга: мен, қуёш, кампир, қақра, сариқ кўзлар – биз ҳаммамиз бирмиз - биз қандайдир томирлар билан ўзаро боғланганмиз ва бу томирлардан – бир, умумий, жўшқин, ажойиб қон…

Ҳозир бу ҳақида ёзишга уяляпман, бироқ мен қайдларимда охирига қадар очиқсўз бўлишга ваъда берганман. Хўш: мен эгилиб – бир-бирига ўсиб кетган, юмшоқ мох босган лабларни ўпдим. Кампир артиниб, кулиб юборди...

Озгина тор, таниш ва янгроқ хоналар орқали югуриб – негадир тўғри ўша ерга, ётоқхонага кирдим. Эшик олдида дастакни ушлаб олдим ва бирдан: “У уерда ёлғиз бўлмасачи?” Қулоқ солишни бошладим. Бироқ биргина: яқинимда урилаётган товушни – менда эмас, қаердадир менинг яқинимда – менинг юрагимда.

Кирдим. Кенг, ғижимланмаган каравот. Ойна. Шкаф эшигида ҳам ойна ва қулфнинг тешигида – қадимий ҳалқали калит бор. Кимса йўқ.

Мен паст овозда чақирдим:

-I! Буердамисан? – ва яна ҳам пастроқ овозда, кўзларимни очмасдан, нафас олмасдан – гўё унинг қаршисида тизза чўкиб тургандек: - I! Азизам!

Жимжитлик. Фақатгина бет-қўл ювгичнинг оқ юзасига сув тез-тез томчилаб турар эди. Ҳозир нега бундай бўлганини тушунтириб бера олмайман, бироқ ўша он айнан шу нарса менга ёқимсиз эди; кранни маҳкам ёпиб, чиқиб кетдим. Буерда у йўқ: тушунарли. Демак, у қандайдир “бошқа” уйда.

Кенг ғира-шира зинадан пастга тезда-тезда тушдим, бир, икки, уч эшикни очдим: ёпиқ. Ҳеч ким бўлмаган, “бизнинг” уйимизнинг эшигидан ташқари, ҳаммаси ёпиқ эди.

Шундай бўлса ҳам – яна ўша томон, ўзим ҳам билмайман нима сабабдан. Мен секин, қийинчилик билан юрардим – оёғимнинг кафти гўё чўяндан бўлиб қолган эди. Бир фикрни аниқ эслайман: “Оғирлик кучи – ўзгармаслиги, хато. Шундай экан менинг барча формулаларим –”

Бундай сўнг – фикрим бузилди; энг пастки қаватда эшик қарс этиб ёпилди, кимдир тоштахтада тез-тез юриб кетди. Мен – яна енгил, пар каби енгил – зина тўсиқлари томон отилдим – бир сўздан энкайиб кетмоқ, “Сен!” сўзининг бир ҳайқириғида – барчасини қичқириб юбормоқ…

Юрагим шиғ этиб кетди: пастда – ойна ромининг қоронғу тўртбурчак сояси билан бир бўлган, пушти қанот-қулоқларини гоҳ у томон, гоҳ бу томон силкитиб кетаётган S нинг боши кўринарди.

Яшин каби – биргина асоссиз хулоса, фикрсиз (дастлабки фикрларни мен ҳануз билмайман): “У мени – кўрмаслиги керак – нима бўлса бўлсин, кўрмаслиги керак.

Оёғимнинг учида, деворга ёпишиб, ўша очиқ уй томон тепага лип этиб ўтдим.

Бир сония эшик олдида. Анави – S – тепага қараб чиқяпти. Эшик! Мен эшикни ёлворардим, бироқ у тахтадан; ғичирлаб, чинқириб юборди. Шамол каби – яшил, қизил, сариқ Будданинг олдидан – мен шкафнинг ойна эшиги қаршисидаман: менинг оқариб кетган юзим, диққат билан тинглаётган кўзларим, лабларим... Мен эшитяпман – қон шовқини орасидан – эшик яна ғичирлаяпти... Бу ўша, ўша.

Мен шкаф эшигининг калитини ушлаб олдим – ва мана ҳалқа тебранишни бошлади. Бу менга – яна бир онли, яланг, асоссиз хулосани – тўғрироғи, парчани – эслатяпти: “Ўша сафар I –”. Мен шкафнинг эшигини зудлик билан очдим – мен ичкаридаман, қоронғуликда, эшикни маҳкам ёпдим. Бир қадам – оёқларим ости қимирлаб кетди. Мен секин-асталик билан пастга қараб сузишни бошладим, кўзларимда қоронғулашиб кетди, мен ўлдим.

X X X

Кечроқ, бўлиб ўтган бу ғалати ҳодисаларнинг барчасини қоғозга туширишим керак бўлганида, хотирамни, китобларни титкиладим – мана энди мен, албатта, тушуняпман: бу, қадимги одамларга маълум бўлган, вақтинчалик ўлим ҳолати эди ва – билишимча – бизга умуман таниш эмас.

Қанча вақт ўлик ҳолатида бўлганимни билмайман, ҳойнаҳой 5-10 сониядир, аммо маълум вақт ўтгандан кейингина тирилиб, кўзимни очдим: қоронғу ва мен ҳис қиляпман – пастга, пастга... Қўлимни чўздим – ниманидир ушлаб олдим – тезлик билан қочиб кетаётган дағал девор тирнади, бармоғимда қон, тушунарли –

буларнинг бари ҳаёлларим маҳсули эмас. Аммо бу нима эди, нима?

Мен титраётган нуқтали нафасимни эшитардим (тан олишга уяляпман – ҳаммаси шу даражада тўсатдан ва тушунарсиз бўлди-ки). Бир, икки, уч дақиқа – ҳамма пастга. Ваниҳоят, енгил туртки: оёғим остида қимирлаётган ер – энди қимирламасди. Қоронғуликда тимирскилаб қандайдир дастакни топдим, итардим – эшик очилди – хира ёруғлик. Кўрдим: орқамда унчалик катта бўлмаган квадрат жисм тезлик билан тепага чиқиб кетаётганди. Орқасидан югурдим – кеч бўлгандим: мен буерда мосуво қолдим... бу “буер” қаер – билмайман.

Даҳлиз. Тоғлар каби оғир жимжитлик. Думалоқ гумбазларда – чироқлар, чексиз, ялтираётган, титраётган нуқтали чизиқ. Бироз бизнинг ерости йўлларимизнинг “трубаларига” ўхшаб кетяпти, бироқ анчагина торроқ ва бизнинг ойнамиздан эмас, балки аллақандай қадимий моддадан. Ҳаёлимга келиб қолди – Икки Юз Йиллик Уруш пайтида одамлар сақланган ертўлалар... Барибир ҳам: юриш керак.

Тахминан йигирма дақиқача юрдим. Ўнгга бурилдим, даҳлиз кенгайди, чироқлар ёрқинлашди. Қандайдир ноаниқ гумбурлаган овоз. Балки, машиналар, балки, овозлар – билмадим, лекин фақат мен – оғир хира эшик олдида: гумбурлаган овоз ўша ердан келяпти.

Тақиллатдим, яна бир бор – қаттиқроқ. Эшик орти – жимиб қолди. Нимадир жиринглади, эшик аста-секин, оғирлик билан ланг очилди.

Иккимиздан қай биримиз кучлироқ карахт бўлди билмайман – қаршимда менинг тиғ каби ўткир бурунли, нозир шифокорим турарди.

- Сиз? Буерда? – ва унинг қайчилари юмилиб қолди.

Мен бўлса – худди умрим бўйи ҳеч қандай сўз билмагандек, инсон тилини тушунмагандек: жим қараб, унинг менга айтаётган гапларининг ҳеч бирини тушунмай, турардим. Буердан кетиш керакка ўхшайди: чунки у ўзининг ясси қоғоз қорни билан мени даҳлизнинг охиригача, ёруғроқ қисмигача тезлик билан суриб ва елкамдан туртиб қўйди.

- Изн берсангиз... мен... мен у, I-330. Бироқ менинг ортимдан…

- Шуерда туринг, - гапимни кесди шифокор ва ғойиб бўлди…

Ахийри! Ахийри у ёнимда, буерда – ва бу “буер” қаерлигининг қандай фарқи бор. Таниш бўлган сап-сариқ шойи, тишлаб олувчи кулгу, пардалари туширилган кўзлар... Менинг лабларим, қўлларим, тиззаларим титраяпти – ақлимда эса бемаъни фикр:

“Тебраниш – товуш. Титроқ эшитилиши керак. Нега эшитилмаяпти?”

Унинг кўзлари мен томон очилди – ланг очилди, мен ичкарига кирдим…

- Ортиқ чидай олмасдим! Қаерда эдингиз? Нега... – кўзимни ундан бир сонияга ҳам узмай, алаҳсираб гапирардим – тез, алоқ-чалоқ, - фақат ўйлаётган бўлишим ҳам мумкин. – Шарпа – орқамдан... Мен ўлдим – шкафдан... Чунки сизнинг ўша... қайчилари билан айтди: менда қалб... Бедаво…

- Бедаво қалб! Бечорагинам! – I кулиб юборди – ва менга ҳам кулгусини сачратди: бутун алаҳсирашим ўтиб

кетди, атрофимда кулимсирашлар ялтираб, жаранглаяпти, қандай – қандай яхши.

Бурчакдан яна шифокор чиқди – ажойиб, буюк, нозир шифокор.

- Хў-ўш, - тўхтади у I нинг олдида.

- Ҳеч нима, ҳеч нима! Сизга кейин айтиб бераман. У беҳосдан... Мени... ўн беш дақиқадан сўнг... келади деб айтинг…

Шифокор бурчак томон ўтиб кетди. I кутиб турди. Эшик паст овозда ёпилди. Ўшанда I ўзининг ўткир, тотли игнасини юрагимга аста-аста, янада чуқурроқ санчиб – елкаси, қўллари, бутун вужуди билан менга ёпишиб олди – ва биз у билан бирга, у билан бирга – иккимиз – бир бўлиб…

Қаерда қоронғулик томон бурилганимиз эсимда йўқ – ва қоронғуликда зиналар бўйлаб тепага, нихоясиз, индамай. Мен кўрмасам-да, билардим: у ҳам, худди мен каби, юрар – кўзларини юмиб, кўзи ожизлар каби, бошини тепага кўтариб, лабларини тишлаб – ва мусиқани тинглар эди: менинг эшитилар-эшитилмас титроғимни.

Мен Қадимги Уйнинг саноқсиз жин кўчаларининг бирида уйғондим: аллақандай панжара, ердан чиққан – қулаб тушган деворларнинг яланг, тошлоқ қирралари ва сариқ тишлари. У кўзларини юмиб: “Индинга 16 да” деди ва кетди.

Булар рўёмиди? Билмайман. Индинга билиб оламан. Ҳақиқий из фақатгина бир дона: ўнг қўлимда – бармоқларим учида – терим шилиниб кетган. Бироқ бугун ИНТЕГРАЛда Иккинчи Қурувчи мени, бу қўлим у билан силлиқлайдиган ҳалқани беҳосдан ушлаб олганим

учун шикастланганини ўз кўзлари билан кўрганига, ишонтирарди. Ким билсин, бундай бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бўлиши мумкин. Билмайман – ҳеч нимани билмайман.



Ўн саккизинчи қайд
Конспект:

Мантиқий чангалзорлар. Яра ва малҳам. Қайтиб ҳеч қачон.

“Кеча ётоғимга ётишим биланоқ – уйқу жарлигига қуладим, худди ўта ошиқча юк ортилган, ағдарилиб кетган кемага ўхшаб. Сассиз ҳилпиллаётган зангори сувнинг қатлами. Аста-секин тубдан сатҳга чиқяпман ва чуқурликнинг тахминан ўртасида кўзларимни очдим: менинг хонам, ҳануз яшил, яхлаб қолган тонг. Шкафнинг ойна эшигида – қуёшнинг бир бўлаги – тўғри кўзимга тушяпти. Бу Лавҳ томонидан белгиланган уйқу соатларига аниқ амал қилишга ҳалал беряпти. Энг яхшиси – шкафни очиш. Аммо мен бутунлай – худди ўргимчак тўридадек, худди кўзларимда ўргимчак тўридек, тургани кучим йўқ…

Барибир ҳам турдим, очдим – бирдан ойна эшик ортидан кўйлагига чалкашиб, бутунлай пушти – I чиқарди. Энг ғайриоддий нарсаларга ҳам шу даражада ўрганиб қолгандим-ки, адашмаётган бўлсам, ҳаттоки заррача ҳам ҳайрон бўлмадим, ҳеч нима ҳақида сўрамадим: тезроқ шкафга, ортимдан ойнали эшикни ёпдим – ва, нафасим қайтиб, кўрмасдан, очкўзлик билан I билан бирлашдим. Ҳозир кўрганимдек*: эшикнинг тешигидан қоронғуликда – ўткир қуёш нури полда, шкаф ёнида, тепароқда чақмоқ каби синяпти* - ва бу шавқатсиз, ялтираётган тиғ I нинг орқа томон эгилган, яланг бўйнига тушди... бу мен учун ниҳоятда қўрқинчли ҳолат эди-ки, мен, чидай олмай, бақириб юбордим – ва яна бир бор кўзларимни очдим.

Менинг хонам. Ҳануз яшил, яхлаб қолган тонг. Шкаф эшигида қуёшнинг парчаси. Мен – каравотимдаман.

Уйқу. Бироқ юрагим ҳамон тез урар, сесканиб, жўшқиниб кетар, бармоқларимнинг учлари ва тиззаларим оғрир эди. Булар – рўё эди. Мен энди тушим ва ўнгимни ажрата олмай қолдим; иррационал ўлчамлар барча мустаҳкам, одатий, уч ўлчамли нарсаларнинг ич-ичига ўсиб боряпти ва қаттиқ, текисланган сатҳлар ўрнига – атроф қинғир-қийшиқ, пахмоқ нарсаларга тўлиб боряпти.

Қўнғироққача ҳали вақт бор. Мен ўйланиб ётибман – ва жуда ҳам ғалати, мантиқий ўйлар занжирининг чигали ечилиб боряпти.

Сиртқи дунёдаги ҳар қандай тенглама, ҳар қандай формуланинг эгрилик ёки жисм кўринишидаги муносиби бор. Иррационал формулаларнинг муносиби борми биз билмаймиз – биз уларни ҳеч қачон кўрмаганмиз... Бутун даҳшат ҳам шундан иборат-да – ушбу жисмлар – кўринмас жисмлар – мутлақ, ҳеч қандай шубҳасиз мавжуд бўлиши керак: негаки математикада, худди экрандаги каби, бизнинг қаршимиздан уларнинг ғаройиб, тиканли шарпалари ўтиб кетади – иррационал формулалар; математика ҳам, ўлим ҳам – ҳеч қачон янглишмайди. Биз бу жисмларни ўз дунёимизда, сатҳда кўрмас эканмиз, улар учун – албатта – сатҳдан юқорида бўлган, улкан, бутун бошли бир дунё мавжуд бўлиши керак…

Мен қўнғироқни кутмай, ирғиб туриб кетдим ва хонада югуришни бошладим. Менинг математикам – шу вақтгача менинг жинни-кетди* ҳаётимдаги ягона маҳкам ва мустаҳкам орол эди – қўзғалди, ўрнидан силжиб кетди, айланишни бошлади. Демак, бу бемаъни “қалб” – худди менинг униформам, этикларим (ҳозир мен уларни кўрмасамда: улар шкафнинг ойна эшиги ортида) сингари мавжуд экан-да? Этикларим касаллик эмас экан, нега энди “қалб” бир касаллик?

Ёввойи мантиқий чангалзордан чиқишни қанчалик изламай, топа олмадим. У – Зумрад Девор ортидаги – сирли ва даҳшатли чакалакзорлар каби эди ва, шу билан бир қаторда, турфа, тушунарсиз, сўзсиз сўзловчи ҳам эди. Қалин ойнанинг орасидан кўрингандек бўлди – кўряпман: беҳад улкан ва, айни замонда, беҳад кичик, чаёнсимон, яширинган ва ҳаммавақт сезилиб турган манфий-нишли - √-1 жисм... Балки бу, қадимгиларнинг, ўзини ўзи захарлайдиган, чаёнларига ўхшаган, менинг “қалбимдан” бошқа нарса эмасдир.

Қўнғироқ. Кун. Буларнинг барчаси, ҳалок бўлмай, ғойиб бўлмай – биргина кун ёруғлигига бурканган; худди кўзга кўринувчи жисмлар, нобуд бўлмасдан – тунга яқин тун қоронғулигига бурканганн сингари. Ақлимда – беқарор, ним туман. Туман орасидан – узун, шишадан бўлган столлар кўриняпти; асталик билан, сассиз бир маромда чайновчи шарсимон бошлар. Узоқдан, туман узра метрономнинг тириқлаши эшитиляпти ва бу эркаловчи таниш мусиқа оҳангида мен ўзим билмаган ҳолда, қолганлар билан биргаликда, элликкача санаяпман: ҳар бир бўлак учун қонунан белгиланган эллик чайновчи ҳаракат. Ғайриихтиёрий равишда қолганлар билан бир маромда ҳаракатланаман, эгиламан, кетаётганлар китобида, қолганлар каби, исмимни қайд этаман. Бироқ ҳис қиляпман: қолганлардан алоҳида, ёлғиз, товушлардан ҳимояловчи юмшоқ девор қуриғида яшаяпман ва бу девор ортида – менинг дунёим…

Лекин бир нарса бор: агарда бу дунё – фақатгина меники бўлса, нега унда бу қайдларда ҳам бор? Маъносиз “тушларнинг”, шкафнинг, бепоён даҳлизларнинг нима кераги бор? Не афсуски, менинг қайдларим Ягона Давлат шарафи йўлида ёзилган изчил ва жиддий достон ўрнига – аллақандай ҳаёлий ва қалтис саргузаштларга бой асарга айланяпти. Эҳ, қани эди менинг иксларга, √-1 ларга ва

йиқилишларга тўла ҳозирги ҳаётим, бир асарга айланиб қолганида.

Балки ҳаммаси яхшиликкадир. Сизлар, менинг нотаниш ўқувчиларим, - бизнинг олдимизда бола каби бўлишингизнинг эҳтимоли юқори (ахир биз Ягона Давлат томонидан тарбияланиб вояга еткизилганмиз – шундай экан инсон қобилиятларининг энг чўққисини ҳам эгаллаганмиз). Болалар каби – мен сизларга бермоқчи бўлган барча аччиқ ҳақиқатларни қичқиришларсиз ютиб юборишларингиз учун, уларни саргузаштлардан иборат қуйиқ қиём билан қоплашим керак.

X X X

КЕЧКИ ПАЙТ:

Сизга бу туйғу танишми: аэрода очиқ ойналар билан, мовий бурама чизиқ бўйлаб, фалак томон елдек учиб кўтарилаётганингизда, юзингизга ураётган қаттиқ шамол гўё хуштак чалаётган пайтда – ер йўқ, у ҳақида унутиб қўясиз, у биздан, худди Сатурн, Юпитер, Венера каби, олисда? Мен ҳозир худди шундай яшаяпман, юзимга – қаттиқ шамол уриб туради ва мен ер тўғрисида унутиб қўйганман, мен дилбар, пушти О тўғрисида унутиб қўйганман. Шундай бўлса ҳам, ер мавжуд, эртами-кечми – уни режага қўшиш керак ва, менинг Жинсий Алоқа Жадвалимда унинг – О-90 нинг – исми туриши керак бўлган кун олдидан, кўзларимни юмар эканман…

Бугун олис ер ўзи ҳақида эслатди.

Шифокорнинг кўрсатмаларини бажариш учун (мен чин юракдан тузалиб кетишни хоҳлайман), икки соат давомида хиёбонларнинг ойнали, тўғри даштлари бўйлаб кезиб юрдим. Ҳамма, лавҳга кўра, аудиториумларда эди ва биргина мен... Аслида бу

ноодатий манзара эди: бутундан, қўлдан кесиб олинган бармоқни тасаввур қилинг – алоҳида бўлган инсон бармоғи, букчайиб, сакраб-сакраб шиша йўлак бўйлаб югуриб кетяпти. Бу бармоқ – менман. Бу ҳолатни қизиқлиги, ғайриоддийлиги шунда-ки, бармоқ қўлда бўлишни, бошқалар билан бўлишни ҳеч ҳам хоҳламаяпти: ё – шундай, ёлғиз, ё... Ҳа, беркитадиган ҳеч нимам қолмади: ё у билан биргаликда – унинг менга суянган елкасидан, чирмашган қўлларимиздан бутун борлиғимни унга ўтказиб, …

Уйга қайтганимда, қуёш аллақачон ботаётганди. Кечки пушти кул – деворлар ойнасида, Аккумуляторли Миноранинг шпицида, мен учратаётган рақамларнинг овозлари ва табассумларида. Ғалати эмасми: сўнаётган қуёшнинг нурлари айнан эрталаб қуёш чиқишидаги бурчак остига тушади, қолганлари эса – бутунлай фарқли, бу пуштилик ҳам фарқли – ҳозир у жуда ҳам сокин, бироз овозли, эрталаб бўлса – қайтадан жарангли, пишиллайдиган ҳолатга келади.

Мана пастда, вестибюлда, пушти кул остида қолган конвертлар уюмидан – Ю, назоратчи, бир хатни чиқариб, менга узатди. Қайтаряпман: у жуда ҳам мухтарам аёл ва аминман-ки – унинг менга нисбатан бўлган туйғулари фақат ижобий.

Шундай бўлса ҳам, ҳар сафар унинг осилиб кетган, балиқ ойкулоқларига ўхшаган юзларини кўриш мен учун негадир ёқимсиз.

Ю, менга хатни бутасимон қўллари билан узатар экан, хўрсиниб қўйди. Аммо бу хўрсиниш, мени дунёдан айириб турган, пардани енгил қимирлата олди холос: менинг бутун диққат-эътиборим, вужудим, борлиғим

қўлимда қалтираётган конвертда эди. Унда, шубҳасиз, I дан хат бор.

Буерда – иккинчи нафас олиб чиқариш, шу даражада кўзга ташланади-ки, мен конвертдан кўзимни узиб, қарадим: ойқулоқлар орасида, ерга қараб олган кўзларнинг уялувчан чий пардалари орасидан – нафис, майин ўраб олувчи, кўр қилувчи табассум. Сўнгра эса:

- Бечора сиз, бечора, - чуқур нафас олиб, хат томон бошини енгил силкиб қўйди у (хатнинг мазмунини у, иши сабабли, шубҳасиз, билар эди).

- Йўқ, асли, мен... Нега энди?

- Йўқ, йўқ, азизим: мен сизни сиздан кўра яхшироқ биламан. Мен сизни анчадан бери кузатаман ва кўриб турибман: сиз билан қўлма-қўл ушлашиб кетадиган ҳаёт ҳамроҳингиз, ҳаётни кўп ўрганган инсон бўлиши керак…

Мен ҳис қиляпман: унинг табассуми менинг устимда – худди, қўлимда қалтираётган хатдан сўнг қоладиган яраларга, малҳам каби. Ваниҳоят – уялувчан шир пардалар орасидан – роса ҳам паст овозда:

- Мен ўйлаб кўраман, қадрли Д-503, ўйлаб кўраман. Кўнглингизни ҳотиржам қилаверинг: агар мен ўзимда етарлича куч борлигини ҳис қилсам – йўқ-йўқ, мен аввал ўйлаб кўришим керак…

Улуғ Валинеъмат! Наҳотки мен... наҳотки у... менга –
Кўзларим қамашиб кетди – минглаб синусоидлар, хат қўлимда ирғияпти. Мен ёруғликка яқинроқ бордим ва ўша ердан – менга, полга, қўлларимга, хатга борган сари қизариб бораётган, ғамгин кул тушиб турибди.

Конверт очилди – тезроқ имзони кўрай – ва яра – муаллиф I эмас, балки О эди. Яна бир яра: варақнинг

пастида, ўнг бурчакда – сиёғ доғи ёйилиб кетибди – анави ерга ҳам томган экан... Сиёҳ доғларини жиним суймайди – барибир ҳам: улар сиёҳдан бўладими ёки... нимадан бўлишининг қизиғи йўқ. Биламан – авваллари – бу ёқимсиз доғдан – кўнглим ғаш бўлар, кўзларим толиқарди. Аммо нега энди бу кулранг доғчадан – булут каби ва ундан – атроф қўрғошинга ва қоронғуликка айланяпти? Ёки бу яна – “қалбмикин”?

ХАТ:

“Билиб турибсиз... ёки, эҳтимол, билмайсиз – мен эплаб тузук-қуруқ ёза олмайман – нима бўлса ҳам: сиз ҳозир, менинг сизсиз ҳеч қандай куним, ҳеч қандай тонггим, ҳеч қандай баҳорим бўлмаслигини, билиб турибсиз. Негаки R менинг учун фақатгина... ҳа, бунинг сизга қизиғи йўқ. Мен ундан, нима бўлган тақдирда ҳам, миннатдорман: усиз ўзим ёлғиз, бу кунларда – нима бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман... Охирги кунлар ва тунлар мен учун гўё ўн йил ёки, ҳаттоки, йигирма йил бўлиб туйилди. Гўё менинг хонам – тўртбурчак эмас, думалоқ ва бепоён эди – атрофда, атрофда ҳамма нарсалар бир хил ва ҳеч қандай эшик йўқ.
Мен сизсиз яшай олмайман – чунки мен сизни севаман. Чунки мен кўряпман, тушуняпман: сизга бу дунёда ортиқ ҳеч ким керак эмас, ўша бошқа аёлдан ортиқ ҳеч ким керак эмас ва – биласизми: агарда мен сизни севсам, мен –
Синиқ бўлаклардан аввалги О-90 га оз бўлсада ўхшаш рақамни яратиш учун, менинг яна икки-уч кунга эхтиёжим бор – ва сўнгра ўзим бориб, сизга ортиқ ёзилган бўлишни истамаслигимни айтиб, ариза ёзиб келаман. Ўшанда сиз анча енгиллайсиз, яхшиланасиз. Қайтиб ҳеч қачон бундай қилмайман, кечиринг.
О.”

Қайтиб ҳеч қачон. Бундай бўлгани, албатта, яхши: у ҳақ. Бироқ нега – нега –

Ўн тўққизинчи қайд
Конспект:

Учинчи тартибли чексиз кичик микдор. Зимдан. Панжара бўйлаб.

“У ерда, хира чироқларнинг титраётган нуқтали чизиқлари тушиб турган даҳлизда... ёки йўқ, йўқ – у ерда эмас: кечроқ, биз у билан Қадимги Уйнинг қандайдир ташландиқ бурчагида бўлганимизда, - у: “индинга” деди. Бу “индинга” – бугун ва атрофимдаги ҳаммаёқ – қанотларда учяпти, кун – учяпти, бизнинг ИНТЕГРАЛ ҳам қанотга эга бўлди: унинг мотори ўрнатилди ва бугун уни шунчаки синаб кўрдик. Нақадар буюк, азим ўқ отилишлари, уларнинг ҳар бири мен учун – унинг, ягонамнинг шарафи учун отилган мушаклардир.

Биринчи учишда (=отилишда) ИНТЕГРАЛ моторининг тагида бизнинг эллингимиздан бўлган ўнга яқин сонлар анқайиб қолиб кетибди – улардан қоракуя ва майда-майда ушоқлардан бошқа ҳеч нима қолмади. Қайдларимда фахр билан ёза оламан-ки, бу ҳолатдан бизнинг ишлаш маромимиз бир сонияга ҳам секинлашмади, ҳеч ким сесканиб ҳам кетмади: биз ҳам, бизнинг дастгоҳларимиз ҳам – ўзининг бир текисдаги, айлана ҳаракатларини ўша-ўша аниқлик билан бажаришда давом этарди, худди ҳеч нима бўлмагандек. Ўн нафар рақам – улар Ягона Давлатнинг юз миллионлардан ташқил топган аҳолисининг бир қисмигина, холос, амалий ҳисобда эса – улар учинчи тартибли чексиз кичик миқдордир. Арифметик саводсизликдан иборат ачиниш биргина қадимги одамларга таниш бўлган: биз учун у кулгили.

Кеча аллақандай аҳамиятсиз кулранг доғ, аллақандай сиёҳ доғи тўғрисида бош қотирганимдан – ва, ҳаттоки, уни қоғозларда қайд қилганимдан – ўзимнинг кулгим келяпти. Бу – худди олмос каби қаттиқ – бизнинг деворларимиз сингари бўлиши керак бўлган юзанинг “юмшаб кетиши” каби ҳолатдир.

Кечки соат тўрт бўлди. Қўшимча сайрга чиқмадим: ким билсин, балки у айнан ҳозир, атроф қуёш нурлари остида ловуллаётган пайтда…

Мен уйда деярли ўзимман. Қуёш нурларига тўйинган деворлар орасидан – мен ўнгни, чапни, пастни узоқларгача кўряпман – гўё ҳавода учаётган, бир-бирининг ойнадаги аксини акс эттирувчи бўм-бўш хоналар. Фақатгина қуёш нури билан бироз чизилган, кўкимтир зинапоя бўйлаб тепага ингичка, кулранг шарпа судралиб чиқяпти. Ана унинг қадамларининг товушлари ҳам эшитиляпти – ва мен эшик орасидан кўряпман – мен ҳис қиляпман: менга табассум малҳами суртилган – ва сўнгра тўхтамай, бошқа зинапоядан – пастга...

Рақам урадиган машинанинг шиқирлаши. Мен бутун вужудим билан ингичка оқ тешик томон отилдим – ва... ва менга нотаниш бўлган қандайдир рақам (ундош ҳарфли). Лифт, чўзиқ овоз чиқариб ёпилди. Қаршимда – пала-партиш, чаккага бостирилган манглай, кўзлари бўлса... жуда ҳам ғалати таассурот: худди ўша ердан, зимдан, кўзларини остидан гапиргандек.

- Сизга ундан хат бор... (зимдан, шийпон остидан). У сиздан илтимос қилди, албатта – барчасини хатда ёзилгани каби.

Зимдан, шийпон остидан – атрофда. Ҳа, ҳеч ким йўқ, қани, бўла қолсангчи!

У, атрофга яна бир бор назар ташлаб, қўлимга конвертни ушлатиб, кетди. Мен ёлғиз қолдим.

Йўқ, ёлғиз эмас: конвертдан – пушти чипта ва бироз сезилиб турган – унинг ҳиди. Хатнинг муаллифи у эди, у келади, менинг олдимга келади. Тезроқ – бунга бутунлай ишонишим учун, хатни ўз кўзларим билан ўқиб чиқишим керак…

Нима? Бўлиши мумкин эмас! Мен яна бир бор ўқияпман – айрим қаторларни қолдириб кетиб ўқияпман:

“Чипта... ва, албатта, пардаларни тушириб қўйинг, худди мен сизнинг олдингизга ростдан келгандек... Мени сизнинг олдингизда деб ўйлашлари, мен учун... қаттиқ, қаттиқ афсусдаман...”

Хатни – майдалаб ташладим. Кўзгуда бир онияга – менинг чимирилиб кетган, синган қошларим кўзга ташланди. Мен чиптани, худди унинг хати каби –

- У сиздан илтимос қилди, албатта – барчасини хатда ёзилгани каби.

Қўлларим ҳолсизланиб, бўшашиб кетди. Чипта ерга тушиб кетди. У менинг ўзлигимдан кудратлироқ ва мен, чамаси, у айтгандек қиламан. Бироқ... бироқ, билмайман: кўрамиз – кечгача ҳали анча вақт бор... Чипта стол устида турибди.

Кўзгуда бир онияга – менинг чимирилиб кетган, синган қошларим. Нега бугунга ҳам шифокор гувоҳномасини ёздириб олмаганман: сайрга чиқиб, Зумрад Девор атрофида тўхтовсиз юрсам – ва сўнгра каравотимга ўзимни ташласам – тубга... Мен эса – 13-аудиториумга боришим керак; мен ўзимни - икки соат қимирламасдан...

керак бўлганда бақириб, оёқларимни тапиллатиши учун – бир жойга маҳкам михлаб қўйишим керак.

Маъруза. Ялтираётган ускунадан – одатдагидек, темир эмас, балки қандайдир юмшоқ, пахмоқ, йўсин овоз чиқаётгани – жуда ҳам ғалати. Аёл овози – у менга, худди қачонлардир яшаб ўтган кичкина – илгак каби букчайиб кетган кампир овозидек – Қадимги Уйда яшайдиган, масалан – туйилди.

Қадимги Уй... ва яна барчаси бир зумда – фаввора сингари – пастдан ва мен ўзимни, бор кучимни ишлатиб, бутун аудиториумни қичқиришим тўфонида чўктириб юбормаслик учун, бир жойга маҳкам михлашим керак. Юмшоқ, пахмоқ сўзлар – менинг ич-ичимдан ўтяпти ва биргина: болалар, бола етиштириш каби мавзулар билан боғлиқ нарсалар ёдимда қоляпти. Мен – худди фотоплёнка каби – қандайдир нотаниш, бегона, маъносиз аниқлик билан ҳамма нарсани ўзимга босиб оляпман: олтин ўроқ – радиокарнайдаги шуъла; унинг остида – болакай, жонли тасвир – юракка интиляпти; оғзига зиғирдай бўлган униформанинг этаги тиқилган; маҳкам мушт қилинган қўлчалар, катта (аниқроғи, жуда ҳам кичкина) бармоқ муштнинг ичида қисилган – билагида сезилар-сезилмас дўмбоқ бурмача. Худди фотоплёнка каби – мен ўзимга ҳаммаёқни босиб оляпман: мана яланг оёқ – четдан осилтирилди, пушти бармоқлар ҳавода қадам ташлаяпти – мана ҳозир, ҳозир полга –

...ва – аёл қичқириғи, саҳна томон ўзининг шаффоф қанотларини қоқиб, аёл рақам, болакайни қўлига олди – лаблари билан – унинг билагидаги дўмбоқ бурмачага, стол ўртасига болани суриб, саҳнадан тушяпти. Менда босилиб боряпти: пушти – шохчалари қуйига – оғизнинг яримойи, чеккасигача лиммо-лим тўлган кўк ликоп-кўзлар. Бу – О. Мен, худди қандайдир аниқ

формулани ўқиётгандек – бирдан ушбу жиндек тасодифнинг заруратини, муқаррарлигини ҳис қиляпман.

У мендан бироз орқага, чап тарафга ўтирди. Мен ўгирилдим: у стол устидаги болакайдан итоат билан кўзларини олди – менга, менда ва қайтадан: у, мен ва саҳнадаги стол – уч нуқта ва бу нуқталар орасидан – ҳануз аниқ бўлмаган, четлаб қутилиб бўлмайдиган қандайдир ҳодисаларнинг тасвир чизиқлари чизилган.

Уйга – яшил, ғира-шира тушган, чироқлар ёқилган кўча бўйлаб. Мен эшитар эдим: бутун вужуд – соатдек – чиқиллаяпти. Мендаги соат миллари – ҳозир қанақадир сонга силжийди, мен эса, ортга қайтариб бўлмас, бирнима қиламан. Унга – кимдир уни меникида деб ўйлаши – керак экан. Менга эса у керак ва менинг унинг "шундай қилиш кераги" билан ҳеч қандай ишим йўқ. Мен бегона парда бўлгим келмаяпти – келмаяпти, вассалом.

Орқадан – таниш, кўлмаклардан шап этиб юргандек юрадиган, қадам ташлаш. Мен ўгирилмадим, биламан: S. Менинг орқамдан эшиккача боради – ва сўнгра, шубҳасиз, пастда, йўлакда, тепадан, менинг хонамдан – уерда кимнингдир жиноятини беркитиш учун пардалар тушмагунча – кўзини узмай туради…

У, Қўриқчи-Фаришта, нуқта қўйди. Мен қарор қабул қилдим: йўқ. Мен қарор қабул қилдим.

Хонамга чиқиб, чироқни ёққанимда – кўзларимга ишонмадим: менинг столим олдида О турарди. Ёки, тўғрироғи, - осилиб турарди: худди бўм-бўш, ечилган кўйлак каби осилиб турарди – унинг кўйлаги остида гўё ҳеч нима йўқ эди, ҳеч қандай пружина, пружинасиз қўллар, оёқлар, овоз.

- Мен – хатим ҳақида. Олдингизми уни? Олдингизми? Жавобини билишим керак, билишим керак – бугуноқ.

Мен елкамни қисдим. Мен роҳат билан – худди барча нарсанинг айбдори у бўлгандек – унинг кўм-кўк, лиммо-лим тўлган кўзларига қарардим ва жавоб беришга шошилмасдим. Роҳат билан унга найза сўзларимни бирма-бир суқиб:

- Жавоб? Хўш... Ҳақсиз. Шубҳасиз. Барча нарсада.

- Демак... (титроқ табассум билан беркитилган, бироқ мен кўряпман.) Жуда яхши бўлибди! Мен ҳозир – ҳозир кетаман.

...ва стол устида осилиб турарди. Ерга қараган кўзлар, оёқлар, қўллар. Столда унинг мижиғланган чиптаси ҳануз ётибди. Мен тезлик билан – "Биз" – деб номланган қўлёзмамни очдим ва унинг саҳифалари билан чиптани беркитиб қўйдим (эҳтимол, уни О дан эмас, балки ўзимдан беркитгандирман).

- Мана – тинмай ёзяпман. Бир юз етмиш саҳифани ёзиб қўйибман... Баъзида шу қадар ғайриоддий нарсалар содир бўлади-ки...

Овоз – овоз шарпаси:

- Ёдингиздами... мен сизга ўшанда, еттинчи саҳифада... Мен ўшанда унга кўз ёшимни оқизгандим – ва сиз…

Кўк ликопчалар – чеккаларидан сассиз, томчилар унинг юзлари бўйлаб, пастга қараб тезлик билан оқишни бошлади:

-	Чидай олмайман, мен ҳозир кетаман... мен қайтиб ҳеч қачон, ҳа, майли. Биргина истагим бор – мен сиздан фарзанд кўришим керак – болани менга қолдиринг ва мен кетаман, кетаман!

Мен кўриб тургандим: унинг бутун вужуди униформаси остида титрарди ва ҳис қилардим: мен ҳам ҳозир –

Қўлларимни орқага қилиб:

-	Нима? Валинеъматнинг Машинасини истаб қолдингизми? – дедим.

Менга – тўғон устидан – сўзлар ёғдирилишни бошлади:

-	Майли! Ахир мен ҳис қиламан-ку – уни ўзимда, ичимда ҳис қиламан-ку. Бир неча кун бўлса ҳам... Бир бора – бир бора унинг мана бу еридаги – анави ерда, столда ўтирган болакайникига ўхшаш – бурмачасини кўриш. Бир кун!

Уч нуқта: у, мен – ва стол устида ўтирган, қўлларини мушт қилиб олган боланинг билагидаги бурмача…

Болалигимда, эсимда, аккумуляторли минорага олиб бордилар. Мен эг чўққидаги оралиқда шишадан бўлган панжарадан эгилиб ўтдим, пастда – нуқта-одамлар ва юрагим ширали урди: “Балки?” Ўшанда мен тутқичларни маҳкамроқ ушлаб олгандим, энди бўлса – пастга сакрадим.

-	Демак, сизда хоҳиш бор? Билиб туриб ҳам...

Ёпиқ – гўё қуёш юзига ёпилган – кўзлар. Ялтираётган нам табассум.

-	Ҳа, ҳа! Хоҳлайман!

Қўлёзмаларим остидан чиптани – унинг чиптасини – чиқардим ва пастга, назоратчи олдига югуриб тушиб кетдим. О-90 менинг қўлимдан ушлаб олиб, нимадир деб бақирди, бироқ нима деганини – мен қайтганимдагина тушундим.

У ётоғимнинг чеккасида, қўлларини тиззаларига қўйиб, ўтирарди.

-	Бу... бу унинг чиптасими?

-	Нима фарқи бор. Ҳа – унинг, ҳа.

Нимадир қирсиллади. Ҳойнаҳой – О шунчаки қимирлаган бўлса керак. У, қўлларини тиззаларига қўйиб, индамай ўтирарди.

-	Хўш? Тезроқ... – мен унинг қўлини қўполлик билан сиқдим ва унинг билагида – болакайнинг дўмбоқ бурмачаси бор жойда – қизил доғлар (эртага кўкариб чиқади) пайдо бўлди.

Бу – сўнггиси. Ундан кейин – тугмача босилади, фикрлар ўчади, қоронғулик, учқунлар – ва мен тўсиқлар орасидан пастга...

Йигирманчи қайд
Конспект:

Разряд. Ғоялар моддаси. Нолга тенг қоя.

“Разряд – энг мос таъриф. Мана ҳозир бу электр разряди бўлганини аниқ кўриб турибман. Сўнгги кунларимнинг томир уруши тобора қуруқлашиб, тезлашиб, кескинлашиб – қутблар яқинлашиб – боряпти – қуруқ чирсиллаш – яна миллиметр: портлаш, сўнгра – жимжитлик.

Ичимда жимлик ва бўм-бўшлик – худди, ҳамма кетиб, уйда ўзинг қолганингда, касал ҳолатингда ётиб, ҳаёлларингнинг баланд тақиллашини аниқ ва равшан эшитаётгандек.

Эҳтимол, бу “разряд”, ваниҳоят, мени, менга азоб берувчи, “қалбимдан” ҳалос қилгандир – ва мен қайтадан қолганларимиз каби бўлдим. Ақалли, ҳозир мен О-90 ни Кубнинг зиналарида, Газ Қўнғироқда турганини ҳеч қандай азобларсиз тасаввур қила оляпман. Агарда Операцион Залда у менинг исмимни айтса ҳам – менга барибир: сўнгги онгда – мен Валинеъматнинг жазолантирувчи қўлини қалбдан ва ташаккур билан ўпиб қўяман. Менинг Ягона Давлат олдида шу ҳаққим бор – жазони қабул қилиш ва мен бу ҳаққимни ҳеч кимга бериб қўймайман. Биздан, рақамлардан, ҳеч ким ўзининг ушбу ягона – ва шу сабабли қадрли – ҳаққидан ҳеч қачон воз кечмайди.

...Ўйларим секингина, аниқлик билан миямга болғадек уриляпти; сирли аэро мени севимли мавҳум тушунчаларим томон юқорига олиб кетяпти. ...ва буерда – энг тоза ва очиқ ҳавода – худди пневматик шина сингари енгил тарақлаш билан – менинг “амалий ҳаққим”

тўғрисидаги мулоҳазаларим чил-парчин бўлди. Мен аниқ кўриб турибман-ки, бу қадимгиларнинг бемаъни хурофотларининг – уларнинг “ҳақ” тўғрисидаги ғояларининг – сарқити эди.

Лойдан ясалган ғоялар бор ва олтиндан ёки бизнинг қимматбаҳо ойнамиздан тарашлаб ясалган ғоялар бор. Ғоянинг таркибий қисмини аниқлаш учун, унга қаттиқ таъсир қиладиган кислотадан томизиб қўйиш керак. Шундай кислоталардан бирини қадимгилар ҳам билган: reductio ad finem. Адашмасам, шундай аталарди. Бироқ улар у заҳардан қўрқарди; улар мовий ҳеч нима ўрнига, ҳеч бўлмаса, аллақандай, лойдан бўлган, ўйинчоқ осмонга ҳам рози эдилар. Биз бўлса – Валинеъматга шарафлар бўлсин – катта одамлармиз ва бизга ўйинчоқлар керак эмас.

Хўш, “ҳақ” ғоясига ушбу кислотадан томизилса... Ҳаттоки қадимгиларда ҳам – каттароқ одамлар биларди: ҳақ манбаси – куч, ҳақ – кучнинг маҳсули бўлган вазифа. Мана – тарозининг икки палласи! Бирида – грамм, иккинчисида – тонна, бирида – “мен”, иккинчисида – “биз”, Ягона Давлат. Наҳотки, тушунарсиз: “менинг” Ягона Давлатдан оладиган қандайдир “ҳаққи” бор деб тахмин қилиш ва грамм тоннага тенг дея фикр юритиш – иккиси ҳам айни нарса. Бу мулоҳазага тақсимлаш асосланади: тонннанинг – ҳақлари, граммнинг – мажбуриятлари бор; ҳақирликдан буюликка бўлган табиий йўл: ўзингнинг грамм эканлигингни унутиб, ўзингни тонннанинг миллиондан бир бўлаги сифатида ҳис қилиш…

Сизлар, тўлишган, қирмизи венераликлар, сизлар, тақачи каби дуд босгансиз, уранликлар – мен ўзимнинг мовий сукунатимда сизларнинг ҳасратларингизни эшитяпман. Бироқ англасангизчи: буюклик – оддийликдадир;

тушунсангизчи: фақатгина арифметиканинг тўрт қоидаси собитдир. Тўрт қоидага асосланган одоб-аҳлоққина – улуғвор, мустаҳкам, абадийдир. Бу – доноликнинг энг чўққиси, бу – инсонлар асрлар давомида – терлаб-пишиб, ўжарлик билан, хириллаб, ўрмалаб чиқаётган – пирамида чўққиси. Ушбу чўққидан – биздаги аждодларимизнинг маданиятсизлигидан қолиб кетган, чувалчанглар каби ғимирлаётган нимадир бор тубдан – ушбу чўққидан: ғайриқонуний она – О-90 ҳам, қотил, Ягона Давлат шаънига шеър билан путур еткизмоқчи бўлган ўша тентак ҳам бир хил кўринади; уларнинг хотимаси ҳам бир – бевақт ўлим. Бу – тонгнинг дўлвар нурлари билан ёритилган, тош-уй одамлари орзу қилган, илоҳий адолатдир: уларнинг "Худоси" – муқаддас Черковга лаънатлар бўлсин – буни қотиллик каби қоралашарди.

Сизлар, уранликлар – қадимги испанлар каби, гулхан ёқишга уста бўлган, қорачадан келган, қаҳри қаттиқ мавжудотлар – сассизсиз, тахминимча, сизлар – мен билан ҳамфикрсизлар. Аммо мен: пушти венераликлар – қийноқлар, қатллар ва бадавий даврларга қайтиш тўғрисида – бир нималар деяётганларини эшитяпман.

Азизларим: сизга ачиняпман – сиз файласуфона, математик тарзда фикрлашга қодир эмассиз.

Инсоният тарихи – худди аэро каби – доирасимон ҳаракатлар билан юқорига чиқяпти. Доиралар турлича – олтин ранг, тўқ-қизил, бироқ уларнинг барчаси бир хил тарзда 360 градусга бўлинган. Нолдан – юксак қийматлар сари: 10, 20, 200, 360 градус – ва яна нол. Ҳа, биз нолга қайтдик – ҳа. Лекин менинг математик тарзда ишлайдиган ақлим учун: нол – мутлақ бошқа, янги қиймат эканлиги аниқ. Биз нолдан ўнга қараб ҳаракатландик – ва нолга чап томондан қайтиб келдик,

шунинг учун: плюснинг ўрнига нол – бизда минус нол. Тушуняпсизми?

Бу Нол менга қандайдир камгап, улкан, тор, пичоқ каби ўткир, қоя бўлиб кўринади. Биз баттол, шафқатсиз қоронғуликда, Нол Қоясининг тунгги қора томонидан, нафас чиқармай, жўнаб кетдик. Асрлар давомида – биз, Колумблар, сузиб-сузиб, бутун Ерюзини айланиб чиқдик ва, ваниҳоят, ура! Ҳамма мачталарга – мушаклар: қаршимизда – Нол Қоясининг, аввал номаълум бўлган, Ягона Давлатнинг қутб шуълаларидан мунаввар бўлган зангори палахса; камалак, қуёш – юзлаб қуёшлар, миллиардлаб камалаклар – нурлари тушган, бошқа томони…

Нол Қоянинг бошқа томони ва бизни фақатгина пичоқнинг қалинлигига тенг масофа айириб турган бўлса, нима бўлибди? Пичоқ – инсон томонидан яратилган барча ихтиролар ичида энг мустаҳками, энг боқийси ва энг зўридир. Пичоқ – бош оладиган жоди эди, пичоқ – барча тугунларни ечишнинг ҳарёқлама зўр йўлидир ва пичоқнинг тиғидан парадокслар[34] йўли ўтган – қўрқмас ақлга лойиқ бўлган ягона йўл.

[34] Умум томонидан қабул қилинган фикрларга, илмий қоидаларга мос келмайдиган, шунингдек, соғлом ақлга зид фикр

Йигирма биринчи қайд
Конспект:

Муаллифлик қарзи. Муз бўртиб чиқяпти. Энг қийин севги.

“Кеча унинг куни эди, у бўлса – яна келмади, ва ундан яна – тушуниб бўлмас, ҳеч қандай изоҳ бера олмайдиган хат келди. Бироқ мен сокинман, бутунлай сокинман. Мен унинг хатида ёзилгандек, унинг чиптасини назоратчига олиб тушиб, сўнгра пардаларни тушириб, хонамда ёлғиз ўтирсам, бу, албатта, унинг истак-хоҳишларига қарши кета олмаганлигимдан эмас. Кулгили! Шубҳасиз, йўқ. Биринчидан, шунчаки – пардалар ортида барча малҳам-табассумлардан ҳоли қолганимда, мана бу қайдларимни тинчгина ёза оламан. Иккинчидан, унда, I-330 да, барча ноаниқ жумбоқларнинг (шкаф ҳикояси, менинг вақтинчалик ўлимим ва ҳоказо) ечимини йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Уларнинг ечимини топишни – мен энди, ушбу қайдларнинг муаллифи сифатида, ўз бурчим деб кўряпман. Номаълумлик инсон зотига азалдан зид эканлигини айтмасам ҳам бўлаверади. Инсон, грамматикасида ҳеч қандай сўроқ белгилари қолмай, биргина ундов белгилари, вергуллар ва нуқталар қолгандагина, тўлақонли homo sapiens бўла олади.

Кўриб турибсиз-ки, муаллифлик қарзига амал қилган ҳолда, мен 16 да аэрога ўтириб, яна Қадимги Уй томон йўл олдим. Кучли шамол эсиб, юзимга уриларди. Аэро ҳаво чакалакзорлари узра базўр ҳаракатланарди, шаффоф бутоқлар ҳуштак чалиб, саваларди. Пастдаги шаҳар – гўё мовий муз палахсаларидан бўлган эди. Бирдан – булут, ўткир, қия соя, қўрғошинга айланаётган муз, худди баҳорда соҳилда туриб, кутаётганинг каби: ана

ҳозир дарз кетади, шариллаб оқишни бошлайди, айланиб кетади; аммо дақиқалар ўтса ҳам, муз ўз жойида турибди; ўзинг ҳам шишишни бошлайсан, янада тезроқ (аслида, нега мен бу ҳақида ёзяпман ва бу ғалати туйғулар қаердан пайдо бўлди? Ахир, шаффоф ва мустаҳкам биллур-ҳаётимизни синдира оладиган музёрар йўқ-ку...). Қадимги Уйнинг остонасида – кимса йўқ. Айланиб ўтиб, Зумрад Девор олдида турган кампирни кўрдим: қўлини юзига соябон қилиб тутиб, юксакларга қараяпти. Девор ортида – аллақандай қиррали, қора, учбурчаксимон қушлар: қағ-қағлаб ҳужумга ўтар – кўкси билан ўзларини электрик тўлқинлардан бўлган тўсиққа отар – ва қайтадан Девор ортига.

Кўряпман: қорача, сон-саноқсиз ажинлар тушган юзда – қия, тезкор соялар, менга қаратилган тезкор нигоҳ.

- Буерда ҳеч ким, ҳеч ким, ҳеч ким йўқ! Ҳа! Айланиш ҳам беҳуда. Ҳа…

Қандай беҳуда? Бундан ташқари, мени фақатгина кимнингдир сояси деб ўйлаш – нақадар ғалати одат. Эҳтимол, сизларнинг барчангиз – менинг соямсиз. Ахир – яқинда ҳам тўртбурчак оқ саҳро бўлган – бу саҳифаларни мен тўлдирмадимми. Мен олдингизга сатрларнинг тор йўлаклари бўйлаб олиб борадиганлар сизларни менсиз кўра олардими?

Бу гапларни, албатта, унга айтмадим; шахсий тажрибамдан биламан – инсонда у – воқелик эканлигида – қандайдир эмас, балки уч ўлчам воқелик эканлигида – шубҳа уйғотиш – энг уқубатлисидир. Мен шунчаки унга унинг иши эшикни очиш эканлигини эслатиб қўйдим ва у мени ҳовлига қўйди.

Бўм-бўшлик. Жимжитлик. Шамол – деворлар ортида, тунов куни биз елкамиз билан бир биримизга суяниб,

иккимиз бир бўлиб, пастда, дахлиздан чиққанимиз каби йирок – қани эди буларнинг бари чин бўлса. Мен қандайдир тошдан бўлган устунлар остида юрардим; қадамларим зах қуббаларга урилиб, орқамга тўкилиб тушарди – худди бошқа кимдир орқамдан пойлаб келгандай. Сариқ – ҳуснбузар сингари бўртиб чиққан қизил ғиштли – деворлар, тўртбурчак, қоронғу ойналар орасидан мени – омборхоналарнинг ғичирлаган эшикларини очишимни, бурчакларга, боши берк кўчаларга, жин кўчаларга кўз ташлаб чиқаётганимни – кузатардилар. Девордаги кўча эшик ва харобазор – Буюк Икки Юз Йиллик Урушига ўрнатилган ёдгорлик: ердан – яланг тош қовурғалар, деворларнинг иржаяётган сариқ чакаклари, тик тушган қувурларлари бор қадимий печка – сариқ ва қизил ғиштларнинг мавжида абадиян қотиб қолган кема.

Алланима кўзимга кўрингандай бўлди: мен айнан шу сариқ тишларни бир марта кўрганман – аниқ эмас, тубдан, сув остидан – ва мен уларни излашни бошладим. Чуқурларга тушиб, тошларга қоқилиб кетдим, занг босган панжалар мени униформамдан ушлаб оларди, пешонамдан пастга, кўзларим бўйлаб аччиқ-шўр тер томчилари оқарди…

Ҳеч қаерда! Даҳлизлардан чиқиш йўлини ҳеч қаердан топа олмай қолдим – чиқиш йўқ эди. Балки – шундай бўлгани яхширок ҳамдир: буларнинг бари менинг тутруқсиз “тушларимдан” бири бўлиб чиқиши эҳтимоли юқорирок.

Ҳолдан толган, ўргимчак инига ўралиб қолган, чангга босган ҳолда – ҳовлига чиқиш учун – кўча эшикни очдим. Тўсатдан орқамдан – шитирлаган овоз, тап-тап келаётган қадамлар эшитилди ва қаршимда – пушти

қанотсимон-қулоқли S икки ёқлама букилган ҳолда жилмайиб турарди.

У, кўзларини қисиб, менга пармачаларини бураб киргизиб, сўради:

- Айланиб юрибсизми?

Мен индамадим. Қўлларим ҳалал берарди.- Хўш, аҳволингиз яхшиландими?

- Ҳа, раҳмат катта. Чамаси, ўзимга келишни бошладим.

У мени қўйиб юборди – кўзларини тепага кўтарди. Боши орқага ташланганди – мен унинг қўштомоғига илк бор эътибор берибман.

Тепада, унча баланд бўлмаган тепаликда – 50 метрча – аэролар ғувилларди. Уларнинг пастда секин учишидан, кузатув мўриларининг пастга қараган қора хартумларидан – мен Қўриқчиларнинг ускуналарини танидим. Улар, одатдагидек, иккита ёки учта эмас, балки ўндан йигирмагача эди (бахтга қарши, тахминий сонлар билан чекланишим керак).

- Нега улар бугун бунчалик кўп? – сўрашга журъат қилдим мен.

- Нега? Ҳм... Ҳақиқий шифокор соғлом инсонни, эрта-индин, бир ҳафтадан сўнг бетоб бўлиб қолиши мумкин бўлган инсонни, даволайди. Касалликни олдини олиш тадбирлари, ҳа!

У бошини қимирлатиб, ҳовлининг тоштахталари бўйлаб қадам ташлашни бошлади. Сўнгра ўгирилиб – елкаси ортидан менга:

- Эҳтиёт бўлинг! – деди.

Мен ёлғизман. Жимжитлик. Бўм-бўшлик. Зумрад Девор ортида, узоқларда қушлар, шамол елдек учяпти. У бу гапи билан нима демоқчи бўлди?

Аэро оқим бўйлаб тез ҳаракатланяпти. Булутларнинг енгил, оғир соялари, пастда – мовий гумбазлар, шиша каби муздан палахсалар – қўрғошинга айланар, бўртиб чиқар эди…

ОҚШОМДА:

Мен, Ҳамфикрлик Куни ҳақида, тахминимча, сизлар (ўқувчилар) учун фойдали бўлиши мумкин бўлган фикрлар ёзиш мақсадида, қўлёзмаларимни очдим. Ҳамфикрлик Кунига оз қолди. Англадим: ҳозир ёза олмайман. Шамол қора қанотлари билан деразаларни тақиллаётганига ҳаммавақт диққат билан қулоқ солиб қоляпман ёки, орқамга ўгирилиб, ниманидир кутяпман. Нимани? Билмайман. Хонамда таниш жигарранг аралаш пушти ойқулоқлар пайдо бўлганда – жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдим, чин юракдан айтяпман. У ўтирди, тиззалари орасида йиғилиб қолган униформасининг этагини иффат билан тўғирлади, тезлик билан менга ўзининг малҳам табассумларини – ҳар бир ярамга кичик-кичик бўлаклар қўйиб – суртди ва мен ўзимни яхши, мустаҳкам ҳис қилдим.

- Биласизми, бугун синфга келсам (у Болаларни Тарбиялаш Заводида ишлайди), деворда карикатура турибди. Ҳа, ҳа, ишонаверинг! Улар мени қандайдир балиқ кўринишида чизишибди. Балки, мен ростдан ҳам…

- Йўқ, йўқ, қуйсангизчи, - дедим мен шоша-пиша (яқиндан қаралганда, ойқулоқларга ҳеч қандай ўхшашлик йўқ ва менинг “ойқулоқ” дейишим мутлақо ўринсиз).

- Ҳа, нима бўлганда ҳам – муҳим эмас. Лекин биласизми: уларнинг бу ишни қилганликлари... Мен, албатта, Қўриқчиларни чақирдим. Мен болаларни жуда ҳам яхши кўраман ва, энг қийин ва юксак севги – бу бағритошлик, деб ўйлайман. Тушуняпсизми?

Бўлмасамчи! Бу гаплар менинг ўйларим билан айни эди. Мен, чидамай, унга 20-қайдимдан бир парча ўқиб бердим, шуердан бошлаб:

“...Ўйларим секингина, аниқлик билан миямга болғадек уриляпти...”

Қарамасдан ҳам унинг пушти ёноқлари титраб кетаётганини сезар эдим ва улар мен томон тобора яқинлашиб бормоқда. Мана менинг қўлларимда – қуруқшаб кетган, қаттиқ, ҳаттоки, бироз санчиқли бармоқлар.

- Буни, буни менга беринг! Мен буларни фонографда ёзиб олиб, болаларни ёддан ёдлашга мажбурлайман. Бу сизнинг венераликларингизга эмас, балки бизга, бизга – бугун, эртага, индингга – керак.

У ўгирилиб, паст овозда:

- Эшитдингизми, айтишларича, Ҳамфикрлик Кунида…

Мен ирғиб ўрнимдан туриб кетдим:

- Нима – нима дейишяпти? Ҳамфикрлик Кунида – нима бўлади экан?

Шинам деворлардан асар ҳам қолмаганди. Мен ўзимни томлар устида изғиб юрган ҳайбатли шамол ва эгри ғира-шира булутлар томон улоқтириб юборилгандек ҳис қилдим.

Ю мени елкаларимдан маҳкам, қатъиян ушлади (бироқ мен сездим: ҳаяжоним жўшқ урар экан – унинг бармоқларининг суяклари қалтирарди).

- Азизим, ўтиринг, ҳаяжонланманг. Нималар дейишмайди дейсиз... Бундан ташқари, агар истасангиз – бугун кун бўйи сизнинг олдингизда бўламан. Мактабдаги болаларимни бошқа бировга ташлаб – сиз билан қоламан, негаки сиз, азизим, сиз ҳам – боласиз ва сизга ҳам…

- Йўқ, йўқ, - рад қилишни бошладим мен, - ҳеч ҳам кераги йўқ! Акс ҳолда, сиз ростдан ҳам мени қандайдир ёш бола деб ўйлашни бошлайсиз. Ўзимни ўзим... Сира ҳам кераги йўқ!)

(Тўғрисини айтсам, бугунги кунга бошқа режаларим бор эди.)

У жилмаярди; табассумнинг ўқиб бўлмас мисраларида, чамаси: “Аҳ, нақадар ўжар бола!” деб ёзилганди. Сўнгра у ўтирди. Нигоҳи пастга қараган. Қўллари билан тиззалари орасида йиғилиб қолган униформасининг этагини иффат билан тўғирлади ва бошқа мавзуда гапни бошлаб кетди:

- Менимча, мен иродамни йиғиб... сиз учун... Йўқ, илтимос: мени шошилтирманг, мен ҳали…

Кимнингдир ҳаётининг куз фаслида баҳор гулларидан ясалган гулчамбар бўла олиш нақадар олий шараф эканлигини ва менинг бундан бошим осмонга етиши кераклигини билиб турсамда, мен уни шошилтирмаётгандим.

Туни бўйи – аллақандай қанотлар ва мен юриб, бошимни қўлларим билан қанотлардан беркитяпман экан. Сўнгра эса – стул. Аммо стул – бизники, ҳозирги эмас, балки

қадимги намуналар каби ёғочдан. Мен, худди от каби, қадам ташлашни бошладим (ўнг олди туёқ – сўнгра чап орқа туёқ, чап олди туёқ – сўнгра ўнг орқа туёқ). Стул каравотим олдига югуриб келиб, чиқиб олди ва ёғочдан бўлган стул менга ёқяпти: ноқулай, оғритяпти.

Қизиқ: наҳотки бу туш-касаллигини даволаб, уни маъноли – балки, ҳаттоки, фойдали – қилишнинг йўли бўлмаса.

Йигирма иккинчи қайд
Конспект:

Карахт тўлқинлар. Ҳаммаёқ мукаммаллашяпти. Мен – микроб.

“Соҳилда турганингизни тасаввур қилинг: тўлқинлар – бир маромда юқорига кўтарилиб, бирдан шу ҳолатда карахт ҳолда, қотиб қолдилар. Лавҳ томонидан олдиндан белгилаб берилган сайримиз тўсатдан қоришиб, аралашиб, тўхтаб қолганда ҳам, худди шундай бўлганди. Йилномаларимизда ёзилишича, охирги марта бундай ҳодиса 119 йил аввал юз берган экан. У кун сайрнинг қоқ ўртасида осмондан метеорит баланд овозда, тутаб тушган экан. Биз, доимгидек, ассирияликлар ёдгорликларида жангчилар қандай тасвирланган бўлса: минглаб бошлар – икки туташ, интеграл оёқ, икки интеграл, кенг ёйилган қўллар билан юраётгандик. хиёбон охирида – аккумуляторли минора даҳшатли ғувиллаётган томонда – биз томон аллақандай тўртбурчак келарди: ён томонларида, олдида, орқасида – қўриқчилар; ўртада – учта, бу одамларнинг униформаларида – олтин рақамлари йўқ эди – шундай бўлса ҳам, барчаси тушунарли эди.

Минора учидаги улкан соат – инсон чеҳрасига ўхшарди: у булутлар ичидан энгашиб, ерга сонияларни туфлаб тушуриб, ниманидир беписанд кутарди. Соат роппа-роса 13 дан 6 дақиқа ўтганда – тўртбурчакда саросима юз берди. Буларнинг бари менинг яқинимда бўлаётганди ва мен энг кичик лаҳзаларни ҳам кўра олаётгандим. Буларнинг ичида узун, нозик бўйин ва чаккадаги, худди митти номаълум дунёнинг географик харитасидаги дарёларга ўхшаган, кўк томирларнинг чигали ёдимда қолди. Ушбу номаълум дунё – чамаси, ўша ўспирин

йигит эди. У бизнинг сафимизда кимнидир кўриб қолди шекилли, оёқ учига туриб, бўйнини чўзиб, тўхтаб қолди. Қўриқчилардан бири уни кўкимтир учқунлар чиқиб турган қамчи билан солди; у, ингичка овозда кучуклар каби, чинқириб юборди. Сўнгра – тахминан ҳар икки сонияда баланд шиқирлаш овоз эшитиларди – чинқириш, шиқирлаш, чинқириш.

Биз ҳануз бир маромда, ассирияликлар сингари йўлимизда давом этаётгандик ва мен учқунларнинг нафис эгри-бугри чизиқларига қараб, “жамиятда ҳаммаёқ беҳад мукаммаллашмоқда – ва мукаммаллашмоғи зарур. Қадимий қамчи нақадар хунук қурол ва нақадар гўзал...” деб ўйлаётгандим.

Бироқ шу он, иш жараёнида сапчиб чиқиб кетган гайка каби, сафимиздан нозик, хипчабел аёл ажралиб чиқиб кетди ва, “Етар! Қандай журъат қилдингиз?!” деб бақириб, тўртбурчак томон ўзини отди. У – 119 йил олдинги – метеорит каби эди: барча сайрга чиққанлар ва бизнинг сафимиз ҳам, худди аёздан қотиб қолган тўлқинлар каби, тўхтаб қолди.

Мен, бошқалар сингари, бир неча сония давомида унга қараб турдим: у ортиқ рақам бўлмай қолганди – у шунчаки одам сифатида, Ягона Давлатнинг юзига тушурилган тарсаки, айтилган ҳақорат каби, метафизик субстанция кўринишида мавжуд эди. Бироқ унинг қандайдир бир ҳаракати – у, бурилаётиб, сонларини чапга букди ва мен ҳаммасини тушунишни бошладим: хипчин каби эгилувчан бу танани мен танийман, танийман – менинг кўзларим, лабларим, қўлларим уни танийди – ўша он мен бунга амин эдим.

Икки нафар қўриқчи унга қарама-қарши юришни бошлади. Ҳозир – кўприкнинг ҳануз тиниқ, шаффоф

нуқтасида – уларнинг ҳаракат йўллари туташади, - ҳозир уни ушлаб олишади... Юрагим тўхтаб қолди ва мен ўйламасдан: мумкинми, мумкинмасми, тўғрими, нотўғрими – ўзимни ўша нуқтага отдим…

Мен устимда қўрқувдан думалоқ-думалоқ бўлиб кетган минглаб кўзларни сезардим, аммо бу ҳолат, мендан отилиб чиқаётган, қўллари тукли бўлган, ёввойи мавжудотга янада кўпроқ умидсиз-қувноқ куч берарди ва у янада тезроқ югурарди. Мана икки қадам, у ўгирилди – Қаршимда сепкил юзли, қизғиш қошли, қалтираётган қиз турарди... У эмас! I-330 эмас.

Қувончим ичимга сиғмасди. Мен “Шундай қилиш керак!”, “Ушланглар уни!” деб бақиргим келарди, бироқ бор-йўғи пичирлаб гапира олардим. Елкамда бўлса – оғир қўл, мени ушлаб, олиб кетяптилар, мен уларга тушунтириб бермоқчиман…

- Менга қаранглар, ахир сизлар мен уни адаштириб юборганимни тушунишинглар керак-ку. Ахир мен уни…

Аммо ушбу саҳифаларда қайд қилинган мени, менинг касаллигимни уларга қандай қилиб тушунтира оламан. ...ва мен сўниб, итоат билан уларга бўйсуниб, кетяпман…

Шамолнинг кутилмаган зарбасидан дарахтдан узилган япроқ итоат билан ерга тушмоқда, аммо йўлда ҳилпираб, ҳар бир таниш новдага, шохга, бутага илашиб олишга ҳаракат қиларди: мен ҳам у каби чурқ этмас шарсимон бошларга, деворларнинг шаффоф музига, аккумуляторли миноранинг кўм-кўк осмонга санчилган игнасига илашиб қолишга ҳаракат қилардим.

Бу он, қалин парда мени гўзал дунёдан бутунлай ажратиб қўйиши мумкин бўлган он, мен пушти қанотсимон қўлларини силкиб, кўприк томондан бизга қарши, таниш

бўлган, улкан бош эгаси келаётганини кўрдим ва таниш ясси овоз:

- Д-503 касал эканлигини ва шу сабабли ҳиссиётларини бошқара олмаслигини айтиш – менинг бурчим, деб ўйлайман. Ишончим комил-ки, у, унинг ҳолатига ҳос бўлгандек, ғазабланганди... – деди.

- Ҳа, ҳа, - унинг гапларини тасдиқладим мен. – Мен ҳаттоки “Ушланглар уни!” деб ҳам бақирдим.

Орқадан:

- Сиз ҳеч нима деб бақирмадингиз.

- Ҳа, лекин мен бақирмоқчи эдим – Валинеъмат ҳаққи онт ичаман, бақирмоқчи эдим.

Бир неча сония давомида кулранг, совуқ парма-кўзлар мени ўяётганди. У гапларим (деярли) тўғри эканлигига ишондими ёки менга яна вақтинчалик шафқат кўрсатмоқчи бўлдими, билмадим, лекин у бир парча қоғозга нималарнидир ёзиб мени ушлаб турганларнинг бирига берди ва мен яна озод бўлдим, яъни, тўғрироғи, яна ассирияликларнинг бир текисдаги, чексиз сафига маҳбус бўлдим.

Сепкил юзли ва кўк томирлар ўтган, географик харитага ўхшаган чаккали тўртбурчак – бурчак ортида умрбод ғойиб бўлди. Биз – миллионлаб бошлардан ташкил топган бир жисм – қадам ташлаяпмиз ва ҳар биримизда – эҳтимол, молекулалар, атомлар ва фагоцитларга[35] ҳос бўлган, босиқ хурсандчилик. Қадимги дунёда – буни бизнинг (баркамолликка эришмаган) ягона салафларимиз бўлган христианлар тушунган:

[35] Ёт зарралар ва бактерияларни ютиш, ҳамда ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайралар

итоаткорлик – ҳиммат, такаббурлик – қусур, “Биз” – Худодан, “Мен” бўлса – шайтондан.

Мана мен – ҳозир ҳамма билан биргаликда қадам ташласамда – улардан алоҳидаман. Мен ҳануз бугунги кечинмаларимдан, худди устидан эндигина қадимги поезд ўтиб кетган кўприк каби, титраяпман. Мен ўзимни ҳис қиляпман. Бироқ ўзини, ўзининг шахсиятини – фақатгина хас-чўп кириб кетган кўз, яллиғланган бармоқ, кавак тушган тиш ҳис қила олади-ку: соғлом кўз, бармоқ, тиш – гўёки йўқдек. Наҳотки, ўзни англаш – касалликдан бошқаси эмаслиги тушунарли эмас?

Мен, балки, ортиқ, ишчанлик ва ҳотиржамлик билан (кўк чаккали ва сепкилли) микробларни емириб юборадиган, фагоцит эмасдирман: мен, балки, ўзим микробман ва, эҳтимол, орамизда, ўзидан ҳануз, мен каби, фагоцитларни ясайдиган, микроблар сон-саноқсиздир…

Бугунги, унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, ҳодиса, бошланиши бўлсачи... бизнинг шишали жаннатимизга тушаётган чексиз, оловли тошлар бўлмиш метеоритларнинг биринчиси бўлсачи?

Йигирма учинчи қайд
Конспект:

Гуллар. Кристаллнинг эриши. Агарда.

“Айтишларича, юз йилда бир марта гуллайдиган гуллар бор экан. Нега энди минг, ўн минг йилда бир марта гуллайдиган гулларга айланмайлик. Балки биз бу минг-йилда-бир-марта илк бор бугун содир бўлгани учун бу ҳақида билмагандирмиз.

Мана мен шод ва маст ҳолда зинапоядан пастга, назоратчи олдига тушяпман ва кўз олдимда атрофимда минг йиллик ғунчалар тезлик билан сассиз очилмоқда: ўриндиқлар, бошмоқлар, тилларанг кўкрак нишонлар, электр чироқлари, кимнингдир олайган кўзлари, панжаранинг қиррали устунлари, зинада тушиб қолдирилган рўмолча, навбатчининг столи, стол ортида ўтирган назоратчининг майин жигарранг холли ёноқлари гулламоқда. Атроф – ажойиб, янги, нафис, пушти тус олди.

Ю қўлимдан пушти чиптамни олди, унинг бошининг устида эса – ойна деворлар орасидан – кўринмас шохда кўкимтир, хушбўй ой осилиб турибди. Мен зафар билан уни бармоғим билан кўрсатиб:

- Ой, - тушуняпсизми? – дедим.

Ю бир менга, бир чиптамдаги рақамга қараб, менга таниш бўлган мафтункор, иффатли ҳаракатини қилмоқда: тиззаларидаги униформасининг этагини тўғирлаб қўйди.

- Азизим, кўринишингиз ғалати, бетобга ўхшайсиз – чунки ғалатилик ва бетоблик айни нарсадир. Сиз

ўзингизни нобуд қиляпсиз ва буни сизга ҳеч ким айтмайди, ҳеч ким.

Унинг “ҳеч кими”, албатта, чиптада ёзилган I-330 га тенг эди. Дилбар, ажойиб Ю! Сиз, шубҳасиз, ҳақсиз: мен – енгилтакман, мен – касалман, менинг қалбим бор, мен – микробман. Аммо гуллаш – касаллик эмасми? Ахир, куртаклар очилаётганда оғримайдими? Пушт – микробларнинг энг қўрқинчлиси деб ўйламайсизми?

Мен – тепада, ўзимнинг хонамдаман. Курсида I-330 ўтирибди. Мен полга ўтириб, унинг оёқларини қучоқладим, бошимни унинг тиззаларига қўйдим. Иккимиз ҳам индамаяпмиз. Жимжитлик, юрак урушлари... ва шу ҳолат: мен – кристаллман ва мен унда, I-330 да эриб кетаман. Мен аниқ ва равшан, мени бўшлиқда чегаралаб турган, сайқалланган қирраларим тобора эриб бораётганини ҳис қиляпман – мен унинг тиззаларида ғойиб бўляпман, эриб, тобора кичрайиб боряпман – ва, бир вақтнинг ўзида, янада кенгроқ, каттароқ, чексиз бўлиб боряпман. Чунки у – у эмас, у – Борлиқдир. Мен ва каравот олдидаги бахтга тўйинган курси бир сонияга бир тан-у бир жон бўлдик: ва Қадимги Уйнинг остонасида фусункор жилмайиб турувчи кампир, Зумрад Девор ортидаги ёввойи чакалакзорлар, кампир каби бедорхоб, кумушранг харобазорлар, узоқларда ҳозир тарақлаб ёпилган эшик – буларнинг бари менда, мен билан юрак урушлари товушларини тингларди ва масъуд сония давомида...

Мен унга маъносиз, чалкаш, тушунарсиз сўзлар билан мен – кристалл эканлигимни, шу сабабли эшик билан бир эканлигимни ва курсининг нақадар бахтлилигини ҳис қилаётганимни айтиб беришга уриняпман. Бироқ айтганларим аллақандай тушунарсиз сўзлар йиғиндисига

айланиб қолди ва, уялиб кетганимдан, тўхтадим: мен бирдан...

- Азизам, I, мени кечир! Нима деяётганимни умуман тушунмаяпман: мен ўзимни яна тентакча тутяпман...

- Нега энди сен тентаклик яхши эмас деб ўйлаяпсан? Агарда одамлар тентаклигини асраб-авайлаб, уни асрлар давомида ақли каби тарбиялаганларида, у ажойиб қимматбаҳо нарсага айланарди.

- Ҳа...

(Менимча, у ҳақ – қандай қилиб ҳозир ноҳақ бўлади?)

- Сенинг биргина тентаклигинг учун – сайрда кечаги қилган ишинг учун – мен сени янада кучлироқ севаман – янада кучлироқ.

- Нега мени азобладинг? Нега келмадинг? Нега чипталарингни кимдир орқали жўнатиб юбординг? Нега мени...

- Балки, мен сени синаб кўришим керак бўлгандир? Балки, сен мен нима хоҳласам, шуни қилишингни – сен бутунлай меники эканлигингни – билишим керакдир?

- Ҳа, бутунлай сеникиман!

Юзимни – бутун баданимни – қўлларига олиб, бошимни кўтарди:

- Сизларнинг “ҳар бир виждонли рақам мажбуриятларингизга” нима бўлади?

Тотли, ўткир, оппоқ тишлар: табассум. У, курсида ўтирар экан, асалари каби эди: унинг ҳам боли, ҳам ниши бор.

Ҳа, мажбуриятлар... Мен ҳаёлан охирги қайдларимни бирма-бир варақлаб чиқяпман: аслида, ҳеч қаерда, ҳаттоки, бундай фикр ҳам йўқ...

Индамадим. Завқ билан (ва, эҳтимол, аҳмоқона) кулиб турибман; унинг қорачиқларининг бир унисига, бир бунисига тикилиб турибман ва уларнинг ҳар бирида ўз аксимни кўряпман: мен – митти, миллиметрга тенг одамча – мана бу кичкина камалак зиндонларда маҳбусман. Сўнгра яна – асаларилар – лаблар – гуллашнинг тотли оғриғи...

Ҳар биримизда, ҳар рақамда қандайдир кўринмас, паст овозда чиқиллайдиган метроном бор ва биз, соатга қарамасдан ҳам, соат неча бўлганини аниқ биламиз. Аммо у пайт мендаги метроном[36] тўхтаб қолганди, қанча вақт ўтиб кетганини билмасдим ва даҳшатда ёстиқ остидаги соатли кўкрак нишонини олдим...

Валинеъматга шарафлар бўлсин: ҳали йигирма дақиқа бор! Бироқ дақиқалар кулгули даражада қисқа, калтадум каби югуриб кетадилар, мен бўлса унга ҳали кўп нарсани – ҳаммаёқни, бутун борлиғимни: О-90 нинг хати ҳақида, унга фарзанд бахш этган даҳшатли кеча ҳақида, нимагадир болалигим ҳақида ҳам – математик Пляпа, илк бор Ҳамфикрлик байрамига борганим, бундай тантанали кунда униформамга сиёҳ тегиб, доғ бўлиб қолганлигидан йиғлаганим ҳақида – айтиб беришим керак.

I бошини кўтариб, тирсагига суяниб олди. Лаблари бурчакларида – икки узун, ўткир чизиқлар – ва чимирилган қошларнинг қора бурчаклари: крест[37].

---

[36] Қисқа вақт оралиқларини билдирувчи асбоб
[37] Ўзаро кесишган икки чизиқдан иборат белги

- Балки, у кун... – тўхтаб қолди у ва қошлари янада қорайди. Қўлимни ушлаб, уни маҳкам қисди. – Айтчи, мени унутмайсанми, мен умрбод ёдингда бўламанми?

- Нега ундай дейсан? Нималар деяпсан? Азизам?

I индамасди ва унинг нигоҳи – мендан узоқда, олисларда, йироқда. Мен бирдан шамол баҳайбат қанотлари билан ойналарга қоқаётганини эшитдим (албатта, бу шовқин анчадан бери бўлаётганди, бироқ мен уни энди эшитдим) ва негадир Зумрад Девор устида учаётган чинқироқли қушлар эсимга келди.

- Бўлақол, пайпоқларимни бериб юбор! Тезроқ!

Унинг пайпоқлари столим устига, қайдларимни очиқ турган (бир юз тўқсонинчи) саҳифаларига ташланганди. Шошилганимда қўлёзмаларимни туртиб юбордим ва саҳифалар сочилиб кетди. Энди уларни тартиблай олмайман ва энг асосийси – уларни тўпласам ҳам, олдинги тартибга келмайди, барибир ҳам – кичик букилган жойлар, чуқурчалар, икслар қолиб кетади.

- Мен бунга чидай олмайман, - дедим мен. – Сен – мана – буерда, олдимда бўлсанг ҳам, гўё ҳануз қадимги шаффоф девор ортидасан: мен деворлар ортидан шарпаларни, овозларни эшитяпман, аммо улар нима деяётганини тушуна олмаяпман, уерда нималар борлигини билмайман. Мен бунга чидай олмайман. Сен бир нималарнидир яшириб айтмаяпсан, сен ўтган сафар Қадимги Уйда мен қаерга тушиб қолганимни бир марта ҳам айтиб бермадинг ва нега шифокор – ёки, эҳтимол, буларнинг ҳеч бири бўлмагандир?

I қўлларини елкамга қўйди ва кўзлари билан аста-аста қалбимнинг тубигача кириб борди:

- Ҳаммасини билишни истайсанми?

- Ҳа, истайман. Мажбурман.

- ...ва сен менинг ортимдан, қаерга бормай, охиригача бирга боришга тайёрмисан? Мен сени қаерга етакламасам ҳам?

- Ҳа, қаерга бўлмасин бирга!

- Яхши. Сенга сўз бераман: байрам тугагандан сўнг, агарда... Ҳа, айтганча: сизнинг ИНТЕГРАЛингиз қалай кетяпти – ҳар сафар сўрайман деб ёдимдан кўтарилади – яқинда учадими?

- Йўқ: нима “агарда”? Янами? Нима “агарда”?

У (эшик олдига бориб олиб):

- Вақт ўтиб биласан...

Мен – ёлғизман. Ундан фақатгина, Девор ортидаги гулларнинг ширали, қуруқ, сариқ чангига ўхшаган, сезилар-сезилмас ифор қолди. Бундан ташқари: қадимгилар балиқчилик учун ишлатган илмоқларига ўхшаган илгак-саволлар (Тарих Музейида кўргандим) – ичимда ўрнашиб қолганди.

...Нега энди у бирдан ИНТЕГРАЛ ҳақида сўради экан?

Йигирма тўртинчи қайд
Конспект:

Функция чегараси. Пасха[38]. Ҳаммаёқни ўчириб ташлаш.

“Мен, худди мотори ортиқча даражада кўп айланаётган, машина кабиман; подшипниклар қизиб кетди, ҳадемай металл эриб, оқиб тушади ва ҳаммаси – бир ҳеч нимага айланади. Тезроқ совуқ сув, мантиқ керак. Мен пақирлаб қуйсам ҳам, мантиқ қизиб кетган подшипникларга урилганча вишиллаб, ҳавода кўз илғамас оқ пардага айланмоқда.

Ҳа, тушунарли: функциянинг асл моҳиятини аниқлаш учун – унинг чегарасини қиймат қилиб олиш керак ва, кечаги “Борлиққа қоришиб кетиш” каби маъносиз фикрлар, чегара сифатида олинса, ўлимга тенг. Негаки ўлим менинг Борлиқ билан бутунлай қоришиб кетишим демакдир. Демак, агар севгини “С” ва ўлимни “Ў” деб олсак, у ҳолда: С = Ў, яъни севги ва ўлим.

Ҳа, шундай, худди шундай. Мен айнан шу сабабли қўрқяпман, у билан курашяпман, буни хоҳламайман. Бироқ нега менда “мен хоҳламайман” ва “мен хоҳлайман” бир жойда жойлашган? Масаланинг даҳшатли тарафи ҳам шунда – мен кечаги роҳатбахш ўлимни истайман. Бунинг яна бир даҳшатли томони шундаки, ана энди мантиқий функция жойлаштирилган бўлсада ёки у ўз ичига ҳеч қандай ўлимни олмасада, мен барибир ҳам лабларим, қўлларим, кўкрагим, танамнинг ҳар бир миллиметри билан ўлимни истайман...

[38] Яхудийларда: кўкламда ўтказиладиган диний байрам. Христианларда: Исо а.с.нинг афсонавий тирилиш хотирасига бағишланган диний байрам

Эртага – Ҳамфикрлик Куни. Уерда, албатта, у ҳам бўлади. Уни узоқдан бўлса ҳам кўриб оламан. Узоқдан кузатиш – азобли бўлади, чунки мен унинг олдида бутун вужудим билан бўлишим керак ва бўлгим келмоқда; унинг қўллари, елкалари, сочлари... Аммо мен, ҳаттоки, бу оғриққа ҳам розиман.

Буюк Валинеъмат! Оғриқни истамоқ нақадар бемаънилик. Ахир, оғриқли – манфий – қўшилувчилар биз бахт деб атаган нарсани қийматсизлантириб юборади-ку. Шундай экан...

Ҳеч қандай “шундай экан”ларга ўрин йўқ. Аниқ. Равшан.

Тун
Йигирма бешинчи қайд
Конспект:

Осмондан тушиш. Тарихдаги энг аянчли фожиа. Маълумликнинг ниҳояси.

Байрам бошланишидан олдин ҳамма ўрнидан турганида ва мадҳия – Мусиқа Заводининг юзлаб трубалар ва миллонлаб овозларнинг янграши – бошимиз узра дабдабали парда каби тебранишни бошлаганда, бир лаҳзага ҳаммаёқни унутдим: мени безовта қилган муаммоларни, бугунги кунги байрам ҳақида I-330 нинг айтган гапларини ва, адашмасам, ҳаттоки, унинг тўғрисида ҳам унутиб қўйдим. Мен ўша онларда, яна қайтиб, қачонлардир шу кунда униформасидаги кичкина, сезилмас доғни деб йиғлаган болакайга айланиб қолган эдим. Мен ювса кетмас қора доғларда эканлигимни атрофимдагилар кўрмаса кўрмас, аммо, ахир, ўзим мен каби жиноятчига бу ёруғ юзли одамлар ичида жой йўқ эканлигини биламан-ку. Эҳ, қани энди ўрнимдан туриб, нафасим тиқилиб, энтикиб, ўзим ҳақимдаги ҳақиқатларни бақириб айтиб юборсам. Бу менинг сўнгим бўлса ҳам майли – майли! – бироқ бир сонияга бўлсада ўзимни, мана бу кўм-кўк осмон каби, пок ва беғубор ҳис қилсам.

Барча кўзлар ўша томон, тепага, тикилган эди: тунги кўз ёшлардан ҳануз қуриб улгурмаган, тонгги, маъсум кўм-кўклик – аранг сезилаётган, қора, нурларга бурканган доғ. У осмонлардан биз томон, Ерга, аэродаги янги Иегова[39] тушаётганди. Қадимгиларнинг Иеговаси сингари доно, севги ва шафқатсизлик аралашган Иегова.

[39] Инжилнинг рус таржималарида Худонинг ёки Исо а.с.нинг номи

У ҳар дақиқа сайин биз томон яқинлашиб келмоқда ва уни миллионлаб қалблар қучоқ очиб кутиб олишга тайёр. Мана У бизни кўриб турибди. Мен ҳам ҳаёлан у билан биргаликда тепадан атрофни кўздан кечирмоқдаман: минбарларнинг ингичка ҳаворанг чизиқлар билан белгиланган концентрик айланалари, худди ўргимчак тўрининг митти қуёшчалар (кўкрак нишонларининг ярақлаши) сепилган доиралари сингари эди; ва ўргимчак тўрининг марказига ҳозир оппоқ, доно Ўргимчак – бизнинг қўл-оёқларимизни ҳикматли бахт тўрларига донишмандларча ўраб қўйган, оқ кийимларга бурканган Валинеъмат – ўтириб олади.

Унинг осмонлардан Ерга тантанавор тушиши тугади, мадҳия тинди, ҳамма ўтирди ва мен ўша заҳоти англадим: атрофдаги ҳамма нарса ҳақиқатдан ҳам ингичка ўргимчак тўри каби тортилган ва титраб турибди; ҳадемай йиртилиб кетади ва ақлбовар қилмас нарсалар юз беради...

Андак туриб, атрофга назар ташладим ва севги ва ваҳима аралаш, у юздан бу юзга саросимада қараётган кўзлар билан қаршилашдим. Мана кимдир қўлини кўтарди ва, бармоқларини сезилар-сезилмас қимирлатиб, кимдирга ишора қиляпти. У кимдир унга жавобан бармоқларини қимирлатди. Яна... Тушундим: улар – Қўриқчилар. Тушундим: улар нимадандир ҳавотирда, ўргимчак тўри таранглашган ва титраяпти. Мен ҳам – худди бир хил тўлқинларга созланган радиоприёмник каби – титраяпман.

Шоир саҳнада сайловолди қасидани ўқиди, бироқ мен унинг бир дона сўзини ҳам тушунмадим: фақатгина гекзаметр[40] маятникнинг тебранишларини эшитдим.

[40] Адабиётда: олти мисрали шеър, мусаддас услуби

Унинг ҳар бир кулоч отиши билан қандайдир белгиланган соат яқинлашаётгандек эди. Ҳануз қаторлардаги чеҳраларни – саҳифалар каби – талвасада бирма-бир кўздан кечириб чиқяпман ва ҳамон қидираётган юзимни топа олмаяпман. У юзни тезроқ топишим керак, негаки кўп ўтмай маятник тиқиллайди ва сўнгра...

У – у, албатта. Пастда, саҳна олдидан, ялтираётган ойна бўйлаб судралиб, икки ёқлама букилган S ҳарфининг пушти қанот-қулоқлари ўтиб кетди ва югуриб кетаётган қадди акс этди – у минбарларнинг чалкашиб кетган йўлаклари орасидан қаергадир елиб кетаётганди.

S, I – қандайдир боғ (улар орасида мен учун ҳар доим қандайдир боғ бўлган; қандайлигини ҳали билмайман, аммо қачондир бу жумбоқни чўзаман.) Мен унга нигоҳим билан илакишиб олдим, у нуқта каби узоқлашиб бораётган ва унинг ортидан бир из қолаётган эди. Ана тўхтади, ана...

Худди юқори волтли, яшин разряди каби: менга бир нима санчилиб, тугун каби боғлаб қўйиди. S бизнинг қаторимизда, мендан бор-йўғи 40 градус нарида, тўхтаб, эгилди. I-330 ни кўрдим, унинг олдида эса – қора танлилар каби ёқимсиз лабли, иржаяётган R-13 ни.

Ақлимга келган илк фикр – ўша томон ўзимни ташлаб, унга “Нега сен бугун у билансан? Нега мен келишимни истамадинг?” деб бақиргим келди. Бироқ ҳикматли, кўринмас ўргимчак тўри оёқ-қўлларимни маҳкам ўраб олди; мен базўр тишимни-тишимга қўйиб, улардан кўзимни узмай ўтирардим. Худди ҳозирдаги каби: юрагимдаги жисмоний оғриқ; мен, ёдимда, ўйладим: “Агарда ножисмоний сабабларга кўра жисмоний оғриқни ҳис қилиш мумкин бўлса, демак...”

Афсуски, хулосамни якунламадим: фақатгина “қалб” тўғрисида бир нималар эсимга келди, қадимгиларнинг “қалб тўрида” деган бемаъни ибораси ҳаёлимдан ўтди. Мен қотиб қолдим: гекзаметр тинчиди. Ҳозир бошланяпти... Нима?

Анъанага кўра, беш дақиқалик сайловолди танаффуси. Анъанага кўра, сайловолди сукути. Бироқ ҳозир бу сукут ҳар доимгидек иззат тўла ибодат каби эмасди: ҳозир у, худди қадимгилар ҳануз бизнинг аккумуляторли минораларимиздан хабари бўлмагани, ишғол қилинмаган осмон вақти-вақти билан момақалдироқ чалган пайтларидаги каби, эди. Ҳозирги ҳолат, гўё қадимдаги бўрондан олдинги ҳавотир каби, эди.

Ҳаво – шаффоф чўяндан. Чуқур-чуқур нафас олгиси келади одамни. Қаттиқ хавотирдаги қулоқлар ҳаяжонли, сичқонлар кемириши каби товушни ёзиб оляпти. Кўзларим пастга қараб турган бўлсада, иккисини – R-13 ва I-330 ни – ёнма-ён, елкама-елка турганларини кўриб турибман ва тиззамда бегона – менинг манфур – пахмоқ қўлларим турибди.

Ҳамманинг қўлида – нишонли соатлар. Бир. Икки. Уч... Беш дақиқа... саҳнадан – сокин, чўян овоз:

- Ким рози бўлса, қўлини кўтаришини илтимос қиламан.

Қани энди мен Унинг кўзларига, аввалари каби, тик боқа олсам – тик ва фидокорона: “Мана менинг борим. Бутун борлиғим. Мени ол!” Аммо бу сафар журъат эта олмадим. Мен аранг – худди барча суякларим қотиб қолганди – қўлимни кўтардим.

Миллионлаб қўлларининг кўтарилишининг шитирлаши. Кимнингдир маъюс “эҳ” деган овози! Ҳис қиляпман,

нимадир бошланди, шиддат билан қуламоқда, бироқ мен бу нима эканлигини тушунмаётгандим ва тушуниш учун мажолим йўқ эди. У томон қарамадим…

- Ким "қарши"?

Бу он байрамнинг энг улуғвор они эди: ҳамма, Рақамларнинг Рақамининг зулмига хурсандчилик билан бўйсуниб, қимирламай, миқ этмай ўтирарди. Аммо мен даҳшатда яна шитирлаган овоз эшитдим: ҳаво каби енгил бўлган бу товуш мадҳиянинг мис трубаларининг янграшидан ҳам баландроқ эди. Кимдир шу тарзда ҳаётининг сўнгги нафасини чиқаради – атрофдаги ҳамманинг юзлари оқариб кетяпти, ҳамманинг пешонасида – муз тер томчилари.

Мен нигоҳимни кўтардим ва…

Сониянинг юздан бир қисми, соч толаси. Кўрдим: минглаб қўллар тепага – "қарши" – кўтарилди ва тушди. Мен I-330 нинг хоч тортилган, оқарган юзини, унинг кўтарилган қўлини кўрдим. Кўзларимда қоронғулашиб кетди.

Яна бир соч толаси; бир зум жимжитлик; сокинлик; юрак уришлари. Сўнгра – худди қандайдир кўринмас дирижёрнинг ишораси билан – ҳар қаерда бирдан тарс-турслар, бақир-чақирлар, униформаларнинг югуришдан шитирлаши, саросимада уёқдан-буёққа югураётган Қўриқчиларнинг қадлари, кимнингдир кўзим олдида ҳавода учаётган пошнаси, пошналар олдида кимнингдир катта очилган, эшитилмас чинқиришдан зўриққан оғзи. Негадир айнан шу ҳолат хотирамда муҳрланиб қолганди: овоз чиқармай чинқираётган минглаб оғизлар, худди қўрқинчли экрандаги каби.

Худди экрандаги каби – қаерлардадир пастда О нинг қўрқувдан оқариб кетган лаблари бир зумга қаршимда пайдо бўлди; йўлакда деворга ёпишиб қолган О устма-уст қўйилган қўллари билан қорнини беркитиб турарди. У бир зумда ғойиб бўлди – кўздан қочди ёки мен уни унутиб қўйдим, чунки…

Булар экранда эмас – менда, менинг сиқилган юрагимда, тез-тез ураётган чаккамдаги томирларда. Бошим тепасида чап томондан, ўриндиқдан бирдан қутурган, қизарган, тупургиларини сачратаётган R-13 ирғиб чиқди. Унинг қўлларида – оқариб кетган, униформасининг елкасидан кўкрагигача бўлган қисми йиртилиб кетган I; оқарган баданда – қон. I-330 унинг бўйнидан маҳкам ушлаб олганди ва, горилла каби жирканч ва эпчил бўлган, у катта-катта қадамлар билан – ўриндиқдан-ўриндиққа ирғиб – уни тепага олиб кетарди.

Қадимгиларнинг ёнғини каби – атроф қип-қизариб кетди ва ягона ҳаёл: ирғиб, уларни тўхтатиш. Менда бу куч қаердан пайдо бўлганлигини ҳозир тушунтириб бера олмайман, аммо ўша он мен, таран[41] каби оломонни ёйиб ташлаб, бир елкадан иккинчи елкага, ўриндиқдан-ўриндиққа сакраб, улар томон яқинлашдим ва R нинг ёқасидан тутдим:

- Қимирламанг! Қимирламанг, дедим! Тезда деяпман (бахтимга, овозим эшитилмаётганди – ҳамма алланималар деб бақираётган, уёқдан-буёққа югираётган эди).

- Ким? Нима бўлди? Нима? – ўгирилди R.

[41] Қадимда қалъани бузиш учун ишлатилган учли ёғоч курол

Унинг лаблари титраб, улардан тупургилари сачраётганди. У, менимча, уни Қўриқчилардан бири ушлаб олди деб ўйлаган бўлса керак.

- Нима? Хоҳламайман, изн бермайман! Уни қўйиб юборинг – дарҳол!

Бироқ у жаҳл билан лабларини қимирлатди, бошини чайди ва югуриб кетди. Мен – буларни ёзиш мен учун ҳаддан ташқари уятли, аммо, менимча, сизлар, менинг нотаниш ўқувчиларим, менинг касаллигим тарихини бутунлай ўрганиб чиқа олишинглар учун барчасини ёзишим керак – унинг бошига зарба туширдим. Тушуняпсизми – уни урдим! Бу аниқ эсимда. Яна бир нарса эсимда экан: бу уришдан кейинги озодлик, енгиллик ҳисси.

I тезлик билан унинг қўлларидан чиқиб кетди.

- Кетинг, - деб бақирди у R га, - кўриб турибсиз-ку: у... Кетинг, R, кетинг!

R, қора танлиларники каби оппоқ тишларини кўрсатиб иржайиб, менинг юзимга қандайдир сўзни тупуриб, пастга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди. Мен бўлса, I ни қўлимга кўтардим ва, қаттиқ бағримга босиб, олиб кетдим.

Юрагим ураётганди ва ҳар бир уришида жуда ҳам кучли, иссиқ қувончли бахт тўлқинларини чиқараётганди. Қаерлардадир нимадир чилпарчин синиб кетган бўлса ҳам – фарқи йўқ! Асосийси уни бундай, қўлларимда кўтариб кетиш…

ТУНДА. СОАТ 22.

Қаламни қўлимда аранг ушлаб турибман: бугун эрталабки бўлган ҳайратда қолдирадиган ҳодисалардан сўнг ўлчаб бўлмас даражада чарчоқ босди.

Наҳотки Ягона Давлатнинг асрлар давомида собит турган қўриқловчи деворлари қулаб тушган бўлса? Наҳотки биз бошпанасиз, аждодларимиз каби, эркинликнинг ёввойи кўринишида қолган бўлсак? Наҳотки Валинеъмат йўқ бўлса? Қарши... Ҳамфикрлик Кунида – қарши? Мен уларнинг қилмишларидан уялиб кетяпман, бу менга оғриқ беряпти, мени қўрқитяпти. Аслини олганда, “улар” ким ўзи? Мен ўзим кимман: “улар” ёки “биз” – ахир мен – биламанми?

Мана: у қуёшдан қизиб кетган ўриндиқда – мен уни олиб чиққан, энг тепадаги минбарда – ўтирибди. Ўнг елкаси ва бироз пастроғи – ўлчаб бўлмас ажойиб эгрилик – очиқ; ингичка илон каби сизаётган қон. У, худди қон оқаётганини, кўкраги очилиб кетганини, пайқамаяпти... йўқ, бундан ҳам баттар: у буларнинг барини кўряпти – бироқ айнан шу унга ҳозир керак... агарда униформаси ёпиқ бўлганида, у уни йиртиб ташларди ва...

- Эртага... – у сиқилган, ярақлаётган ўткир тишлари орқали энтикиб нафас оларди. – Эртага нима бўлиши аниқ эмас. Тушуняпсанми: на мен биламан, на кимдир билади – ноаниқ. Барчаси тамом бўлганини тушуняпсанми? Янги, ақлбовар қилмас, ноаниқ.

Пастда одамлар югуриб, елиб, бақиряпти. Бироқ буларнинг бари олисда, негаки у менга қараб турибди, менинг боримни кўз қорачиғларининг тилларанг ойналари орқали асталик билан симириб юборяпти. Шу тарзда – узоқ, индамай. Негадир қачонлардир Зумрад Девор орқали кимнингдир нотаниш сариқ кўз

қорачиқларига қараганлигим, Девор тепасида қушлар учиб юрганлигини (ё бу бошқа сафар эдими) ёдимга келди.

- Менга қара: эртага ҳеч қандай ноодатий ҳодиса юз бермаса, мен сени ўша ерга олиб бораман – тушуняпсанми?

Йўқ, тушунмаяпман. Бироқ индамай бошимни силкиб қўйдим. Мен – кўринмай кетдим, мен – беҳад кичикман, мен – нуқтаман...

Нима бўлганда ҳам, бу нуқта ҳолатининг ҳам ўзининг (бугунги) мазмун-моҳияти мавжуд: нуқтада энг кўп ноаниқлар бор; у ҳаракатланиши, қимирлаши биланоқ – минглаб турли хил эгриликларга, юзлаб таналарга айланиши мумкин. .

Қимирлагани қўрқяпман: мен нимага айланиб қоламан экан-а? Менимча – ҳамма мен каби заррача ҳаракатдан ҳам қўрқади. Мана ҳозир, буларни ёзар эканман, ҳамма ўзларининг ойна қафасларига беркиниб ўтирибди ва ниманидир кутяпти. Даҳлизда, куннинг бу соатида одатда эшитиладиган, лифтнинг шовқини, кулгулар, қадам товушлари эшитилмаяпти. Баъзида кўзим тушиб қолади: жуфт-жуфт бўлиб, ўгирилиб, пичирлашиб, оёқларининг учларида даҳлиздан ўтиб кетишади...

Эртага нима бўлади? Эртага нимага айланиб қоламан?

Йигирма олтинчи қайд
Конспект:

Дунё мавжуд. Тошма. 41°.

“Тонг. Шип орқали – осмон ҳар галгидек маҳкам, думалоқ, қизил ёноқли. Менимча – тепада қандайдир ноодатий тўртбурчак қуёш, турли хил рангларга бўялган ҳайвон терисидан кийим кийиб олган одамларни, тошдан бўлган, шаффоф деворларни кўрганимда бундан камроқ ҳайрон бўлган бўлар эдим. Хўш, демак, дунё – бизнинг дунёимиз – ҳали мавжуд эмасми? Ёки бу инерция[42] холосми? Генератор аллақачон ўчирилган, тишли ғилдираклар гулдираб айланяпти – икки айланиш, уч айланиш, тўртинчисида бари тўхтаб қолади...

Сизга ҳам бу ғалати ҳолат танишми? Тунда туриб кетдингиз, зимистонда кўзингизни очдингиз ва бирдан адашиб қолганингизни ҳис қилдингиз – тезлик билан, зудлик билан атрофдаги нарсаларни пайпаслаб чиқяпсиз, қандайдир таниш, қаттиқ – девор, чироқ, стул – нарса излаяпсиз. Худди шу тарзда мен ҳам Ягона Давлат Газетасини – тезда-тезда – “пайпаслаб чиқдим” ва мана:

“Кеча ҳаммамиз узоқ кутган Ҳамфикрлик Куни бўлиб ўтди. 48-марта ўзининг собит донишмандлигини бир неча бор исбот қилган Валинеъмат якдиллик билан сайланди. Байрам, ўзларини Ягона Давлатнинг тунов куни янгиланган пойдеворининг бир қисми, бир ғишти бўлиш ҳаққидан маҳрум этган, бахт душманлари сабабчи бўлган саросимаси юзасидан ноxуш тус олди. Ҳаммамизга аён-ки, уларнинг овозларини ҳам инобатга олиш,

[42] Ташқи таъсир бўлмаса, жисмларнинг тинч ёки текис ҳаракатдаги ҳолатини сақлаш ҳусусияти

концерт залига тасодифан кириб қолган касал одамнинг йўталишини – улуғ, мардонавор симфониянинг бир қисми сифатида қабул қилишдек, бемаъни бўлар эди...”

О, доноларнинг доноси! Наҳотки биз, бўлганларга қарамай, қутқарилган бўлсак? Бироқ бу соф силлогизмга қарши нимани ишлатиш мумкин?

...ва яна икки мисра:

“Бугун соат 12 да Бошқарув Бюроси, Тиббиёт Бюроси ва Қўриқчилар Бюросининг бирлашган кенгаши бўлиб ўтади. Яқин кунларда Давлат томонидан муҳим ҳужжат қабул қилиниши кутилмоқда.”

Йўқ, деворлар ҳануз ўз ўрнида – ана улар – мен уларни ушлаб кўришим мумкин. Ортиқ мендаги ғалати адашиб, қаерлардадир йўқолиб қолганлик ҳисси йўқ ва мовий ранг осмонни, думалоқ қуёшни кўраётганим ҳам ҳайратланарли ҳолат эмас; ҳамма – доимгидек – ишга кетяпти.

Ҳиёбонда шахдам қадамлар ташлаб кетаётгандим, ҳамма мендек юраётгандек туйилди. Бироқ мана чорси, бурчакка бурилиш ва кўрдим: ҳамма нимагадир бино бурчагининг олдидан юрмай бурилипти – худди бино бурчагидаги деворда бирор қувур ёрилиб, уердан сув отилиб чиққандек ва йўлакдан юриб бўлмагандек.

Яна беш, ўн қадам – ва менинг устимдан ҳам совуқ сув тўкиб юборишди, мен ҳам силкиниб, йўлакдан ағдарилиб кетдим... деворда тахминан 2 метр баландликда – тўртбурчак варақ ва унда – тушунарсиз – ям-яшил ҳарфлар:

М Е Ф И

Пастда бўлса – букилган бел, ё ғазабдан, ё ҳаяжондан пушти тус олган қанот-қулоқлар. У, ўнг қўлини тепага кўтариб, чап қўлини – худди яраланган қанот каби – чор-ночор орқага узатиб, варақчани олиб олиш учун тепага ирғиётганди ва бунга бўйи етмай қолаётганди.

Эҳтимол, ҳар бир йўловчида “Агарда мен, кўпчилик ичидан битта мен борсам, у мени бирор нимада айбдор деб ўйламасмикин ва айнан шу сабабли...” деган ҳаёл ўтган бўлса керак.

Тан оламан: менда ҳам бу ўй бўлганди. Бироқ у неча марта менинг қўриқчи-фариштам бўлганини, неча марта мени қутқарганини эслаб, ботирларча унинг олдига бориб, тепага қўлимни узатиб, варақни йиртиб олдим.

S ўгирилиб қаради. Унинг парма кўзлари тезлик билан мени туб-тубимгача тешди ва уердан бир нимани олиб чиқди. Сўнгра чап қошини тепага кўтариб, “Мефи” ёзуви осилиб турган деворга қараб, кўзини қисиб қўйди. Мен унинг табассумининг – не ҳайратки, ҳаттоки, қувноқ табассумининг – думчасини кўриб қолдим. Аслида ҳайрон бўлишга ўрин йўқ. Шифокор инкубация даврининг аста-секин кўтарилаётган, толиқтирадиган ҳароратидан кўра тошмани ва қирқ градусли иссиқни ҳар доим афзал кўради. Мен унинг табассумининг моҳиятини англадим[43]...

Ертўлага тушиш – оёқларим остида, зиналарнинг маъсум ойнасида – яна оқ варақча: “Мефи”. Пастдаги деворда ҳам, скамейкада ҳам, вагон ойнасида ҳам (чамаси, қийшиқлигидан диққатсизлик билан, апил-тапил

[43] Муаллиф қайди: тан олишим керак, унинг табассумининг асл моҳиятини ажиб ва кутилмаган ҳодисаларга бой эканлигини бир неча кунлар ўтгандан кейингина англай олдим, холос

ёпиштирилганга ўхшайди) – ҳар ерда ўша оппоқ, даҳшатли тошма.

Сокинликда – ғилдиракларнинг, газак олган қон каби, баралла ғувиллаши. Кимнидир елкасидан ушлашди – у сесканиб кетди, қўлидаги қоғоз ўрамини ерга тушириб юборди. Чап томонимда – яна бири: газетадаги айни қаторни қайта-қайта, қайта-қайта, қайта-қайта ўқияпти ва газета сезилар-сезилмас титраб турибди. Ҳар қаерда – ғилдиракларда, қўлларда, газеталарда, киприкларда – юрак уриши тобора тезлашиб бораётганлигини ҳис қиляпман ва, балки, бугун, I билан буерга тушиб қолганимда – 39, 40, 41 градус бўлар – термометрда қора чизиқ билан белгиланган...

Эллингда – олисларда кўринмас парракнинг ғинғиллаши эшитилиб турган сукунат. Дастгоҳлар шўппайиб, индамай турибди. Фақатгина кранлар эшитилар-эшитилмас овоз чиқариб, гўё оёқларининг учларида, сирпаниб, эгилиб, панжалари билан ҳавонинг қотиб қолган кўк палахсаларини кўтариб, уларнинг ИНТЕГРАЛнинг бортдаги цистерналарига ортяпти: биз уни синов парвозига тайёрлашни бошладик.

- Хўш: бир ҳафтада юклашни битирамизми?

Мен бу гапларни Иккинчи Қурувчига айтгандим. Унинг юзи – мовий, нафис пушти гуллар билан безатилган, фаянс идишга ўхшайди, бироқ гулларнинг ранги бугун қандайдир ўчиб, ўнгиб кетган кўринади. Овоз чиқариб санаяпмиз, лекин мен бирдан гапни бўлиб, оғзимни очиб турибман: гумбаз остида кран кўтарган кўк палахсага – аранг кўриниб турган оқ квадратча – қоғозча ёпиштирилган. Бутун борлиғим титраб кетди – балки кулгудандир – ҳа, ўзим ҳам кулаётганимни эшитяпман

(Сиз ҳам кулаётганингизда, кулгуингиз товушини эшитасизми?)

- Йўқ, қулоқ солинг... – дедим мен. – Қадимги аэрода эканлигингизни, алтиметр[44] беш минг метр баландликни кўрсатаётганини, аэронинг бир қаноти синиб қолганлигини, чинкаптар каби қулаётганингизни ва қулаб тушаётганингизда “Эртага – ўн иккидан иккигача... иккидан олтигача... олтида тушликда...” деб санаётганингизни тасаввур қилинг. Ахир, кулгули эмасми? Биз эса ҳозир – худди шу ҳолатдамиз.

- Мовий гуллар қимирлаб, бақрайиб турибди. Мен шишадан бўлганимдан ва қандайдир 3-4 соатдан сўнг…

[44] Баландликни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб



Йигирма еттинчи қайд
Конспект:

Ҳеч қандай конспект йўқ. Мумкин эмас.

“Мен ўша бепоён даҳлизларда ёлғизман. Соқов бетон осмон. Таниш, оғир, хира эшик – ва у томондан жарангсиз гумбурлаган овоз.

У менинг олдимга роппа-роса 16 да чиқишини айтганди. Бироқ мана 16 дан беш, ўн, ўн беш дақиқа ўтди: ҳеч ким йўқ.

Бир сонияга бу эшик очилиб кетишидан қўрқаётган менга айландим. Яна беш дақиқа кутаман, агар у чиқмаса –

Қаердадир сув тошга томчилаб тушяпти. Кимса йўқ. Мен маъюс хурсандчилик билан ҳис қиляпман: халосман. Шошилмай даҳлиздан орқамга қайтяпман. Шипга осилган чироқнинг титраётган нури борган сари хиралашиб кетяпти...

Тўсатдан орқадаги эшик тезлик билан қаттиқ ёпилди, шипдан, деворлардан ирғиб тушган, тез-тез қадам товушлари – ва, тез ҳаракатланаётган ва югуришдан бироз нафаси қайтган, У оғзидан нафас оляпти.

Киприк найзалари тортилиб, мени ичкарига ўтказиб юбордилар – ва... Унинг лаблари менинг лабларимга теккандаги қадимий, бемаъни, ажойиб удумнинг менга қандай таъсир қилишини қандай тушунтириб берсам экан-а? Қайси формула билан қалбимда ундан бошқа ҳамма нарсани учириб юборадиган шамолни ифодаласам экан-а? Ҳа, ҳа, қалбимда – истасангиз, кулинг.

У зўр бериб, аста-секин қовоқларини кўтарди ва ушбу сўзларни базўр айтди:

- Йўқ, етади... кейинроқ: ҳозир – кетдик.

Эшик очилди. Зинапоя – эскириб кетган. Чидаб бўлмас даражада ранг-баранг қий-чув, ҳуштак овозлари, ёруғлик...

X X X

Ўшандан бери деярли бир кун ўтди, буларнинг бари қалбимнинг тубига чўкиб қолди – шундай бўлса ҳам, уларга ҳеч бўлмаса тахминан яқин таъриф бериш ҳам қийин. Бошимда, худди бомба портлатиб юборилгандек, очилган оғизлар, қанотлар, чинқиришлар, барглар, сўзлар, тошлар эса олдимда уюм-уюм, устма-уст йиғилиб қолган...

Эсимда – биринчи келган ўй: “Тезроқ, зудлик билан ортга қайтишим керак.” Чунки тушундим: уерда, даҳлизларда кутар эканман – улар қандайдир қилиб Зумрад Деворни портлатиб ёки бузиб юбордилар ва бизнинг тубан дунёдан тозаланган шаҳримизга уердан ҳаммаёқ оқиб киради.

Адашмасам, I га шунга ўхшаш гаплар айтгандим. У кулиб юборди:

- Йўқ, қўйсангчи! Биз шунчаки Зумрад Девор ортига ўтдик...

Мен ўшанда кўзларимни катта-катта очдим ва қаршимда тирикларнинг ҳали ҳеч бири ўнгида кўрмаган, худди минг карра кичрайтирилган, кучсизлантирилган, Деворнинг хира нури билан хаспўшланган айни ўша нарса.

Қуёш... у бизники эмасди, кўприкларнинг ойна юзасида бир маромда таралган қуёшимиз эмасди: бу қуёш гўё тирик парчалар, кўзларни қамаштирувчи ва бошни айлантирувчи тўхтовсиз ҳаракатланаётган доғлар йиғиндиси эди. Дарахтлар, худди шамлар каби – то осмонгача; худди эгри-бугри панжалари билан ерга ўтириб олган ўргимчакдек; худди сассиз яшил фавворалар каби... Уларнинг бари тебраниб, қимирлаб, шитирлларди; оёқлар остида аллақандай ғадир-будур ўрамча сапчимоқда, мен бўлса, турган жойимга михлангандек эдим, бир қадам ҳам ташлай олмасдим – чунки оёқларим остида яссилик эмас – тушуняпсизми, яссилик эмас – қандайдир жирканч, юмшоқ, майин, жонли, яшил, диркиллама нарса эди.

Буларнинг бари мени карахт қилганди, мени бўғаётганди – ҳа, менимча, бу энг мос таъриф. Мен, тебранаётган аллақандай ёғочга икки қўлим билан илашиб, турардим.

- Ҳечқиси йўқ! Ҳечқиси йўқ! Бошида доим шундай бўлади, кейин ўтиб кетади. Қани, бўлақол!

I нинг олдида – бошни айлантириб юбораётган тепадан-пастга кўтарилаётган яшил тўрда кимнингдир қоғоздан қирқиб ясалган ён томони... йўқ, кимнингдир эмас, мен уни танийман. Эсимда: шифокор – йўқ, йўқ, мен ҳаммасини жуда яхши тушуниб турибман. Англадим: улар иккиси мени қўлимдан ушлаб, қаҳ-қаҳ отиб, мени олдинга судраб кетишмоқда. Оёқларим бир-бирига ўралашиб, сирпаниб кетмоқда. Атрофда қарғаларнинг қағиллаши, йўсин, ўт-ўлан, қушларнинг қурқурлаши, буталар, поялар, қанотлар, барглар, ҳуштаклар...

Дарахтлар сочилиб кетди; ёруғ майсазор, майсазорда – одамлар... ёки бундай эмасди, тўғрисини ортиқ билмай қолдим: эҳтимол, “мавжудотлар" дейиш тўғрироқдир.

Энг қийини шу. Негаки бу барча эҳтимоллар чегарасидан ташқарида эди. ...ва мен, I нега ҳар доим индамаслигини, жавоб қайтармаслигини, тушуниб етдим: у айтса ҳам, мен барибир ҳам ишонмасдим – ҳаттоки, унга ҳам ишонмасдим. Балки эртага ўзимга ҳам – ўзимнинг мана бу қайдимга ҳам – ишонмай қўярман.

Майсазордаги бош суяги кўринишида бўлган тош атрофида уч юз... тўрт юз одамдан – майли “одам” бўла қолсин, бошқа ном билан аташ мен учун қийин бўляпти – иборат оломон шовқин солиб турарди. Худди оломон ичидаги одамлардан биринчи бўлиб танишларингизни кўрганингиз каби, мен ҳам дастлаб бизнинг кулранг аралаш кўк униформаларимизни кўрдим. Бир сониядан сўнг – униформаларимиз орасида тим қора, малларанг, тилларанг, тўқ жигарранг, кўкиш, оқ одамларни – афтидан одамларга ўхшарди – аниқ ва равшан кўрдим. Уларнинг ҳаммаси кийимсиз ва ялтираётган – Тарих Музейида от тулумидаги юнгга ўхшаган юнг билан қопланган эди. Аммо урғочиларнинг юзи, худди бизнинг аёлларимизнинг юзларидек – ҳа, ҳа, худди шундай – эди: соч толаларисиз, нафис пушти рангда ва уларнинг катта, бақувват, ажойиб геометрик шаклдаги сийналарида ҳам соч йўқ эди. Эркакларнинг фақатгина юзлари юнгсиз эди – худди бизнинг аждодларимиз каби.

Бу манзара шу даражада ақлбовар қилмас, шу даражада кутилмаган эди-ки, мен миқ этмай турардим – яна бир бор тасдиқлайман: индамай турар ва кузатар эдим. Тарозилар сингари: бир паллага ошиқча даражада юк қўйиб юборинг ва бошқа тарафга қанча нарса қўйсангиз ҳам, кўрсаткич ўзгармайди, жойидан силжимайди...

Бирдан – кимдир: I ортиқ мен билан эмас – у қандай қилиб ва қаерга ғойиб бўлганини билмайман. Атрофда қуёшда шойи каби ялтираётган юнг билан қопланган одамлар бор, холос. Мен кимнингдир иссиқ, бақувват, тим қора елкасидан ушладим:

- Менга қаранг – Валинеъмат ҳаққи – I қаерга кетганини кўрмадингизми? Ҳозиргина – бироз олдин...

Менга қалин, жиддий қошлар қараб турарди:

- Тш-ш-ш! Жим бўлсангизчи.

Қалин қошлар бош суяги шаклидаги сариқ тош турган марказ томон ишора қилди.

Тепада, ҳамманинг тепасида – мен уни кўрдим. Қуёш тўғри кўзимга тушар, у эса қарши тарафда ва шу сабабли – осмоннинг мовий ранг матосида – унинг ўткир, кўмир каби қора қадди кўринарди. Андак тепароқда булутлар учяпти ва, худди булутлар эмас, тошнинг ўзи, тош устида у, унинг ортидан оломон ва майсазор – оҳисталик билан, кема каби, сузяпти – ер оёқ остидан оқиб кетяпти...

- Биродарлар... – бу у. – Биродарлар! Ҳаммангиз биласиз: Девор ортида, шаҳарда – ИНТЕГРАЛни қуришяпти. Бундан ташқари: шамол бутун Ерюзи бўйлаб, унинг у чеккасидан бу чеккасига эркин эсиши учун, ушбу Деворни – ҳамма деворларни – яксон қилишимиз керак бўлган кун келди. Бироқ ИНТЕГРАЛ деворларнинг барчасини тепага, бугун тунда сизларга тунги қора барглар орасидан ўз нурларини таратадиган, минглаб нотаниш ерлар мавжуд бўлган томонларга...

Тўлқинлар, кўпик, шамол тошга келиб уриляпти:

- ИНТЕГРАЛ йўқолсин! Даф бўлсин!

- Йўқ, биродарлар: йўқолмасин. Аммо ИНТЕГРАЛ бизники бўлиши керак. У илк бор коинотга учиб кетганда, унда биз бўламиз. Чунки биз билан ИНТЕГРАЛнинг қурувчиси бирга. У деворлардан ошиб, мен билан буерга сизларнинг орангизда бўлиш учун келди. Яшасин Қурувчи!

Бир сонияда – мен қаердадир тепада бўлиб қолдим, менинг остимда – бошлар, бошлар, бошлар, катта очилган ва бақираётган оғизлар, тепага кўтарилиб, туширилаётган қўллар. Бу ҳис қандайдир ғалати, маст қилувчи ҳис эди: мен ўзимни ҳаммадан юксакда ҳис қилардим, мен мен эдим, мустақил, бир олам, мен ҳар доимгидек қўшилувчи эмасдим, мен бир рақамга айлангандим.

Мана мен – худди севги қучоқларидан сўнг ҳорғин, мижиғланган, бахтли танада – пастда, ўша тошнинг олдидаман. Қуёш, тепадан келаётган овозлар – I нинг табассуми. Қандайдир малла сочли, тилларанг, гиёҳларнинг ҳиди келиб турган аёл. Унинг қўлида, кўринишидан, ёғочдан ясалган коса. У алвон лаблари билан ундан хўплаб ичди ва косани менга узатди. Мен ҳам, оташимни сўндириш учун, тотли, тиконли, совуқ учқунларни кўзларимни юмиб, шоша-пиша, ичяпман.

Сўнгра – қоним ва бутун олам – минг марта тезлашиб, пар каби енгил замин учиб кетди. Ҳаммаси ойдинлашиб, енгиллашиб кетди.

Мана мен тошда катта-катта ҳарфлар билан ёзилган ёзувни кўряпман: “Мефи” – ва бу ёзув жуда муҳим эди, бу ҳаммамизни боғлаб турган оддий, маҳкам ип эди. Қўпол суратни кўряпман – балки ўша тошнинг ўзидадир: қанотли ёш йигит, шаффоф тана ва унинг ичида, қаердадир – кўзларни қамаштирувчи, қизғиш бўлиб

ёнаётган кўмирга ўхшаган – юрак бўлиши керак. Яна: мен бу кўмирни англаб турибман... ёки йўқ: ҳис қилиб турибман – худди ҳар бир сўзни эшитмай, ҳис қилганим каби (I тошнинг тепасидан туриб гапиряпти) – ва ҳамма бараварига нафас олаётганини ҳис қиляпман – ва ҳамма биргаликда қаергадир учиб кетиши керак, худди ўтган сафар Девор устидан қушлар учгани сингари...

Орқадан, зич туриб нафас олаётган таналар чангалзоридан – баланд овоз келди:

- Ахир бу телбалик-ку!

Чамаси, мен – ха, менимча, бу айнан мен эдим – тошга ирғиб чиқдим, қуёш кўзимга тушиб турар, бошлар, мовий осмонда яшил тишли арра кўринар эди ва мен:

- Ҳа, ҳа, худди шундай! – деб бақирдим. – Ҳамма ақлдан озиши керак, ҳамма телбага айланиши керак – қанча тез бўлса, шунча яхши! Бундай бўлиши шарт – буни биламан.

Олдимда – I-330; унинг табассуми, икки қора чизиқлар – оғизнинг бурчакларидан тепага, бурчак кўринишида; менда ҳам бурчак ва бу бир онлик, енгил, бироз оғриқ берувчи, гўзал...

Сўнгра – тиқилиб қолган, бўлиниб кетган парчалар.

Аста-секин, пастда – қуш парвози. Кўряпман: у, мен каби, тирик; у, одам сингари, бошини чапга-ўнга буряпти ва унинг қора, думалоқ кўзлари мени тешиб ўтяпти...

Яна: орқаси – сарғиш тус олган фил суяги рангидаги ялтироқ юнг билан қопланган. Унинг орқасида қора, митти ва шаффоф қанотли ҳашорот судраляпти – у, ҳашоротни тушуриб юбориш учун, икки марта оҳиста қимирлади...

Яна: барглардан туташган, панжарасимон соялар тушяпти. Одамлар сояда ётиб ва қадимгиларнинг афсонавий овқатига ўхшаган нарсани чайнашяпти: узун сариқ мева ва қорароқ нарсанинг бўлаги. Бир аёл буларни менга беряпти ва менинг кулгим келяпти: буларни ея оламанми, билмайман.

Яна: оломон, бошлар, оёқлар, қўллар, оғизлар. Бир неча сонияга юзлар кўриниб – гўё пуфаклар каби портлаб, ғойиб бўлмоқда. Бир сонияга – ёки, балки, менга шундай туйилаётгандир – шаффоф, учаётган қанот-қулоқлар кўринди.

Кучим борича I нинг қўлини сиқдим. У ўгирилиб қаради:

- Сенга нима бўляпти?
- У шуерда... Менга кўрингандек бўлди…

- Ким у?

- ...ҳозиргина – оломон ичида...

Кўмир каби қора, ингичка қошлар чаккагача чимирилган: ўткир учбурчак, табассум. Тушунмадим: у нега куляпти – у қандай кула олади?

- Тушунмаяпсан – I, сен тушунмаяпсан, у ёки улардан кимдир буерга келса, нима бўлади.

- Тентак! Уердаги, Девор ортидаги кимнингдир ҳаёлига биз буерда эканлигимиз келиши мумкинми? Эслаб кўрчи: сен – мана сен бу бўлиши мумкинлигини қачондир ўйлаб кўрганмисан? Улар бизни уерда тутишади – майли, тутишаверсин! Алаҳсираяпсан.

У енгил, кувноқ табассум қиляпти ва мен ҳам жилмайяпман, дунё – маст, кувноқ, енгил ҳолатда – сузиб кетмоқда…

Йигирма саккизинчи қайд
Конспект:

Иккаласи ҳам. Энтропия[45] ва энергия.

“Мана: агарда сизнинг дунёингиз бизнинг аждодларимизнинг дунёсига ўхшаса, бир куни океанда дунёнинг олтинчи, еттинчи қисмига – аллақандай Атлантидага – дуч келиб қолганингизни ва уерда – мислсиз лабиринт-шаҳарлар, қанотсиз учаётган одамлар, аэролар, нигоҳ билан тепага кўтарса бўладиган тошлар – бир сўз билан айтганда, туш касаллигига чалинганингизда ҳам ақлбовар қилмайдиган нарсалар бор. Худди шу ҳолат кеча мен билан юз берди. Чунки – тушунсангизчи – биздан ҳеч ким ҳеч қачон Икки Юз Йиллик Урушдан кейин Девор ортига ўтмаган – бу ҳақида сизга айтгандим.

Биламан: сизнинг олдингиздаги бурчим, менинг нотаниш дўстларим, кеча мен учун янгилик бўлган ғалати ва тушунарсиз дунё ҳақида батафсилроқ айтиб беришдир. Аммо ҳозир бу мавзуга қайтишга ҳолим йўқ. Янгидан-янги ҳодисалар, худди сел каби, ва мен барчасини жамлашга улгурмаяпман: ҳаммаёққа идишлар қўйяпман – барибир ҳам пақир-пақир сувлар оқиб кетяпти, бу саҳифаларга эса томчилар тушяпти...

Дастлаб эшигим ортида баланд овозлар эшитдим – ва унинг, I нинг, дадил, темир овозини ва, ёғоч чизғичга ўхшаган, Ю нинг деярли эгилмас овозини танидим. Сўнгра эшик тўсатдан ланг очилди ва иккаласи хонамга отилиб кирди. Айнан шундай: отилиб кирди.

[45] Табиий ва аниқ фанларда кенг қўлланиладиган термин бўлиб, энергиянинг қайтариб бўлмас тарқалиши ёки унинг беҳудалигини англатади

I қўлини ўриндиғимнинг суянчиғига қўйди ва, елкасидан ортга ўгирилиб, ўнг тарафга, унга, қараб – оғзи қулоғида кулди. Мен бу кулгу сабабчиси бўлишни истамасдим.

- Менга қаранг, - деди менга I, - бу аёл, чамаси, сизни мендан, ёш болани хатардан қўриқлагани каби, қўриқлашни мақсад қилиб олган кўринади. Бунга сиз рухсат бердингизми?

Сўнгра – иккинчиси, ойқулоқларидан ҳуркиниб:

- Ҳа, у – бола. Ҳа! Шу сабабли ҳам сиз унга нима қилаётганингизни – биргина мақсад билан... буларнинг бари майнавозчилик эканлигини кўрмаяпти. Ҳа! Менинг бурчим...

Бир зумга кўзгуда – қошларим тўғри чизиғи синиқ, сакраётган ҳолга тушди. Мен сапчиб турдим ва ўзимни базўр тутиб, ҳар бир сўзимни тишларим орасидан аранг чиқариб, пахмоқ қўлларим қалтирар экан, унга – унинг ойқулоқларига – важоҳатла бақирдим.

- Дарҳол! Дар-ҳол даф бўлинг! Дар-ҳол!

Ойқулоқлар қизғиш тус олиб шишди, сўнгра пуфакдек пучайиб, кулранг тусга кирди. У бир нима дейишга ҳозирланиб, оғзини очди ва, индамай, эшикни қаттиқ ёпиб, чиқиб кетди.

I томон отилдим.

- Ўзимни кечира олмайман – бу учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман! У сенга бундай гаплар айтишга қандай журъат этди? Бироқ... сен мени ҳам у билан ҳамфикр деб... Буларнинг ҳаммасининг сабаби – у менга ёзилиб олмоқчилигида, мен бўлса...

- У ёзилиб олишга, бахтимизга, улгурмайди. У кабилар мингта бўлса ҳам: менга барибир. Мен аминман – сен мингларга эмас, менга ишонасан. Негаки тунов кунги ҳодисалардан сен – мен қаршингда қандай бўлсам шундай, бутун борлиғим билан, сен истаганингдек турибман. Мен – сенинг қўлларингдаман, сен истаган онингда...

- Нима – истаган онимда? – дедим ва ўша ондаёқ қулоқларимга, юзларимга қон қуйилаётганини англадим: - Жим бўл, менга бу ҳақида ҳеч қачон оғиз оча кўрма! Ахир, сен бу олдинги мен эканлигимни тушуниб турибсан, энди бўлса...

- Ким билсин... Инсон – асар каби: сўнгги саҳифагача нима билан тугашини билмайсан. Бундай бўлмаганда, ўқишда маъно ҳам қолмасди...

I бошимни силаяпти. Унинг юзини кўрмасамда, овозидан: олисларга тикилаётгани, нигоҳи, асталик билан, номаълум манзиллар томон сузаётган булутларда тутилиб қолганини билиб турибман...

Бирдан мени қўли билан четга сурди – сабот ва мулойимлик билан:

- Қулоқ сол: мен сенга бир гап айтгани келгандим – эҳтимол, сўнгги кунларимизни... Ўзинг биласан: бугундан бошлаб барча аудиториумлар бекор қилинди.

- Бекор қилинди?

- Ҳа. Мен ўтиб кетаётгандим: аудиториумлар биноларида аллақандай столлар тайёрлашаётганини ва оқ халатдаги шифокорлар юрганини кўрдим.

- Нега экан-а?

- Билмадим. Ҳали ҳеч ким билмайди. Энг ёмони ҳам шу. Мен фақатгина бир нарсани ҳис қиляпман: токни ёқишди, учқунлар чиқяпти – бугун бўлмаса, эртага... Аммо, балки, улар улгурмайди...

Мен улар ким ва биз ким тушунмай қолганимга анча бўлди. Нимани хоҳлаётганимни билмайман: улар улгурсинми – йўқми. Лекин бир нарсани биламан: I қиррада юрипти – ва ҳадемай...

- Ахир бу тентаклик-ку, - дедим мен. – Сиз – ва Ягона Давлат. Бу худди қўлингиз билан тўппонча оғзини ёпиб – ўқ отилишини ушлаб қоламан деб ўйлащдек. Ғирт тентаклик!

Табассум:

- “Ҳамма ақлдан озиши керак – қанча тез бўлса, шунча яхши”. Кимдир кеча шундай деганди. Эсингдами? Уерда...

Ҳа, бу гаплар менинг қайдларимда ёзилган. Демак, ростдан ҳам шундай дейилган. Мен индамай унинг юзига қараб турибман: ҳозир унда яққол кўзга ташланиб турадиган – қора хоч чизилган.

- I, азизам, ҳали ҳам кеч эмас... Истайсанми – барчасини ташлайман, барчасини унутаман – ва иккимиз ўша ерга, Девор ортига – анавининг олдига... бош олиб кетамиз. Анавиларнинг кимлигини билмайман.

У бошини чайқади. Кўзларининг тим қора ойналаридан – ичкарида, унинг ичида, ўчоқ ловуллаб ёнаётганини, учқунларни, тепага ошиқаётган оловни, қуруқ ва елим суртилган ёғочлар уюмини кўрдим. Тушундим: фурсат аллақачон бой берилган, менинг сўзларим ортиқ ҳеч нимани...

Ўрнидан турди – ҳозир кетса керак. Эҳтимол, сўнгги кунлар, эҳтимол, сўнгги дақиқалар... Мен унинг қўлидан маҳкам ушлаб олдим.

- Йўқ! Яна бироз – илтимос, илтимос...

У қўлимни – менинг пахмоқ қўлимни, мен нафратланган қўлимни – асталик билан тепага, ёруғликка кўтараётганди. Қўлимни силтаб тортиб олмоқчи бўлдим, лекин у уни маҳкам ушлаб турарди.

- Сенинг қўлинг... Ахир сен билмайсан-ку – аслида кўпчилик билмайди – буер, шаҳар аёлларининг айримлари уердаги эркакларни севган. Сенда ҳам, менимча, қуёшли, ўрмонли қоннинг томчилари бўлса керак. Балки айнан шу сабабли мен сени...

Сониялик жимлик – ғалати: жимликдан, бўшлиқдан, ҳеч нимадан – юрагим жунбишда. Бақирдим:

- Аҳа! Сен ҳали бери кетмайсан! Кетмайсан – менга улар ҳақида – нега севганинг ҳақида айтмагунингча кетмайсан... мен, ҳаттоки, улар ким ва қаердан эканликларини ҳам билмайман. Ким улар ўзи? Биз йўқотган яримми – H2 билан O - H2O га айланиши – анҳорлар, денгизлар, шаршаралар, тўлқинлар, тўфонлар ҳосил бўлиши учун – яримлар бирлашиши керак...

Мен унинг ҳар бир ҳаракатини аниқ эслайман. У столимдан менинг шишадан бўлган учбурчагимги олганини ва, мен гапирар эканман, унинг қиррасини тинмай юзига босиб турганини эслайман. Бундан унинг юзида оқ чандиқ пайдо бўлди, сўнгра у пуштига айланди ва ғойиб бўлди. Ажойиб: унинг сўзларини – айникса, бошида айтган сўзларини – эслай олмайман – фақатгина алоҳида сиймоларни, рангларни эслай оламан.

Биламан: ҳаммаси Икки Юз Йиллик Уруш билан бошланган эди. Мана энди – яшил майсалар, қора лой, кўкимтир қорда қизил – қуримайдиган қизил кўлмаклар. Сўнгра қуёш нурларида сарғайган ўтлар, яланғоч, сариқ, тўзиб кетган одамлар – ва тўзиб кетган итлар – улар, шишиб кетган ўлимтик – ит ёки, балки одам ўлимтигининг – олдида... Бу манзара, албатта, девор ортида: негаки шаҳар – аллақачон ғалаба қозонган, шаҳарда анчадан бери бизнинг нефт овқатимиз бор.

Осмондан деярли ергача – қора оғир бурмалар тушган ва бу бурмалар шитирлаяпти: ўрмонлар ва қишлоқлар устини оғир устунлар ва тутун қоплаган. Жарангсиз увиллаш: уларни куч билан қутқариш ва бахтга ўргатиш учун, қатор-қатор силсилаларни шаҳарга ҳайдашяпти.

- Буларнинг деярли ҳаммасини билармидинг?

- Ҳа, деярли ҳаммасини.

- Бироқ сен уларнинг кичик қисми, омон қолиб, Деворлар ортида яшашга қолганлигини билмасдинг. Бу ҳақида жуда ҳам камчилик биларди. Яланғочлар – улар ўрмонга кетганди. Улар ўрмонда дарахтлардан, ҳайвонлардан, қушлардан, гуллардан, қуёшдан ўрганардилар. Уларнинг бутун бадани тук билан қопланди, бироқ ўша тук остида қайноқ, қизил қонни сақлаб қолдилар. Сизларнинг аҳволингиз унданда ёмон эди: сизларни рақамлар қоплаганди; сизларнинг устингизда рақамлар, худди бит каби, судралиб юрарди. Сизларнинг устингиздагиларни тамомила шилиб олиб, ўзингизни ўрмонларга ҳайдаб юбориш керак. Қўрқувдан, хурсандчиликдан, кучли ғазабдан, совуқдан титрашни ва оловга ибодат қилишни ўрганинглар. Биз, Мефи, - биз истаймиз-ки...

- Тўхта-тўхта – “Мефи”чи? “Мефи” нима?

- Мефими? Мефи – қадимий исм, анави... Тошда тасвирланган йигит эсингдами? Ёки йўқ: кел, яхшиси сенинг тилингда тушунтирай, шунда осонроқ тушунасан. Мана: дунёдаги икки куч – энтропия ва энергия. Бири – шод-хуррамли ҳаловат, бахтли мувозанат; иккинчиси – мувозанат бузилиши, азобли чексиз ҳаракат белгиси. Энтропиядагилар – бизникилар ёки, тўғрироғи, - сизларнинг аждодларингиз, христианлар Худога сиғинардилар. Биз бўлса, биз – антихристианлар...

Ўша он – эшик секин тақиллади – ва хонага ўша, менга доим I-330 дан мактублар олиб келадиган, пешонаси кўзигача тушган, ялпоқ киши отилиб кирди.

У олдимизга югуриб келиб, тўхтади; ҳаво насоси каби, тинмай пишиллагани сабабли – бир дона сўз ҳам гапира олмасди: чамаси, бор кучи билан югурганга ўхшайди.

- Хўш, хўш? Нима бўлди? – уни қўлидан маҳкам ушлаб олди I.

- Келишяпти – буерга... – ваниҳоят пишиллади насос. – Қўриқчилар... ва улар билан бирга анави – қандай тушунтирсам экан... букри...

- S?

- Ҳа! Яқиндаги уйда. Ҳадемай буерга келиб қолишади. Тезроқ, тезроқ!

- Асоссиз ҳавотир! – унинг кўзлари кулар, улардан қувноқ учқунлар сочилар эди.

Унинг бу гаплари – ё маъносиз аҳмоқона ботирлик, ё мен ниманидир тушунмаяпман.

- I, Валинеъмат ҳаққи! Тушунсангчи – ахир...

- Валинеъмат ҳаққи, - ўткир учбурчак – кулгу.

- Илтимос... қани, мен учун... Илтимос.

- Айтганча, мен сен билан яна бир мавзу бўйича... Ҳа, майли: эртага...

У менга бошини қувноқ (ҳа: қувноқ) силкиб қўйди; пешона шийпони остидан анави киши ҳам бошини силкиб қўйди. ...ва мен – ёлғизман.

Тезроқ – стол ортига. Қайдларимни очдим ва деворлар, қўлимдаги қалам, қалтирашини ва ҳарфлар ҳилпирашини кўрдим.

Яшириб қўйсаммикин? Аммо қаерга: атроф – ойна. Ёқиб юборсаммикин? Аммо даҳлиздан ва қўшни хоналардан кўриб қолишади. Бундан ташқари, ортиқ ўзимнинг бу азоб-уқубатли, мен учун энг қийматли бўлган қисмимни яксон эта олмайман. Бунга қурбим етмайди.

Олисда – даҳлизда – овозлар, қадам товушлари эшитилишни бошлади. Мен бир боғлам қоғозларни олиб, уларни қўлтиғим остига беркитиб олишга улгурдим, холос – энди ҳар бир зарраси иккиланаётган курсига ёпишиб қолган ва оёқларим остидаги палуба, тепага-пастга...

Ғужанак бўлиб, пешонам шийпони остига беркиниб – зимдан, яширинча кузатардим: улар даҳлизнинг ўнг сўнггидаги хонадан бошлаб, бошқа хоналарга ўтар ва тобора яқинлашиб борар эди. Айримлар мен каби қимирламай ўтирар; қолганлар эса – улар қаршисига чиқар ва эшикларни ланг этиб очар эди – бахтли одамлар! Қани энди мен ҳам...

“Валинеъмат – инсоният учун зарур бўлган такомиллаштирилган дезинфекциядир, шу сабабли Ягона Давлат танасида ҳеч қандай перисталтика[46] йўқ...”

Қўлимда сапчиётган қалам билан ушбу мутлақ маъносиз гапларни ёздим ва стол томон янада пастроқ эгилардим, ақлимда бўлса – ақлдан озган темирхона; орқамда – эшик дастаги тарақлаганини, шамол уфурганини ва мен ўтирган курси ўйинга тушиб кетганини эшитардим...

Ўша ондан сўнггина бошимни қайдларимдан кўтариб, хонага кирганлар томон ўгирилдим (майнавозчилик нақадар қийин... ким менга бугун майнавозчилик ҳақида айтганди?). Қаршимда S – маъюс, индамай, тезлик билан кўзлари билан менда, курсида, қўлимда титраётган варақларда қудуқлар қазиётганди. Сўнгра бир онга – остонада таниш, ҳар кун кўрадиган чеҳралар пайдо бўлди ва ана улардан бири ажралиб чиқди – шишаётган, пушти аралаш жигарранг рангли ойқулоқлар...

Бу хонада ярим соат олдин нималар содир бўлганини эсладим ва у ҳозир... Бутун борлиғим танамнинг қўлёзмаларимни беркитиб олган (бахтимга, шаффоф бўлмаган) қисмида жунбишда эди.

Ю орқадан S га яқинлашди ва, оҳисталик билан унинг енгидан тортиб, паст овозда:

- Бу – Д-503, ИНТЕГРАЛнинг Қурувчиси. Эшитган бўлсангиз керак? У – доим шунақа, столи устида... Ўзини ҳеч аямайди!

...Мен бўлсамчи? Нақадар фусункор, ғаройиб аёл.

[46] Ошқозон ва ичакларнинг тўлқинсимон керилиш ёки сиқилиш ҳаракатлари

S сирғанганча олдимга келиб, елкамдан оша стол томон эгилди. Тирсагим билан ёзганларимни беркитдим, аммо у қатъиятла бақирди:

- Менга уерда нималар ёзганлигингизни дарҳол кўрсатишингизни сўрайман!

Мен уятдан ёниб, унга варақни узатдим. У варақни ўқиди ва мен унинг кўзларидан кулгу учқуни чиқиб, юзи бўйлаб пастга лип этиб тушиб кетганини ва, думини бироз қимирлатиб, оғзининг чап бурчагида жойлашиб олганини кўрдим...

- Бироз дудмоллик бор, лекин барибир ҳам... Ҳа, майли, давом этаверинг: биз сизга ортиқ халал бермаймиз.

У шалоплаб – сувга тош тушгани каби – эшик томон одимлади ва унинг ҳар бир қадамидан сўнг менинг оёқ-қўлларим, бармоқларим қайта жонланишни – қалбим яна бутун баданим бўйлаб бир меъёрда тақсимланишни бошлади, мен нафас олардим...

Сўнгги ҳолат: Ю хонамда бироз узоқроқ қолиб, олдимга келиб, қулоғимга пичирлаб:

- Бахтингизга, мен... – деди.

У бу гапи билан нима демоқчи бўлди экан, тушунарсиз.

Кечки пайт, кечроқ билдим: улар ўзлари билан учта одамни олиб кетибди. Нима бўлганда ҳам, бу ҳақида, худди бошқа нарсалар каби, ҳеч ким миқ этмайди, айтмайди (бу атрофимизда кўринмас ҳолатда мавжуд бўлган Қўриқчиларнинг тарбиявий таъсири). Суҳбатлар – асосан, барометрнинг кескин тушиб кетиши ва ҳаво ўзгариши ҳақида.



Йигирма тўққизинчи қайд
Конспект:

Юздаги толалар. Куртаклар. Ғайритабиий компрессия[47].

“Ғалати: барометр пасайиб кетяпти, бироқ ҳануз шамол йўқ, жимжитлик. Тепада – ҳали бизга эшитилмаётган – бўрон бошланди. Бор тезлиги билан булутлар сузиб келмоқда. Улар ҳали унчалик кўп эмас – бир нечта алоҳида-алоҳида қиррали синиқлар. Хўш: гўё тепада бирор шаҳар барбод этилгандек, пастга деворлар ва миноралар бўлаклари учиб тушяпти, бироқ улар тубга, бизнинг олдимизга, пастга етиб келгунига қадар, мовий чексизлик узра бир неча кун учишларига тўғри келади.

Пастда – сокинлик. Ҳаводa – ингичка, тушунарсиз, деярли кўринмас толалар. Улар ҳар куз ўша томондан, Девор ортидан учиб келади. Улар асталик билан сузар ва сиз юзингизда аллақандай бегона, кўринмас нарсаларни сезасиз. Уларни юзингиздан қоқиб ташламоқчи бўласиз, лекин йўқ: қила олмайсиз, қутила олмайсиз...

Бу толалар асосан – Зумрад Девор бўйлаб юрганингизда, кўп учрайди. Мен ҳам бугун эрталаб у томондан юргандим: I Қадимги Уйда – ўша, бизнинг “квартирамизда” – учрашамиз деб учрашув белгилаганди.

Қадимги Уйнинг маҳобатини ортимда қолдирганимдан сўнг, орқада кимнингдир майда, тез-тез қадамлари ва ростланмаган нафасини эшитдим. Ўгирилдим – кўрдим: ортимдан О югуриб келарди.

---

[47] Двигатель цилиндрида ҳавонинг ёки иш қоришмасининг сиқилиши

У ажойиб тарзда, мукаммал равишда, таранг думалоқ шаклда эди. Қўллари, сийнаси ва, менга яхши таниш бўлган, бутун бадани думалоқ шакл олиб, униформани кийиб олганди: ана ҳозир юпқа матони йиртиб юборади – ва ташқарига, қуёшга, нурга. Тасаввуримда: қалин яшил ўрмонларда, баҳорда куртаклар айнан шу тарздаги ўжарлик билан тупроқ ораларидан отилиб чиқади – тезроқ шохлар, барглар чиқариш ва гуллаш учун.

Бир неча сония давомида у индамай турди; юзимга унинг кўк нурлари тушиб турарди.

- Мен сизни – ўшанда, Ҳамфикрлик Кунида – кўргандим.

- Мен ҳам сизни кўргандим...

Шу сўзларимдан сўнг бирдан унинг пастда, тор йўлакда, деворга қисилиб ва қорнини қўллари билан беркитиб турганини эслаб кетдим. Мен унинг униформа остидаги думалоқ қорнига беихтиёрдан қарадим.

У, афтидан, буни пайқаган кўринади – бутунлай думалоқ пушти ҳолатга тушди ва пушти жилмайиб қўйди.

- Жуда ҳам бахтлиман – жуда ҳам бахтлиман... Мен тўлишиб қолганман – тушуняпсизми: қирраларгача, лиммо-лим. Атрофдаги ҳеч нимани эшитмай юрибман, фақатгина ичимдаги овозларни...

Мен индамасдим. Юзимда қандайдир ёт нарса бор эди ва у халал берарди; мен бундан ҳеч қутила олмасдим. Бирдан тўсатдан, янада кўм-кўк тус олган у қўлимдан маҳкам ушлаб олди – ва қўлимда унинг лабларини ҳис қилдим... Умримда биринчи марта. Бу менга олдин нотаниш бўлган, азалий эркалаш эди ва бу эркалаш

менга шу даражада уялишва оғриқ берди-ки, қўлимни ундан (ҳаттоки, қўпол тарзда) тортиб олдим.

- Менга қаранг – ақлдан озибсиз! Фақат бу ҳаракатингиз эмас – сиз, бутунлай... Нега хурсанд бўласиз? Наҳотки, келажакда сизни нима кутиб турганлигини, ёдингиздан чиқара оласиз? Ҳозир бўлмаса – барибир ҳам бир ой, икки ойдан кейин...

У – сўнди; барча доиралар – бирдан эгилиб, букилиб кетди. Менинг юрагимда бўлса – раҳмдиллик ҳисси билан боғланган ёқимсиз, ҳаттоки, оғриқ берувчи компрессия (юрак – мукаммал насосдир; компрессия, сиқилиш – насос билан суюқликни тортиш – техник маъносизликдир; бундан хулоса қилсак: бу турдаги компрессияга сабаб бўлувчи барча “севгилар”, “ачинишлар” қай даражада тутруқсиз, ғайритабиий ва оғриқли эканлигини тушуниш мумкин).

Сукунат. Чапда – Деворнинг хира-яшил ойнаси. Рўпарамда – тўқ-қизил ҳайбатли нарса. Бу икки ранг қўшилиб, менга, менимча, тенг таъсир кўрсатувчи ажойиб ғояни бердилар.

- Тўхтанг! Сизни қандай қутқаришни биламан. Сизни бундан халос этаман: фарзандингизни кўриб, сўнгра ўлишдан. Сиз уни ўзингиз боқиб катта қила оласиз – тушуняпсизми – у қўлингизда улғаяётганини, айлана шаклини олаётганини, мева каби етишаётганини кузатсангиз бўлади...

У титраб кетди ва менинг бўйнимга осилиб олди.

- Анави аёл эсингиздами... анча олдин, сайрдагичи. Хуллас: у ҳозир буерда, Қадимги Уйда. Юринг, унинг олдига борамиз ва сўз бераман: ҳаммасини зудлик билан уюштираман.

Мен ҳаёлимда I билан биргаликда уни, О-90 ни, даҳлизлар орасидан олиб кетаётганимизни тасаввур қилишни бошлагандим: ана у ўша ерда, гуллар, майсалар, барглар орасида... У мендан орқага қадам ташлади, унинг пушти яримойининг шохчалари титраб, пастга букилиб кетарди.

- У – ўша аёл, - деди у.

- Яъни... – мен негадир уялиб кетдим. – Ҳа: ўша аёл.

- ...ва сиз мендан унинг олдига боришимни сўраяпсиз – ундан ёрдам сўрашимни – унда... Ортиқ ҳеч қачон бу ҳақида оғиз оча кўрманг!

Букчайиб, у мендан узоқлаша бошлади. Ниманидир эслагандай – мен томон ўгирилиб, бақирди:

- Ўлсам ўламан – шундай бўла қолсин! Сизга эса қизиғи йўқ – шундай эмасми?

Сукунат. Тепадан пастга юқори тезликда деворлар ва миноралар бўлаклари учиб тушяпти, бироқ мовий чексизлик узра бир неча соат - балки кун – учишларига тўғри келади; кўринмас толалар аста сузиб, юзларда ўтириб қоляпти – уларни қоқиб юбориш, улардан қутулмоқ имконсиз.

Мен аста-секин Қадимги Уй томон кетяпман. Юрагимда – тутруқсиз, оғриқ берувчи компрессия…



Ўттизинчи қайд
Конспект:

Сўнгги сон. Галилейнинг хатоси. Яхшиси.

“Мана менинг I билан – кеча, Қадимги Уйда, фикрларнинг мантиқий ривожига тўсиқ бўлувчи чипор шовқин – қизил, яшил, оч сариқ, оқ, тўқ сариқ ранглар – ичида ва пучуқбурун шоирнинг мармарда қотиб қолган табассуми остида бўлган суҳбатимиз...

Мен бу суҳбатни бир дона ҳарф ҳам қолдирмай қайд қиляпман, негаки, менимча, у Ягона Давлат тақдирида муҳим ўринга эга ва бундан ташқари: Борлиқнинг тақдирида ҳам. Яна бир нарса – бу қайдларда сиз, менинг нотаниш ўқувчиларим, эҳтимол, менинг ҳаракатларимни оқлашга қандайдир маънода сабаб топасиз...

I дарҳол, ҳеч қандай тайёргарликсиз, барчасини бошимга ёғдирди:

- Биламан, индинга сиз – ИНТЕГРАЛнинг илк синов учишини амалга оширасиз. Ўша куни – биз уни қўлга оламиз.

- Қандай қилиб? Индинга?

- Ҳа. Ўтир, ҳавотирланма. Бир дақиқани ҳам беҳуда сарфлай олмаймиз. Тунов куни Қўриқчилар томонидан тусмолдан ушланган юз кишининг ичида 12 нафар Мефи ҳам бор экан. Икки-уч кун ўтказсак – улар нобуд бўлади.

Мен индамасдим.

- Синов жараёнини назорат қилиш учун – сизларнинг олдингизга электротехникларни, механикларни, шифокорларни, метеорологларни юборишади.

Роппа-роса 12 да – эслаб қол, - тушликка қўнғироқ чалганда ва ҳамма ошхонага кетганда, биз коридорда қолиб, ҳаммани ошхонада қамаб қўямиз – ва ИНТЕГРАЛ бизники бўлади... Тушуняпсанми: нима қилиб бўлса ҳам, унга эришишимиз керак. Бизнинг қўлимизда ИНТЕГРАЛ – ҳаммаёққа бир уринишда, тезлик билан, оғриқсиз баҳам бериш учун қуролга айланади. Уларнинг аэроси... ҳа! У, худди калхатга қарши, майда чивиндек. Агарда вазият буни талаб этса – двигателларнинг оғзини пастга қаратиб қўйишимиз мумкин ва биргина уларнинг ҳаракати билан...

Мен сапчиб ўрнимдан туриб кетдим:

- Бу ақлга сиғмайди! Бемаънилик! Наҳотки тушунмасанг: сизлар жазм қилмоқчи бўлганларинг – инқилобми?

- Ҳа, инқилоб! Нега энди бемаънилик экан?

- Бемаънилик – чунки инқилоб бўлиши имконсиз. Чунки бизнинг – буни сен эмас, мен айтяпман – бизнинг инқилоб сўнггиси эди. Ортиқ ҳеч қандай инқилоб бўлиши мумкин эмас. Бу ҳар кимга аён...

Қошларнинг истеҳзоли, ўткир учбурчаги:

- Азизим: сен – математиксан. Ҳаттоки – бунданда кўпроқ: сен математикадан – файласуфсан. Шундай экан: менга сўнгги сон неча эканлигини айтчи.

- Яъни? Мен... мен тушунмаяпман: қандай сўнгги?

- Сўнгги, энг юқори, энг катта.

- Аммо, I, ахир бу бемаънилик-ку. Сонларнинг сони – чексиз экан, қайси сонни сўнгги демоқчисан?

- Сен қайси инқилобни сўнгги демоқчисан? Сўнгги – йўқ, инқилоблар – чексиз. Сўнгги – бу ёш болалар учун: уларни чексизлик чўчитади; улар тунда осуда ухлашлари учун...

- Аммо қандай маъно – буларнинг барчасида қандай маъно бор – Валинеъмат ҳаққи, айтчи? Ҳамма бахтли бўлса, бундай қилишда қандай маъно бор?

- Тасаввур қилиб кўр... Ҳа, ҳўп: шундай бўла қолсин. Кейин нима бўлади?

- Кулгили! Жуда ҳам ёш болаларга ҳос савол. Уларга бир нимани айтиб берсанг – охиригача айтиб берсанг ҳам, улар барибир ҳам: кейин нима бўлади, нимага? деб сўрашади.

- Болалар – ягона жасур файласуфлардир. ...ва жасур файласуфлар – шубҳасиз, болалардир. Худди шу тарзда, болалар каби, доимо: кейин нима бўлади? деб сўраш керак.

- Кейин ҳеч нима бўлмайди! Гап тамом вассалом. Борлиқда - бир текисда, ҳаммаёқда – тўкилган...

- Аҳа, бир текисда, ҳаммаёқда! Айнан мана шу ҳолат – энтропиядир, психологик энтропия. Наҳотки, сен, математик, фақатгина ҳароратларнинг ҳар хиллигида, иссиқлик қарама-қаршиликларида ҳаёт мавжудлигини тушунмаяпсан. Агарда бутун Коинотда бир хил иссиқликдаги – ёки бир хил совуқликдаги таналар... Уларни тушириб юбориш керак – олов, портлаш, жаҳаннам... Биз ҳам – тушуриб юборамиз.

- Аммо, I, тушунсангчи, тушунсангчи: бизнинг аждодларимиз – Икки Юз Йиллик Уруш даврида – айнан шу ишни қилишганди...

- О, улар ҳақ эди – минг бора ҳақ эди. Улар ягона хатога йўл қўйганди: вақт ўтиб, улар ўзларини – табиатда ягона бўлган – сўнгги сонлар эканликларига ишониб қолишганди. Уларнинг хатоси – Галилейнинг хатосидир: у ер қуёш атрофида айланади деганда, ҳақ эди, бироқ у бутун қуёш тизими қандайдир марказ атрофида айланади деганда, ернинг ҳақиқий, нисбий бўлмаган, орбитаси сира ҳам қандайдир жўн айлана эмаслигини билмаганди...

- Сизларчи?

- Биз бўлса, сўнгги сон мавжуд эмаслигини, ҳануз биламиз. Эҳтимол, унутиб қўярмиз. Йўқ: ҳаттоки, шубҳасиз – қариганимизда, эсимиздан чиқариб қўямиз – худди ҳамма нарсанинг қариши муқаррар бўлгани каби. Ўшанда биз – иложсиз пастга – худди кузда дарахтларнинг барглари тўкилгани каби – индинга сизлар... Йўқ, йўқ, азизим, - сен эмас. Сен биз билансан-ку, сен – биз билансан!

Оловланган, уюрмаланган, чақнаган – мен уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмагандим – у мени ўзи билан, бутун борлиғи билан қучоқлади. Мен ғойиб бўлдим...

Сўнгги сўзлар – кўзларимга тик боқиб:

- Эслаб қол: ўн иккида.

Мен жавоб қайтардим:

- Ҳа, эсимда.

Кетди. Мен – баттол, турфа овозим шовқиннинг – кўк, қизил, яшил, оч сариқ, тўқ сариқ рангларнинг ичида – ёлғизман...

Ҳа, 12 да... – бирдан юзимга ўтириб қолган аллақандай бегона, қоқиб юбориб бўлмайдиган жисмни сездим. Бирдан – кечаги тонг, Ю – ва унинг I нинг юзига бақиргани... Нега? Бу қандай бемаъниллик?

Тезроқ ташқарига чиқишга шошилдим – тезроқ уйга, уйга...

Қаерлардадир орқамда Девор устида учаётган қушларнинг қаттиқ чинқирашини эшитдим. Қаршимда бўлса, ботаётган қуёшда – малина рангидаги кристалланган оловдан – гумбаз, ловуллаётган уйларнинг улкан палахсаси, осмонда чақмоқ каби қотиб қолган – Аккумуляторли Миноранинг шпици. Буларнинг барчасини – бу нуқсонсиз геометрик гўзалликни – мен ўз қўлларим билан... Наҳотки – бошқа ҳеч қандай ечим, ҳеч қандай йўл бўлмаса?

Қандайдир аудиториум олдидан (сони эсимда йўқ). Ичкарида – курсилар уюм бўлиб ётибди; ўртада – қор каби оппоқ шишадан бўлган чойшаблар билан ёпилган стол; оқда – пушти қуёшнинг доғи. Буларнинг барида қандайдир номаълум – шу сабабли даҳшатли – эртанги кун яширинган. Фикрлаган – кўра оладиган – инсон номаълум икслар қонуниятсизликлари ичида яшаши – ғайритабиий. Кўзларингизни боғлаб, атрофни пайпаслаб, қоқилиб, юришга мажбурлашганида ва сиз қаерлардадир яқинингизда – қирра борлигини, унга бир қадам қолганини ва сиздан биргина эзилган гўшт бўлаги қолишини билганингизда, бу ҳам айни бўлар эдими?

Кутмасдан – ўзимни бошим билан пастга ташласамчи? Бу барчасига ечим бўладиган, ягона тўғри ҳаракат бўлмайдими?

Ўттиз биринчи қайд
Конспект:

Буюк Операция. Мен ҳаммасини кечирдим. Поездлар тўқнашуви.

“Қутқарилдик! Сўнгги онда, ҳеч қандай нажот йўқ, ҳаммаёқ тугади деб ўйлаган пайтимизда...

Шу каби: худди сиз Валинеъматнинг даҳшатли Машинаси олдига зиналар бўйлаб чиқдингиз, сизни баланд жаранглаш билан шиша қалпоқ қоплаб олди ва сиз, умрингизда сўнгги бор – шоша-пиша – кўзларингиз билан мовий фалакни ичингизга ютяпсиз...

Бирдан: буларнинг барчаси – оддийгина туш. Қуёш – пушти ва қувноқ – ва девор – қўлингиз билан совуқ деворни силаш нақадар ёқимли – ва болиш – бошинингиздан қолган оқ болишдаги чуқурчадан чексиз роҳатланиш...

Бугун эрталаб Ягона Давлат Газетасини ўқиганимда тахминан шуларни ҳис қилдим. Ёмон туш кўргандим ва у тугади. Мен бўлса, иродасиз, ишончсиз – мен – ўзбошимча ўлимим ҳақида ўйлашни бошлагандим. Сўнгги, кеча ёзган мисраларимни ўқишга уяляпман. Бироқ нима бўлса ҳам: майли, майли, улар содир бўлиши мумкин бўлган ва энди ҳеч қачон содир бўлмайдиган... ҳа, ҳеч қачон содир бўлмайдиган ажойиб ҳодиса ҳақида эсдалик бўлиб қолсин...

Давлат Газетасининг илк саҳифасида булар ярақлаб турарди:

“Севинглар,

негаки шу ондан – сизлар мукаммалсизлар! Бу кунга қадар сизнинг фарзандларингиз, механизмларингиз – сиздан кўра мукаммалроқ эди.

Нимаси билан?

Динамонинг ҳар бир учқуни – соф идрокнинг учқунидир; поршеннинг ҳар бир ҳаракати – маъсум силлогизмдир. Аммо шундай нуқсонсиз онг сизда ҳам бор эмасми?

Кранлар, пресслар, насосларнинг фалсафаси – циркул билан чизилган айлана каби, тугалланган ва тушунарли. Лекин сизнинг фалсафангиз ҳам уларчалик думалоқ эмасми?

Механизм гўзаллиги – маятник каби, бўйсунмас, аниқ ритмида. Бироқ сиз, болалигидан Тейлор тизими билан озуқалантирилган рақамлар, ҳам маятник каби бенуқсон эмасмисиз?

...ва ягона ҳолат:

механизмларнинг фантазияси йўқ.

Бирор марта, иш давомида насос цилиндрининг афтида, олис, бемаъни-ҳаёлпараст табассум ёйилиб кетганини кўрганмисиз? Бирор марта кранлар тунда, дам олиш учун ажратилган соатларда, безовталаниб жавраганликларини, оҳ-у нола қилганликларини кўрганмисизлар?

Йўқ!

Сизда бўлса – уялинглар! – Қўриқчилар бу каби табассумлар ва оҳ-нолаларни тез-тез кўриб қолишяпти. Кўзларингизни яширинг – Ягона Давлат тарихчилари бу

каби уятли воқеаларни ёзмаслик учун истеъфога чиқмоқчи.

Бироқ бу сизнинг айбингиз эмас – сиз касалсиз. Бу касалликнинг номи:

фантазия.

У – пешонангизда қора ажинлар кемирувчи чувалчангдир. У – сизни янада узоқроққа – бу “узоқроққа” ҳеч бўлмаса, бахт тугаган жойда бошланса эди – югуришга ундайдиган безгакдир. У – бахт сари бўлган ягона тўсиқдир.

Севинінглар: у портлатиб юборилди.

Йўл очиқ.

Давлат Илмининг сўнгги кашфиёти: фантазия маркази – Варолиев кўприги[48] ҳудудидаги миянинг кичик тугунчаси. Ушбу тугунчани Х-нурлари билан уч карра куйдирилса – сиз фантазиядан тузалиб кетасиз...

Бутун умрга.

Сиз – мукаммалсиз, сиз – машина кабисиз, юз фоизлик бахт сари элтадиган йўл – очиқ. Ҳаммангиз – ёш-у қари – шошилинг – Буюк Операцияга – шошилинг. Буюк Операцияга ўтказилаётган аудиториумларга шошилинг. Яшасин Буюк Операция. Яшасин Ягона Давлат, яшасин Валинеъмат!”

...Сиз – агарда сиз бу мисраларни, менинг қадимий, жимжимадор асарга ўхшаган қайдларимда эмас, балки

[48] Орқа миянинг таркибий қисми бўлиб, у нафас олишни тартибга солиш, беихтиёрий ҳаракатларни назорат қилиш, эшитиш, мувозанат сақлаш ва таъм билиш, шунингдек мимика, чайнаш, ютиш ва сўлак ва кўз ёшлар секрецияси каби функциялар учун масъул

буёғнинг ҳиди уфуриб турган газета саҳифасида ўқиганингизда ва у саҳифа қўлингизда титраганда; агарда сиз ҳам, мен каби, бугун бўлмаса, эрта – энг ҳақиқий воқелик эканлигини билганингизда, сиз ҳам, мен ҳис қилганларимни, ҳис қилган бўлармидингиз? Ахир – менинг бошим ҳозир айлангани каби – сизнинг бошингиз ҳам айланмасмиди? Ахир – белларингиз ва қўлларингизга – ушбу даҳшатли, тотли муз ниначалар санчилгандек бўлмасмиди? Ахир сиз ўзингизни – паҳлавон, Атлас каби тасаввур қилмасмидингиз ва, қаддингизни ростлаганингизда, ноилож ойна шинга бошингиз билан урилмасмидингиз?

Мен телефон гўшагини олдим:

- I-330... Ҳа, ҳа: 330, - сўнгра нафасим қайтиб, бақирдим: - Уйдасиз-а, шундайми? Ўқиётгандингиз – ўқияпсизми? Ахир бу, ахир бу... Бу ажойиб-ку!

- Ҳа... – узун, қоронғу сукунат. Гўшакдан эшитилар-эшитилмас шовқин келарди, у ниманидир ўйлаётганди... – Бугун сизни нима бўлса ҳам кўришим керак. Ҳа, меникида 16 дан сўнг. Нима бўлса ҳам.

Дилбар! Нақадар дилбар! “Нима бўлса ҳам”... Сезяпман: куляпман-у – ҳеч тўхтай олмаяпман ва бу кулгумни кўча бўйлаб, фонар каби, бошим узра баланд кўтариб кетаман...

Ташқарида мен томон шамол учиб келди. Айланиб, ҳуштак чалиб, саваларди. Аммо мен янада қувноқлашардим. Ҳайқир, қинсир – фарқи йўқ: сен деворларни ортиқ йиқита олмайсан. Бошим тепасида сузувчи чўян қора булутлар қулаяпти – майли: сизлар

қуёшни беркита олмайсизлар – биз уни абадиян зенитга[49] михлаб қўйганмиз – биз, Исо Навинлар.

Бурчакда – девор ойнасига пешоналари билан ёпишиб, бир гуруҳ Исо-Навинлар турганди. Ичкарида кўз қамаштирувчи оқ столда уларнинг бири ётганди. Оқ рангда сариқ бурчаги билан очилган яланг товонлар кўринарди, оқ шифокорлар – бош томонга эгилдилар, оқ қўл – бошқа бир қўлга нимадир билан тўлдирилган шприцни узатди.

- Сизчи – нега бораяпсиз, - сўрадим мен – ҳеч кимни ёки, тўғрироғи, ҳаммани.

- Ўзингизчи, - мен томон ўгирилди қандайдир айлана.

- Мен – кейинроқ. Мен аввал...

Мен, бироз уялиб, уердан узоқлашдим. Мен ростдан ҳам аввал уни, I ни, кўришим керак эди. Аммо нега “аввал” эканлигига ўзимга ўзим жавоб бера олмадим...

Эллинг. Мовий-муз рангидаги ИНТЕГРАЛ ярқирар, чақнар эди. Динамо машинада, мулойимлик билан қандайдир сўзни – худди менга таниш бўлган сўзни – қайта ва қайта айтиб, ғувилларди. Мен эгилиб, двигателнинг узун совуқ трубасини силаб қўйдим. Дилбар... нақадар – нақадар дилбар. Эртага сен – жонга кирасан, эртага сен – илк бор ичингдаги оташ учқунлардан титраб, қимирлаб кетасан...

Ҳаммаси кечагидек қолганида эди, мен бу шишадан бўлган қудратли жониворга қай кўзим билан қарардим? Агарда эртага 12 да – уни уларга беришимни билганимда... ҳа, бераман...

---

[49] Осмоннинг энг баланд нуқтаси

Оҳисталик билан – орқадан тирсакдан. Ўгирилдим; Иккинчи Қурувчининг ликопсимон, ясси юзи.

- Эшитдингизми, - деди у.

- Нимани? Операцияними? Ҳа, тўғри эмасми? Худди – ҳамма каби, ҳамма – тезлик билан…

- Йўқ, йўқ, уни эмас: синов учишини индингача бекор қилишди. Ҳаммаси анавининг Операцияси сабабли… Бекордан ҳаракат қилибмиз…

“Ҳаммаси Операция сабабли”… Кулгили, калтафаҳм. Ликопидан бошқасини кўрмайди. Агарда у, Операция бўлмаганида, эртага соат 12 да шиша қафасда қулфланган ҳолда, бетоқат бўлиб, деворларга чирмашишни бошлашини билганида эди…

Менинг хонамда, соат 15:30 да. Кирганимда – Ю ни кўрдим. У столим ортида – суяклари кўриниб турган, қадди ростланган, сабот билан – ўнг ёноғини қўлига қўйиб ўтирарди. Афтидан, у мени анчадан бери кутаётганга ўхшайди: чунки мени кутиб олиш учун ўрнидан ирғиб турганда, ёноғида бармоқларидан бешта чуқурчалар пайдо бўлиб қолганди.

Бир сонияга менда – ўша ноҳуш тонг ҳотиралари, мана бу ерда, стол олдида – у ғазабланган I нинг олдида… Лекин бир сонияга, холос – сўнгра дарҳол бугунги куннинг қуёши билан унутилиб кетди. Баъзида кундузи хонага кираётганингизда чироқни ёқиб кирасиз – чироқ ёнди, аммо унинг борлиги сезилмаяпти ҳам – жуда ҳам кулгили, ночор, кераксиз чироқ…

Мен, ўйланмасдан, унга қўлимни узатдим, мен уни кечиргандим – у менинг икки қўлимни маҳкам тутиб,

уларни қаттиқ сиқиди ва, қадимги тақинчоқлар каби осилиб турган, ёноқлари ҳаяжондан титраб кетди:

- Мен сизни кутгандим… бир дақиқага, холос… мен фақатгина қай даражада бахтли ва сиз учун қай даражада хурсанд эканлигимни айтмоқчи эдим! Тушуняпсизми: эртага-индинга – сиз бутунлай тузалиб кетасиз, сиз қайтадан туғилдингиз…

Мен стол устида бир варақча кўрдим – кечаги қайдимнинг сўнгги икки саҳифаси: уларни уерда қандай қолдирган бўлсам, шундай турибди. Мен уерда нималар ёзганлигимни, у кўрганида… Нима бўлганда ҳам, фарқи йўқ: энди булар – тарих, холос, энди булар – тескари тақилган биноклдаги каби, кулгили даражада олис…

- Ҳа, - дедим мен, - ва биласизми: мана мен ҳозир ҳиёбондан келаётган эдим, қаршимда бир киши чиқиб қолди ва унинг кўприкда сояси тушиб турибди. ...ва биласизми: сояси ўзидан нур таратяпти. Менимча – ишончим комил-ки – эртага бир дона ҳам одамнинг, нарсанинг, қуёшнинг сояси қолмайди – у орқали…

У мулойимлик ва жиддийлик билан:

- Сиз – ҳаёлпарастсиз! Мактабдаги ўқувчиларимга бу тарзда гапиришларига руҳсат бермасдим…

Яна болалар, у уларни бараварига, подалар каби Операцияга олиб боргани, уерда уларни боғлаб қўйишига тўғри келгани, “севсангиз” аёвсиз, ҳа, аёвсиз “севишингиз” кераклиги ва у, чамаси, ваниҳоят журъат қилиши ҳақида қандайдир гаплар…

Тиззалари орасига кириб қолган кулранг аралаш мовий рангли матони тўғрилаб, индамай, тезлик билан мени бутунлай табассумига кўмиб юборди ва кетди.

...ва – бахтимизга, қуёш бугун ҳали тўхтамаганди, қуёш югураётганди ва мана соат 16 бўлди, мен эшикни тақиллатяпман – юрагим дук-дук уряпти...

- Киринг!

Ерга – унинг курсиси олдига, оёқларини қучоқлаб, бошимни тепага кўтариб, унинг кўзларига қарайман – навбатма-навбат, бирига ва иккинчисига – ва ҳар бирида – ажойиб асирликда – ўз аксимни кўриш...

Девор ортида эса тўфон, уерда – булутлар тобора чўянлашиб бопяпти: ҳа, майли! Миямда – торайиб кетди, баттол – қирғоқлардан чиқиб кетаётган – сўзлар ва мен қуёш билан биргаликда қаергадир учиб кетяпман... йўқ, биз энди қаерга эканлигини биламиз – ортимдан сайёралар – олов пурковчи ва алангали, куйловчи гуллар мавжуд бўлган сайёралар; онгли тошлар уюшган жамиятларда бирлашган соқов, кўк сайёралар; бизнинг еримиз сингари, мутлақ, юз фоизли бахт чўққисига эришган сайёралар...

Бирдан – тепадан:

- Юксак чўққи – бу уюшган жамиятда бирлашган тошлар деб ўйламайсанми?

Янада ўткирроқ, янада тўқроқ учбурчак:

- Бахтчи... Бахт нима? Ахир истаклар – уқубатли, шундай эмасми? ...ва аниқ-ки: бахт – ҳеч қандай истакларнинг йўқлиги, бир дона ҳам бўлмаслиги... Биз ҳали ҳамон бахт олдига плюс белгисини, мутлақ бахт олдига эса, албатта, минус, илоҳий минус белгисини қўяётганимиз нақадар катта хато, нақадар маъносиз бидъат.

Мен – эслайман – паришонхотир бир нималар дедим:

- Мутлақ минус – 273°...

- Минус 273 – айнан. Бироз салқин, аммо бунинг ўзи ҳам биз – чўққида эканлигимизни исботламайдими.

Худди анча аввалдаги каби – у менинг ўрнимга, менинг орқамдан гапирганди – менинг фикрларимни очиб берганди. Бироқ бунда қандайдир қўрқинчли ҳолат бор эди – мен бундай қила олмасдим – ва зўр бериб ўзимдан “йўқ”ни чиқардим.

У кулиб юборди, баланд – жуда ҳам баланд. Тез, сонияга, қандайдир чегарагача кулиб олди – қоқилиб кетди – пастга... Пауза.

Ўрнидан турди. Қўлларини менинг елкамга қўйди. Узоқ, асталик билан тикилиб турди. Сўнгра мени ўзига тортди – ҳеч нима йўқ, биргина унинг ўткир, иссиқ лаблари.

- Алвидо!

Бу менга олисдан, тепадан тезда етиб келмади – балки бир дақиқадан, икки дақиқадан кейин етиб келгандир.

- Нима деганинг бу “алвидо”?

- Сен касалсан-ку, мени деб жиноятлар содир этаётгандинг – наҳот булар сен учун азобли бўлмаган бўлса? Энди бўлса, Операция – ва сен мендан тузалиб кетасан. Алвидо.

- Йўқ, - бақириб юбордим мен.

Оқда аёвсиз-ўткир, қора тўртбурчак:

- Нега? Бахтни истамайсанми?

Бошим учиб кетаётганди, икки мантиқий поездлар тўқнашиб кетганди, бир бирга ташланиб, бузғунчилик қилиб, тарақларди.

- Хўш, кутяпман – танла: Операция ва юз фоизли бахт ёки...

“Сенсиз яшай олмайман, сенсиз керак эмас”, - дедим ёки ҳаёлимдагина ўйладим – билмадим, аммо I эшитганди.

- Ҳа, биламан, - жавоб берди у менга.

Сўнгра – қўлларини елкаларимдан олмай ва кўзлари билан кўзларимни қўйиб юбормай:

- Ундай бўлса – эртагача. Эртага – ўн иккида: эсингдами?

- Йўқ. Бир кунга қолдирилди... Индинга...

- Биз учун яна ҳам яхши. Ўн иккида – индинга.

Мен – қоронғи кўчадан – ёлғиз кетардим. Шамол мени – варақча каби – айлантирар, олиб кетар, ҳайдар эди; чўян осмоннинг бўлаклари ҳануз учар, улар ҳали чексизлик узра бир неча кун учишлари керак... Мени учратаётган рақамларимнинг униформалари безовта қиларди – аммо мен ёлғиз кетардим. Тушуниб тургандим: ҳамма қутқарилди, аммо менга нажот йўқ, мен қутқарилишни хоҳламайман…



Ўттиз иккинчи қайд
Конспект:

Ишонмайман. Тракторлар. Одам пайрахаси.

“Ўлишингизга ишонасизми? Ҳа, одам ўлиши муқаррар, мен – одамман: демак... Йўқ, бундай эмас: мен сиз буни билишингизни биламан. Мен сўраётган нарса: бунга тамомийла, бутунлай, ақлингиз билангина эмас, балки вужудингиз билан ҳам ишонган пайтларингиз бўлганми; мана бу саҳифани ушлаб турган бармоқларингиз, қачондир сарғайиб кетиши, муз каби бўлиб қолишини ҳис қилганмисиз...

Йўқ: албатта, ишонмайсиз – ва шу сабабли ҳам ўзингизни ўнинчи қаватдан кўприкка ташламадингиз, шу сабабли ҳам овқат ейсиз, саҳифаларни очасиз, соқолингизни оласиз, куласиз, ёзасиз...

Худди шу ҳолат – ҳа, худди шу ҳолат – бугун менда ҳам. Мен соатдаги анави кичкина қора кўрсаткич шуердан пастга, ярим тунга судралиб тушишини, яна қайтадан аста-секин тепага кўтарилишини, қандайдир охирги чизиқни босиб ўтишини ва сўнгра эҳтимолдан узоқ бўлган эртага бўлишини биламан. Мен буларни биламан, аммо барибир ҳам негадир ишонмайман – ёки, балки, йигирма тўрт соат менга йигирма тўрт йилдек туйилар. Шунинг учун ҳали нимадир қилишга, қаергадир шошилишга, саволларга жавоб беришга, трап бўйлаб “Интеграл” га чиқишга вақтим бор деб ўйлайман. У ҳануз сувда тебранаётганини сезяпман ва, тутқични маҳкам ушлаб олишим кераклигини ва қўлларим остида муздек ойна эканлигини, биляпман. Жонли шаффоф кранлар, гўё турнаники каби бўйинларини эгиб, тумшуқларини чўзиб, меҳр ва мулойимлик билан ИНТЕГРАЛ двигатели

учун керакли бўлган даҳшатли портловчи овқат билан озуқалантиряпти. Пастда дарёда – шамолдан шишиб кетган, кўк сув томирларини, тугунларини аниқ ва равшан кўряпман. Аммо: буларнинг бари мендан айри, менга ёт ва ялпоқ – худди қоғоздаги чизма сингари. Иккинчи Қурувчининг ясси чизма каби юзи бирдан гапиришни бошлади – ғалати:

- Хўш: двигателлар учун қанча ёқилғи оламиз? Агарда уч соат деб ҳисобласак... ҳа, майли, уч ярим соат...

Қаршимда – лойиҳада, чизмада – ҳисоблагич билан менинг қўлим, логарифмик циферблат, 15 сони.

- Ўн беш тонна. Яхшиси... ҳа: яхшиси юз тонна олиб олинг...

Бунинг сабаби мен барибир ҳам эртага, эртага...

Мен ташқаридан – циферблатли қўлим сезилар-сезилмас титрашни бошлаётганини кўряпман.

- Юз? Нега бунча кўп? Ахир бу – бир ҳафтага. Бир ҳафта ҳам эмас: унданда кўпга!

- Ким билсин... нима бўлишини билиб бўлмайди...

- Биламан...

Шамол ҳуштак чаляпти, ҳаво аллақандай кўринмас нарса билан тепагача лиммо лим. Нафас олишга қийналяпман, юришга қийналяпман – қийин, секин, бир сонияга ҳам тўхтамай – хиёбон охиридаги аккумуляторли минора соатининг миллари судраляпти. Минора шпици – булутларда – хира, кўк ва жарангсиз увиллаяпти: электр токини симирмоқда.

Мусиқа Заводининг трубалари гувиллаяпти.

Ҳар доимгидек – тўртталик сафларда. Аммо сафлар – қандайдир мустаҳкам эмас ва, эҳтимол, шамолдан – тебраниб, эгиляпти. Янада кўпроқ. Мана нимагадир урилиб, орқага чекиниб кетдилар ва яхлит, карахт, зич тез-тез нафас олаётган гувалачага айландилар; ҳамманинг бўйни бирданига жирканч, узун бўлиб қолди.

- Қаранглар! Йўқ, анави томонда – қаранглар, тезроқ!

- Улар! Бу улар!

- ...Мен бўлса – ҳеч ҳам! Ҳеч ҳам – яхшиси бошимни Машинага...

- Жим! Ақлдан озган...

Бурчакда, аудиториумда – эшик ланг очиқ эди ва уердан – секин ҳаракатланаётган, оғир колонна, элликтача одам. Аслида “одам” сўзи – унчалик тўғри келмайди: оёқлар ўрнига – қандайдир оғир, сиқиқ, ғилдиракнинг кўринмас приводидан иммилаётган жисмлар; одамлар ўрнига – қандайдир одамсимон тракторлар. Уларнинг бошларининг тепасида ҳавода тилларанг куёш тикилган оқ байроқ ҳилпираяпти ва қуёш нурларида ушбу ёзув:

“Биз биринчимиз!”

“Биз операциядан ўтдик!”

“Ҳамма бизнинг ортимиздан!”

Улар оломон ичидан аста-секин, шиддат билан ўтиб кетдилар – ва, бизнинг ўрнимизга уларнинг йўлида девор, дарахт, уй бўлганида, улар айни тарзда шиддат билан деворни, дарахтни, уйни янчиб ўтиб кетишлари аниқ эди. Мана – улар деярли хиёбон ўртасига келиб қолди. Қўлма-қўл ушлашиб, биз томон қараб, занжир бўлиб ёйилдилар. Биз – чиранаётган, ҳурпайган бошли

гувалача – кутяпмиз. Бўйинлар турналарники каби чўзилган. Булутлар. Шамол ҳуштак чаляпти.

Бирдан қанот занжирлар ўндан-чапдан тезлик билан букилиб кетди ва бизни – худди оғир машина тоғ тагига қулагандек – тобора тез – доира ичига олдилар ва очилган эшиклар томон, эшикка, ичкарига...

Кимнингдир ўткир чинқириши:

- Мажбурлаб киргизишмоқда! Қочинглар!

Ҳамма отилди. Деворнинг олдида – ҳануз тирик энгсиз дарвозалар, ҳамма ўша ерга, бошлари билан олдинга – бошлар бир зумда пона каби ўткирланди ва ўткир тирсаклар, қовурғалар, елкалар, биқинлар. Ўт ўчириш шлангида қисилиб қолган сув отилиб чиқишни бошлагандай, тапиллаб юраётган оёқлар, силкинаётган қўллар, униформалар ҳар тарафга сочилишни бошлади. Қаердандир кўзимга бир зумга – S ҳарфи каби икки ёқлама букилган тана, шаффоф қанот-қулоқлар кўринди – ва сўнгра ғойиб бўлди, ер ютгандай – ва мен ўзим – сониялик қўллар, оёқлар ичида – югуряпман...

Нафасимни ростлаш учун қандайдир подъезддаман – дастлаб орқаси билан эшикка – сўнгра мен томон, шамолдай, митти одам пайраҳаси урилди.

- Мен ҳаммавақт... сизнинг изингиздан... Истамайман – тушуняпсизми – истамайман. Розиман...

Думалоқ, митти қўллар менинг енгимда, думалоқ кўк кўзлар: бу у, О. Девордан судралиб тушиб, ерга чўкиб ўтирди. Пастга, совуқ зиналарда кулча бўлиб ураниб олди ва мен – унинг тепасида, бошини, юзини силаяпман – қўлларим ҳўл. Шундай: худди мен жуда ҳам улкан, у бўлса – жуда ҳам кичкина – менинг кичик бўлагимдек. Бу

ҳолат I билан бўлган ҳолатдан бутунлай фарқли эди ва ҳозир менга: бундай муносабат қадимгиларнинг ўзларининг шахсий фарзандларига бўлган муносабатларига ўхшаш деган фикр келди.

Пастда – юзни беркитаётган қўллар орасидан – аранг эшитиляпти:

- Мен ҳар кеча... Бундай қила олмайман – агар мени даволашса... Мен ҳар кеча – ёлғиз қоронғуликда у ҳақида ўйлайман – у қандай бўлиши, мен уни қандай... У ҳолда яшашимда маъно қолмайди-ку – тушуняпсизми? Сиз ҳам мажбурсиз – сиз ҳам мажбурсиз...

Ғалати ҳис – лекин аслида менинг ишончим комил эди: мен ҳам мажбурман. Ғалати – чунки менинг ушбу бурчим – яна бир жиноят. Ғалати – чунки оқ бир вақтнинг ўзида қора бўла олмайди, бурч ва жиноят – бир-бирига мос келмайди. Ёки ҳаётда на оқ, на қора бор ва ранг фақатгина асосий мантиқий йўлланмага боғлиқ. Агарда унга ноқонуний йўл билан фарзанд берганим йўлланма бўлган бўлса...

- Ҳа, яхши – фақат керак эмас, керак эмас... – деяпман мен. – Тушуняпсизми: мен сизни I нинг олдига олиб боришим керак – ўтган сафар таклиф қилганим каби – у сизни...

- Ҳа... (паст овозда, қўлларини юзидан туширмай).

Мен унинг туришига ёрдам бердим. Индамай – ҳар ким ўз дарди ҳақида – балки иккимиз ҳам бир нарса ҳақида – ғира-шира тушаётган кўча бўйлаб, соқов қорамтир уйлар орасидан, шамолнинг тортилган, беаёв шохлари узра...

Аллақандай шаффоф, таранг нуқтада – мен шамол ҳуштаги орасидан орқада таниш, кўлмакда шалопгандек

юрадиган қадам товушларини эшитдим. Бурилишда ўгирилдим – кўприкнинг хира ойнасида акс этган, елдек учаётган булутлар орасида – S ни кўрдим. Ўша заҳоти қўлларим менга бегона бўлиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томон силкинишни бошлади ва мен О га – эртага... ҳа, эртага – ИНТЕГРАЛнинг илк учиши эканлигини, бу учиш мисли кўрилмаган, мутлақ ажойиб, даҳшатли нарса бўлиши ҳақида баланд овозда айтиб берардим.

О – дум-думалоқ, ҳайрат аро кўм-кўк тарзда менга ва менинг ҳаяжонда маъносиз силкинаётган қўлларимга тикиларди. Аммо мен уни гапиришга қўймай – тинмай валдираяпман, валдираяпман. Ичимда бўлса, алоҳида – бу биргина менга эшитиляпти – бир фикр талвасада ғувиллаб, тақиллаяпти: "Мумкин эмас... қандай қилиб бўлса ҳам... У, S, орқамдан эргашиб I нинг олдига боришига йўл қўймаслик лозим..."

Чапга бурилиш ўрнига – мен ўнгга бурилдим. Кўприк ўзининг итоаткор қуллар каби эгилган белини уччаламизга – мен, О ва орқадаги S га – топширди. Сув сатҳига нариги қирғоқдаги ёритилган бинолар чироқлари акси алангалар каби тушиб, саросимада ирғиётган, ғазабнок оқ кўпиклар сепилган минглаб учқун парчаларига айланиб сочилиб кетардилар. Шамол, қаердадир пастак қилиб тортилган тор каби, ғувиллаяпти. Тор орасидан – орқадан тинимсиз –

Мен яшайдиган уй. О эшик олдида тўхтаб, нимадир дейишни бошлади:

- Йўқ! Сўз бергандингиз-ку...

Аммо мен унинг гапини тугатишига йўл қўймай эшикни шоша-пиша очдим – ва биз ичкарида, вестибюлда. Назоратчи стол ортида – таниш, ҳаяжон ичра титраётган, осилиб кетган ёноқлар; атрофда эса – бир гала рақамлар –

қандайдир баҳс, иккинчи қават панжарасидан осилиб турган бошлар – битта-битта пастга югуриб тушишяпти. Лекин бу ҳақида – кейин, кейин... Ҳозир бўлса, О ни зудлик билан қарама-қарши тарафдаги бурчак томон етакладим, деворга ўгирилиб чўккаладим (девор ортида: йўлак бўйлаб, орқага-олдинга қора, катта бошли шарпа судралиб юрганини кўрдим) ва ён дафтарчамни чиқардим.

О – асталик билан курсисига ўтирарди – худди униформаси остида бадани эриб, буғланиб кетаётгандек ва ундан биргина бўш кўйлак ва бўш – кўк бўшлиқ ичига ютиб юборувчи – кўзлар қолгандек. Толиққан тарзда:

- Нега мени буерга олиб келдингиз? Мени алдадингизми?

- Йўқ... Жим бўлинг! Анави томонга қаранг: девор ортида – кўряпсизми?

- Ҳа. Шарпа.

- У – доим орқамдан... Қўлимдан келмайди. Тушуняпсизми – мумкин эмас. Ҳозир иккита сўз ёзаман – уларни олиб, ўзингиз борасиз. Биламан: у буерда қолади.

Униформа остида – тўлишган бадан яна қимирлашни бошлади, қорни бироз думалоқ шакл олди, ёноқларида – саҳар, сезилар-сезилмас тонг отмоқда.

Унинг совуқ бармоқлари орасига мактубни солдим ва қўлини маҳкам сиқдим; сўнгги бор унинг кўм-кўк кўзларидан тўйиб симирдим.

- Алвидо! Балки яна қачондир...

У қўлини чиқарди. Букчайиб, секин юриб кетди – икки қадам ўтиб, тезда ўгирилди – ва яна рўпарамда. Лаблари

қимирлаяпти – кўзлари, лаблари – бутун борлиғи – менга қандайдир сўзни қайта-қайта – ва нақадар чидаб бўлмас табассум, нақадар дард...

Ундан кейин эгилган одам пайраҳаси эшикда, девор ортида кичкина шарпа – ўгирилмай, тезда – янада тезроқ...

Мен Ю нинг столи олдига бордим. Ойқулоқларини ҳаяжондан, ғазабдан шишириб, у менга деди:

- Тушуняпсизми – ҳамма ёппасига ақлдан озгандай! Манави, гўё Қадимги Уй атрофида яланғоч ва бошдан-оёқ жун билан қопланган одамни кўрдим, деб айтяпти...

Бўш, ҳурпайган бошлардан иборат тўдадан – бир овоз:

- Ҳа! Яна бир бор қайтараман: ҳа, кўрдим.

- Хўш, нима дейсиз? Сафсата!

Ю нинг бу “сафсата”си – шу даражада ишонч тўла, эгилмас эди-ки, ўз-ўзимга савол бердим: “Охирги пайт мен билан ва атрофимда содир бўлаётганлар аслида сафсата эмасмикин?”

Лекин пахмоқ қўлларимга қарадим – ва эсладим: “Сенда ҳам, менимча, ўрмон қонининг томчилари бўлса керак. Балки айнан шу сабабли мен сени...”

Йўқ: бахтимга – сафсата эмас. Йўқ: бахтга қарши – сафсата эмас.



Ўттиз учинчи қайд
Конспект:

(Конспектсиз, шоша-пиша, охирги)

“Бу кун – келди.

Шошилганча газетани олдим: эҳтимол – унда... Газетани кўзларим билан ўқияпман (ҳа, худди шундай: айни дамда кўзларим қалам, ҳисоблагич сингари эди: уларни қўлларингда ушлаб, уларнинг ёт, аллақандай бир ускуна – худди қалам, ҳисоблагич сингари – эканликларини ҳис қиласан.

Бош саҳифада катта-катта ҳарфлар билан:

“Бахт душманлари ғафлат босиб ўтирмайди. Иккала қўлингиз билан бахтни маҳкам тутинг! Эртага ишлар тўхтатилиб турилади – барча рақамлар Операцияга келадилар. Келмаганлар эса – Валинеъматнинг Машинаси билан жазоланадилар”.

Эртага! Ахир – ахир, қандайдир “эрта” бўлиш эҳтимоли борми?

Кундалик инерцияга кўра мен қўлимни (ускунани) китоб жавонига узатдим – бугунги газетани, олтин муқова билан безатилган, газеталар ичига солиб қўйдим. Йўлда: “Нега? Барибир эмасми? Ахир буерга, бу хонага – мен ортиқ ҳеч қачон, ҳеч қачон...”

...ва газета қўлимдан сирпаниб – ерга тушди. Мен эса турган жойимда хонанинг ҳамма-ҳаммаёғини кўздан кечиряпман; шоша-пиша ҳамма нарсаларимни тўплаяпман – талвасада, қолдириб кетишга ачинган, нарсаларимни кўринмас чемоданга жойлаяпман. Стол.

Китоблар. Курси. Ўшанда I курсида ўтирганди – мен эса пастда, ерда... Каравот…

Бир, икки дақиқа давомида – аллақандай мўъжизани бемаъниларча кутяпман, эҳтимол – телефон жиринглаб кетар, эҳтимол, удир...

Йўқ. Мўъжиза рўй бермади...

Мен номаълумлик сари кетмоқдаман. Бу – сўнгги мисраларим. Сизларга, нотанишларга, сизларга – барча саҳифаларни мен билан бирга бошдан кечирган, қалбим бетоб бўлиб қолганини айтиб берган – бутун борлиғимни сўнгги бурамасигача, сўнгги пружинасигача кўрсатган – азизларимга – алвидо...

Мен кетмоқдаман.

Ўттиз тўртинчи қайд
Конспект:

Озод қилинганлар. Қуёшли тун. Радио-валкирия[50].

“Оҳ, қани энди мен ҳақиқатдан ҳам ҳаммани ва ўзимни бутунлай нобуд қила олганимда, қани энди мен ростдан ҳам – у билан бирга – Деворнинг ортидаги бирор жойда, сарғайган қозиқтишларини кўрсатиб турган ҳайвонлар орасида бўлиб қолсам; қани энди мен чиндан ҳам буерга ортиқ ҳеч қачон қайтиб келмасам. Минг – миллион марта енгиллардим. Эндичи – нима бўлади? Бориб, уни бўғиб... Аммо бундай қилишнинг бирор нафи борми?

Йўқ, йўқ, йўқ! Ўзингни қўлга ол, Д-503. Ўзингни мустаҳкам мантиқий ўққа ўтқаз – бирозга бўлса ҳам, бор кучинг билан дастакка ётиб ол – ва, қадимги асирлар каби, - бўлиб ўтганларни қайд этиб, таҳлил қилиб бўлгунингга қадар – силлогизмлар тегирмонини ағдариб тўнтар...

ИНТЕГРАЛга кирганимда – ҳамма йиғилиб бўлганди; ҳамма ўз жой-жойида эди; улкан, шишадан бўлган асалари уясининг барча мумкатаклари тўла эди. Палубалар ойнасидан – телеграфлар, динамолар, трансформаторлар, алтиметрлар, жўмраклар, кўрсаткичлар, двигателлар, насослар, трубалар олдида – пастда митти, чумоли каби кичик одамлар.

[50] Валкирия – Скандинавия афсоналарига кўра, шон-шарафга эришган жангчининг қизи бўлиб, у жанг майдони узра ўзининг қанотли отида учиб, жангда ҳалок бўлган аскарларнинг қай бири осмондаги ҳашаматли бинога – Валхаллага - тушишларини ҳал қилади

Каютъ-компанияларда[51] – аллақандай жадваллар ва асбоблар устида – чамаси, Илмий Бюро томонидан ҳизмат сафарига чиққанлар бўлса керак. Улар олдида эса – Иккинчи Қурувчи ўзининг икки ёрдамчиси билан.

Учовининг ҳам бошлари, тошбақаларники каби, елкасига қисилган, юзлари – кулранг, кузги, нурсиз.

- Хўш? – сўрадим мен.

- Ҳа... Бироз қўрқинчлироқ... – нурсиз жилмайиб қўйди у. – Балки бутунлай нотаниш жойда қўнишимизга тўғри келар. Аслида – ноаниқ...

Уларга – бир соатдан сўнг ўз қўлларим билан Соат Лавҳининг шинам сонларидан, Ягона Давлатнинг оналик бағридан бутун умрга улоқтириб юборадиган кимсаларга – қараш менга ноқулай эди. Улар менга, биздаги ҳар бир мактаб ўқувчисига таниш бўлган, “Уч Озод Қилинганлар” ҳикоясидаги фожиали сиймоларни эслатиб юборди. Бу ҳикоя уч рақамнинг тажриба учун бир ой ишдан озод қилинганликлари ҳақида: хоҳлаганингни қил, қаерга борсанг бор. Бечоралар одатий иш жойлари атрофида сандироқлаб юрар ва оч кўзлари билан ичкарига назар ташлар эди; майдонларда тўхтаб, куннинг маълум бир қисмида организмларининг эҳтиёжига айланган ҳаракатларни соатлар давомида қайта-қайта бажарардилар: ҳавони арралаб рандалар, кўринмас болға ва болванкаларни тарақлатар эдилар. Ваниҳоят, ўнинчи куни ортиқ чидай олмай қолдилар: қўл ушлашиб, ўзларини сувга отдилар ва, сув уларнинг уқубатларига чек қўймагунга қадар, Марш садолари остида тобора чўкиб борардилар...

[51] Оддий кемада йўловчилар учун, ҳарбий кемада офицерлар учун умумий хона

Қайтараман: уларга қараш оғир эди; мен кетишга шошилардим.

- Двигателларни бирров текшириб чиқаман, - дедим мен, - ва сўнгра йўлга чиқамиз.

Мендан нималарнидир – ИНТЕГРАЛни ишга солиш учун қандай волтажни танлаш кераклигини, ёқилғи цистернаси учун қанча миқдорда сув балласти олиш зарурлигини – сўрадилар. Ичимда қандайдир граммофон янграрди: у барча саволларга тез ва аниқ жавоб берарди, мен бўлса – ичимда тинмай ўз ўйларим билан.

Бирдан тор даҳлизда бир нима ичимга тушиб қолди ва, аслида, ҳаммаси ўша ондан бошланди.

Тор даҳлизда олдимдан кулранг униформалар, кулранг чеҳралар ўтиб кетар ва улар орасида биттаси бир сонияга кўзимга ташланди: пешонасигача тушган сочлар, зимдан боқаётган кўзлар – худди ўша. Тушундим: улар буерда ва мен бу ҳолатдан ҳеч қаерга қочиб қутила олмайман; бир неча дақиқагина вақт қолди – ўн, йигирма, ўттиз... Танамдаги барча толаларим енгил титраб кетди (бу титроқ сўнгга қадар тўхтамади) – худди улкан мотор ўрнатилгандек ва баданимнинг биноси ортиқча даражада енгилдек; мана ҳамма деворлар, тахталар, симлар, тўсинлар, оловлар – барчаси титраяпти...

У буердами, ҳануз билмайман. Аммо ошиқча вақт йўқ – тезроқ рубкага[52] чиқишим учун орқамдан одам жўнатибдилар: йўлга чиқиш вақти келди... қаерга?

Нурсиз, кулранг юзлар. Пастда, сувда пружина каби кўк томирлар. Осмоннинг оғир, чўян қатламлари. Қўлимни

[52] Кема палубаси устига қурилган ва кемани бошқариш постлари турадиган жой

кўтариб, буйруқ берадиган телефон гўшагини олиш ҳам шу каби оғир.

- Тепага – 45° га!

Жарангсиз портлаш – туртки – қуйруқдаги оқ-яшил ғазабнок сув уюми – оёқ остидаги юмшоқ, резина палуба силжиб кетяпти – пастдаги ҳамма нарса, бутун ҳаёт, абадият... Бир онга – аллақандай чуқурга, тобора чуқурроқ қулар эканмиз, атроф қисилиб борар эди – шаҳарнинг бўртиб чиққан, кўк-муз чизмаси, гумбазларнинг думалоқ пуфаклари, аккумуляторли миноранинг танҳо қўрғошин қўли. Сўнгра – булутларнинг бир лаҳзали пардаси – биз унинг орасидан ўтдик – ва қуёш, кўм-кўк осмон. Сониялар, дақиқалар, милялар – кўм-кўклик қотиб, қорамтирлашиб боряпти ва, совуқ кумуш тер томчилари каби, юлдузлар фалак юзасида пайдо бўляпти...

Мана – даҳшатли, чидаб бўлмас даражада ёрқин, қора, юлдузли, қуёшли тун. Худди бирдан кар бўлиб қолдингиз: трубалар ўкираётганини кўриб турибсиз, бироқ кўряпсиз, холос: трубалар гунг, сукунат. Қуёш - худди шу сингари – соқов эди.

Бу ҳолат табиий, кутилган ҳолат эди. Биз ер атмосферасидан чиқдик. Лекин ҳамманарса қандайдир ўта тез, бехосдан бўлиб кетяпти – бунинг натижасида ҳамма ҳайиқиб, жим бўлиб қолди. Менга – менга бўлса, бу ҳаёлий, гунг қуёш остида ҳаммаёқ осонроқ туйилди: худди мен, сўнгги бор ғужжайиб, муқаррар остонани босиб ўтдим ва танам қаерлардадир пастда; мен бўлса, ҳаммаёқ тескари, бошқача бўлиши керак бўлган янги дунёда сузиб кетяпман...

- Баракалла, - бақирдим мен машинага – ёки мен эмас, мендаги анави граммофон бақирди – ва граммофон

механик, ошиқ-мошиқ қўли билан Иккинчи Қурувчига буйруқ гўшагини узатди.

Бутун толаларимгача борган енгил титроққа ўранган мен бўлса, пастга югуриб кетдим...

Кают-компания эшиги – ўша эшик: бир соатдан кейин оғир ғирчиллаб очилади, ёпилади... Эшик олдида – менга нотаниш бўлган, пастак бўйли, юзлар, минглар оломонида таниб бўлмас чеҳра; унинг биргина тиззасигача тушган, ғаройиб даражада узун қўллари ноодатий эди: гўё, адашиб, бошқа бировнинг қўлини шоша-пиша олиб қўйгандек.

Узун қўл чўзилиб, йўлни тўсди:

- Қаерга кетяпсиз?

Англадим: у ҳамма нарсани билишимдан бехабар. Ҳа, майли: балки – шундай бўлиши керакдир. Мен тепадан атайлаб кесин овозда:

- Мен ИНТЕГРАЛнинг Қурувчисиман ва синовларни мен бошқараман. Тушундингизми?

Қўллар ғойиб бўлди.

Кают-компания. Асбоблар, хариталар устидан – кулранг калта қил босган бошлар – ва сариқ, кал, кўр бошлар. Зудлик билан ҳаммани – нигоҳим билан – ҳовучимда тўплаб, орқага, даҳлиз бўйлаб, трапда, пастга, двигателлар олдига йўл олдим. Уерда портлашлардан қизиб кетган трубалардан чиқиб турган иссиқ ва шовқин, ноумид маст ҳаракатланишда ялтираётган чивин ғумбаги, бир сонияга ҳам тўхтамайдиган, сезилар-сезилмас титроқдаги циферблат кўрсаткичлари...

Мана – ваниҳоят – тахометр[53] олдида – у ён дафтарчасини пешонасигача тираб олиб...

- Менга қаранг... (Тарақ-турук: қулоғига бақириш керак.) У буердами? Қани у?

Сояда – зимдан – жилмайиш:

- У? Анави ерда. Радиотелефон олдида...

Мен – у томон. Улар уерда – уч киши. Ҳаммаси – қанотли тинглаш қалпоқларини кийиб олган. У – гўё одатдагидан бир қарич баланддек, қанотли, ярқировчи, учадиган – худди қадимги валкириялар каби ва тепада, радиошипда гўё улкан, кўк учқунлар – ва улар ундан чиқяпти, ундан буерда – енгил, чақмоқли, озон ҳиди.

- Кимдир... йўқ, ҳеч бўлмаса – сиз... – дедим мен унга, (югуришдан) нафасим қайтиб. – Пастга, ерга, эллингга бериб қўйишимиз керак... Бўлақолинг, мен айтиб тураман...

Ускуналар олдида – кичик каюта-кути. Стол ортида, олдимда. Уни топдим, қўлини маҳкам қисиб олдим:

- Хўш? Нима бўлади энди?

- Билмайман. Нақадар ажойиблигини тушуняпсанми: билмасам – қаерга бўлса ҳам – учиш... Ҳадемай ўн икки бўлади – нима бўлиши ноаниқ. Тун... биз сен билан қайда тунаб қоламиз? Балки – майса устида, қуриган барглар ичидадир...

Ундан – кўк учқунлар чиқяпти ва момақалдироқ ҳиди келяпти ва мен титраб кетдим – титроғим тобора тезлашарди.

---

[53] Айланиш тезлигини ўлчайдиган асбоб

- Ёзиб қўйинг, - дедим мен баланд овозда, (югуришдан) ҳануз ҳансираб. – Соат 11:30. Тезлик: 6800...

У қанотли шлем остидан, кўзларини қоғоздан узмасдан:

- ...Кеча кечки пайт сенинг хатингни олиб келди... Биламан – ҳаммасини биламан: жим бўл. Аммо бола сеники-ку, шундай эмасми? Мен уни жўнатиб юбордим – у аллақачон Девор ортида. У тирик қолади...

Мен яна рубкадаман. Яна – юлдузли қора осмон ва кўз қамаштирувчи ёрқин тун; аста-секин бир дақиқадан иккинчи дақиқага оқсоқланиб ўтувчи девордаги соат миллари; ва ҳаммаёқ, худди туманда, (биргина менга) аранг сезилаётган титроқ либосига бурканган.

Негадир: буларнинг ҳаммаси буерда эмас, ерга яқинроқда содир бўлса яхшироқ бўладигандек туйилди.

- Стоп, - бақирдим мен машинага.

Ҳануз олдинга – инерцияга кўра, - бироқ тобора секинроқ. Мана энди ИНТЕГРАЛ қандайдир сонияли толага илашиб, бир онга қимирламай қолди, сўнгра тола ёрилиб кетди ва ИНТЕГРАЛ, тош каби, пастга – юқори тезлик билан. Сукунатда дақиқалар, ўнлаб дақиқалар ўтди – юрак уришлари эшитиляпти – кўз олдимдаги соат миллари тобора 12 га яқинлашмоқда ва мен тушундим: мен – тошман, I – ер, мен – кимдир томонидан отиб юборилган тош ва тош ерга тушишга, чилпарчин бўлишга тоқатсизланяпти... Агарда... – пастда булутларнинг каттиқ, кўк тутуни – Агарда...

Аммо мендаги граммофон – аниқлик билан буйруқ гўшагини олди, “кичик юриш” буйруғини берди ва тош ерга тушишдан тўхтади. Биргина пастки тўрт шох – икки ёқилғи ва икки кема тумшуғининг шохлари –

ИНТЕГРАЛни бутунлай ҳаракатсизлантириш учун, пишқириб турибди, холос. ИНТЕГРАЛ бироз сесканиб, худди лангардадек, ердан бир қанча километр узоқликда, ҳавода мустаҳкам қад ростлади.

Ҳамма палубага чиқар (ҳозир 12 бўлди, тушлик қўнғироғи) ва, шишали планширдан эгилиб, шоша-пиша, залп билан пастдаги нотаниш, девворорти дунёни кўзлари билан ютар эдилар. Қаҳраболи, яшил, кўк: куз ўрмони, майсазорлар, кўл. Кўк ликопча қиррасида аллақандай сариқ, суякдан бўлган ҳаробалар, сарғайиб, қуриб кетган бармоқ чиқиб турибди – чамаси, мўъжиза билан сақланиб қолган қадимги черковнинг минораси бўлса керак.

- Қаранглар, қаранглар! Анави ерда – ўнгроқда!

Уерда – зангори даштда – қандайдир тезкор, жигарранг сояли бир доғ учарди. Менинг қўлимда бинокол бор эди ва мен уни тезда кўзимга тутдим: кўкрагигача ўт-ўланда, думлари билан ҳаммаёқни тўзғитиб, жигарранг отлар тўдаси чопарди, уларнинг белларида эса – ўша қоратўриқ чавкар, оқ, зоғ-зағанли...

Менинг орқамда:

- Яна қайтаряпман: мен бир чеҳра кўрдим.

- Қўйсангизчи! Бошқаларни алданг!

- Мана, мана ўзингиз биноколда кўринг...

Аммо у ғойиб бўлиб бўлганди. Бепоён яшил дашт...

Чўлда – уни, мени ва ҳаммани тамомийла тўлдириб – қўнғироқ қаттиқ чаларди: тушлик, бир дақиқадан сўнг – 12.

Лаҳзаларга, айри-айри бўлакларга бўлиниб кетган дунё. Зиналарда – кимнингдир жарангдор тилла кўкрак нишони – ва менга унинг фарқи йўқ: мана у оёғим остида қирсиллаб синди. Кимнингдир овози: “Мен бўлса, бир чеҳра кўрдим деяпман!”. Қора квадрат: кают-компаниянинг очиқ эшиги. Сиқилган, оқ, ўткир жилмаювчи тишлар...

Соатлар, ўлчаб бўлмас даражада секин, бир юрак уришидан иккинчисигача нафас олмай, уришни, олди қаторлар қимирлашни бошлаган онларида, эшик квадрати бирдан икки таниш, ноодатий тарзда узун бўлган қўллар билан беркитилди:

- Тўхтанг!

Кафтимни бармоқлар маҳкам ушлаб олди; олдимда I бор эди.

- Ким? Уни танимайсанми?

- Ахир... ахир бу...

У – елкаларда. Юзлаб чеҳралар устидан – унинг юзинчи, мингинчи ва ягона юзи:

- Валинеъмат номидан... Сизларга – мен кимга гапирсам, улар мени тинглайди – сизларга айтяпман: биз биламиз. Биз сизларнинг рақамларингизни ҳали билмаймиз, аммо бизнинг ҳаммасидан хабаримиз бор. ИНТЕГРАЛ сизники бўлмайди! Синов охиригача ўтказилади ва сизлар бўлса – сизлар қимирлашга ортиқ журъат қила олмайсизлар – сизлар ўз қўлларингиз билан буни амалга оширасиз. Сўнгра... Ҳа, майли, менинг гапим тугади...

Сукунат. Оёқ остидаги ойнадан бўлган плиталар – юмшаб кетган, пахтадай юмшоқ ва менинг оёқларим ҳам худди

шундай. Олдимда турган – оппоқ табассум, ғазаб отига минган, кўк учқунлар. Тишлари орасида қулоғимга:

- Демак, сиз эканда? Сиз – “бурчингизни адо қилдингизми”? Ҳа, майли...

Қўл менинг қўлларимдан чиқиб кетди, валкирияларники каби, ғазабнок қанотли қалпоқ – қаердадир олдинда. Мен – қолганлар каби, музлаб қолган ҳолда, индамай кают-компанияга кетяпман...

“Ахир мен эмас-ку – мен эмас! Мен бу ҳақида ҳеч ким билан, мана бу оқ, унсиз саҳифалардан ташқари ҳеч кимга...”

Ичимда – товушсиз, ноумид, баланд – унга бу гапларни бақирардим. У менинг қаршимда, мендан бир стол нарида ўтирарди – ва у менга бир бора ҳам, кўзининг учи билан ҳам қараб қўймади. Унинг олдида – қандайдир сариқ кал. Эшитяпман (I нинг овози):

- “Олийжаноблик”? Аммо, ҳурматли профессор, бу сўзнинг оддий филологик таҳлилидан ҳам унинг қадимги феодал даврларнинг хурофоти, сарқити эканлиги кўриниб туради-ку. Биз бўлса...

Ҳис қилардим: оқариб кетяпман – ва ҳозир ҳамма буни кўриб қолади... Аммо ичимдаги граммафон ҳар бир тишлам учун белгиланган эллик чайнашни бажарарди; мен, худди қадимги хира уйдаги сингари, ўзимга беркиниб, қулфланиб олдим – эшикларни тошлар билан беркитдим, ойналарни пардалар билан ёпдим...

Сўнгра – қўлимда буйруқ гўшаги ва – музли, сўнгги ҳасратда – булутлар орасидан – қаҳратон, юлдузли, нурли тун узра – учиш. Дақиқалар, соатлар. Ичимда тинмай талвасада, бор тезликда ҳаракатланаётган, ўзимга ҳам

эшитилмаётган мантиқий мотор. Негаки кўк фазонинг қандайдир нуқтасида: менинг иш столим, унинг устида – Ю нинг ойқулоқсимон ёноқлари, қайдларимнинг унутилган саҳифаси. Тушундим: ундан бошқа ҳеч ким – тушундим...

Эх, қани энди, қани энди радиога ета олсам... Қанотли қалпоқлар, кўм-кўк чақмоқлар ҳиди... Эсимда – мен унга нималарнидир баланд овозда гапирардим, у бўлса – худди мени кўрмагандек, худди мен шишадан бўлгандек, бўшлиққа узоқдан қараб:

- Мен бандман: пастдан қабул қиляпман. Мана буни унга айтинг...

Митти қути-каютада бир дақиқа ўйлаб, айтдим:

- Соат – 14:40. Пастга! Двигателлар тўхтатилсин. Барчаси тугади.

Буйруқ трубкаси. ИНТЕГРАЛнинг машина-юраги тўхтатилди, биз пастга тушяпмиз ва менинг юрагим – тушиб улгирмаяпти, қолиб кетди, тобора бўйнимга кўтариляпти. Булутлар – ва сўнгра олисда яшил доғ – яшил қуюқлашиб, аниқлашиб боряпти – биз томон ўқмолича учяпти – ҳозир тугайди –

Иккинчи Қурувчининг фаянс каби оқ, дабдаласи чиққан юзи. Чамаси, у мени бор кучи билан итариб юборган ва мен нимагадир бошим билан урилганман; кўз олдим қоронғулашиб, пастга тушаётиб, мужмал эшитардим:

- Двигателлар – тўлиқ тезликка!

Тепага кескин кўтарилиш... Қолгани эсимда йўқ.

Ўттиз бешинчи қайд
Конспект:

Чамбаракда. Сабзи. Қотиллик.

“Тун бўйи ухламадим. Тун бўйи – бир нарса ҳақида...

Кечаги бўлганлардан сўнг бошим бинтлар билан маҳкам ўралган. Хўш: улар бинтлар эмас, чамбарак; шиша пўлатдан ясалган аёвсиз чамбарак бошимга ёпиштирилган ва мен биргина тунука айланада қайта-қайта айланяпман: Ю ни ўлдириш. Ю ни ўлдириб, сўнгра унинг олдига бориб: “Энди ишонасанми?” дейиш. Энг ёқимсизи – қотиллик қандайдир кир, ўтмишдан қолган; бошни нимадир билан уриб ёриш – бундан оғзимда аллақандай жирканч, ширин нарсанинг таъми келяпти ва мен сўлагимни ютиб юбора олмаяпман: уни тинмай рўмолчамга тупуриб юборяпман, оғзим қуриб кетди.

Шкафимда қуймадан кейин дарз кетган поршенли оғир шток[54] ётарди (ёрилишнинг тузилишини микроскоп остида кўриб чиқишим керак эди). Қайдларимни най шаклида ўрадим (у менинг бутун борлиғимни – сўнгги ҳарфигача – ўқиб чиқсин), шток бўлагини унинг ичига солдим ва пастга отландим. Зинапоя – чексиз, зиналар – қандайдир ифлос сирпанчиқ, ингичка, тинмай – оғзимни рўмолча билан артиш...

Пастда. Юрагим гумбирлаб тушди. Тўхтадим, штокни чиқардим – назоратчи столи томон –

Аммо уерда Ю йўқ эди: бўм-бўш, муз каби совуқ тахта. Эсладим: бугун – ҳамма ишлар бекор қилинган; ҳамма

---

[54] Тех. Поршен ва ползунни бирлаштирувчи қисм

Операцияга бориши керак. Тушунарли: бугун буерда ҳеч кимни қайддан ўтказишга ҳожат йўқ...

Кўчада. Шамол. Осмон шиддат билан ҳаракатланаётган чўян тоштахталардан ташкил топган. Худди кеча қайсидир онда бўлгани каби: бутун олам алоҳида-алоҳида, ўткир, мустақил бўлакларга бўлинган ва уларнинг ҳар бири, пастга елдай учиб тушар экан, бир сонияда тўхтаб, менинг қаршимда ҳавода осилиб қоларди ва иссиз ғойиб бўларди.

Гўё бу саҳифадаги қора, аниқ ҳарфлар бирдан силжиб, даҳшатда ҳар қаерга сакраб кетганидан, бир дона ҳам сўз қолмагандек, биргина маъносиз ҳарфлар йиғиндиси: ҳша-сакр-гў—. Кўчада – худди шу каби сочилиб кетган, сафқаторлардан чиқиб кетган оломон – тўғридан, орқага, қиялаб, кўндаланг.

Кимса йўқ. Бир лаҳзага, елдек учар экан, тўхтаб қолди: ана, иккинчи қаватда, шишали, ҳавода осилиб қолган қафасда – эркак ва аёл – турган жойларида ўпишишяпти – аёлнинг бадани, худди сингандай, орқага эгилди. Бу – абадиян, сўнги бор...

Қандайдир бурчакда – қимирлаётган, каллалардан иборат бута. Бута устида – алоҳида, ҳавода – байроқ, сўзлар:

“Машиналар даф бўлсин!”

“Операция даф бўлсин!”

(Мендан) алоҳида – ҳар сония ўйлаётган мен: “Наҳотки ҳар кимда ичдан – фақатгина юрак билан бирга – ташқарига пуркаб чиқариб сўкиб ташлаш мумкин бўлган ҳасрат бўлса ва ҳар ким бир нима қилишдан аввал...” Бир

сонияга – бутун дунёда (менинг) чўян каби оғир ўрамимдан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмасди...

Энди – болакай: бутунлай – олдинга, унинг пастки лаби остида – соя. Пастки лаби – қайтарилган енг каби чиқиб турган, бутун юзи чиқиб турган – у ҳўнграб йиғлаяпти – кимдандир бор кучи билан қочяпти – унинг ортидан қадамлар...

Болакайдан: “Ҳа, Ю – ҳозир мактабда бўлса керак, тезроқ” деган овоз келди. Мен яқинлардаги ертўлага тушиш жойига шошилдим.

Эшик олдида кимдир югуриб:

- Юрмайди! Поездлар бугун юрмайди! Анави ерда –

Мен тушдим. Уерда мутлақ тутуриқсиз ҳолат. Қиррали биллур қуёшларнинг ялтираши. Бошлар билан зич тўлдирилган платформа. Бўм-бўш, қотиб қолган поезд.

Жимжитликда – овоз. У – кўринмаяпти, аммо мен танийман, мен бу дадил, эгилувчан, хивчин каби саваловчи бу овозни танийман – қаердадир чаккагача чимирилган қошларнинг ўткир учбурчаги турибди... Мен бақириб юбордим:

- Қўйиб юборсангизчи! Мени уерга қўйиб юборинг! Мен...

Аммо кимнингдир қисқичлари менинг қўлларимдан, елкаларимдан ушлаб олди. Жимжитликда – овоз:

- ...Йўқ: тепага югуринг! Уерда сизни даволаб қўядилар, уерда сизга тўйгунингизгача тотли бахт берадилар ва қорни тўйган сизлар, бир маромда, уюшган ҳолда ҳуррак отиб, осуда ухлайсизлар. Наҳот сизлар ҳурракларнинг улуғ симфониясини эшитмаяпсиз? Тентаклар: сизларни,

чувалчанг каби буралиб-буралиб кетадиган, қурт каби оғриқли кемирувчи, сўроқ белгиларидан озод қилишмоқчи. Сизлар бўлса буерда туриб, менинг тинглаяпсизлар. Тезроқ – тепага – Буюк Операцияга! Буерда ёлғиз қолсам, сизга нима? Мен учун бошқалар исташларини хоҳламасам, ўзимнинг истагим бўлишини хоҳласам, сизга нима? Имконсиз нарсани хоҳласам, сизга нима?

Бошқа – секин, оғир – овоз:

- Аҳа! Имконсиз нарсани? Бу бемаъни ҳаёлларинг ортидан югуриш деганидир; улар кейин сенинг бурнинг олдида думларини ўйнатиб турсинларми? Йўқ: биз – думдан ушлаб, остимизга, сўнгра...

- Сўнгра – бир ямлаб ютасизлар, хуррак отиб нобуд қиласизлар – бурун олдида янги дум керак. Айтишларича, қадимгиларнинг шундай ҳайвони бўлган экан: эшак. Уни тинмай олдинга қараб юришга мажбурлаш учун – унинг тумшуғи олдига, арава шотига, эшак ола олмайдиган қилиб, сабзи боғлаб қўярди эканлар. Агар олиб, еб қўйса...

Бирдан қисқичлар мени қўйиб юборди, мен, у гапириб турган, марказга отилдим – ўша он ҳамма тўкилиб, қисилиб кетди – орқадан кимдир бақирди: "Буерга, буерга келишяпти!". Чироқ ўйнаб кетди ва ўчди – кимдир симни кесиб қўйибди – шиддатли оқим, бақир-чақирлар, хириллашлар, каллалар, бармоқлар...

Ертўла трубасида бу ҳолда қанча вақт думалаб тушганимизни билмайман. Ваниҳоят: зиналар – ғира-шира – ёруғлашиб боряпти – ва биз яна кўчадамиз – елпиғичдай, ҳар томонга...

Мана – ёлғизман. Шамол, кулранг, пастак – бошимга тегай-тегай дейди – оқшом. Йўлакнинг ҳўл ойнасида – жуда ҳам чуқурда – чироқлар, деворлар, оёғи-осмондан ҳолатда юраётган жисмлар тўнтарилганди. Қўлимда ақлбовар қилмас даражада оғир бўлган ўрам мени чуқурга, тубга тортиб кетяпти.

Пастда, стол ортида, Ю ҳали ҳам йўқ эди ва унинг бўм-бўш, қоронғу хонаси.

Хонамга чиқиб, чироқни ёқдим. Чамбаракдай таранг тортилган чаккаларим тақилларди, мен – бир доирадан чиқа олмай – айланада юрардим: стол, стол устида оқ ўрам, каравот, эшик, стол, оқ ўрам... Хонанинг чап томонидаги пардалар туширилган. Ўнг тарафда: китоб устида – шишган кал бош ва – улкан сариқ парабола[55] каби – пешона. Пешонада ажинлар – тушуниб бўлмас, сариқ мисралар қатори. Баъзида кўзимиз-кўзимизга тушиб қолади ва мен у он ҳис қиламан: бу сариқ мисралар мен ҳақимда ёзилган.

...Роппа-роса 21 да содир бўлди. Ю ёлғиз ўзи келди. Хотирамда бир нарса аниқ сақланиб қолди: мен овоз чиқариб нафас олардим ва бу овозни ўзим ҳам эшитардим; овозимни қанча пасайтиргим келмасада, қўлимдан келмасди.

У ўтирди, тиззаларидаги униформасини тўғирлади. Пушти аралаш жигарранг ойқулоқлари қимирларди.

- Аҳ, азизим, демак, сиз яралнганингиз тўғри эканда? Билишим биланоқ – дарҳол...

Шток стол устида қаршимда. Янада баландроқ нафас олиб, сапчиб туриб кетдим. У эшитди, гапини тугатмай

[55] Математикага оид атама. Эгри чизиқнинг бир тури

тўхтади, нимагадир у ҳам ўрнидан турди. Бу онни ақлимда аллақачон кўриб бўлгандим, оғзимда жирканч, ширин таъм... рўмолча, рўмолчам йўқ – ерга туфладим.

Ўнг девор ортидаги – сариқ, тикилиб турган ажинлар – мен ҳақимда. У кўрмаслиги керак, у қараб турса, янада ёқимсизроқ... Тугмачани эздим – бунга ҳаққим бўлмаса ҳам, ахир, бунинг ҳозир қизиғи йўқ-ку – пардалар тушди...

У, чамаси, ҳис қилди, тушунди, эшик томон ўзини отди. Аммо мен унинг йўлини тўсдим ва, овоз чиқариб нафас олиб, бошидаги ўша жойдан бир сонияга ҳам кўзимни узмай...

- Сиз... сиз ақлдан озибсиз! Журъат қила олмайсиз... – у менга орқага қараб юрди, каравотга ўтирди, тўғрироғи ўтириб қолди – кафтлари бирлаштирилган қўлларини тиззалари орасига тиқди. Айни диққат-эътибор билан, уни кўзларим билан арқонда ушлаб, мен қўлимни асталик билан стол томон чўздим – фақат битта қўлим ҳаракатланарди – штокни олдим...

- Ёлвораман! Бир кун – фақат бир кун! Мен эртагаёқ – эртагаёқ бориб, ҳаммасини қиламан...

Нималар деяпти? Қўлимни кўтардим –

Менимча: уни ўлдирдим. Ҳа, сизлар, менинг нотаниш ўқувчиларим, сизлар мени қотил деб аташга ҳақлисизлар. Агарда у: “Валинеъмат... ҳаққи... Розиман – мен... ҳозир” деб бақирмаганда, мен шток билан унинг бошига урардим.

Қалтираётган қўллари билан у униформасини ечиб ташлади – кенг, сариқ, осилган бадан каравотга тушди...

Фақат шу ондагина мен тушундим: у, мен пардаларни... хоҳлаганим учун... тушурди деб ўйлаганди...

Бу шу даражада кутилмаган, аҳмоқона ҳолат эди-ки, мен ҳоҳолаб кулиб юбордим. Ўша ондаёқ ичимдаги таранг буралган пружина портлаб кетди, қўлим ҳолсизланди, шток ерга тушди. Бу он мен ўз тажрибамда, кулгу – энг даҳшатли қурол эканлигини, кулгу билан ҳамма нарсани – ҳаттоки, қотилликни ҳам – ўлдириш мумкинлигини, кўрдим.

Мен стол ортида ўтириб – умидсиз, сўнгги даражадаги кулгу билан – кулардим ва бу аҳмоқона вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топа олмасдим. Агарда воқеалар режалаштирганимдай ривожланганда, нима бўларди, билмайман, лекин бирдан янги, ташқи қўшимчалувчи: телефон жиринглаб кетди.

Гўшакка ўзимни отдим: балки, у, I дир? Гўшакдан кимнингдир нотаниш овози:

- Ҳозир.

Толиқтирадиган, чексиз ғувиллаш. Узоқдан – оғир қадамлар, яқинлашиб келяпти, тобора баландроқ, тобора чўянроқ – ва мана...

- Д-503? Ҳа... Сиз билан Валинеъмат гаплашяпти. Дарҳол менинг олдимга!

Трик, - гўшак қўйилди, - трик.

Ю ҳали ҳануз каравотда ётарди: кўзлари юмилган, ойқулоқлари табассумдан жилиб кетган. Ердан унинг кўйлагини олиб, унга отдим ва тишларимни сиқиб:

- Қани! Тезроқ – тезроқ!

У тирсаги билан кӯтарилди, кӯкраклари ён томонга силжиб кетди, кӯзлари думалоқлашиб, мум каби бӯлди.

- Қандай қилиб?

- Шундай. Тезроқ – кийинсангизчи?

У – тугун каби, кӯйлагига маҳкам ёпишиб олиб, ингичка овозда:

- Тескари қараб туринг, - деди.

Мен тескари қараб, ойнага пешонам билан ёпишиб туриб олдим. Қора, ҳӯл, ойнада чироқлар, жисмлар, учқунлар титрарди. Йӯқ: бу – мен, бу – менинг ичимда... Нега У мени? Наҳотки, У мен ҳақимда, у ҳақида, ҳаммаси ҳақида билса?

Кийиниб бӯлган Ю эшик олдида. У томон икки қадам – худди менга керак жавобни ҳозир унинг қӯлларидан томчи-томчи сиқиб оладигандек, унинг қӯлларини қаттиқ қисдим:

- Менга қаранг... Унинг исмини – гап ким ҳақида эканлигини биласиз – унинг исмини айтдингизми? Йӯқ? Фақат тӯғрисини айтинг – менга шу керак... менга фарқи йӯқ – фақат тӯғрисини айтинг...

- Йӯқ.

- Йӯқ? Ахир нега – уерга бориб, айтиб қӯйибсиз, нега...

Унинг пастки лаби – бирдан ташқарига, худди ҳалиги болакайники каби, ва ёноқларидан, ёноқларидан томчилар...

- Чунки мен... мен қӯрқдим. Агарда уни... шу сабабли сиз... сиз мени сев... Оҳ, менинг қӯлимдан келмасди – қӯлимдан келмасди!

Тушундим: бу – ҳақиқат. Бемаъни, кулгили, инсоний ҳақиқат!

Эшикни очдим.



Ўттиз олтинчи қайд
Конспект:

Бўм-бўш саҳифалар. Христианлар Худоси. Онам ҳақида.

“Ўзимга келганимда – Унинг қаршисида турардим ва нигоҳимни кўтаргани қўрқардим: фақатгина Унинг тиззасидаги улкан, чўян қўлларини кўряпман. Бу қўллар Уни ўзини эзаётганди, тиззаларини букаётганди. У бармоқларини секин қимирлатарди. Юзи – қаердадир тепада, туманда ва, худди айнан шу сабабли, Унинг овози менга бунчалик баландликдан келаётганди – у момақалдироқ каби гумбурламаётганди, мени карахт қилиб қўймаётганди; у оддий одамларнинг овозига ўхшарди.

- Хўш – сиз ҳамми? Сиз – ИНТЕГРАЛ Қурувчиси ҳамми? Сиз – энг буюк конквистадорлардан[56] бири бўлиш шарафига эга бўлган рақам ҳамми? Сиз – Ягона Давлат тарихида янги, ёрқин саҳифани бошлаши керак бўлган исмли рақам ҳамми... Сиз ҳамми?

Бошимга, юзларимга қон қуйилишни бошлади – яна оқ саҳифа: фақат чаккаларимда – қон томирларим уриши эшитиляпти ва тепада жарангдор овоз, аммо бир дона ҳам сўз айтилмаяпти. Бу шовқин тўхтагандан кейингина мен ҳушимга келиб, кўрдим: бир тонналик қўл қимирлади – секин ўрмалашни бошлади – менга бармоғини тираб туриб олди.

- Хўш? Нега жимсиз? Сиз ҳамми? Жаллод?

- Шундай, - итоаткорлик билан жавоб бердим мен.

---

[56] XV-XVI асрларда Америкадаги испан ёки португал истилочилари

Сўнгра Унинг ҳар бир сўзини аниқ ва равшан эшитдим.

- Хўш? Сизнингча мен бу сўздан қўрқаманми? Сиз бирор марта унинг пўстлоғини арчиб, ичида нима борлигини кўришга ҳаракат қилиб кўрганмисиз? Ҳозир сизга кўрсатаман. Эсланг: кўм-кўк адир, хоч, оломон. Айримлари – тепада, қонга беланган ҳолда бир танани хочга қоқяпти; айримлари эса – пастда, кўз ёшларга беланган ҳолда, қараб турибди. Тепадагиларнинг роли – энг оғир, энг муҳим деб ўйламайсизми? Агарда улар бўлмаганида, ушбу буюк фожиа юз берар эдими? Улар оми оломон томонидан қарғалган: аммо шу сабабдан ҳам фожиа муаллифи – Худо – уларни кўпроқ рағбатлантириши керак эмасмиди? Итоатсизларни аста-секин жаҳаннам оловларида куйиб-ёндирадиган, христианларнинг ғамхўр Худосининг ўзи – ахир У жаллод эмасми? Гулханларда христианлар томонидан ёқиб юборилганлар сони, ёқиб юборилган христианлар сонидан камми? Нима бўлганда ҳам – бир нарсани тушунинг, нима бўлганда ҳам, бу Худони асрлар давомида севги Худоси каби улуғлаганлар. Бемаъниликми? Йўқ, бунинг тескариси: таг-туги билан йўқ қилиб бўлмайдиган, инсон андишасига қон билан ёзилган патент[57]. Ҳаттоки ўшанда ҳам – ёввойи, пахмоқ – у тушунарди: инсониятга бўлган сон, алгебраик муҳаббат – ҳақнинг шаксиз белгиси – унинг бағритошлиги. Оловнинг ёндириб юбориши, унинг табиий белгиси бўлгани каби. Ёндирмайдиган оловни менга кўрсатингчи! Қани – исботланг, баҳслашинг!

Қандай қилиб баҳслашардим? Бу фикрлар (олдин) ўзимники бўлса, қандай қилиб баҳслашардим – аммо мен бу фикрларни ҳеч қачон бу каби мустаҳкам, ялтироқ зирҳга ўрай олмасдим. Мен индамасдим...

[57] Ихтирочи ўз ихтироси учун олган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат

- Агарда бу мен билан ҳамфикр эканлигингизни англатса, келинг – болаларнинг ҳаммаси ухлагани кетганда – катталар каби гаплашайлик. Савол бераман: одамлар – йўргакдан бошлаб – нима ҳақида ибодат, орзу қилади, нимадан қийналади? Кимдир уларга бахт нима эканлигини айтиб, сўнгра уларни бу бахтга занжир билан боғлаб қўйиши ҳақида. Биз бундан фарқли нимани қиляпмиз? Жаннат тўғрисидаги қадимий орзу... Эсланг: жаннатда хоҳишлар, ачинишлар, севги бўлмайди, уерда – фантазияси операция қилинган маъсудлар бор (шу сабабдан ҳам маъсуд) – фаришталар, Яратганнинг қуллари... Мана бахтни қувиб етган онимизда, унга етай-етай деганимизда (Унинг қўли сиқилди: агарда унда тош бўлганида – тошнинг суви чиқиб кетарди), ўлжани терисини шилиб, уни бўлишимиз керак бўлганда – ўша онда сиз... сиз...

Чўянли гумбирлаш тўсатдан тўхтаб қолди. Мен – темирхонада гурсиллаётган болға остидаги гўла каби, бутунлай қизариб кетгандим. Болға индамай осилиб қолди; кутиш керак – бу янада... қўрқинч...

Бирдан:

- Ёшингиз неччида?

- Ўттиз иккида.

- Сиз, ўн олти ёшли каби, ропа-роса икки карра гўлсиз! Менга қаранг: наҳот бир марта ҳам сиз уларга – биз ҳали уларнинг исмларини билмаймиз, аммо умид қиламан-ки, сиздан билиб оламиз – сиз уларга фақатгина ИНТЕГРАЛ Қурувчиси сифатида керак бўлганингизни ҳаёлингизга ҳам келтириб кўрмагансиз; фақатгина сиз орқали...

- Керак эмас! Керак эмас, – бақирдим мен.

Худди шу каби қўлларим билан панага олиб, ўққа бақирсам: сиз ҳануз ўзингизнинг “керак эмасингизни” эшитяпсиз, ўқ бўлса, аллақачон тешиб ўтди, сиз аллақачон ерда тиришиб-буришиб ётибсиз.

Ҳа, ҳа: ИНТЕГРАЛ Қурувчиси... Ҳа, ҳа... ва ўша заҳоти: Ю нинг ғазаб отига минган, ғишт каби қизил ойқулоқли юзи – улар иккиси менинг хонамда бўлган тонгга...

Жуда ҳам аниқ эслайман: мен кулиб юбордим – кўзларимни тепага кўтардим. Қаршимда кал, суқротча-кал одам ўтирарди ва унинг кал бошида – майда-майда тер томчилари.

Нақадар ҳаммаси оддий. Нақадар ҳаммаси улуғвор-бемаъни ва кулгили даражада осон.

Кулгу мени бўғарди, буруқсаб чиқишга уринарди. Мен оғзимни кафтим билан ёпиб олдим ва шошганимча югуриб кетдим.

Зиналар, шамол, чироқларнинг, чеҳраларнинг сакраётган, ҳўл бўлаклари ва югурар эканман: “Йўқ! Уни кўрсам эди! Бир бора бўлса ҳам кўрсам эди!”

Буерда – яна бўм-бўш, оқ саҳифа. Бир нарса эсимда, холос: оёқлар. Одамлар эмас, балки айнан – оёқлар: айқаш-уйқаш қадам ташлаётган, қаердандир тепадан кўприкка юз доналаб тушувчи оёқлар, оғир оёқлар ёмғири. Аллақандай қувноқ, шўх қўшиқ ва чинқириш – чамаси, менга: “Эй! Эй! Буерга, бизнинг олдимизга!”

Сўнгра – кучли шамол билан қопланган, даштга айланган майдон. Ўртада – нурсиз, оғир, даҳшатли маҳобат: Валинеъмат Машинаси. Уни кўришда – ичимда, худди кутилмаган, акс-садо: ёрқин, оқ ёстиқ; ёстиқда орқага ташланган юмилган кўзли бош: ўткир, тотли тишлар

тизмаси... Буларнинг бари ғалати, қўрқинчли тарзда Машинага боғланган – қандайлигини биламан, аммо ҳануз кўргим, овозимни чиқариб айтгим келмаяпти – хоҳламайман, керак эмас.

Кўзимни юмиб, тепага, Машина томон чиқувчи зиналарга ўтирдим. Адашмасам, ёмғир ёғаётганди: юзим ҳўл эди. Қаерлардадир узоқларда, жарангсиз – бақиришлар. Бироқ бақираётганимни ҳеч ким эшитмаяпти, ҳеч ким эшитмаяпти: мени бундан қутқарсаларингчи – қутқаринглар!

Қадимгилардек, онам бўлганида: менинг – худди шундай – онам. ...ва у учун мен – ИНТЕГРАЛ Қурувчиси, рақам Д-503 ёки Ягона Давлатнинг бир молекуласи эмас, балки оддий инсон бўлаги – унинг бир бўлаги – тепаланган, эзилган, улоқтириб юборилган... Майли мен кимнидир мих билан қоқай ёки мени михлаб қоқсинлар – эҳтимол, иккиси бирдир – аммо у ҳеч ким эшитмаган нидоларни эшитсин, унинг қариган, ажинлар тушган лаблари…

Ўттиз еттинчи қайд
Конспект:

Инфузория[58]. Қиёмат. Унинг хонаси.

“Эрталаб ошхонада – чап тарафимда ўтирган бир рақам менга пичирлаб:

- Есангизчи! Сизга қарашяпти! – деди.

Мен – бор кучимни йиғиб – жилмайиб қўйдим ва юзимда бу жилмайишни, худди бир ёриқ каби, ҳис қилдим: жилмайяпману – ёриқ чеккалари янада кенгайиб боряпти – ва бундан оғриқ кучаймоқда…

Кейин – шундай: вилкамга кубикни олар эканман, ўша онда вилка қўлимда титраб кетиб, тарелкага тарақлаб тушди ва столлар, деворлар, идишлар, ҳаво титраб кетди; ташқарида – қандайдир катта, осмонгача етган, темирдан бўлган думалоқ гумбурлаган овоз – бошлар, уйлар устидан – ва олисда билинар-билинмас, майда, худди сувдаги каби, айланаларда қотиб қолди.

Бир онда бўзариб, оқариб кетган юзларни, чайнаётиб тўхтаб қолган оғизларни, ҳавода қотиб қолган вилкаларни кўрдим.

Сўнгра ҳаммаси чалкашиб, асрлар давомида ўрнатилган йўлларидан чиқиб кетди ва ҳамма (мадҳияни айтмай) – оғзидаги луқмани бир амаллаб чайнаб, тиқилиб, бир-бирига суяниб – ўрнидан ирғиб туриб кетди: “Нима? Нима бўлди? Нима?” Қачонлардир тартибда бўлган буюк Машинанинг бўлаклари пастга, лифтларга – тўкилиб тушишни бошлади – зинапоялардан – зиналар – дукурлаган оёқ товушлари – узуқ-юлуқ сўзлар – худди

[58] Энг ривожланган бир ҳужайрали содда жонивор

парча-парча қилиниб юборилган ва шамолдан учириб юборилган мактуб сингари…

Худди шу тарзда, қўшни уйдагилар ҳам тўкилишни бошлади ва бир дақиқа сўнгра хиёбон – гўё микроскоп остидаги бир томчи сувдек: шаффоф томчи зиндонидаги инфузориялар саросимада ён томонга, тепага, пастга елиб учяптилар.

- Аҳа, - кимнингдир тантанавор овози – қаршимда гардан ва осмонга қаратилган бармоқ – сарғиш пушти рангдаги тирноқ ва тирноқ пастидаги оқ, бамисоли янги чиққан ой каби яримой, яққол эсимда.

Бармоқ гўёки компас эди: юзлаб кўзлар бу бармоққа эргашиб, осмонга қарадилар.

Дастлаб ҳеч ким бу нима эканлигини тушунмаётганди – ҳаттоки, бахтга қарши, қолганларга нисбатан кўпроқ нарса билган, кўрган, мен ҳам. Бу қора аэроларнинг улкан галасидек туйиларди: қаерлардадир жуда ҳам юксакда – аранг сезилаётган тезкор нуқталар. Тобора яқинлашиб келмоқда; тепадан бўғиқ, ҳиқилдоқ томчилари – ваниҳоят, бошларимиз узра қушлар. Осмонни ўткир, қора, кучли, тушаётган учбурчаклар тўлдирди; улар тўфон каби пастга тушарди; улар гумбазларга, томларга, устунларга, айвонларга қўнарди.

- Аҳа-а, - тантанавор гардан ўгирилди – ва мен ўша дўнгпешонани кўрдим.

Аммо эски ундан асар ҳам қолмаганди: у ўзининг абадий пешона шийпонидан чиққан ва унинг юзида – кўзлари ва лаблари атрофида – боғ-боғ нурлар ўсаётган эди – у кулаётганди.

- Тушуняпсизми, - шамол ҳуштаги, қанотлар, қағ-қағлашлар орасидан бақирди у менга. – Тушуняпсизми: Деворни – Деворни портлатиб юборишди! Ту-шун-яп-сиз-ми?

Орқа фонда бирваракайига кўзга ташланиб турган одамлар – бошларини чўзиб – уй ичкарисига шошиляпти. Кўприк ўртасида – тез ва, бир вақтнинг ўзида, секин (оғирлигидан) операциядан ўтганларнинг – ғарбга қадам ташлаётганларнинг – шиддатли оқими.

...Лаблар, кўзлар атрофидаги тукли нурлар боғлами. Мен унинг қўлидан ушлаб олдим:

- Менга қаранг: у қани – I қани? Девор ортидами – ёки... Билишим керак – эшитяпсизми? Дарҳол, эшитишим керак...

- Буерда, - бақирди у менга, гўё маст, қувноқ ҳолда – мустаҳкам сариқ тишлар... – У буерда, шаҳарда, ҳаракатда. Оҳо – биз ҳаракатдамиз!

Ким – бизми? Ким – менми?

Унинг олдида – у каби ўзларининг қоронғу пешона шийпонлари остидан чиққан, жарангдор овозли, қувноқ, мустаҳкам тишли – юзлаб одамлар бор эди. Очиқ оғизлари билан бўронни ютиб, кўринишидан ювош ва беозор электрокуторларни (уларни қаердан олдилар экан?) гоҳ у томон, гоҳ бу томон силкиб, улар ҳам ўша томон, ғарбга, операциядан ўтганлар орқасидан ҳаракатланардилар, аммо атрофлаб ўтиб – параллел бўлган 48-кўча бўйлаб...

Мен бўлса шамолдан тўқилган таранг арқонларга қоқилиб, у томон югурардим. Нега? Билмадим. Қоқилиб кетардим, бўм-бўш кўчалар, бегона, ёввойи шаҳар, тўхтовсиз, шод қушлар галаси, қиёмат. Деворлар ойнаси орасидан – бир неча уйларда (эсимда қолди): аёл ва эркак рақамларнинг шарм-ҳаёсиз – пардаларни ҳам тушурмай, пушти чипталарсиз, куппа-кундузи – қовушаётганларини кўрдим...

Уй – унинг уйи. Ланг очилган эшик. Пастда, назорат столи ортида – ҳеч ким йўқ. Лифт шахта ўртасида тўхтаб қолган. Мен, нафасим қайтиб, чексиз зина бўйлаб тепага югуриб кетдим. Даҳлиз. Тезда – ғилдирак кегайи сингари – эшикларда рақамлар: 320, 326, 330... I-330, ҳа!

Шишали эшик орасидан: хонадаги ҳаммаёқ сочилиб, тўнтарилиб, мижиғланиб ётибди. Шошилиб тушуриб юборилган стул – тескарисига, тўрт оёғини тепага қилиб – ўлиб қолган ит каби, тўнкарилиб ётибди. Каравот – қандайдир ғалати, девордан кўндалангига нарига сурилган ҳолда. Ерда – сочилиб, тепаланиб кетган пушти чипта япроқлари.

Эгилиб бир донасини олдим, кейин иккинчисини, учинчисини: ҳаммасида Д-503 – мен – эриб, қирралардан чиқиб кетган “мен”нинг томчилари эди. Қолган нарсалар бор-йўғи шу эди, холос...

Негадир уларнинг бу тарзда, ерда ётишлари, уларни тепалаб ўтиб кетишлари нотўғри эди. Мен яна бир сиқим чиптани олиб, стол устига қўйдим, эҳтиёткорлик билан силаб текисладим, қарадим – ва... кулиб юбордим.

Мен аввал буни билмасдим – аммо энди биламан ва сиз ҳам биласиз: кулгунинг турли хил ранглари мавжуд. У – биздаги портлашнинг олисдаги акс-садоси, холос: балки, у – байрамона, қизил, кўк, тилларанг, ракеталардир, балки – инсон танасининг тепага учиб кетган бўлакларидир.

Чипталарда менга умуман нотаниш бўлган исм кўзимга ташланди. Сонларни эслаб қолмадим – биргина ҳарфни: Ф. Барча чипталарни столдан ерга тушириб, уларни – ўзимни – эзиб юбордим – мана бундай, мана бундай – ва чиқиб кетдим...

Даҳлизда эшик рўпарасидаги токчада ўтириб, ҳануз ниманидир тентаклар каби, узоқ кутардим. Чап тарафдан қадам товушлари эшитилишни бошлади. Кекса чол: юзи – тешилиб кетгандек, бўм-бўш, қат-қат бўлиб кетган пуфак – ва тешикдан қандайдир шаффоф нарса секин пастга оқиб тушяпти. Бироз ўтиб, базўр тушундим: кўзёш томчилари. Қария узоқлашгандагина, эсим ҳушимга келиб, уни чақирдим:

- Менга қаранг – менга қаранг, рақам I-330 ни танийсизми?

Қария ўгирилиб, қўлини ноумид силкиб, оқсаб юриб кетди...

Оқшомда хонамга, уйимга қайтдим. Ғарбда қуёш ҳар сония оқ-кўк талвасага тушарди – ва у томондан жарангсиз гумбурлаган овоз келарди. Томларга сўнган қора сўхталар: қушлар сочилган.

Каравотимга ётдим – ва шу заҳотиёқ уйқу устимга, йиртқич ҳайвондек ташланиб, мени бўғишни бошлади…

Ўттиз саккизинчи қайд
Конспект:

**(Билмайман қандай конспект.
Балки, ҳаммаси бир конспект: ташланган папирос)**

“Уйғондим – ёруғлик, қарасам кўзим оғрияпти. Чирт юмиб олдим. Бошимда – қандайдир ачиштирувчи кўк тутун, ҳаммаёқ туманда. Туман ичидан:

“Ахир, мен чироқни ёндирмагандим-ку – қандай қилиб...”

Ирғиб ўрнимдан туриб кетдим – стол ортида, қўлини жағига тираб, истеҳзо билан менга қараб, I ўтирарди…

Ўша столда мана мен ҳозир бу қайдни ёзяпман. Таранг пружинага маҳкам боғланган бу ўн – ўн беш дақиқа АЛЛАҚАЧОН ортда қолди. Менга эса эшик энди ёпилгандек ва унинг орқасидан етиб олиш, қўлидан ушлаб олиш мумкиндек туйиляпти – ва, эҳтимол, у кулиб...

I стол ортида ўтирарди. Мен ўзимни у томон отдим.

- Сен, сен! Мен боргандим – мен хонангни кўргандим – мен ўйлабман-ки, сен...

Ярим йўлда ўткир, қимирламас киприклар найзаларига қоқилдим, тўхтадим. Эсладим: у ўшанда ИНТЕГРАЛда менга шундай қараганди. ...ва мана ҳозироқ, бир зумда унга – ишонарли қилиб – айтиб улгуришим керак – бўлмаса, ортиқ ҳеч қачон...

- Менга қара, I, мен сенга... мен сенга ҳаммасини... Йўқ, йўқ, мен ҳозир – сув ичиб олай...

Оғзим қуриб кетди, ҳаммаёққа шимғич қоғоз босилгандек. Сувни қуяр эканман, чидай олмай: стаканни стол устига қўйдим ва графинни икки қўлим билан маҳкам ушладим.

Энди кўрдим: кўк тутун – папиросдан. Уни лабларига олиб бориб, тортди, худди мен сувни қизғонганим каби – тутунни қизғониб, ичига ютди ва деди:

- Керак эмас. Индама. Нима бўлса ҳам – кўриб турибсан: мен барибир ҳам келдим. Пастда – мени кутишяпти. ...ва мен бизнинг сўнгги дақиқаларимиз...

У папиросни ерга улоқтирди, бутун бадани билан курсидан эгилди (деворда тугмача бор, унга эгилиб етиш қийинрок) – ва мен курси қимирлаб кетганини, ҳамда унинг икки оёқчалари ердан кўтарилганини эслаб қолдим. Сўнгра пардалар тушди.

Олдимга келиб, мени ўзига қаттиқ тортди. Унинг тиззалари кўйлаги орасидан – оҳиста, майин, илиқ, ҳаммаёқни буркаб олган заҳар...

Бирдан... Бутун баданим тотли, илиқ уйқуга кетар экан – бирдан нимадир санчилди ва сесканиб кетдим – кўзларимни яна катта-катта очдим... Худди ҳозирдек: унинг хонасида ерда топталиб кетган пушти чипталар, уларнинг бирида Ф ҳарфи ва аллақандай сонлар... Улар менда бир ўрам бўлиб қолди ва мен, ҳаттоки, бу ҳис қандай бўлганини тасвирлашга ожизман, аммо мен унинг баданини шу даражада қаттиқ қучоқладим-ки, у оғриқдан бақириб юборди...

Ушбу ёрқин-оқ болишдаги ўн ёки ўн беш дақиқадан яна бир дақиқа – орқага ташланган юмилган кўзли бош; ўткир, тотли тишлар тизмаси. Бу ҳолат сира ёдимдан чиқмай, тушунарсиз тарзда, оғриқ билан менга мумкин бўлмаган, ҳозир керак бўлмаган нарса ҳақида менга

эслатиб турарди. Мен уни янада мулойимроқ, янада қаттиқроқ қучоқлаяпман – бармоқларимдан қолган из тобора кўм-кўклашиб боряпти...

У (кўзларини очмай – буни пайқадим) деди:

- Айтишларича, кеча Валинеъмат олдига борибсан? Тўғрими?

- Ҳа, тўғри.

Ундан сўнг кўзлари мошдек очилиб кетди – ва мен роҳат билан, унинг юзи оқариб, йўқолиб кетишини кузатардим: биргина кўзлар.

Мен унга ҳаммасини айтиб бердим. ...ва фақат – нимагалигини билмайман... йўқ, ёлғон, биламан – бир нарсани айтмай кетдим – Валинеъмат мен уларга нима сабабдан кераклигимни айтгани ҳақида...

Аста-секин, худди тиниқлашган фотосурат каби, унинг юзи кўринишни бошлади: ёноқлари, оқ тишлар тизмаси, лаблари. У ўрнидан туриб, шкафнинг ойна эшиги олдига борди.

Оғзим яна қуруқшаб кетди. Сув қуйдим, аммо уни ичгим келмаётганди – стаканни столга қўйдим ва сўрадим:

- Сен шу сабабдан келдингми? Билмоқчи эканлигингданми?

Ойналардан менга – тепага, чаккагача кўтарилган, ўткир, истеҳзоли қошлар учбурчаги. У нимадир демоқчи бўлиб ўгирилди, аммо индамади.

Керак эмас. Биламан.

У билан хайрлашиш? Оёқларимни – бегона оёқларни – қимирлатдим, стулга тегиб кетдим – худди унинг хонасидаги ўлик стул каби, ағдарилиб тушди. Унинг лаблари совуқ эди – қачонлардир мана бу ердаги, каравотим олдидаги мана бу пол ҳам шундай совуқ эди.

У кетганида эса – мен ерга ўтириб, унинг ташлаб юборилган папироси устида эгилдим...

Ортиқ ёза олмайман – ёзгим келмаяпти!

Ўттиз тўққизинчи қайд
Конспект:

Тамом.

“Бўлиб ўтганларнинг барчаси, худди қўюқ эритмага ташланган сўнгги туз заррачаси эди: бир зумда, игналарга санчилиб, кристаллар тарқалишни бошлади, қотиб қолди. Мен тушуниб тургандим: ҳаммаси тамом – ва мен эртага эрталаб буни амалга ошираман. Бу, худди ўзимни ўлдириш каби, эди, аммо, балки, шундагина мен қайта тириларман. Негаки, жон ўлгачгина қайта тирила олади.

Ғарбда осмон ҳар сонияда кўм-кўк титроқда эди. Бошим ёниб, тарақларди. Шу ҳолда тун бўйи ўтирдим ва, зулмат ортга чекиниб, атроф яшил рангга киришни ва қушлар сепилган томлар кўринишни бошлаганда, соат еттига яқин, кўзим кетиб қолибди...

Уйғондим: соат ўн бўлибди (қўнғироқ чалмаган кўринади). Стол устида – кечадан қолган – стакан сув билан турарди. Энтикиб сувни ичдим ва югуриб кетдим: мен буни тезроқ, иложи борича тезроқ...

Осмон – чўлга ўхшаган, мовий ранг, бўрондан сўнг батамом нобуд бўлган. Шарпаларнинг тиконли бурчаклари, ҳаммаёққа кузги кўм-кўк ҳаводан нақш солинганди – нафис – қўл теккизгани ҳам қўрқади одам: тегиши биланоқ синиб, шиша қумдек сочилиб кетади. Менинг ичимда ҳам – шундай ҳолат: ўйлаш мумкин эмас, ўйлаш керак эмас, керак эмас, акс ҳолда –

...ва мен ўйламадим, ҳаттоки, балки, ростдан ҳам кўрмаётгандим, шунчаки, рўйхатдан ўтаётгандим. Ана кўприкда – қаердандир шохлар, яшил, қахрабо ранг, тўқ

қизил барглар. Ана тепада – қушлар ва аэролар кесишиб, учяпти. Мана – бошлар, очиқ оғизлар, шохларни силкиётган қўллар. Афтидан, улар бақиряпти, қағиллаяпти, ғувиллаяпти...

Сўнгра – қандайдир вабо супуриб кетган, бўм-бўш кўчалар. Ёдимда: жуда ҳам юмшоқ, майин ва ҳаракатсиз нимагадир урилиб кетдим. Эгилсам: мурда экан. У, аёл каби, букилган оёқларини очиб, белида ётарди. Юзи...

Мен унинг семиз, қора танлиларникига ўхшаган, худди ҳозироқ кулгу сачратиб юборадиган лабларни танидим. Кўзларини маҳкам юмиб, у менга қараб куларди. Бир сония – мен уни ҳатлаб ўтдим ва югуриб кетдим – чунки ортиқ чидай олмай қолдим, чунки мен ўйлаганимни тезроқ амалга оширишим керак эди, акс ҳолда – ҳис қилаётгандим – ортиқча юк ортилган релслар каби, синиб, эгилиб кетардим...

Бахтимга – йигирма қадам қолганди, ёзув кўрина бошлаганди – олтин ҳарфларда “Қўриқчилар Бюроси”. Остонада тўхтадим, ўпгамга сиғганча ҳавони ичимга ютдим ва ичкарига кирдим.

Ичкарида, даҳлизда – чексиз занжир каби, қоғозча ва қалин дафтарлар ушлаб олган рақамлар бирма-бир турарди. Аста-аста қадам ташлар, сўнгра – яна бир ва яна тўхтаб олар эдилар.

Мен занжир бўйлаб уёқдан-буёққа саросимада юришни бошладим, мен уларни енгларидан тортардим, мен уларни – бетоб одам бир зумдаёқ оғриқдан ҳалос этувчи малҳам сўраб ёлворгани сингари ёлворардим.

Униформасининг тепасидан маҳкам қилиб камар боғлаб олган, қандайдир аёл яққол чиқиб турган икки қуймуч

яримшарлари уёқдан-буёққа, худди айнан улар ўрнида унинг кўзлари бордек, ўтказарди.

- Унинг қорни оғрияпти! Уни ҳожатхонага олиб боринглар – ана, ўнгга иккинчи эшик...

Мени – кулгу босди: бу кулгудан, нимадир бўғзимга тиқилди ва мен ҳозир бақириб юбораман ёки... ёки...

Бирдан орқадан кимдир тирсагимдан ушлади. Мен ўгирилдим: шаффоф, қанотли қулоқлар. Аммо улар, доимгидек, пушти эмас, қирмизи эди: бўйнидаги қўштомоғи қимирларди – сал қолса, ингичка пўстлоқни тешиб юборади.

- Сиз нега буердасиз? – сўради у, менга бурма кўзларини тезкорлик билан бураб.

Мен унга ёпишиб олдим:

- Тезроқ – кабинетингизга... Мен ҳаммасини – ҳозироқ! Айнан сизлигингиз яхши бўлди... Айнан сизлигингиз, балки, даҳшатлидир, аммо бу яхши, яхши...

У ҳам I ни танирди ва бундан менинг дардим янада кучайиб борарди, аммо, эҳтимол, у ҳам буни эшитганда, сесканиб кетар ва биз иккимиз ўлдиришни бошлаймиз. Мен бу сўнгги сонияда ёлғиз бўлмайман...

Эшик ёпилди. Эсимда: эшик пастига аллақандай қоғозча ёпишиб қолди ва у, эшик ёпилганда, ерда қириларди, сўнгра, қалпоқ каби, қандайдир ажойиб, ҳавосиз сукунат босди. Агарда у бир дона бўлса ҳам сўз айтганда – қандай бўлиши аҳамиятга эга эмас – энг маъносиз сўз бўлса ҳам – мен ҳаммаёқни дарҳол силжитиб юборардим. Аммо у индамасди.

Қулоқларимда ғувиллашни бошлайдиган даражада ҳаяжонланиб, (унга қарамасдан):

- Менимча – мен ундан бошиданоқ, доимо нафратланардим. Мен курашгандим... Аслида – йўқ, йўқ, менга ишонманг: имконим бўлса ҳам, қутқарилишни хоҳламадим, мен нобуд бўлишни истадим, бу мен учун ҳамма нарсадан қимматли эди... яъни нобуд бўлиш эмас, у мени... Ҳаттоки, ҳозир ҳам – ҳаттоки, ҳозир ҳамма нарсани билганимда ҳам... Мени Валинеъмат чақирганини биласизми? Биласизми?

- Ҳа, биламан.

- Аммо У менга нима деганини... Тушунсангизчи – бу, худди оёғингиз остидан полни суғуриб ташлагандек – ва сиз буердаги, столдаги ҳамма нарса билан – қоғоз, сиёҳ билан... сиёҳ тўкилиб кетади ва ҳаммаёқ доғ бўлади...

- Олдинга, олдинга! Шошилинглар. Бошқалар кутиб турибди.

Ўшанда мен – нафасим қайтиб – буерда ёзилганларнинг ҳаммасини айта бошладим. Ҳақиқий ўзим, пахмоқ мен ҳақида ва унинг ҳалигинда қўлларим тўғрисида айтган гаплари ҳақида – ҳа, ҳаммаси айнан шундан бошланган – ўшанда мен қай даражада ўз бурчимни адо этгим келмагани, ўзимни қандай алдаганим, у қандай қилиб қалбаки гувоҳномалар олганини, мен кундан-кунга қандай англаб кетганимни, пастдаги даҳлизлар, Девор ортида қандай эканлиги ҳақида...

Буларнинг бари – беўхшов бўлаклар, парчалар – менинг нафасим қайтиб кетар, сўзлар етмас эди. Эгри, икки ёқлама букилган лаблар истеҳзо билан керакли сўзларни мен томон суриб бераётганди – мен миннатдорчилик билан бошимни қимирлатардим: ҳа, ҳа... Мана (нима бу?)

– менинг ўрнимга у гапиряпти, мен бўлса фақат тинглаяпман: “Ҳа, кейинчи... Худди шундай бўлганди, ҳа, ҳа!”

Эфирдан мана буерда совишни бошлаётганини сезяпман – атрофда дарвозалар ва зўрға сўраяпман:

- Аммо қандай қилиб... сиз буларни ҳеч қаердан...

У тиржайди – индамай – тобора қийшиқроқ... Сўнгра:

- Биласизми – сиз мендан бир нарсани беркитмоқчи бўлдингиз, мана сиз ҳозир Девор ортида кўрганларингизни бирма-бир санаб ўтдингиз, лекин биттасини унутиб қўйдингиз. Йўқ дейсизми? Уерда бир онга, бирров... мени кўрганингиз эсингиздами? Ҳа, ҳа: мени.

Жимлик.

Бирдан – мен чақмоқ каби, бошимдан оёғимгача, аниқ тушундим: у – у ҳам уларнинг... Борлиғим, азобларим, ҳолсизланиб, буерга қаҳрамонлик сифатида кўтариб келган ҳамма нарсаларим – худди Иброҳим ва Исмоил тўғрисидаги қадимги ҳангома сингари, кулгили. Иброҳим – совуқ тер босиб – ўғлига пичоқ тортмоқчи бўлади – пичоқни тепага кўтаради – бирдан тепадан овоз: “Керак эмас! Ҳазиллашдим...”

Тобора қийшиқлашиб бораётган масхараомуз кулимсиращдан кўзимни узмай, қўлим билан стол чеккасига суяниб олдим, аста, аста курси билан силжиб, сўнгра тезда – ўзимни бутунлай – қўлга олиб – бақиришлар, оғизлар олдидан – ўқ каби.

Пастга, ерости йўли станциясидаги жамоат ҳожатхонаси олдига қандай келиб қолганим эсимда йўқ. Тепада ҳаммаёқ ҳалоқ бўлаётганди, тарихдаги энг буюк ва онгли

цивилизация қулаётганди, буерда бўлса – кимнингдир киноясига кўра – ҳаммаёқ олдингидек гўзал қолаётганди. Ўйлаб кўринг-а: буларнинг бари – жазоланган, уларни ўт босиб кетади, улар тўғрисида биргина “афсоналар” ёзилади...

Мен баланд овозда инграб юбордим. Ўша он ҳис қиляпман – кимдир мени мулойимлик билан елкамдан силаяпти.

Бу, чап тарафимда ўтирган, қўшним эди. Пешонаси – катта кал парабола, пешонасида – сариқ тушуниб бўлмас ажин қаторлари. Бу қаторлар мен ҳақимда.

- Сизни тушунаман, яхши тушунаман, - деди у. – Аммо барибир ҳам, тинчланинг: керак эмас. Барчаси қайтади, албатта қайтади. Асосийси ҳамма менинг кашфиётим ҳақида хабар топиши керак. Бу ҳақида биринчи бўлиб сизга айтяпман: мен чексизлик мавжуд эмаслигини ҳисоблаб чиқардим.

Мен унга ваҳшиёна қараб қўйдим.

- Ҳа, ҳа, шундай: чексизлик йўқ. Агарда олам чексиз бўлса, унинг материясининг ўртача зичлиги нолга тенг бўлиши керак. У нолга тенг эмас экан – буни биз биламиз – демак. Коинот – албатта, сферик шаклда ва коинот радиусининг квадрати y^2 ўртача зичликнинг кўпайтмасига... Мен шуни – сон коэффицентини – ҳисоблашим керак, холос. Тушуняпсизми: ҳаммаси тугади, ҳаммаси осон, ҳаммасини ҳисоблаш мумкин; ва ўшанда биз файласуфона ғалаба қозонамиз, - тушуняпсизми? Сиз бўлса, муҳтарам Д-503, ҳисобимни чиқаришга ҳалал беряпсиз, сиз – бақиряпсиз...

Нимадан кўпроқ ҳайрон бўлганимни билмайман: унинг кашфиётиданми ёки унинг ушбу апокалипсик соат билан

боғлиқ бўлган қатъиятиданми: унинг қўлида (буни фақат энди кўрдим) ён дафтарчаси ва логарифмик циферблат бор эди. Тушундим: ҳамма нарса нобуд бўлса ҳам, менинг бурчим (сизнинг олдингиздаги, менинг нотаниш, севимли ўқувчиларим) – қайдларимни тамомланган ҳолда қолдиришдир.

Мен ундан варақ сўраб турдим – ва унга ушбу сўнгги мисраларни ёздим...

Нуқта қўймоқчи бўлиб тургандим – қадимгилар ўликларни кўмган чуқурлари устига хоч қўйгани сингари – бирдан қалам қимирлаб, қўлимдан тушиб кетди...

- Менга қаранг, - қўшнимни тортардим мен. – Менга қарасангизчи, сизга деяпман! Сиз менга – сиз менга жавоб беришингиз керак: сизнинг чегараси бор Коинотингиз тугаган жойда? Уердан кейин – нима бор?

У жавоб бериб улгурмади; тепадан – зиналардан – дукурларган оёқ товушлари…

ҚИРҚИНЧИ ҚАЙД
Конспект:

Далиллар. Қўнғироқ. Аминман.

“ Кун. Очиқ кун. Барометр 760.

Наҳотки мен, Д-503, мана бу икки юз саҳифани ёзган бўлсам?

Наҳотки мен қачондир буларни ҳис қилганман деб ўйлаганман ёки бу ҳақида ҳаёл сурганман?

Дастхат – меники. Қолганлари ҳам худди шундай ёзилган, бироқ – бахтимга, биргина дастхат меники. Ҳеч қандай бемаънилик, ҳеч қандай маъносиз метафоралар, ҳеч қандай ҳиссиётлар: биргина далиллар. Негаки мен соғломман, мен мутлақо, бутунлай соғломман. Мен жилмаймоқдаман – жилмаймаслигим имконсиз: бошимдан аллақандай зирапчани чиқариб юбордилар, бошим енгиллаб, бўшаб қолди. Аниқроғи: бўшаб эмас, ошиқча, ёт нарсалардан, жилмайишга ҳалал берувчи нарсалардан ҳоли бўлиб қолди (жилмайиш – нормал одамнинг нормал ҳолати).

Далиллар – шундай дейди. Ўша кечада, Коинотнинг чегарасини кашф қилган, қўшнимни, мени, биз билан бўлган ҳаммани яқин атрофдаги аудиториумга (аудиториум рақами негадир таниш: 112) олиб бордилар. Уерда бизни столларга боғлаб, Буюк Операциядан ўтказишди.

Эртаси куни мен, Д-503, Валинеъмат ҳузурига бордим ва унга бахт душманлари ҳақида билганларимни қолдирмай айтиб бердим. Нега энди аввал бу иш менга машаққатли бўлиб туйилди экан? Тушунарсиз. Ягона изоҳ: менинг аввалги касаллигим (қалбим).

Ўша куни кечки пайт – У билан, Валинеъмат билан бир стол атрофида – мен биринчи марта машҳур Газ Хонада ўтиргандим. Ўша аёлни олиб келишди. Менинг олдимда у гувоҳлик бериши керак эди. У аёл ўжарлик билан индамас ва жилмаяр эди. Мен унинг тишлари ўткир ва оппоқ эканлигига ва бу жуда ҳам чиройлилигига эътибор бердим.

Сўнгра уни Қўнғироқ остига олиб боришди. Унинг юзи қор каби оқариб кетди, кўзлари қора ва катта-катта бўлгани сабабли, бу жуда ҳам чиройли кўринарди. Қўнғироқдан ҳавони насос билан тортиб олишни бошлаганларида – у бошини ортга ташлади, кўзларини ярим юмди, лабларини маҳкам қисди – бу менга ниманидир эслатиб юборди. У, курсини маҳкам ушлаб олиб, менга қараб турарди – кўзлари ўзлари юмилиб кетмагунга қадар қараб турди. Кейин уни чиқариб, электродлар ёрдамида ҳушига келтириб, яна Қўнғироқ остига ўтказишди. Бу уч марта қайтарилди – у ўшанда ҳам ҳеч нима айтмади. Бу аёл билан олиб келинган бошқалар тўғрисўзроқ бўлиб чиқди: уларнинг кўпчилиги биринчи мартадаёқ гапиришни бошлади. Эртага уларнинг ҳаммаси Валинеъмат Машинаси зиналаридан чиқади.

Ортга қўйиб бўлмайди – чунки ғарбий кварталларда – ҳануз тартибсизлик, бақир-чақирлар, мурдалар, ҳайвонлар ва – афсуски – онгига ҳиёнат қилган бир қанча рақамлар.

Аммо кўндаланг тарафдаги, 40-хиёбонда юксак волтли тўлқинлардан иборат бўлган вақтинчалик Девор барпо этишга эришдик. Умид қиламан-ки – биз ғалаба қозонамиз. Бунданда зиёди: мен аминман – биз ғалаба қозонамиз. Негаки онг ғалаба қозониши керак.
1920

Евгений Замятин
БИЗ